
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси

**ЖАМИЯТ
ВА
БОШҚАРУВ**

4-сон, 2014

1997 йилдан чиқа бошлаган.
Йилда тўрт марта чиқади.

Тошкент – 2014

ЖАМИЯТ ВА БОШҚАРУВ

Бош муҳаррир:

Абдувахитов А.А.

Таҳрир ҳайъати:

Абдуллаев Ш.М.

Бақоев М.Т.

Бегматов А.С.

Жалилов А.Т.

Магзумова Ш.Ш.

Маликова Г.Р.

Муҳаммаджанов О.З.

Рахимова Д.Н.

Собиров А.Т.

Содиқов А.М.

Тошматов Ш.А.

Турсунмуратов Т.М.

Хамедов И.А.

Ҳамдамов А.Қ.

Қуранбаев Қ.Қ.

Ҳакимов О.А.

Таҳририят:

Рустамов Б.М.

(масъул муҳаррир)

Мусахҳиҳлар:

Азизова Г.Т.

Ҳакимов К.Х.

Саҳифаловчи:

Йўлдошев А.Ж.

Муқова дизайнери:

Тўйчиев Л.Ф.

Муассис:

Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат

бошқаруви академияси

Журналимиз Республика Олий
Аттестация комиссияси томонидан
ижтимоий фанлар йўналиши бўйича
олиб борилаётган илмий тадқиқот-
ларнинг натижалари асосида ёзила-
диган илмий мақолаларни нашр
этишга тавсия этилган оммавий
ахборот воситалари жумласига
киритилган.

Таҳририят манзили:

100003, Тошкент,

Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45

Мурожаат учун телефон:

232-60-50 232-60-78

E-mail: journal@dba.uz

RustamovB@dba.uz

Буюртма:

ISSN 2181-7340

Журнал Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
0201-сон билан рўйхатга олинган.

Мақолаларда келтирилган иқтибослар, далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг аниқлиги
учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба кўрсатилиши шарт.

Мундарижа

Содержание

ДАВЛАТЧИЛИК АЛГОРИТМИ

Алгоритм государственности5

БОШҚАРУВ НАЗАРИЯСИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Теория и методология управления

Хамрахуджаев Н., Мурзаев Ш. Акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиялаштиришга назарий ёндашувлар ва таҳлил 16

Mukhitdinov, Z. Rakhimov, F. Yuldashev, O. The impact of unified social payments on employment and enterprise financial performance in Uzbekistan 28

ИННОВАЦИЯЛАР: ТЕХНОЛОГИЯ, БОШҚАРУВ, ГЛОБАЛЛАШУВ

Инновации: технология, управление, глобализация

Ражаббаев Ш., Аминов Ф. Криптовалюталарнинг марказий банклар монетар сиёсатига таъсири42

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ИЖТИМОИЙ РЕСУРСЛАР

Гражданское общество и социальные ресурсы

Йўлдошев А. Маҳаллий сайловларда сиёсий партиялар томонидан номзод кўрсатишнинг ўзбек моделини яратиш масалалари 56

Реймова З. Место органов самоуправления граждан в системе публичного управления 62

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Правовые аспекты государственного управления

Нематов Ж. Ўзбекистон Республикасида маъмурий процедуранинг ҳуқуқий муаммолари69

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ: ТАРИХ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Государственное управление: история и современность

Буриева Х. Тошкент жой номларида тарихийликнинг ифодаланиши82

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Зарубежный опыт

Султонов А. Хорижий мамлакатларнинг экологик хавфсизлик борасидаги иш тажрибаси88

ЭКСПЕРТЛАР ТАҲЛИЛИ

Экспертный анализ

Сафаев Н. Маданиятлараро коммуникациянинг долзарб муаммолари99

Ниязова Н. Ҳукуматда гендер тенгликни таъминлашнинг хорижий тажрибаси104

Нурмухамедов А. Достижение баланса общественных интересов: от античности до нового времени (вопросы теории и методологий)110

НУҚТАИ НАЗАР

Точка зрения

Хамедов И. О достижениях, проблемах, возможностях и перспективах дальнейшей демократизации, либерализации и модернизации системы государственной власти и управления в Узбекистане 120

ХОРИЖИЙ АДАБИЁТЛАР ҚИСҚАЧА ШАРҲИ

Дайджест зарубежной литературы130

ТАҚРИЗЛАР

Рецензии141

АКАДЕМИЯНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИДАН

Из научной жизни Академии146

МЕТОДИК КАБИНЕТ

Методический кабинет150

ДАВЛАТЧИЛИК АЛГОРИТМИ

АЛГОРИТМ ГОСУДАРСТВЕННОСТИ



***Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган
тантанали маросимдаги маърузасидан***

...Муҳтарам дўстлар!

Жаҳон тарихи барчамизга бир ҳақиқатни доимо эслатиб туради - ҳаётимиз тараққиёти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, ҳудди шу каби жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва янгिलाш бир мўддатлик иш эмас, балки мунтазам давом этадиган узлуксиз жараёндир.

Айниқса, бугун биз XXI асрда - интеллектуал меҳнат бирламчи аҳамият касб этаётган глобаллашув ва интернет асрида яшаётганимизни ҳисобга оладиган бўлсак, жаҳон бозорида рақобат курашининг миқёси ва кескинлиги тобора ортиб бораётгани бу ҳақиқатни яна тасдиқлаб бермоқда.

Бундан қандай хулоса чиқариш керак?

Жавоб битта: бундай шароитда фақат эришган ютуқлари билан чекланиб қолмасдан, жадал ўзгариб бораётган давр билан ҳамнафас бўлиб қадам ташлайдиган мамлакатгина ўз эзгу мақсадларига эришиши мумкин.

Ҳаётнинг ана шундай қатъий талабини қайд этган ҳолда, биз танлаган мақсад, яъни тараққий топган давлатлар қаторига кириш, халқимиз ва келажак авлодимиз учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш, халқаро ҳамжамиятда юксак обрў-эътиборга сазовор бўлиш йўлида биз амалга оширган ишларимиз эзгу ниятларимизга эришишнинг фақатгина бир қисми эканини англаб олишимиз даркор.

Шунинг учун ҳам қўлга киритилган ютуқлар билан чегараланмасдан, хотиржамлик ва ҳаволаниш кайфиятига берилмаслигимиз, аксинча, янги марралар сари интилишимиз, доимо изланиб яшашимиз, тараққиёт ва янгиланиш йўлидан изчиллик билан янада илгарилаб боришимиз зарур.

Ана шу фикр ва хулосалардан келиб чиққан ҳолда, 2010 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма йиғилишида Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини, бошқача қилиб айтганда, ўзимизнинг узоқ ва давомли муддатга мўлжалланган стратегиямизни қабул қилдик, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўтган давр мобайнида Концепцияда белгилаб берилган 27 та қонун, ўнлаб меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётимизга татбиқ этилмоқда.

Шулар қаторида, аввало, ҳар қандай демократиянинг асосий шартини бўлмиш ҳокимиятлар бўлинишининг конституциявий принциплари асосида туб демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш бўйича ўзининг кўлами ва маъно-мазмунига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Натижада Конституциямизга давлат ҳокимиятининг асосий субъектлари – мамлакат Президенти, парламенти, ҳукумати ва суд ҳокимияти ўртасида ваколатлар тақсими ва оптималлаштиришни таъминлашга қаратилган тузатиш ва ўзгартиришлар киритилди.

Ушбу тузатишлар ва улар асосида қабул қилинган қонунлар давлат ҳокимияти органлари тизимида Олий Мажлиснинг роли ва аҳамиятини сезиларли даражада кучайтирди, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда мамлакатимиз олий қонунчилик органининг имкониятларини кенгайтирди. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишининг принцип ва тартибини ўзгартирилди, ҳукуматнинг ваколатлари янада кенгайтирилди, унинг парламент олдида, жойлардаги давлат бошқаруви органларининг Халқ депутатлари кенгашлари олдидаги масъулияти оширилди.

Конституциявий қонунчиликка Бош вазир лавозимида номзодни Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия томонидан таклиф этилиши каби муҳим институтлар киритилди.

Конституцияда парламентнинг ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи, барча ҳокимият тармоқларининг ҳуқуқлари тенглиги ва мутаносиблигини таъминлашга қаратилган бошқа кўплаб қонунларга аниқлик киритилди.

Бош қомусимизда парламент ва жамоатчилик назорати институти, уни амалга ошириш механизмларининг мустаҳкамлангани ҳам ҳокимиятни демократик модернизация қилишда улкан аҳамият касб этди.

Сиёсий партияларнинг етуклик даражаси, фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётгани, ҳеч шубҳасиз, ушбу конституциявий ислохотларнинг энг муҳим асоси, уларни амалга оширишнинг ҳал қилувчи шартини ва гаровига айланмоқда.

Дастлабки тергов ва суриштирув жараёнида фуқароларнинг процессуал ҳуқуқларига риоя этилиши устидан суд назоратини кучайтиришга доир комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Судда жиноий ишларни кўриб чиқишда қонунийлик, адолатни таъ-

минлашининг ушибу самарали механизмини изчил ривожлантирган ҳолда, "Хабмас корпус" институтини қўллаш доираси кенгайтирилди.

Илгари бу институт фақат қамоқда сақлаш каби процессуал мажбурият чораларига нисбатан қўлланганини эслатиб ўтмоқчиман. Эндиликда шахсни лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш ҳам фақат судьянинг санкцияси асосида амалга оширилиши мумкин.

Умумий юрисдикция судларининг таркибий тузилмаси ва фаолиятининг ташкилий асосларини такомиллаштириш, уларнинг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, суд ходимларини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар ҳам муҳим аҳамият касб этди. Ишларни кўриб чиқиш сифатини ошириш ва муद्датларини қисқартириш мақсадига фуқаролик судлари сони кўпайтирилди, судья лавозимига номзодларга қўйиладиган талаблар кучайтирилди.

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш бўйича амалга оширилган демократик ўзгаришлар фуқароларнинг ахборот олиш ва уни тарқатиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг мустақиллигини мустаҳкамлашга, мамлакатни демократлаштириш жараёнларида уларнинг ролини оширишга хизмат қилмоқда.

Кенг миқёсда ўтказилган ҳуқуқий тажриба якунлари асосида жорий 2014 йилда қабул қилинган, халқаро экспертлар ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотган ва юксак баҳоланган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун, ҳеч шубҳасиз, қабул қилинаётган қарорлар сифати учун ҳокимият ва бошқарув органлари масъулиятини оширганлини таъкидлашни истардим.

Юртимизда оммавий ахборот воситалари сони жадал ўсиб бормоқда. Бугунги кунда уларнинг сони 1991 йилга нисбатан 3,5 баробар, жумладан, газеталар 2,5 марта, журналлар эса 3,5 карра кўпайди.

Сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида ҳам чуқур демократик ўзгаришлар амалга оширилди.

Асосий қонунимизнинг 117-моддасига киритилган сўнгги тузатишларга мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясини демократик асосда шакллантириш тизими ва шунингдек, унинг асосий фаолият принциплари конституциявий жиҳатдан мустаҳкамланди, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловларни ташкил этиш учун масъул бўлган сайлов органларининг бутун тизими мустақиллигининг кафолатлари кучайтирилди.

Ишончим комил, сайлов қонунчилигига киритилган, сайлаш эркинлиги ва ўз хоҳиши-иродасини эркин билдириш борасидаги конституциявий тамойилни амалга оширишга қаратилган ана шундай ва бошқа қатор ўзгариш ва қўшимчалар шу йил 21 декабрь кунин Олий Мажлисга ҳамда маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган депутатлар сайловини Конституциямиз ва сайлов қонунчилиги ва ўз-ўзидан равшанки, халқаро демократик қонунчилик талабларига тўла мос тарзда ўтказиш имконини беради. Бунга ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Сўнгги йилларда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар нодавлат нотижорат ташкилотларини рўйхатга олиш, уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини тубдан соддалаштиришни таъминлади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштирди.

Фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, уларнинг сиёсий онги ва тафаккурини юксалтириш, ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш, ишга жойлаштириш, аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш ва бошқа соҳаларда уларнинг роли янада ошди.

Бугунги кунда мамлакатимизда жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида 8 минг 100 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Бу 2010 йилга нисбатан 1,6 марта кўпдир.

Иқтисодий демократлаштириш ва эркинлаштириш соҳасида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини яратишга

алоҳида эътибор қаратилди. "Тағбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида", "Рақобат тўғрисида", янги таҳрирдаги "Тағбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тағбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур рухсат бериш тартиб-таомилларининг рўйхати ва турлари изчил қисқартирилди.

Кейинги йилларда рухсат беришга оид тартиб-таомилларнинг 160 дан ортиғи ёки 44 фоизи, лицензиялаш талаб қилинадиган фаолиятнинг 19 тури ёки 25 фоизи бекор қилинганини айтишнинг ўзи кифоя, деб ўйлайман. Тағбиркорлик субъектлари томонидан давлат органларига тақдим этиладиган статистика, солиқ ва молиявий ҳисоботларнинг шакли ва даврийлиги 1,5-2 марта камайтирилди.

Тағбиркорликнинг миллий анъана ва урф-одатларимизга тўла мос келадиган янги шакли - оилавий бизнесни ривожлантириш учун кенг шарт-шароитлар яратилди.

Ҳурматли мажлис қатнашчилари!

Бугунги кунда дунёда соғир бўлаётган воқеаларни ҳолисона баҳолар эканмиз, кескинлик ва хавф-хатарларнинг тобора ўсиб, геосиёсий қарама-қаршилиқлар, ўз таъсир доирасини кенгайтиришга қаратилган курашнинг кучайиб бораётгани, радикализм, терроризм ва экстремизм каби таҳдидлар бизни ташвишга солмасдан қўймайди, албатта.

Глобал маконда молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётгани, товар бозорларида талабнинг кескин камайиб бораётгани ва конъюнктуранинг беқарорлиги кўпгина давлатларда иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайишига, инвестиция фаоллигининг сусайиши ва четга капитал чиқиб кетишининг кучайишига олиб келмоқда.

Мана шундай кескинлашув ва жаҳон бозоридаги ноаниқ вазият кейинги йилларда ҳам давом этиши мумкин. Ўз-ўзидан аёнки, кутилаётган барча салбий ҳолатларнинг олдини олиш, уларни бартараф қилиш учун барчамиздан ҳушёрлик, сезгирлик, сафарбарлик ва режаларимизга, аввало, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш талаб қилинади.

Бугунги кунда яқин ва узоқ атрофимизда, бутун жаҳон миқёсида сиёсий, иқтисодий вазият тобора кескинлашиб бораётганини инобатга олган ҳолда, энг муҳим устувор вазифаларимиз қаторида иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни узлуксиз техник ва технологик янгилаб бориш, замонавий ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этишни асосий мақсадимиз сифатида кўришимиз керак.

Албатта, Ўзбекистонда мустақил тараққиётимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ишлаб чиқаришни таркибий янгилаш, уни замонавий ва юқори технологиялар асосида жадал ривожлантириш масаласига жиддий эътибор қаратилганини қайд этиш ўринлидир.

Биз учун мутлақо янги бўлган тармоқлар ва юқори технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналари бутунлай янгитдан ташкил этилди. Ҳозирги кунда бу корхоналарнинг тайёр маҳсулотлари жаҳон бозорида муносиб ўрин эгалламоқда.

Бу борада гап автомобилсозлик саноати, жумладан, енгил автомобиллар, юк ва махсус машиналар, двигателлар ва асосий бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш ҳақида, шунингдек, янги моделдаги хорижий техникаларни ўзлаштириш негизига замонавий қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, нефть-кимё ва нефть-газ саноатини ривожлантириш, темир йўл вагонлари, маиший электроника, фармацевтика ва микробиология тармоқлари ҳақида бормоқда.

Айнан туб таркибий ўзгаришлар, юқори технологияларга асосланган янги ва замонавий корхоналарни барпо этиш, фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларини кенг миқёсда янгилаш ва модернизация қилиш борасида пухта ўйланган стратегия тўғрисида мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотига саноатнинг улуши 1991 йилдаги 14 фоиздан бугунги кунда қарийб 25 фоизга ўсди. Айни пайтда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг улуши 34 фоиздан 17 фоизга камайди.

Ҳеч шубҳасиз, биз бу ишларни асло сусайтирмаслигимиз, инвестиция сиёсати ва дастурларимизни ҳам ана шу мақсадларга мос ҳолда амалга оширишимиз даркор.

Ишлаб чиқараётган маҳсулотлари бугун халқаро бозорда, эртага эса ички бозорда ҳеч қандай қизиқиш уйғотмайдиган эски ишлаб чиқариш қувватларидан воз кечиш, иқтисодий тараққиётимизнинг локомотивлари бўлган замонавий корхоналар ва юқори технологияларга асосланган комплексларни барпо этиш билан бирга, етакчи тармоқ ва зарур инфратузилмаларни модернизация қилиш бўйича чуқур ва пухта ўйланган дастурларни изчил амалга ошириш керак.

Бизнинг жаҳон экспорт бозорига мустаҳкам ўрин олишимиз учун, мамлакатимизда молиявий ва иқтисодий барқарорликни, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини таъминлаш учун ишончли замин яратиш берадиган, бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган энг зарур сиёсат ана шундан иборат.

Бир сўз билан айтганда - сифати паст, нархи баланг маҳсулотга йўл қўймаслик керак.

Бизнинг эътиборимиз марказига туриши керак бўлган энг муҳим масалалардан яна бири - бу Конституциямизга мувофиқ кўп тармоқли иқтисодиётимизнинг устувор соҳалари бўлмиш хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни тез суръатлар билан ривожлантириш йўлидан барча ғов ва тўсиқларни йўқ қилиш, уларнинг эркинлигини таъминлашдир.

Ҳозирги вақтда айни мана шундай ўта долзарб масаланинг кун тартибига кескин қўйилиши, ҳеч шубҳасиз, шу залда ўтирган мулкдорлар, кичик бизнес эгалари ва хусусий тадбиркорлар, умуман, бутун халқимизнинг руҳини кўтаришга, эртанги кунга янада катта ишонч билан қарашига асос беради, десам, сизлар бунга қандай қарайсиз?

Ўтган йиллар давомида хусусий мулк ва инвестициялар дахлсизлигини ҳимоя қилишга қаратилган ишончли меъёрий-ҳуқуқий асослар яратиш, хусусий мулкдорлар учун зарур шароит ва кафолатлар туғдириб бериш бўйича кўп ишлар қилинди.

Шу йиллар мобайнида иқтисодиётимизнинг турли тармоқларидаги давлат мулки ҳисобланган - шунга эътибор беринг - 31 мингдан зиёд корхона хусусий мулкдорлар ва акциядорлар ихтиёрига берилди.

Қишлоқ хўжалиги, савдо, хизмат турларининг барчаси ва бошқа кўплаб тармоқлар деярли тўлиқ хусусий мулк соҳасига ўтказилди.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқараётган тўқимачилик, трикотаж, чарм-пойабзал, озиқ-овқат, фармацевтика, мебель саноати, уй-жой секторига давлат мулкининг улуши кескин камайди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг айнан ана шундай соҳа ва тармоқларида ўсиш суръатлари ва меҳнат унумдорлиги бошқа тармоқларга қараганда барқарор равишда юқори бўлиб келмоқда.

Хусусий секторнинг улуши ахборот-коммуникация технологиялари ва хизматлари, мобиль алоқа тармоқлари, қурилиш ишлари ва бошқа соҳаларда ҳам юқоридир. Бу эса, ўз навбатида, кўп нарсадан далолат беради.

Шундан яна бир хулоса чиқиши даркор. Яъни, биз иқтисодиётимизда давлатнинг улуши ва ўрни қандай бўлишини танқидий кўз билан баҳолаб, уни стратегик ҳамда иқтисодий асосланган даражага қадар қисқартиришимиз лозим.

Бу борада маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг ҳамон сақланиб қолаётган ҳар қандай шаклларидан воз кечиш, давлат органлари, бизнес ва хусусий сектор ўртасидаги вазифаларни аниқ белгилаб қўйишимиз, савдо операцияларини асосан биржа орқали амалга ошириш тизимига ўтишимиз зарур.

Корпоратив ёки акциядорлик бирлашмалари фаолияти самарадорлигини танқидий баҳолаш ҳам ғоят жиддий эътиборни талаб қилмоқда. Ривожланган давлатларда, айниқса, саноат ишлаб чиқариш соҳасида, мулкчиликнинг ана шу шакли асосий ўрин эгаллайди.

Бу борадаги амалий тажрибамиз шуни кўрсатдики, Ўзбекистонда маҳаллий акциядорлар билан бирга чет эллик инвесторларнинг ҳам акцияларга эга бўлаётгани мулкчиликнинг энг мақбул ва ўзини оқлаётган шаклидир.

Ҳозирги вақтда юртимизда 90 дан ортиқ мамлакатнинг хорижий капитали ишти-рокида ташкил этилган 4 мингдан зиёд корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Бундай самарали лойиҳалар ҳақида гапирганда, машинасозлик соҳасида АҚШнинг "Женерал моторс", Германиянинг "МАН", "Клаас", Япониянинг "Исузу" компаниялари, нефть-газ соҳасида Жанубий Кореянинг "Лотте кемикал" ва "Когаз" компаниялари, кимё саноатида Испаниянинг "Максам" компанияси, тўқимачилик саноатида Сингапурнинг "Индорам", Жанубий Кореянинг "Дэу текстиль", "Янг вон", Швейцариянинг "Ритер" компаниялари, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида Хитойнинг "Хуавей" ва "ЗТЕ", озиқ-овқат саноатида Швейцариянинг "Нестле" компанияси, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда Германиянинг "Кнауф", Хитойнинг "Пенг Шенг", фармацевтика саноатида Швейцариянинг "Нобель" компаниялари ва шунингдек, бошқа кўплаб хорижий инвесторлар иштирокида ташкил этилган қўшма корхоналар ҳақида сўз юритиш мумкин.

Дунёда ном қозонган бундай компаниялар билан олиб бораётган ҳамкорлигимиз қисқа вақт ичиде иқтисодий юртимиз тармоқларини тубдан модернизация қилиш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва унинг турини кўпайтириш, жаҳон бозорларига рақобатдош янги маҳсулотлар билан чиқиш имконини бермоқда.

"Навоий", "Ангрен" ва "Жиззах" маҳсус иқтисодий зоналарини ташкил этиш ҳисобидан чет эллик инвесторлар билан йўлга қўйган ҳамкорлигимиз ўзининг юксак самарасини кўрсатмоқда.

Энг муҳими, Ўзбекистонда маҳаллий ва чет эллик инвесторлар нафақат маблағ сарфлаб, даромад олмақда, балки корхоналарни биргаликда бошқармоқда, хорижлик муассислар қўшма корхонага, аввало, илғор технологияларни олиб кирмоқда, ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этиш ва бошқаришни жорий қилмоқда.

Бу борадаги тажриба ҳамкорликнинг айнан мана шу шакли энг кўп самара бераётгани ва энг яхши истиқболга эга эканини кўрсатмоқда. Биз бундай корхоналар фаолиятини имкон қадар кенгайтиришга тайёرمىз.

Юқорида баён қилинган фикрларни умумлаштирган ҳолда, шуни таъкидлаш керакки, иқтисодий тармоқларида давлат улушининг мавжудлиги ва самарадорлигини, бошқача айтганда, "иқтисодий давлат"нинг родини кенг миқёсда танқидий таҳлил қилиш ва шу асосда хусусий секторнинг иқтисодий тармоқларидаги иштирокини сезиларли равишда кенгайтириш бўйича янги чора-тадбирларни белгилаш вақти келди.

Бундай корхоналардаги давлат улушини хусусий секторга, жумладан, янги инвесторларга, улар томонидан ана шу корхоналар негизига замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш мажбуриятини қабул қилиш шарти билан ноль қийматида сотиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, демократик ва бозор ислохотлари йўлидаги изчил ҳаракатларимизнинг мантиқи биздан доимо илгарилаб боришни талаб этаётганини таъкидлаш лозим. Бу борада жаҳон бозорида кескин рақобат кучайиб бораётгани ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки бундай вазият Ўзбекистонда хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун уларнинг йўлидаги, шуни яна таъкидлаш керак, ҳар қандай қаршилиқни олиб ташлашни долзарб вазифа қилиб қўймоқда.

Бу вазифаларни амалга ошириш, ўз навбатида, биз мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамиятининг ишончли таянчи ва пойдевори деб биладиган ўрта синф – мулкдорлар синфини шакллантириш ва унинг мавқеини мустаҳкамлаш учун янги рағбатлантирувчи омиллар ва истиқболларни яратиб беради, деб айтишга барча асосларимиз бор...

5 декабрь, 2014 йил.
Тошкент.

**Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган
тантанали маросимдаги маърузаси билан танишиб чиққан
мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари**

Маликова Гулчеҳра, *юридик фанлар доктори, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедре мудири.*

Демократик жамият қурилаётган ҳар бир давлатда сайловлар энг муҳим сиёсий институт бўлиб, у мамлакатнинг келгуси ривожланиш истиқболларини белгилайди. Давлат ҳокимияти органларини эркин сайлов йўли билан шакллантириш давлатдаги конституциявий тузумнинг демократиянинг устувор принципларига асосланганлигини намоён этувчи кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам Ўзбекистонда демократиянинг асосий талаби - кишиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши, яъни эркин сайловларга алоҳида эътибор қаратилади.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказилган сайловларда мамлакатимиз сайловчиларининг ўз хоҳиш-иродасини билдиришидаги эркинлик ва ихтиёрийлик принциплари қай даражада намоён бўлганини кузатишимиз мумкин. Сайловларда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролардан 18 миллион 490 минг 245 нафар киши (сайловчиларнинг 88,94 фоизи) қатнашди.

Замонавий сайлов жараёни ва миллий сайлов ҳуқуқи соҳасидаги янгиликлар моддий, процессуал норма, юридик институтлар мазмунини белгилаб беради. Бундай шарт-шароитларда Республикамиз фуқароларининг актив ва пассив сайлов ҳуқуқини амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш усули ҳам сифат жиҳатидан янгича мазмун касб этади. Бу ҳол замонавий сайлов жараёнининг сиёсий-ҳуқуқий табиатини тушуниб олиш лозимлигини аниқлатади.

Замонавий сайлов жараёнлари фақат маъмурий-технологик жараён эмас, балки ўзаро рақобатчиликка асосланган, ошқора амалга ошириладиган оммавий жараён ҳамдир. Сайлов жараёни доирасида сайловчи фуқаронинг хоҳиш-иродаси амалга ошади, сиёсий ҳуқуқ субъектлиги кенгайди, ижтимоий ҳокимият ва бошқарувга оид сайлов институтлари фаолиятининг қонунийлиги ўз тасдиғини топади.

Фикримизни фактик материал ёрдамида изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов бўйича тузилган 135 та сайлов округидан 127 тасида битта депутатлик мандати учун 4 нафардан номзод, 8 тасида 3 нафардан номзод кураш олиб борди. Республикамизнинг 22 та округида такрорий овоз бериш ўтказилди. Мазкур 22 та округ кесимида амалга оширилган такрорий овоз бериш жараёнида сайловчилар рўйхатига киритилган 3 миллион 434 минг 345 нафар фуқаролардан 2 миллион 642 минг 63 нафар ёки 76, 9% фуқаролар иштирок этди. Ўзбекистон Республикасида пропорционал тартибда амалга ошириладиган сайловларнинг легитимлигини тасдиқлаш учун жараёнда иштирок этиши шарт бўлган сайловчиларнинг минимал даражасини ифодаловчи кўрсаткичларнинг белгилаб қўйилиши бир тарафдан, давлатимиздаги осойишталик, барқарорлик ва фуқароларимизнинг эртанги кунга ишонч ҳисси мавжудлигидан, иккинчи тарафдан, сайлов жараёни субъектлари, айниқса, сайлов комиссияларининг ўз вазифаларини тўғри ташкиллаштирганлигидан далолат беради.

Овоз бериш натижаларига кўра, жами 135 та сайлов округида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Тадбиркор ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан 52 нафар, Ўзбекистон "Миллий тикланиш"

демократик партиясидан 36 нафар, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 27 нафар ва Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясидан 20 нафар депутатлар сайланди.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, 21 декабрь куни Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Конференциясида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати сайланди. Сайланган депутатларнинг 24 нафари ёки 16 фоизи хотин-қизлардир.

Сайланган депутатларнинг 40 нафари ёки 27 фоизи илгари Қонунчилик палатаси депутати бўлган. Бу депутатларнинг ўз сайловчилари ишончига сазовор бўлганлигини тасдиқлайди.

Кўп миллатли мамлакатимиз фуқароларининг ўзаро тинч яшаётганлиги ва миллий тотувлигини таъминлашга хизмат қилувчи конституциявий принципнинг амалдаги ифодаси сифатида депутатлар корпуси таркибида ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, корейс миллатларининг вакиллари борлигини эътироф этишимиз мумкин.

Ҳозирги шарт-шароитда "сайлов жараёни" тушунчаси сайловларни бир тизимга солиш ва уйғунлаштиришга йўналтирилган ҳуқуқ ижодкорлигининг йўлга қўйилиши, сайлов ҳаракати ва тартибларини амалга оширишнинг юридик шакл ҳамда услубларининг унификацияланиши, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалаларига эътибор қаратилиши ҳисобига янада бойида.

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, ўтган сайловларда 8 минг 311 нафар сайловчи муддатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаланди. Шу билан бир қаторда, хорижий мамлакатларда истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг овоз бериш жараёнида иштирокларини таъминлаш учун турли давлатларда 44 та сайлов участкаси ташкил этилди.

Иккинчидан, сайловолди ташвиқотларини қонун доирасида амалга ошириш ва сиёсий баҳслар воситасида ушбу жараёни ташкил этишни таъминлашга эришилди.

Учинчидан, сайловчи ва сайлов жараёни ташкилотчиларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш билан боғлиқ мақсадли дастур тадбирлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Чунончи, мазкур йўналишда оммавий ахборот воситалари орқали сайлов масалаларига бағишлаган илмий мақолалар чоп этилди, видео дарслар уюштирилди, туркум давра суҳбатлари ўтказилди. Сайлов жараёнида маҳаллий ва хорижий кузатувчиларнинг фаолият кўрсатгани унинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга ёрдам берди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини эликдан ортиқ давлатдан ва бешта халқаро ташкилот - Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислом ҳамкорлик ташкилотидан 300 дан зиёд кузатувчи, шунингдек, рақобатчи сиёсий партияларнинг 70 мингдан ортиқ кузатувчи ва ваколатли вакили кузатиб борди.

Сайловни мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 340 нафардан зиёд вакили ёритиб борди. Уларнинг фаолиятига кўмаклашиш мақсадида сайловларни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил этилиб, унда журналистлар учун барча шароит яратилди. Бу ерда матбуот анжуманлари, брифинг ва семинарлар ўтказилди. Семинар, давра суҳбатлари, халқаро конференциялар ташкиллаштирилди. Сайлов жараёнини 550 дан ортиқ маҳаллий ва 120 дан зиёд хорижий оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, 180 дан ортиқ интернет-нашрлар ёритиб борди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ 9 мингдан ортиқ материаллар эълон қилинди.

Сайлов тизимида юз берган ўзгаришлар натижаси ўлароқ, республикаимиз тажрибасида илк бора Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирлигига номзодни сайлов якунлари натижасида Қонунчилик палатасида энг кўп мандатга эга бўлган сиёсий партия - ЎзЛиДеп тавсия этди.

Мухтасар қилиб айтишимиз мумкинки, сайловлар мамлакатда ўрнатилган сиёсий жараён ва тартиб бўлиб, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини амалга ошириш бўйича ижтимоий-сиёсий инфратузилмани вужудга келтирувчи ва турли миллат вакиллари бирлаштирувчи демократия институтларини ривожлантиришнинг умумий шартлари билан бевосита боғлиқдир.

Хамраҳуджаев Нematxon, *иқтисод фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.*

Давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси билан танишар эканмиз, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида амалга оширилган кенг кўламли ишлар ва истиқболдаги долзарб вазифаларни яна бир бор кўз олдимизга келтирамиз. Ушбу маърузада Асосий Қонунимизнинг аҳамияти, мустақиллик йилларида эришилган муваффақиятлар, 2014 йилда "Соғлом бола йили" Давлат дастурини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги салмоқли натижалар аниқ рақамлар ва далиллар ёрдамида ифодалаб берилган.

Шу билан бирга, Президентимиз мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида эътиборимиз марказида туриши керак бўлган масалаларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтдилар. Ана шундай масалалардан бири - бу хусусий мулкчилик институти ва хусусий тадбиркорликни тез суръатлар билан ривожлантириш йўлидан барча ғов ва тўсиқларни олиб ташлаш, уларнинг эркинлигини таъминлашдир.

Асосий қонунимизнинг 53-моддасида Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилиши, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида эканлиги белгиланган. Конституцияда белгиланган ушбу нормалар иқтисодиётни ривожлантириш ва ислох қилишнинг устувор йўналишларини аниқлаб берувчи муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Давлатимиз раҳбари томонидан мустақилликнинг илк йилларидаёқ ислохотларнинг негизини ташкил этувчи муҳим стратегик вазифалар белгилаб берилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали марказлашган бошқарув, бир томонлама ривожланган ва хом ашё етказиб беришга асосланган иқтисодиёт, давлат мулки монополиясига барҳам бериш, мамлакатда кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш ва унда хусусий мулкнинг етакчи ролини таъминлаш долзарб вазифалар қаторига киради.

Ушбу вазифаларни амалда ҳал этиш, ўз навбатида, тизимдаги ўзгаришларга, сифат жиҳатидан янги иқтисодий муносабатларга, энг аввало, мулкчилик муносабатларига асос солувчи ҳуқуқий базани яратишни, хўжалик юритиш, институционал ўзгаришларнинг бозор шароитларига мос келадиган янги тури ва механизмини яратишни, иқтисодиётда рақобат муҳитини шакллантириш, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида янгича ҳуқуқий тафаккур ва ҳуқуқий маданиятни шакллантириш муаммолар ҳал этишни тақозо этар эди. Соҳадаги ислохотлар бозор иқтисодиётига ўтишнинг Юртбошимиз ташаббуси билан шакллантирилган "миллий модели" принциплари асосида олиб борилди. Шу боис, аввало, хусусийлаштириш жараёнининг дастлабки - тайёргарлик босқичида

"Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида"ги, "Ер тўғрисида"ги, "Ижара тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида"ги, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги каби бир қатор қонунлар ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. Мазкур қонунлар ўша давр учун тамомила янги мулкый муносабатларни шакллантириш ва соҳада тизимли ислохотларни ўтказишга ҳуқуқий замин яратди.

Ўзбекистонда ҳам хусусийлаштириш жараёни 1992 йилдан бошлаб кенг тус олди, лекин бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги бошқа мамлакатларга нисбатан мамлакатимизда бу жараёнга ёндашув принципиал жиҳатдан фарқ қилди. Аввало ваучер ёрдамида хусусийлаштириш механизмидан тўла воз кечилди. Ундан ташқари, хусусийлаштириш босқичма-босқичлик принципига асосланган ҳолда чуқур тайёргарлик асосида, аввалги босқичларнинг натижалари ва юзага келган муаммоларни чуқур таҳлил қилгандан сўнгра кейинги босқичларга ўтиш асносида амалга оширилди. Шартли равишда "кичик хусусийлаштириш" номини олган дастлабки босқичда (1992-1993 йиллар) давлат уй-жой фонди, транспорт, савдо, умумий овқатланиш соҳалари объектлари, маҳаллий саноат корхоналари хусусийлаштирилди. Кўришиб турибдики, дастлабки босқичда асосан иқтисодиётнинг айрим тармоқларидаги давлат мулкнинг кичик-кичик объектлари хусусийлаштириш жараёнига жалб этилди. Ўша даврда аҳолининг харид қобилияти юқори эмаслиги, танланган соҳаларда пул айланмасининг юқорилиги, хусусийлаштириш механизмлари ва уни амалга оширувчи институтларнинг тўла шакланмаганлиги каби омилларни инобатга олган ҳолда бундай ёндашув амалга оширилди. "Оммавий хусусийлаштириш" босқичида (1994-1998 йиллар) иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан ташқари барча тармоқларида хусусийлаштириш жараёни олиб борилди. Бу босқичнинг ўзига хос хусусиятларидан бири давлат корхоналарини акциядорлик ва масъулияти чекланган жамиятларга айлантириш, аҳоли ва нодавлат юридик шахсларнинг акциядорлаштириш жараёнидаги иштирокининг кенг тус олганлигидир. "Якка тартибда хусусийлаштириш" босқичида (1999 йилдан ҳозирги вақтгача) иқтисодиётнинг йирик корхоналарини якка тартибдаги лойиҳалар асосида хусусийлаштириш амалга оширилмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, республикаимизда иқтисодиётда давлатнинг тўғридан-тўғри иштирокини қисқартириш, рақобатни ривожлантиришга тизимли ёндашилди. Аввало, тажрибадан келиб чиқиб, муттасил равишда ҳуқуқий асос такомиллаштириб борилди. Шу билан бирга, ушбу жараёнга алоқадор ва уни бевосита амалга оширувчи институтлар ташкил этилди ва уларнинг фаолияти йўлга қўйилди. Бозор инфратузилмаси объектлари, яъни фонд ва товар-хомашё биржалари, депозитарийлар, ҳисоб-клиринг палаталари, инвестиция ва консалтинг институтлари фаолият кўрсата бошлади. Мулкни ва мулкый ҳуқуқларни давлат рўйхатида олиш, хусусий секторда шартномавий муносабатларни амалга ошириш жараёнида соддалаштириш ва оқилона ташкил этиш ишлари изчил амалга оширилди. Бундай тизимли чора-тадбирлар натижасида бугунга қадар 31 мингдан зиёд корхоналар мулкдор ва акциядорлар ихтиёрига берилди. 1100 дан зиёд акциядорлик жамиятлари фаолият юрита бошлади ва 1,2 млн.дан ортиқ акциядорлар шаклланди. Иқтисодиётда давлат монополиясига барҳам берилиб, рақобат муҳити шакллантирилди. Бугунги кунда нодавлат мулк шаклидаги корхоналар иқтисодиётда фаолият юритаётган корхоналар умумий сонининг 90 фоизидан ортигини ташкил этади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Уларнинг ялпи ички маҳсулот яратишдаги улуши 56 фоизни ташкил қилади. Бу кўрсаткич бўйича мамлакатимиз дунёнинг ривожланган давлатлари билан тенглашиб олди. Иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг қарийб 76,5 фоизи айнан шу соҳада фаолият юритмоқда. Чуқур таркибий ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон аграр мамлакатдан индустриал мамлакатга айланди.

Давлатимиз раҳбарининг маърузаси нафақат босиб ўтилган йўлнинг чуқур таҳлили жиҳатидан, балки истиқболда амалга оширилиши лозим бўлган тизимли ишларни

чуқурроқ англаш жиҳатидан ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки ушбу маърузада бугунги кунда дунёнинг турли минтақаларида ривожланаётган жараёнлар ва қарама-қаршиликлар шароитида яқин истиқболдаги ривожланиш йўналишларимиз аниқ белгилаб берилди. Маърузада таъкидланишича, жорий ва ундан кейинги йилларда амалга оширилиши долзарб бўлган масалалардан бири иқтисодиётимизда давлат улушини қисқартиришдир. Шу ўринда, яъни давлат улушини қандай мезонларга асосланиб қисқартириш лозим, деган савол туғилади. Маърузада уларга ҳам тўхталиб ўтилди. Таъкидланишича, давлат ихтиёрида унинг стратегик мақсадларига хизмат қиладиган объектлар қолиши, шунингдек давлат улушини иқтисодий асосланган даражагача қисқартириш лозим. Бу, ўз навбатида, давлат мулки объектларининг ҳар бирининг мақсадларини аниқ белгилаб олишни тақозо этади. Агар ушбу объектлар давлатнинг стратегик мақсадларига хизмат қилса, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулот ёки кўрсатадиган хизматлар хусусий сектор корхоналари томонидан амалга оширилиши етарли самара бермаса, у ҳолда бундай объектлар давлат ихтиёрида қолдирилиши, акс ҳолда улар хусусий сектор ихтиёрига берилиши мақсадга мувофиқ.

Шу билан бирга, Президентимиз корпоратив тузилма ва акциядорлик жамиятлари фаолиятини, уларни бошқариш механизмларини тубдан яхшилаш зарурлиги ҳақида тўхталиб ўтдилар. Дарҳақиқат бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатлари иқтисодиётида бундай тузилмаларнинг ўрни юқори. Мамлакатимизда ҳам мустақиллик йилларида собиқ тармоқ вазирлик ва идоралари ўрнида "Ўзбекэнерго" ДАК, "Ўзбекнефтегаз" МХК, "Ўзкимёсаноат" ДАК, "Ўздонмаҳсулот" АК, "Ўзавтосаноат" АК, "Ўзбекистон темир йўллари" ДАТЙК, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК, "Тошшаҳарйўловчитранс" АК, "Ўзагромашсервис" АК каби корпоратив тузилмалар, давлат корхоналари ўрнида эса бозор муносабатлари шароитида ўзини оқлаган акциядорлик жамиятлари шаклидаги минглаб хўжалик юритувчи субъектлар ташкил этилди. Уларнинг миллий иқтисодиётимизда тутган ўрни ва улуши жуда юқори. Айни вақтда таъкидламоқчимизки, уларнинг салоҳиятидан янада кенгроқ фойдаланиш, уларни модернизациялаш имкониятлари тўла ишга солинмаган. Бу ишларни амалга ошириш аввало улардаги бошқарув механизмларини жаҳон андозалари асосида такомиллаштиришни тақозо этади. Бу вазифани ҳал этишнинг мақбул йўллари ҳақида тўхталиб, Президентимиз чет эл инвесторлари иштирокидаги акциядорлик жамиятларини тузиш ва фаолиятини йўлга қўйиш борасидаги ишларни йўлга қўйиш лозимлигини таъкидлаб, мамлакатимизда самарали фаолият юритаётган мана шундай корхоналарни номма-ном санаб ўтдилар. Дарҳақиқат, бундай корхоналар қисқа фурсат ичида корхонани модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, сифатли, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга эришмоқдалар. Ушбу вазифани амалда ҳал этиш тегишли давлат идоралари олдига янги хусусийлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва уни изчил амалга оширишдек муҳим вазифани қўяди. Инвесторлар ҳуқуқини ҳимоялашни янада кучайтириш, корпоратив бошқарувга дахлдор қонунчиликни янада такомиллаштириш муҳим. Шу билан бирга, корпоратив бошқарув соҳасида етук, рақобат шароитида замонавий бошқарув усулларида усталик билан фойдалана оладиган кадрларни тайёрлаш катта аҳамиятга эга.

Мухтасар қилиб айтганда, муҳтарам Президентимизнинг маърузалари ҳар биримизни ислохотларнинг кўлами ва аҳамиятини, уларнинг ортга қайтмаслигини тубдан ҳис этиш, истиқболда буюк келажакни қуриш йўлида сидқидилдан меҳнат қилишга чорлайдиган, прагматик хусусиятга эга маъруза бўлди.

Теория и методология управления

Хамрахуджаев Н., Мирзаев Ш.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШГА НАЗАРИЙ ЁНДАШУВЛАР ВА ТАҲЛИЛ

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг асосий йўналишлари ҳақида тўхталиб, қуйидагиларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаган эдилар: "...мамлакатимиздаги деярли барча ишлаб чиқариш объектлари акциядорлик компаниялари принципи бўйича ташкил этилган, аммо улар ўз мақомига қай даражада мос ҳолда фаолият юритмоқда ва ўз ҳуқуқларидан қандай фойдаланмоқда, деган саволни ўзимизга бериб кўрайлик. Акциядорлик компаниялари ўзларининг бозор муносабатларига мос мақомига мувофиқ фаолият юритиши учун яна қандай механизмларни ҳаракатга келтириш зарур?"¹.

Хўжалик юритишнинг акциядорлик жамияти шакли жаҳон иқтисодиётида ўз ўрни ва аҳамиятига эга. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг (OECD) ORBIS Database маълумотлар базасида 44 млн.дан ортиқ компаниялар (акциядорликка асосланган) мавжуд². Fortune журнали томонидан юритиладиган Fortune Global 500 маълумотлар базасига кирган 500 та йирик компанияда 47 млн. киши банд бўлиб, ўртача ҳар бир компанияга қарийб 100 мингта ишловчи тўғри келади. Бу жаҳон меҳнат ресурсларининг 1,6%ни ташкил этади³. Уларнинг 2013 йилдаги йиллик умумий даромади 31,1 трлн. АҚШ долларини ташкил этди⁴. Буни ер шари аҳолиси умумий сонига тақсимласак ҳар бир кишига 4342 АҚШ долларидан тўғри келади⁵. Акциядорлик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг бошқа субъектларга нисбатан устун жиҳатларидан бири қимматли қоғозларни чиқариш ва сотиш орқали катта миқдордаги инвестицияларни жалб қилиш имкониятининг мавжудлигидир. Масалан, Хитойнинг Alibaba Group компанияси 2014 йилда акцияларни бирламчи оммавий таклифи орқали 24 млрд. АҚШ долларни жалб қилди⁶.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда иқтисодиётнинг корпоратив секторини ҳамда бозор инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш борасида тизимли ислохотлар амалга оширилди. Натижада иқтисодиётда кўплаб давлат корхоналари хусусийлаштириб, уларнинг ўрнида турли мулкчилик ва ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги хўжалик юритувчи субъектлар - акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, жумладан хорижий инвестициялар иштирокидаги қўшма корхоналар, шунингдек, бозор инфратузилмаси субъектлари - биржалар, депозитарийлар, клиринг палата-

ХАМРАХУДЖАЕВ Нематхон Яхёханович, иқтисод фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси "Тармоқлар ва корпоратив бошқарув" кафедраси мудири.

МИРЗАЕВ Шоятбек Козимжонович, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

лари кабилар вужудга келди. 2014 йил охирида "Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси" давлат корхонасида 1088 та акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозлари рўйхатга олинган. Ушбу акциядорлик жамиятлари томонидан умумий номинал қиймати 12,7 трлн. сўмга тенг бўлган 965,3 млрд. дона акциялар чиқарилган. Акциядорларнинг умумий сони 1377423 та бўлиб, шундан 1297306 жисмоний шахс ва 80117 та юридик шахс қимматли қоғоз эгаси ҳисобланади⁷.

Акциядорлик жамиятлари мамлакатимиз иқтисодиётида алоҳида ўрин тутиб, аксарияти давлатимизнинг стратегик ва йирик саноат ишлаб чиқариш соҳасида фаолият кўрсатади. Акциядорлик жамиятларида илғор технологияларни жорий этиш, янги лойиҳаларни ишга тушириш, модернизация қилиш молиявий маблағ жалб этиш билан узвий боғлиқ. Мазкур ҳолатда, молиялаштиришни диверсификация қилиш, яъни турли молиявий манбалардан фойдаланишни ўзлаштириш муҳим вазифа ҳисобланади.

Хўш, мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятларида ушбу ташкилий-ҳуқуқий шаклга хос устувор жиҳатлари тўла ишга солинганми? Акциядорлик жамиятлари ишлаб чиқаришни модернизациялашда қимматли қоғозлар бозорининг салоҳиятидан қай даражада фойдаланмоқдалар? Акциядорлик жамиятлари учун турли шарт-шароитларда қайси молиялаштириш манбаи қулай?

Ушбу саволларга жавоб топиш мақсадида хорижий ва маҳаллий илмий манбалардаги назарий ёндашувлар, ўтказилган тадқиқотлар натижалари ўрганилди, Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари томонидан ўз фаолиятини молиялаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини, молиявий ресурсларни жалб қилиш тартиб-қоидаларини, акциядорлик жамияти бошқаруви органи алоҳида устуворлик берадиган молиялаштириш манбалари таҳлил қилинди. Мазкур мақола ана шу тадқиқот натижалари баёнига бағишланган.

Акциядорлик жамиятлари жалб қиладиган инвестиция манбасига кўра ички ва ташқи молиялаштириш манбаларига ажратилади. Ташқи молиялаштириш манбаси сифатида кўрсатилган акция ва облигация эмиссиясидан фойдаланиш Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари ва банкларга хос бўлиб, бошқа тадбиркорлик субъектлари бундай ҳуқуқга эга эмаслар. Лекин, молиялаштиришнинг бошқа манбаларини барча хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларини инвестиция киритишда қўллашлари мумкин. Хорижий манбаларда, корпорациялар ички молиялаштиришнинг асосий манбалари сифатида соф фойдани қайта молиялаштиришга йўналтирилган қисми (retained earnings) ҳамда амортизация (depreciation)ни, қарз (debt) ва қимматли қоғоз эмиссияси (equity)ни ташқи молиялаштириш манбалари сифатида эътироф этади. Ички молиялаштириш манбалари асосан қисқа муддатли (бир йиллик) лойиҳа ва харажатлар учун қулай бўлиб, жамиятнинг айланма маблағларини кўпайтиради. Айланма маблағлар жамиятга товар-хом ашё сотиб олиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш имкониятини яратади. Бироқ, ички молиявий манбалар акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш технологияларини янгилаш, модернизация қилиш, фаолият йўналишини диверсификациялаш учун етарли бўлмайди. Ушбу ҳолатда, жамият узоқ муддатли ташқи молиялаштириш манбаларига эҳтиёж сезади. Банк кредити ва қимматли қоғозлар эмиссиясидан одатда узоқ муддатли молиялаштириш мақсадларида фойдаланилади.

Хорижий олимлар томонидан акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиялаштириш манбалари, ушбу манбаларнинг ўзига хос жиҳатлари, рискнинг юқори ёки пастлиги, жамиятлар устуворлик берадиган манбалар хусусида бир қатор изланишлар олиб борилган. Аксарият илмий тадқиқотлар акциядорлик жамиятлари томонидан ўз фаолиятини молиялаштириш тўғрисидаги қарорларини "молиявий иерархия назарияси" (pecking order theory - financing hierarchy theory) асосида тадқиқ этганлар⁸. Ушбу назарияга икки ёндашув мавжуд, яъни "ахборот-назарий" ва "бошқарувчилик".

С.Майерс ва Н.Мажлуфф ахборот-назарий ёндашуви асосида илмий тадқиқотлар ўтказиб, компания бошқаруви корхонани молиялаштиришда асосан ички имкониятларга эътибор қаратиши, шундан сўнг банк кредити ва энг охирида қимматли қоғозлар

эмиссия қилишини илгари сурган. Қимматли қоғозлар эмиссияси сўнгги ўринда туришининг асосий сабабларидан бири сифатида қимматли қоғозлар эмиссия қилинганда компания ўз молиявий ҳолати, режалаштирилган бизнес лойиҳа ва бухгалтерия ҳисоботларини ошкор қилиши зарурлиги ва кўп ҳолларда инвестор компания иқтисодий кўрсаткичларига тўлиқ баҳо бермаслиги, бизнес лойиҳанинг иқтисодий ва молиявий жиҳатдан фойдали эканлигини тўғри баҳолай олмаслигини кўрсатган. Инвестор акциядорларга нисбатан камроқ ахборотга эга эканлиги натижасида фонд бозорида акциядорлик жамиятнинг акцияларини етарли даражада баҳоламаслиги мумкин⁹.

С.Олинер ва Г.Рудбушлар томонидан бизнесга инвестиция киритиш масалалари устида тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, молиявий иерархия ахборотни асимметриясига ёки транзакцион харажатларга боғлиқлиги текширилган. Олимлар АҚШ фирмаларининг 1970 ва 1980-йиллар оралиғидаги инвестицион фаолиятини тадқиқот предмети сифатида олган. Таҳлиллар натижасида ахборот асимметрияси - молиявий иерархия манбаси эканлиги, транзакцион харажатлар назарияси эса фирмаларнинг молиявий иерархиясини тушунтириб бера олмаслиги аниқланган. Бундан ташқари, агентлик харажатлари молиявий иерархияга таъсир этиши тўғрисида далиллар аниқланмаган¹⁰.

Ч.Самуэль илмий изланишларида "молиявий иерархия гипотезаси" (financing hierarchy theory - pecking order hypothesis) кенг қўлланилганлигини, акция эмиссиясининг пул

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиялаштиришнинг энг асосий манбаси - ички молиялаштириш, ундан сўнг, банк кредити ва учинчи навбатда қимматли қоғозлар эмиссиясидир.

маблағлари манбасидаги улуши манфий эканлигини, қарзлар ички молиялаштириш жараёнида тўланиши лозим бўлгани ҳолда компаниялар облигация ва акциялар мавжуд қарзларни тўлаш учун эмиссия қилинишини (капитал харажатларни молиялаштириш ўрнига), ташқи молиялаштириш капитал харажатлар

га нисбатан чекланган аҳамиятга эгаллигини аниқлаган¹¹.

Шунингдек, Ч.Самуэль тадқиқотларни "ахборот-назарий" ва "бошқарувчилик" ёндашувлари асосида ўтказган. Унинг фикрича, корпорация бошқаруви профессионал бошқарувчилар ихтиёрига берилганлиги ва бунинг натижасида менежер бир вақтнинг ўзида мулкдорнинг манфаатлари (фойдани тақсимлаш ва дивиденд тўлаш)ни ҳамда бозор шароитида кучли рақобатни эътиборга олиши талаб этилади¹². Компания ижро директори (менежер)дан акциядорларнинг даромадларини ошириш билан биргаликда компанияга инвестициялар жалб қилиш тўғрисидаги мураккаб бўлган қарорларни қабул қилиш талаб этилади. Акциянинг номинал қийматига тўланадиган дивиденднинг миқдори қанча кўп бўлса, иккиламчи бозорда ушбу жамиятнинг акциясига бўлган талаб кўпаяди ва акциянинг қиймати ошади, шу орқали менежер қўшимча акциялар эмиссия қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Бироқ, жамиятнинг ҳақиқий мулкдорлари (инсайдерлар) соф фойдани йирик қисми дивиденд тўловларига йўналтиришдан кўра, қайта молиялаштиришни ва компаниянинг ўсиш суръатларини, акциялар котировкасини оширишни маъқул кўрадилар. Менежер жамиятни тезроқ ривожланишидан ва кўпроқ фойда кўришидан манфаатдор. Менежер учун энг қулай ва арзон молиялаштириш манбаи - бу соф фойдани қайта молиялаштиришга йўналтиришдир, бундан ташқари, менежер ташқи қарз орқали банк ва бошқа компанияларга боғланиб қолишни маъқул кўрмайди.

Акциядорлик жамияти ижро органи:

-акциянинг номинал қийматига нисбатан дивидендлар миқдорини ошириш йўли билан иккиламчи бозорда акциялар савдосини жонлантириши, акциялар котировкаси ҳамда рейтингини ошириши ва шу орқали қўшимча акциялар эмиссия қилиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин;

- ёки соф фойданинг асосий қисмини қайта молиялаштиришга йўналтириш орқали жамиятга зарур бўлган молиявий маблағни жалб қилиши мумкин.

Мана шундай мураккаб вазиятда менежер қарор қабул қилишга тўғри келади.

Ахборот-назарий ёндашувда, олимлар жамиятга инвестицияларни жалб қилишда ахборотни ошкор этиш муҳим вазифани бажариши билдирганлар. С.Майерс ва Н.Маж-луффнинг фикрича, инвесторлар акциядорларга нисбатан жамиятнинг активлари қиймати тўғрисида кам маълумотга эга бўлса, қимматли қоғозлар бозорида акциялар арзон баҳоланиши мумкин. Хусусан, бозорга паст сифатли компанияларнинг янги акциялар эмиссияси кириб келиши мумкин. Агар компаниялар янги лойиҳаларни акция эмиссия қилиш орқали молиялаштиришга эҳтиёж сезса, активларнинг реал қийматига нисбатан арзон нархларни қатъий белгиланиши натижасида инвестор янги лойиҳанинг ҳақиқий қиймати (NPV)дан кўпроғига эга бўлиши мумкин¹³.

Ўзбекистонда ҳам иқтисодчи олимлар томонидан қимматли қоғозлар бозори ва акциядорлик жамиятлари фаолиятини ўрганишга бўлган эътибор кучли. Масалан, И.Бутиков ўз тадқиқотларида акциядорлик жамиятлари устав фондида давлат активларининг кўплиги ва давлат ўзига тегишли ушбу акцияларни ўз тасарруфидан чиқариш (назорат пакетини чиқариш)ни истамаётганлигини, бунинг натижасида иккиламчи бозорда етарли миқдордаги акциялар камлигини билдирган¹⁴.

Дарҳақиқат, аввалги тадқиқотларимиз шуни кўрсатадики, мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятларида мулкчиликнинг концентрацияланганлик даражаси юқори. Таҳлил учун танлаб олинган акциядорлик жамиятларининг (жами 33 та акциядорлик жамияти таҳлил қилинган) 55 фоизда давлат йирик мулкдор бўлиб, улардаги давлат улуши 50 фоиздан 100 фоизгача, ўртача акциядорлик жамиятлари устав фондининг 69,48 фоизга тенг назорат пакетига эгаллик қилади¹⁵.

У.Сайдиев ривожланаётган давлатларда молия бозорларидаги корпоратив облигациялар

Корпоратив облигациялар номинал қийматининг энг юқори миқдорини белгилаш, улар бўйича тўланадиган фоиз миқдорини кўпайтириш облигациялар савдосини ривожлантиришга хизмат қилади.

сегментининг аҳамияти борасидаги изланишлари натижасида (тадқиқот объекти сифатида Осиё-Тинч океани минтақасидаги Малайзия, Жанубий Корея ва Таиланд давлатларидаги молия бозорлари танлаб олинган) корпоратив облигацияларнинг молия бозоридаги аҳамиятининг ўсиши бир неча омиллар таъсирида юз бериши, хусусан, мамлакатдаги молия тизими ва миллий пул бирлиги барқарорлигини таъминланиши, қимматли қоғозлар бозори инфратузилмасининг шаклланиши, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ва инвесторларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши, шунингдек инвесторларнинг ишончли ва асосли ахборотга эга бўлиши зарурлигини билдирган¹⁶.

Адабиётлар таҳлили жараёнида Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиялаштиришда кўпроқ қайси молиялаштириш манбасига устуворлик берилиши, қайси молиялаштириш манбаси жамият бошқарув органи учун энг қулай ва арзон эканлиги, фонд бозори савдолари билан ўзаро боғлиқ омиллар (корреляцияси) ўрганилмаганлиги аниқланди.

Иқтисодий адабиётлар таҳлили, хорижий мамлакатларда ўтказилган тадқиқотлар натижаларидан келиб чиқиб қуйидаги илмий фаразни илгари суриш мақсадга мувофиқ деб топдик, яъни: Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиялаштиришнинг энг асосий манбаси - ички молиялаштириш манбаларидир (амортизация, соф фойдани капитализация қилиш), ундан сўнг, иккинчи навбатда, банк кредити ва учинчи навбатда қимматли қоғозлар эмиссиясидир. Қуйида ушбу фаразни исботлаш мақсадида ўтказилган таҳлилларимиз натижалари баён этилган.

Ўзбекистоннинг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) 2013 йил якуни бўйича 119,0 трлн.сўм бўлиб, 2012 йил натижаларига нисбатан 8%га ўсишга эришган, қимматли қоғозлар бозори савдо айланмаси ҳажми 3,21 трлн.сўм бўлиб, ЯИМга нисбатан 2,7%ни ташкил этади¹⁷. Солиштириш учун 2012-2014 йилларда хорижий мамлакатлардаги биржа листингида турувчи компанияларнинг мамлакатлар ЯИМга нисбатан капитализация кўрсаткичи қуйидагича: Гонконг — 421,9%, АҚШ ва Буюк Британия — 115,5%, Жанубий Корея — 96,5%, Россия — 43,4%¹⁸.

2014 йилнинг бошланишида мамлакатимизда фаолият юритган 1232 акциядорлик жамиятдан (банкларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) атиги 4 таси умумий суммаси 22,9 млрд.сўм бўлган акциялар қўшимча эмиссия қилганлиги, шунингдек 3 таси умумий суммаси 35,3 млрд.сўм бўлган корпоратив облигациялар муомалага чиқарганлиги аниқланди. Ушбу бирламчи бозор савдоларига чиқарилган қимматли қоғозлар жами 7 эмитентга тегишлидир (акциядорлик жамиятлари умумий сонининг 0,6%)¹⁹. Агар акциядорлик жамиятлари фақатгина бирламчи бозорда ўзи учун зарур бўлган молиявий маблағларни жамғариши мумкинлигини инобатга олсак, бу ҳолат қимматли қоғозлар бозори имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётганлиги тўғрисидаги дастлабки хулосага олиб келади.

Агар 2013 йилда "Тошкент" Республика фонд биржасининг бирламчи биржа савдоларининг тармоқлар бўйича улушига эътибор қаратадиган бўлсак, бирламчи биржа савдоларида банклар қарийб 80% улушга эга эканлиги, бу жиҳат банклар қимматли қоғозлар бозори воситаларидан бошқа тармоқ корхоналарига нисбатан анча самарали фойдаланаётганлигини гувоҳи бўламиз (1-жадвал).


1-жадвал

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича акциядорлик жамиятларининг бирламчи биржа савдоларида улуши

Акциядорлик жамиятлари тегишли бўлган тармоқлар	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
Банк	38,1	43,8	50,7	64,4	51,6	79,0
Суғурта	4,4	8,2	7,7	2,8	2,1	3,2
Лизинг	1,6	1,8	2,0	0,5	2,2	3,9
Саноат	15,1	27,1	20,4	21,6	29,3	4,2
Аграсаноат мажмуаси	11,5	7,3	4,6	2,0	4,2	3,7
Қурилиш, транспорт, алоқа	19,3	6,7	6,0	1,2	2,1	2,7
Ижтимоий соҳа	2,3	2,0	1,2	0,03	0,2	1,0
Бошқа тармоқлар	6,7	3,3	2,1	7,6	8,5	2,2

Манба: *жадвал "Тошкент" РФБ бюллетенлари маълумотлари асосида тайёрланди*

Саноат тармоғи корхоналари 2013 йилга қадар бирламчи биржа савдоларининг деярли 30% га эгаллик қилиб келган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич кескин равишда 4,2% га тушиб кетган. Биржа савдоларининг сўнгги йиллардаги кўрсаткичларини солиштирсак, 2011 йилда қимматли қоғозлар савдоси Республика фонд биржаси тарихидаги энг яхши натижани қайд этган.



Манба: *график "Тошкент" РФБ бюллетенлари асосида тайёрланди, млрд.сўмга*
1-расм. Қимматли қоғозлар савдоси динамикаси

Бирламчи биржа савдоларида 100,2 млрд.сўм акция ва облигация сотилган бўлса, иккиламчи бозорда 113 млрд.сўмлик қимматли қоғозлар реализация қилинган. 2013 йилга келиб, бирламчи ва иккиламчи биржа савдолари кескин пасайиб кетган. Бирламчи биржа савдолари 2011 йилга нисбатан 2013 йилда деярли 2 бараварга, иккиламчи биржа савдолари 3 бараварга тушиб кетган. Демак, сўнгги йилларда акциядорлик жамиятлари қимматли қоғозлар бозори воситаларидан фойдаланиши сустлашган.

Юқорида келтирилган гипотезани "бошқарувчилик" ёндашувидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилиб кўрамиз. Чунки, компания ривож учун бошқарувчилар масъул бўлганлиги, улар жамиятнинг келгуси лойиҳа ва бизнес режаларини молиялаштиришда пул маблағларини жалб қилишнинг бир неча усуллари ва манбалари тўғрисида бош қотиради ва осон бўлмаган қарор қабул қилади. Ушбу ёндашувни танлашимизнинг яна бир сабаби ахборот асимметрияси ёки ахборот назарий ёндашув асосида тадқиқотлар олиб бориш қимматли қоғозлар бозори ва акциядорлик жамиятлари фаолиятини ислоҳ қилиш давом этаётган ҳозирги шароитда аниқ натижа бермаслиги эҳтимоли юқори.

Қарор қабул қилиш жараёнида бошқарувчи қуйидаги мезонларни инобатга олиши талаб этилади:

- жалб қилинаётган пул маблағининг кам харажат ва қисқа муддат талаб қилиши;
- молиявий рискнинг камлиги;
- инвесторларни жалб қилиш самарадорлиги.

Мазкур мезонлар асосида молиялаштириш манбаларини таҳлил қилиб кўрганимизда қуйидаги натижалар олинди:

ички молиялаштириш манбасининг устувор жиҳатлари:

- транзакцион харажатларнинг деярли мавжуд эмаслиги;
- молиявий риск кам, сабаби акциядорлик жамият ташқи инвесторларга боғланиб қолмайди, жалб қилинган маблағни қайтариш талаб этилмайди.

Камчилиги:

- жалб қилинган (капитализация қилинган) маблағ йирик лойиҳалар учун етарли бўлмаслиги мумкин;

- соф фойдани тақсимлаш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун акциядорлар умумий йиғилишини кутиш керак бўлади.

Санаб ўтилганлар асосида акциядорлик жамият бошқарувчиси учун энг қулай вариант - бу соф фойдани капитализация қилишдир.

Ташқи қарз олиш, жумладан банк кредитини жалб қилишнинг устувор жиҳатлари:

- бир йўла йирик суммадаги молиявий маблағни жалб қилиш имконияти мавжуд.

Камчилиги:

- вақт, сарф-харажат талаб этади (яъни ҳужжатларни расмийлаштириш, баҳолаш, суғурта ва нотариал харажатларни амалга ошириш);

- одатда йирик суммадаги банк кредити бўйича мажбурият мол-мулк гарови билан таъминланади;

- молиявий рискнинг юқорилиги (бизнес-лойиҳа ўзини оқламаса, кредит таъминоти сифатида акциядорлик жамиятининг йирик суммадаги асосий воситалари жамият тасарруфидан чиқиб кетиши мумкин).

Йирик суммадаги пул маблағини жалб қилишнинг яна бир усули - бу қимматли қоғозлар эмиссиясидир.

Қўшимча акциялар эмиссияси устувор жиҳатлари:

- молиявий рискнинг камлиги (агар лойиҳа кўзланган натижани бермаса, жамият фойда кўрмаса акциядорга дивиденд бериш мажбурияти юзага келмайди);

- мол-мулкни гаровга қўйиш мажбурияти мавжуд эмас;

- кўп сондаги инвесторларни жалб қилиш мумкинлиги (йирик суммада пул жамғаришнинг имконияти мавжудлиги).

Қўшимча акциялар эмиссиясининг камчилиги:

- эмиссияни давлат рўйхатидан ўтказиш ва инвесторлар орасида жойлаштириш билан боғлиқ узоқ муддатни талаб этилиши;
 - транзакцион харажатларнинг мавжудлиги (савдо ташкилотлари, брокер ва депозитарий хизматлари ҳақлари);
 - ахборотни ошкор этиш зарурлиги (лойиҳа самарадорлигини инвесторларга маълум қилиш);
 - устав фонди ўзгариши натижасида жамият уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уни давлат рўйхатидан ўтказиш талаб этилади;
 - қўшимча акциянинг эмиссия қилиниши акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳал қилинади (умумий йиғилишни чақириш билан боғлиқ процессуал қоидаларга амал қилиш зарурлиги);
 - қўшимча акциялар эмиссияси акциядорларнинг жамият устав фондидаги улушини камайишига олиб келади (акциядорлар бунга розилик билдирмаслиги мумкин);
- Корпоратив облигациялар эмиссиясининг устувор жиҳатлари:
- кўп сондаги инвесторларни жалб қилиш орқали ҳатто банклар таклиф этолмайдиган йирик суммани жалб қилиш мумкинлиги;
 - мол-мулкни гаровга қўйиш шарт эмаслиги;
 - жамиятнинг устав фонди миқдорига, акциядорлар улушига таъсир этмаслиги;
 - жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурияти мавжуд эмаслиги.
- Корпоратив облигациялар эмиссиясининг камчилиги:
- лойиҳа натижасидан қатъи назар, корпоратив облигациялар эмиссия қилинганда акциядорлик жамияти облигация бўйича олган мажбуриятлари (облигация қиймати ҳамда унга ҳисобланган фоизлар)ни бажариши шартлиги;
 - транзакцион харажатларнинг мавжудлиги.

Шу ўринда, акциядорлик жамиятларининг фонд биржалари листингига кирганлиги, рейтинг баҳосига эга эканлиги, иккиламчи бозорда унинг қимматли қоғозларига талаб ва таклифнинг мавжудлиги, бирламчи биржа савдоларига чиқарилган қимматли қоғозларни жойлаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур тадқиқот доирасида гипотезани текшириш мақсадида "Тошкент" Республика фонд биржаси листингига кирган (2010 йилдан буён) ва қимматли қоғозлар бозорида салмоқли улушга (листингга кирган акциядорлик жамиятлар 2013 йилда умумий биржа савдоларининг 85,2%га, бирламчи биржа савдоларининг 73,8%га эгалик қилган)²⁰ эга бўлган 87 та акциядорлик жамият танлаб олинди. Ушбу акциядорлик жамиятларининг 2012 йил фаолияти бўйича ўтказилган акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорлари²¹да соф фойданинг тақсимланиш миқдорини (дивиденднинг умумий соф фойдага нисбатини ҳамда капитализация ажратилган пул маблағининг соф фойдага нисбатини) ҳисоблаб, уларнинг жамланмасини олиш ва ўртачасини чиқариш орқали натижага эришиш мумкин.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлар соф фойданинг 35%ни дивиденд тўловига, қолган 65% қисмини қайта молиялаштиришга йўналтириши аниқланди. Таркибига кўплаб акциядорлик жамиятлари кирган йирик корпоратив тузилмалардаги ҳолат 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Листингга кирган акциядорлик жамиятларида соф фойданинг тақсимланиши ҳолати

Акциядорлик жамиятлари кирган йирик корпоратив тузилмалар	Фойданинг тақсимланиши (%)	
	Қайта молиялашга	Дивидендга
Молиявий хизматлар тармоғи (банклар, суғурта ва лизинг) акциядорлик жамиятлари	69	31
“Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик компанияси	65	35

“Ўзғойтамакисаноат” акциядорлик жамияти	49	51
“Ўзбекнефтегаз” миллий холдинг компания	75	25
“Ўзбекэнерго” давлат акциядорлик компанияси	75	25
“Дори-дармон” акциядорлик компанияси	76	24
“Ўзгеобурғуннефтгаз” акциядорлик компанияси	95	5
“Ўздопмахсулот” акциядорлик компанияси	53	47
“Ўзнефтгазқурилишинвсст” акциядорлик компанияси	75	25
“Ўзпахтасаноат” уюшмаси	78	22
“Ўзэлтехсаноат” акциядорлик компанияси	85	15
“Ўзкимёсаноат” давлат акциядорлик компанияси	68	32
“Ўзнефтгазказибчиқаринг” акциядорлик компанияси	75	25
“Ўзспиртсаноат” акциядорлик компанияси	82	18
“Ўзвиносаноат” холдинг компанияси	50	50

Манба: Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази (www.csm.gov.uz) ва "Биржа" газетасининг электрон веб-сайти (www.bdm.uz) маълумотлари асосига муаллифлар ишланмаси

Тадқиқотда танлаб олинган жамиятлар "Тошкент" Республика фонд биржасида 2010 йилдан буён листингда мавжуд бўлиб, биржа савдоларининг ярмидан кўпи айнан шу листингдаги корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Ушбу акциядорлик жамиятлар қимматли қоғозлар бозорида фаол иштирок (муаллиф: бошқа жамиятларга нисбатан, аслида савдолар ҳажми талаб даражасида эмас) этишига қарамасдан, жамиятни молиялаштиришда асосан ички молиялаштириш манбасига (соф фойданинг 2/3 қисми) таяниши аниқланди. Демак, Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиялаштиришда ички имкониятларига эътибор қаратади.

Иккинчи усул воситасида Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази, "Тошкент" Республика фонд биржаси ҳамда Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсидан олинган маълумотлар асосида қуйидаги 3-жадвалда берилган ўзгарувчилар танлаб олинди.

3-жадвал

Боғлиқ ўзгарувчиларнинг номланиши ва ўлчов бирлиги

Ҳ	Қўшимча акция эмиссияси	млрд.сўм
Х1	АЖларининг умумий устав фонди миқдори	млрд.сўм
Х2	АЖлар сони	дона
Х3	АЖларда давлат улуши миқдори	млрд.сўм
Х4	иккиламчи бозордаги акциялар савдоси	млрд.сўм
Х5	бирламчи бозордаги облигациялар савдоси	млрд.сўм
Х6	иккиламчи бозордаги облигация савдоси	млрд.сўм
Х7	АЖлардаги давлат улушининг сотилиши	млрд.сўм

Манба: муаллифлар ишланмаси

Корреляцион усул орқали бирламчи биржа савдоларига кучли ва кучсиз, мусбат ва манфий таъсир этувчи ўзгарувчиларни аниқлаш имкониятига эга бўламиз. Натижада бирламчи биржа савдоларини ривожлантириш учун қайси ўзгарувчига таъсир ўтказиш лозимлигини аниқлаймиз.

4-жадвал

Боғлиқ ўзгарувчиларнинг миқдорий кўрсаткичлари

№	Y	X1	X2	X3	X4	X5	X6	X7
2000	0,18	394,9	4709	289,9	0,62	*	*	4,46
2001	0,16	815,3	4555	652,9	1,13	*	*	6,73
2002	2,75	1617,1	4654	1413,8	4,44	0,05	1,14	9,01
2003	7,14	1895,64	4716	1620,61	11,41	1,29	2,33	13,554
2004	4,98	1993,89	4287	1659,6	22,9	0,15	0,003	13,485
2005	2,11	2217,7	2271	1809,7	25,88	*	0,39	13,154
2006	2,77	2790,42	2112	2318,4	115,25	*	0,95	18,145
2007	35,11	2996,37	2017	2358,46	77,45	*	0,5	2,164
2008	22,4	3255,8	1925	2434,19	80,86	*	*	8,621
2009	17,94	4545,58	1826	3201,93	71,46	0,05	*	0,51
2010	20,35	5805,13	1619	3653,97	44,02	0,01	*	*
2011	59,02	6833,75	1402	4589,83	77,27	34,39	35,66	6,75
2012	59,29	7577,08	1309	4917,36	51,23	24,57	35,56	*
2013	22,93	9111,48	1276	6045,54	33,62	35,31	0,707	0,59

Манба: Миқдорий кўрсаткичлар Қимматли қовозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази, "Тошкент" Республика фонд биржаси ва Қимматли қовозлар марказий депозитарийси маълумотлари асосида киртилган.

**Изоҳ: савдолари бўлмаган.*

Акциядорлик жамиятлар бирламчи биржа савдоларидаги қўшимча акция ва облигация жойлаштирилиши орқали зарур бўлган маблағни жалб қилишлари мумкин. Бирламчи биржа савдоларидаги қўшимча акция ва облигация сотувига таъсир этиши мумкин бўлган боғлиқ ўзгарувчиларнинг 2000 йилдан 2013 йилга қадар бўлган давр ораллигидаги кўрсаткичлари асосида боғлиқлик (корреляция) даражасини таҳлил қилинди 5-жадвал.

5-жадвал

Боғлиқ ўзгарувчиларнинг корреляция коэффициентлари

	Y қўшимча акция эмиссияси	X1 АЖларнинг умумий устав фонди миқдори	X2 акциядорлик жамиятлар сони	X3 АЖлардаги давлат улуши миқдори	X4 иккиламч и бозордаги акциялар савдоси	X5 бирламчи бозордаги облигациялар савдоси	X6 иккиламч и бозордаги облигация савдоси
X1 АЖларнинг умумий устав фонди миқдори	0,748 0,002						
X2 акциядорлик жамиятлар сони	-0,686 0,007	-0,811 0,000					
X3 АЖлардаги давлат улуши миқдори	0,742 0,002	0,995 0,000	-0,825 0,000				
X4 иккиламчи бозордаги и акциялар савдоси	0,456 0,101	0,374 0,187	-0,732 0,003	0,422 0,133			
X5 бирламчи бозордаги облигациялар савдоси	0,757 0,030	0,830 0,011	-0,653 0,079	0,855 0,007	0,438 0,278		
X6 иккиламчи бозордаги облигация савдоси	0,881 0,002	0,602 0,087	-0,495 0,175	0,578 0,103	0,264 0,492	0,596 0,211	

Х6 иккиламчи бозордаги облигация савдоси	0,881 0,002	0,602 0,087	-0,495 0,175	0,578 0,103	0,264 0,492	0,596 0,211	
--	----------------	----------------	-----------------	----------------	----------------	----------------	--

Манба: MiniTab дастури ёрдамида олинган натижалар

Тадқиқотлар натижасида қўшимча акция эмиссиясига (бирламчи биржа савдоларидаги қўшимча акциялар сотувига) энг кўп (корреляция коэффиценти:0,748, кучли мусбат боғлиқлик) акциядорлик жамиятлари акциялари номинал қиймати таъсир этиши аниқланди. Қўшимча акциялар чиқарилиши ва жойлаштирилиши акциядорлик жамиятлари устав капиталини кўпайишига асос бўлади.

Иккиламчи бозордаги акциялар савдоси қўшимча акция эмиссиясига (корреляция коэффиценти: 0,456) кучсиз мусбат боғлиқ эканлиги аниқланди. Демак, иккиламчи бозордаги акцияларга бўлган талаб сушт ва таклиф ҳам оз, бунинг натижасида иккиламчи бозор бирламчи биржа савдоларига таъсири паст. Юқорида тилга олиб ўтганимиздек, иккиламчи бозордаги савдолар ривож, акция ва облигацияга бўлган талаб ва унинг рейтинги ва баҳосининг ошиб бориши акциядорлик жамият бошқарувчиларида қўшимча акция ва облигация чиқариш орқали фаолиятини молиялаштириши мумкин бўлади.

Иккиламчи биржа савдоларидаги облигация савдоси ўзгаришини бирламчи биржа савдоларидаги облигация савдоларига таъсир этиш даражаси ўрганилганда (корреляция коэффиценти: 0,596) кучли мусбат боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Бироқ, бирламчи биржа савдоларидаги облигация савдоси ўзгаришини иккиламчи биржа савдоларидаги облигация савдоси 35,6%га (R2) тушунтириб бера олади. Қолган 65% бошқа ўзгаришлар таъсирига боғлиқ.

Шунингдек, сўровнома ўтказиш усулидан фойдаланган ҳолда қимматли қоғозлар бозорида фаолият юритувчи профессионал иштирокчилар, эмитентлар иштирокида сўровнома ўтказиш орқали акциядорлик жамиятлари фаолиятига инвестиция киритишда энг кўп фойдаланиладиган молиялаштириш манбалари, молиялаштиришнинг энг қулай манбалари, молиявий риск кам бўлган манбалар тўғрисида фикр ва мулоҳазалари ўрганилди.

Сўровнома натижалар умумлаштирилганда, бироз бошқача манзара кузатилди, яъни акциядорлик жамиятлар ўз фаолиятини молиялаштиришда асосан банк кредитидан кейинги навбатда акциялар қўшимча эмиссиясидан, ундан кейин ички имкониятлардан фойдаланиши қайд этилди.

Сўралганларнинг аксарияти томонидан молиявий маблағни жалб қилишни расмийлаштиришда кам харажатлар талаб қилувчи молиялаштириш манбаси сифатида - акцияларнинг қўшимча эмиссияси танланган. Акцияларнинг қўшимча эмиссияси - акциядорлик жамиятларини молиялаштиришнинг энг қулай ва молиявий жиҳатдан самарали манбаси сифатида баҳоланган. Энг кам хужжатлар акцияларни қўшимча эмиссияси қилинганда расмийлаштирилиши танланган. Энг осон расмийлаштириладиган ташқи молиялаштириш манбаси сифатида - акцияларнинг қўшимча эмиссияси эътироф этилган. Акцияларнинг қўшимча эмиссияси - акциядорлик жамияти учун молиявий риск (хавф-хатар) камроқ бўладиган ташқи молиялаштириш манбаси сифатида баҳоланган.

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлар қимматли қоғозлар бозори имкониятларидан тўлақонли фойдалана олмаётганликлари, бунда асосан банклар фойдаланаётганлиги қайд этиб ўтилган.


Тадқиқот жараёнида акциядорлик жамиятлари устав фондлари таркибидаги давлат улуши ўрганилди. 2014 йил бошига келиб жами 1232 та акциядорлик жамиятининг устав фонди миқдори 10249 млрд.сўм бўлиб, ундаги давлат улуши 68%ни ташкил этади (2-расм).

Акциядорлик жамиятлари устав фондида давлат улушининг юқорилиги қуйидаги ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин ва бу қимматли қоғозлар бозори ривожланишига ўзининг таъсирини кўрсатади:

- иккиламчи бозор учун етарли миқдордаги акцияларнинг савдога чиқарилмаслигига сабаб бўлади (устав фондида кўп миқдорда акция пакетига эга бўлганлиги сабабли);

- қўшимча акциялар эмиссия қилиш ва очиқ обуна қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинишига тўсқинлик қилади (сабаби, акцияларнинг очиқ обуна қилиниши давлат улушини мутаносиб равишда камайишига олиб келади);

- миноритар акциядорларни акциядорлик жамияти бошқарувида иштирок этиш ва жамиятнинг иқтисодий ривожланишида муҳим бўлган қарорлар қабул қилишда иштирок этишини сусайтиради.



Манба: Ҳисоб-китоблар Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тайёрланди.

*Изоҳ: 67,5%лик давлат улуши фақатгина ОАЖлардаги давлат улушини англатади.

2-расм. Акциядорлик жамиятлари устав фонди ва ундаги давлат улушининг ўзгариш динамикаси

Тадқиқотлар натижасига асосланган ҳолда қуйидаги мулоҳазаларни илгари суриш мумкин. Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари фаолиятини молиялаштиришда энг асосий манба бўлиб ички молиялаштириш маблағлари (соф фойдани қайта молиялаштириш йўналтирилган қисми) ҳисобланиши, иккинчи навбатда, акциядорлик жамиятлари ўз фаолиятига инвестицияларни жалб қилишда банк кредитидан фойдаланади. Шу билан бирга, молиялаштиришнинг бошқа манбалари, яъни акцияларни қўшимча эмиссия қилиш ва жойлаштириш акциядорлик жамиятлари томонидан устав фондиди кўпайтириш ҳолатларидагина амалга оширилиши ҳамда корпоратив облигацияларни эмиссия қилиш орқали молиявий маблағларни жалб қилиш асосан банкларга хос. Акциядорлик жамиятлари инвестицион фаолиятида соф фойдани капитализация қилиш ҳолати алоҳида ўрин тутишининг асосий сабаби - унинг эмитент учун қулайлиги ва транзакцион харажатлар ҳамда молиявий рискнинг камлиги билан изоҳланади. Акцияларнинг қўшимча эмиссия қилиш бир неча босқичлардан иборат бўлиши, энг аввало акциядорлар умумий

йиғилишида бу масала кўриб ҳал этилиши зарурлиги, эмиссия қилиш жараёнида транзакцион харажатларнинг мавжудлиги ҳамда жойлаштириш узоқ муддатни талаб қилиши акциядорлик жамиятларига бу воситадан фойдаланган ҳолда инвестицияларни жалб қилишга тўсқинлик қилмоқда. Бундан ташқари, кўшимча акцияларни эмиссия қилиш акциядорлик жамият устав фондига ва уставига, акциядорлар таркибига, уларнинг устав фондидаги улушига ўзгартиришлар киритиш заруриятини юзага келтиришига ҳам тўсқинлик қилади. Ушбу ҳолатда акциядорлик жамияти компания бошқарув органи учун энг қулай ташқи молиялаштириш манбаси - банк кредити бўлиб қолади. Акциядорлик жамиятлари устав фондида давлат улушини камайтириш ва шу йўл билан иккиламчи бозордаги акциялар савдосини кўпайтириш мумкин. Корпоратив облигациялар номинал қийматининг энг юқори миқдорини белгилаш ва улар бўйича тўланадиган фоизлар миқдорини кўпайтириш облигациялар савдосини ривожлантиришга хизмат қилади. Корпоратив облигациялар бўйича облигация эгаларининг молиявий рискинни камайтириш ҳуқуқий кафолатларни кучайтириш билан боғлиқ.

Манбалар ва адабиётлар

1. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь. - Т., 2010. - 56 б.
2. <http://www.oecd-ilibrary.org/economics>
3. Corporate Power in a Global Economy by Brian Roach. Copyright 2007. Global Development And Environment Institute, Tufts University. P.6
4. <http://fortune.com/global500/>
5. <http://www.worldometers.info/world-population/> манбаси маълумотларига кўра 2013 йил якуни ҳолатига Ер шари аҳолиси сони 7,16 млрд. кишини ташкил этган.
6. "Alibaba IPO Biggest in History as Bankers Exercise "Green Shoe" Option". New York Times. 2013-09-18.
7. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси 2013 йил ҳисоботи. Маълумот 2014 йил 1 январь куни ҳолатига. Маълумотлар Депозитарийнинг www.deponent.uz сайтидан олинган.
8. Ушбу назария Kuh ва Meyer (1963), Jensen ва Meckling (1976), Myers ва Majluff (1984), Fazzari, Hubbard ва Petersen (1988), Oliner ва Rudebusch (1989) томонидан ўрганилган.
9. Stewart.C, N.S.Majluff. Corporate financing and investment decisions when firms have information that investors do not have. Journal of financial Economics 13: 187-221.1984
10. S.D.Oliner, G.D.Rudebusch. Sources of financing hierarchy for business investment. Review of Economics and statistics: 643-654. 1992
11. Ch.Samuel.The stock market as a source of finance:A comparison of U.S. and Indian firms. Policy research working paper 1592. The World bank. April 1996
12. Ch.Samuel.The stock market as a source of finance:A comparison of U.S. and Indian firms. Policy research working paper 1592. The World bank. April 1996
13. M.Stewart.C, N.S.Majluff. Corporate financing and investment decisions when firms have information that investors do not have. Journal of financial Economics 13: 187-221.1984
14. И.Л.Бутиков. Ўзбекистонда Қимматли қоғозлар бозорини шаклланиши ва фаолият кўрсатишининг муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. 2008 й.
15. Н.Я.Хамрахуджаев. Хусусийлаштирилган корхоналарда корпоратив бошқарувни жорий этиш. Жамият ва бошқарув. 2013 й. 4-сон. 28-37 бетлар.
16. У.Х.Сайдиев. О значении сегмента корпоративных облигаций финансовых рынков развивающихся стран. Жамият ва бошқарув. 2013 й. 2-сон. 106-109-бетлар.
17. Маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (www.cbu.uz) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси (www.gki.uz) веб-сайтларидан олинди.
18. The World Bank. Databank. Market capitalization of listed companies (% of GDP). 2014.
19. Маълумотлар "Тошкент" Республика фонд биржаси томонидан тақдим этилган.
20. Ҳисоб-китоблар муаллиф томонидан "Тошкент" Республика фонд биржаси йиллик бюллетенлари асосида тузилган.
21. Акциядорлик жамиятлари акциядорларининг умумий йиғилиш қарорлари Ўзбекистон Республикаси Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг (www.csm.gov.uz) ва "Биржа" газетасининг электрон веб-сайти (www.bdm.uz)дан олинган.

**Mukhitdinov, Z. Rakhimov, F.
Yuldashev, O.**

**THE IMPACT OF UNIFIED SOCIAL PAYMENTS ON
EMPLOYMENT AND ENTERPRISE FINANCIAL
PERFORMANCE IN UZBEKISTAN**

I. Introduction

Recent evidence shows that pension systems in many developed and developing economies are coming under increased pressure due to what has become known as the "pensions crisis" (Myles & Hindricks, 2012). The roots of pension crisis may be traced back to the design of the social security systems and demographic changes. Specifically, three tendencies were found to be responsible for the emergence of the pension crisis, namely, constant reduction in the fertility rates, higher life expectancy of the elderly and the tendency for early retirement. As a result, the amount of workers supporting the social security systems is gradually falling whereas the burden upon the economy is increasing.

This tendency is common for many developed and developing economies (Khasanbaev & Pfau, 2009). A glimpse at constantly rising dependency ratios in a range of countries provides a strong evidence for many pension systems becoming unsustainable in the coming future (Table 1). The consequences of the constantly increasing dependency ratios imply that many governments, especially with pay-as-you-go (PAYG) type public pension systems, will be facing a choice of either eroding the real value of the pension payments or increasing the rates of obligatory social security contributions. Neither of the two is socially favorable, though. Therefore, many countries already apply various measures to reform their pension systems. The approaches to pension system reforms depend on socio-economic characteristics of each country. For instance, Germany and Poland reinforced their public PAYG systems with supplementary funded components. In Ireland and Estonia, governments introduced personal retirement accounts, and sometimes these changes are aimed only at newly entering workforce (e.g. Hungary, Slovakia). France and Austria limited the indexation of pension benefits to prices rather than wages (Beetsma & Bovenberg, 2007).

In Uzbekistan, the pension system closely resembles those of the transition economies (Baghdasaryan, 2012). The Uzbek pension system rests on a principle of solidarity of generations implying that benefits for the elderly are provided through social security contributions of employers and/or employees. This pension system covers nearly 35% of population (Sirojiddinova, 2010) (inclusive of employees making social contributions) and consist of two

Ziyodullo MUKHITDINOV, *Institute for Forecasting and Macroeconomic Research, MA Finance, Banking and Finance Academy of Uzbekistan.*

Farrukh RAKHIMOV, *State Tax Committee of Uzbekistan, MA Economics, Graduate School of Economics, Ritsumeikan University (Japan).*

Oybek YULDASHEV, *Local Governance Support Project/Phase - 2, PhD Economics, University of Milan (Italy).*

tiers, with its foundation level organized on a PAYG scheme financed by the Off-budget Pension fund (hereafter the Pension fund) and supplemental level, introduced in 2005, based on a funded scheme¹.

The PAYG scheme is currently dominant in providing most retirees' benefits while the funded part is comparatively less significant in proportion to its magnitude² and in a view of its relatively recent implementation³. The establishment of a supplementary funded pension scheme indicates on government's efforts to reduce the pressure on the PAYG system and partially transfer the responsibility for pension provisions to the citizens.

The "lion's" share of the Pension fund's revenues (more than 70%) is occupied by the payroll taxes (also known as Unified Social Payments) - obligatory contributions by employers calculated from the payroll. Mandatory contributions from employee wages and deductions from enterprise turnover comprise the other source of Pension fund revenues.

The key drawback of these obligatory payments lies in the disproportionate sizes of payments for employers and employees. In accordance with the legislation, an employer is obliged to provide monthly pension payments at a rate of 25% from the payroll, whereas employees at a rate of 6.5% from the wages. As a result, employees falsely believe that the Pension fund is formed at the expense of their payments, whereas in reality it is the employers who form most of the Pension fund revenues (Islamov & Shadiev, 2003). According to consulting companies, there are many employers who regard these social contributions as excessively burdensome and discouraging formal employment (PWC, 2013).

Therefore, this study analyzes the impact of USP on employment and enterprise financial performance. The structure of this paper is as follows: First section discusses the essence of a payroll tax in general; Second section discusses the results of empirical research; conclusions from the work done and recommendations for reforming USP conclude this study.

II. The essence of a payroll tax

A payroll tax is a type of the tax that is usually earmarked for provision of revenues for sustaining social security system (including unemployment benefits and disability pensions). The share of payroll taxes in tax systems around the globe has risen sharply over the last 20 years (Ernst & Young, 2013).

Ordinarily, payroll taxes are collected from the employer, including the contributions of both employer and employee, the latter's being withheld at the source (Musgrave & Musgrave, 1989). The way the payroll taxes are spent, structured and levied is under much of a debate.

Quite commonly, earmarking of the payroll taxes for specific purposes has been under much scrutiny (Stotsky, 1995). Some argue that earmarking creates budget constraints inducing governments to direct revenues for social programs that may not represent primary necessity. On the other hand, earmarking ensures that revenues from payroll taxation are solely directed toward provision of social security programs regardless of political vagaries. Moreover, earmarking may reduce payroll tax evasion since the tax payers are ensured to receive something tangible in return.

Typically payroll taxes are levied on gross wages. The major argument for applying the payroll taxes to gross wages rather than the labor income base lies in horizontal and vertical equity of the tax. The structures of the payroll taxes vary from country to country. In general, most countries apply ad valorem tax structure to their payroll taxes.

The important aspect of the payroll taxes is the statutory incidence associated with sharing the burden from the payroll taxation between employers and employees. Here, there are less commonalities across countries. In some countries, the burden of the payroll taxes are shared equally between employer and employee, in others the burden may fall solely on employer and/or employee.

Ordinarily, the burden from the payroll tax depends on depends on a set of complicated behavioral responses to the tax (Stotsky, 1995). These are usually reflected by elasticities of labor demand and labor supply.

From theoretical standpoint, increases in the payroll taxes in the short-run are associated with increases in prices (as a result of higher production costs and fixed wages) and falling consumer demand. On the other hand, in the long run firms are inclined to reduce labor costs by eroding real values of the wages, changing hours of work, substituting labor for other inputs of production and/or reducing employment (Hamermesh, 1980). The long run effect from imposing payroll taxes, as such, will much depend on elasticities of demand for and supply of labor. The more inelastic is the supply of labor the more of the payroll tax burden is shifted to the employees. Similarly, if firms do not want to change their behavior then the burden of the payroll tax is mostly borne by the employers.

The empirical evidence of the economic incidence of the payroll taxation is rather limited and generally inconclusive. In general, recent empirical findings (Bishop, 1981; Bauer & Riphahn, 1998; Muhlau & Salverda, 2000; Korkeamaki & Uusitalo, 2006; Kugler & Kugler, 2003; and, Sala, 2012) indicate that changes in the payroll taxes more than often reflected on the wage changes rather than the formal employment (Bauer & Riphahn, 1998; Korkeamaki & Uusitalo, 2006; Gruber, 1995; and Kugler & Kugler, 2003).

III. The empirical analysis of the impact of the USP on employment and enterprise financial performance

In this part we present the results from the empirical analysis of the impact of the USP rate on:

The Uzbek pension system rests on a principle of solidarity of generations implying that benefits for the elderly are provided through social security contributions of employers and/or employees.

- 1) The number of full time employees (using the World Bank and EBRD 2005-2013 data)⁴;
- 2) Enterprise financial performance (using 2007-2011 State Tax Committee micro data).

Data

Our study employs two types of data:

1) A large firm level panel dataset - the 2008 and 2013 rounds of the Business Environment and Enterprise Performance Survey (BEEPS) in Uzbekistan - that includes measures of enterprise performance, variables relating to ownership, competition and export orientation as well as perceptions of the business environment. To this date BEEPS in Uzbekistan was implemented four times (in 2002, 2005, 2009 and 2012) with the interval of three years. The survey captures mostly manufacturing and service sector enterprises.

2) Longitudinal, strongly balanced dataset obtained from the State tax committee, the State committee of statistics of Uzbekistan and relevant domestic legislation for the period of 2007-2011. This period was chosen deliberately since from 2007 to 2009 the USP rate was 24%, whereas it increased to 1 percentage point in 2010. The panel dataset contains 4913 observations on 985 enterprises of the various sectors of the economy.

The descriptive statistics for the BEEPS dataset employed are reflected in table 2.

Employment effects of the USP

To estimate the employment effects of USP rate we employ random effects model that is commonly used in the studies of government reforms. The model is presented below:

$$\log s_{it} = a_i + b_1 \log s_{it-1} + b_2 \tau_t + b_3 Y_t + e_{it}$$

where s_{it} is the number of full time employees at an enterprise i in year t , τ is the USP rate in year t , y is a time variable, and a_i and b_i are the coefficients of the model.

The major reason for choosing the random effects model instead of alternative fixed effects model lies in the random sampling of the number of enterprises. Given that the time period is shorter as compared to the number of enterprises surveyed (4 years for 139 enterprises) the choice of the random effects model seems to be more appropriate as using the fixed effects model will result in a drastic reduction of the coefficients' degrees of freedom.

The estimations have been implemented for all enterprises, by sector (private and public) and by occupations (manufacturing and service). The results of the study are presented in table 3.

As the results show, the increments in the USP rate, *ceteris paribus*, drastically reduce the number of full time employees in all enterprises. A one percentage increase in the USP rate leads to the reduction of full time employed by 0.29%.

Turning our attention to the sector analysis, the results show that higher rates of USP increase the tax burden for the public and private enterprises. However the sensitivity of the private sector to changes in the USP rates is substantially lower as compared to the public sector. As the results show, the increase in the USP rate by one percentage point reduces the number of full time employed by 0.25% in private sector and by 0.56% in public sector, respectively.

Similar situation can be observed while comparing responses of manufacturing and service sectors to changes in the USP rates. The findings indicate that a one percentage point increase in the USP rate precipitously reduces (by 0.32%) the number of full-time employed in the service sector. Although, the sensitivity of labor demand in manufacturing sector to changes in the USP rates is negligible. The major explanation for this time of behavior can be explained by higher capital-intensity of manufacturing sector as compared to the service sector.

Despite the results of the empirical analysis, we believe that the model employed could be enriched by including a wider set of explanatory variables. Specifically, we used Uzbekistan BEEPS dataset covering only 2 years, 2008 and 2013. Since the questionnaires in the survey contained the information on current number of employees and number of employees 3 years before the survey, we were able to artificially increase the study period from 2 to 4 years (2005, 2008, 2010, 2013). Still, the obtained interval is relatively short for the panel data. Furthermore, the 3 year information was provided only for several indicators. This led to a relatively limited number of explanatory variables in econometric model. Therefore, we comprehend that the resulting parameter estimates incorporate the impacts of such omitted factors as labor migration, labor productivity growth and substitutability of production inputs. Still, the confidence in the empirical results ensures robustness of the coefficients of the USP rate. The quantitative conclusions from this study may be different, but the direction of the qualitative effect is assured⁵.

The analysis of the impact of the USP rates on enterprise financial performance

In the second part of the empirical analysis we estimate the impact of the USP rate changes on enterprise financial performance. We employ modified model of Kang and Noronha (2008):

$$DR_i = \beta_1 + \beta_2 \log ibcts_i + \beta_3 \log asset_i + \beta_4 \log wage_i + \beta_5 uspr_i + \varepsilon_i$$

where, DR_i is a ratio of the USP debt to firm's assets in firm i ; $\log ibcts_i$ is a natural log of firm i 's income before corporate tax scaled by sales⁶; $\log asset_i$ is log of fixed assets indicating firm i 's size⁷; $\log wage_i$ is gross wages at a firm i ⁸; and, $uspr_i$ is the USP rate, taking the value of 24 for the period 2007-2009, and 25 for the period 2010-2011⁹.

The empirical model is estimated with the fixed effects model. The empirical results are presented in table 4.

Obtained estimates support our prior expectations. Specifically, the growth in the enterprise's assets by 1% reduces the probability of increasing the USP debt by 0.25%.

With respect to the USP rates, the findings suggest that increases in the USP rates negatively affect enterprise financial performance and are translated into the USP debt ratio growth. In particular, we find that a one percentage increase in the USP rate leads to the increase of the enterprise USP debt ratio by nearly 0.5%.

In contrary, the profitability and payroll size are not statistically significant, which may be due to the short time interval in which observations were collected (five years).

Overall, we find the negative impact of the higher USP rates on enterprise financial performance. Considering that USP represent the key source of the Pension fund revenues, we observe that a marginal increase of the total USP debt (as a result of the USP rate growth) would lead to a deterioration of the Pension fund's disposable means.

The empirical evidence, therefore, indicates, that although, the increments in the USP

rates may provide increase in the Pension fund revenues in the short-run; in the long-run, the Pension fund's revenues, employment and as a result Public budget revenues from income taxes are expected to decline.

IV. Some thoughts on reforming the USP

As has been mentioned above, Uzbekistan is about to witness a large influx of the population of retirement age in the future. At the same time, the main goal of the pension system in the long run is to create sufficient conditions fulfilling the social rights of this cohort. Currently, the number of formally employed is 39.6% of the total employment. The average salary is 520000 UZB soums (including small business)¹¹.

The number of employees on payroll (including those who have worked full month in November and excluding small businesses and agriculture) shows tendency to fall or remain at the same level (tables 6 and 7).

In January 2014 the number of pensioners in Uzbekistan was 3174.3 thousand, whereas the average monthly pensions were 65% of the average monthly salary¹². According to recent projections¹³ by 2030 the number of pensioners will increase to 6181.2 thousand.

Taking into account these trends and demographic projections, in the coming years the Pension fund may fall into predicament in providing timely and comprehensive social security.

In general, by the 2030, the Pension Fund's annual expenditures on pensions, while maintaining the ratio of the average pension to average wage constant, will rise to 70540.7

The empirical evidence of the economic incidence of the payroll taxation is rather limited and generally inconclusive.

billion UZB soums against 9437 billion UZS soums in 2012¹⁴. To provide the necessary means for future retirees and to avoid large deficit accumulation of the Pension fund, it is necessary

to use existing labor resources engaged in the informal sector of the economy.

Table 8 presents forecasts for the costs of financing the various groups of retirees and beneficiaries in 2030. Calculations are based on population projections, as well as the projected increase in the proportion of working pensioners and disabled.

Therefore, it is vital for Uzbekistan government to implement a number of measures reducing consolidated tax burden, transforming the economic structure and increasing productive employment that will boost the Pension fund's revenues. One of the measures to stimulate formal employment is to reduce the payroll burden for the employers.

The empirical findings indicate on a high sensitivity of official employment to changes in the payroll (i.e. the USP rate). Considering that the practice of reducing wages in Uzbekistan is infrequent, empirical findings suggest that a reduction in the USP rate will lead to lower production costs and increase official employment across enterprises. As a consequence, we believe that the following recommendations will enhance formal employment, stimulate enterprise profitability and ensure further sustainability of the Pension fund:

1. To increase the Pension fund's sustainability it is recommended to ensure fairer admission to pensions. As practice shows, the current system of admission to pensions discourages employees with higher incomes and contribution levels. Therefore, it is advisable to implement a schedule assigning the pensions proportional to the size of the contributions made. So, those citizens who primarily contribute more may expect to receive higher pensions. According to international practice, there is upper cap on income taxable for social security funds, which makes the system fairer and less progressive. We would like to propose to introduce either a cap on taxable income or at least regressive tax schedule on income above certain level to make it fairer for higher earning employees.

2. On another fairness issue, it is also recommended to raise the requirements for eligibility for pension. At the moment, the minimum employment period for eligibility is five years, which affects the incentives for formal employment from the employees' point of view. It means that an employee can be informally employed for most of his/her working years, then join the formal workforce at the last years of employment and be entitled for public pension.

3. On reforming the USP rate it is recommended:

- To consider more fair differentiation of the USP rate. It is important to note that measures to differentiate the USP rate have already been implemented. In accordance with the President Decree # 2270 dated 04.12.2014, the USP rate for micro firms, small businesses and farms has been reduced to 15%. However, we believe there is a risk that this measure will greatly reduce the incentives of the large enterprises to develop, consequently leading to fragmentation of large enterprises.

a. The viability and solvency of the regions. In this case, the reduction in the USP rate can be considered for the enterprises operating in a more vulnerable regions Uzbekistan. As a result this measure may lead to an increase in formal employment in the regional context.

b. The international practice where it is quite common to experiment a reduction or provision of payroll tax holidays to study the employment effects of the tax rates (For instance, in Finland). One common measure is the provision of payroll tax holidays for some regions for a period of 3-5 years, in order to identify the demand elasticity for labor. Thus, it is possible to consider partial or complete removal of the USP payments (within some period of time) in some regions to more accurately determine the demand elasticity for labor.

c. There is 1.6% USP on enterprises' turnover. One could consider the option of introducing a regressive USP rate on the basis of the turnover above which the enterprise pays the USP at a reduced rate. This measure may have a positive impact on the increase in payroll due to higher labor productivity in enterprises.

- To consider the reduction in the USP rate for all enterprises. This may increase the level of formal employment in Uzbekistan. Two short-term strategies on the USP rate reduction are proposed (tables 9 and 10).

We believe that the implementation of the proposed strategies on aggregate may allow to reduce the tax burden and informal payments in "envelopes". In addition, the reduction in the USP rate will put downward pressure on aggregate costs of the economy by 1.0% and 2.0%, respectively.

The empirical findings indicate on a high sensitivity of official employment to changes in the payroll (i.e. the USP rate). Considering that the practice of reducing wages in Uzbekistan is infrequent, empirical findings suggest that a reduction in the USP rate will lead to lower production costs and increase official employment across enterprises.

If a tax burden rate is estimated as a weighted average for the formal and informal sectors, then the reduction in the tax rates can lead to higher average tax burden by reducing the informal sector and increasing tax collections rates.

In the long run, the rate of the USP may continue to fall being partially offset by an increase in the compulsory social security contributions by individuals (table 11).

The gradual reduction in rates of deductions from earnings to the Pension fund and its subsequent cancellation will lead to increased investment activity of large enterprises, expansion of working capital and the gradual reduction of the cost of manufactured products. This measure may also contribute to the prompt modernization of industries by reducing the overall tax burden on net revenue.

Table 12 presents the forecast of expenditures and revenues of the Pension fund as a result of the proposed changes in the USP rate. According to the estimations, the increase in revenues of the Pension fund in the long run can be achieved due to larger tax base. At the same time the expenditures are expected to increase as a result of the larger influx of recipients of the pensions and various benefits.

As a result, the formal employment is expected to increase by 21.9 percentage points within 2013-2020 (from 35% to 56.9%) and by 10.6 percentage points within 2020-2030 (from 56.9% - 67.5%), respectfully¹⁵. The growing number of people in the formal sector will lay down the foundation for the Pension fund's sustainability without deficit accumulation.

VI. Concluding remarks

The objective of this study was to examine the impact of the USP on employment and

enterprise financial performance in Uzbekistan. The empirical findings show that the rise in the USP rate leads to both a decrease in formal employment and a deterioration in the enterprise financial performance.

Considering that the USP represents the main source of the Pension fund revenues, the reduction in the formal employment accompanied with deterioration in enterprise financial performance may pose risk to the Pension fund's sustainability and stability of Uzbekistan's pension system.

The higher USP rates may ensure increased Pension fund's revenues in the short run, but in the long run, as a result of lower employment and worsening enterprise financial performance, not only the revenues to the Pension fund are expected to fall, but so are the revenues to the state budget¹⁶.

As a result, the increases in the USP rates will induce the employers to cut labor costs. This can be achieved either by reducing the number of employees or hiring without issuing employment contracts, thus increasing the payments in "envelopes". This results in a vicious circle: the decline in employment and the informal payments growth lead to the Pension fund's revenue impoverishment, forcing the government to raise the USP rates.

Based on the results of the study a number of recommendations to reform the USP, and reduce Pension fund's expenditures has been proposed:

- More fair admission of pensions;
- Differentiation of the USP rates depending on the region and/or enterprise turnover;
- And, the reduction in the USP rate for all enterprises.

As a closing note the following additional recommendations seem logical for further enhancement of the social security contributions in Uzbekistan:

1. Although recently there has been differentiation of USP rate (in the form of USP rate reduction to 15% for micro, small businesses and farms), we believe this measure may have negative effect on the incentives for an enterprise to grow at the same time encouraging large enterprises to "fractionize".

2. The USP optimization requires implementation of a broad survey among the managers and accountants of the enterprises. Based on the results obtained the policymakers should develop a step-by-step strategy to reduce the burden of social contributions on enterprises, taking into account the possible losses of the Pension Fund and the sources of their compensation.

3. Finally, we have to acknowledge that this study is limited because of a lack of baseline data and unaccounted factors that may have direct or indirect impacts on employment and enterprise financial performance (such as institutional and macroeconomic factors). Therefore, this study could be significantly expanded by inclusion of a wide range of macro and micro data and a more complex analysis. Still, we believe that this study can serve as a starting point for future studies of employment, tax and pension systems in Uzbekistan.

References:

Baghdasaryan, A. (2012). "Problems of pension system reforms in the countries with transition economy". *Фінанси та банківська справа* № 3

Bauer, Thomas and Regina T., Riphahn (1998). "Employment effects of payroll taxes: An empirical test for Germany". *Forschungsinstitut zur Zukunft der Arbeit Institute for the Study of Labor*.

Beetsma, J. and L., Bovenberg (2009). "Pensions and intergenerational risk-sharing in general equilibrium". *Economica* 76.

Bishop, J.H. (1981). "Employment in construction and distribution industries: The impact of the new jobs tax credit". In S. Rosen (Ed.), *Studies in labor market*: 209-246. Chicago: University of Chicago.

Ernst & Young (2013). "Worldwide personal tax guide: Income tax, social security and immigration 2013-14".

- Ganiev, O. (2006). "An aging of population and pension system: The case of Uzbekistan". *East and West Studies* 18(2): 161-189.
- Gruber, J. (1997). "The incidence of payroll taxation: Evidence from Chile". *Journal of Labor Economics* 15(3): S72-S101
- Gruber, J. (1994). "The incidence of mandated maternity benefits". *American Economic Review* 84(3): 622-641.
- Hamermesh, Daniel (1979). "New estimates of the incidence of the payroll tax". *Southern Economic Journal* 45: 1208-19.
- Hindricks, J. and D., Myles (2012). "Intermediate public economics". 2nd edition. The MIT press
- Islamov, B. and R., Shadiev (2003). "Pension system of Uzbekistan: Problems and perspectives". Intergenerational Equity Project Paper, The Institute of Economic Research of the Hitotsubashi University, Tokyo.
- Johansen, F. and T.J., Klette (1998). "Wage and employment effects of payroll taxes and investment subsidies". Department of Economics, University of Oslo, memorandum 27/1998.
- Kang, E. and G., Noronha (2008). "Debt, risk, and taxes: A reexamination of the 1986 Tax law change". *Review of Business Research* 8(4): 72-78
- Khasanbaev, A. and W.D., Pfau (2009). "The funded pension scheme in Uzbekistan: An analysis". MPRA Paper, No. 19035.
- Korkeamäki, O., Uusitalo, R. (2009). "Employment and wage effects of payroll tax cut: Evidence from a regional experiment." *International Tax and Public Finance* 16: 753-772.
- Kugler, A.D. and M., Kugler (2003). "The labor market effects of payroll taxes in a middle-income country: Evidence from Colombia".
- Muhlau, P. and W., Salverda (2000). "Employment effects of low-wage subsidies: the case of 'SPAK' in the Netherlands". In Salverda, W., Lucifora, C. and Nolan, B. (Eds), *Policy measures for low-wage employment in Europe*, Edward Elgar Publishing Ltd, Cheltenham, 67-92.
- Musgrave, R.A. and P.B., Musgrave (1989). "Public finance in theory and practice". 5th edition. McGraw-Hill College
- Pfaffermayr, M., Stöckl, M. and H., Winner (2013). "Capital Structure, corporate taxation and firm age". *Fiscal Studies* 34(1): 109-135
- PricewaterhouseCoopers (2013). "Guide to doing business and investing in Uzbekistan".
- Sala, H. and S.A., Ayala (2012). "Payroll Taxes and Labor Demand: Evidence from Colombian Manufacturing Industry". Universitat Autònoma de Barcelona
- Stotsky, J. (1995). "Payroll taxes and the funding of social security systems", in *Tax Policy Handbook* 177 (Parthasarathi Shome ed., 1995).
- Thorburn, K.S. (2000) "Bankruptcy auctions: costs, debt recovery, and firm survival". *Journal of Financial Economics* 58: 337-368
- Сирожиiddинова, З. (2010). "Бюджетная система Республики Узбекистан". Издательство "Infocom.uz", Ташкент.
- Группа Всемирного Банка (2013). "Аналитическая записка: налогообложение малых предприятий в Узбекистане - вопросы реформирования".

Web sources:

World Bank pensions database. Available at: <http://web.worldbank.org/WBSITE/EXTERNAL/TOPICS/EXTSOCIALPROTECTION/EXTPENSIONS/0,,contentMDK:23231994~menuPK:8874064~pagePK:148956~piPK:216618~theSitePK:396253,00.html>

World Bank population estimates and projections. Available at: <http://data.worldbank.org/data-catalog/population-projection-tables>

1. More detailed explanation is provided in further discussions.

2. Funded scheme occupies small share of compulsory contributions

3. It is expected that the funded tier will be able to yield tangible benefits to its participants after at least 10-15 years from initial contribution

4. Given the steady annual increase in the minimum wage rates and "full-time grid" established by the Ministry of finance, the study skips the analysis of the wage effects of the USP.

5. The employed dataset along with STATA files are available upon the request

6. The study assumes that the relationship between this explanatory variable and the dependent variable is inverse.

7. The inclusion of this variable is due to Thorburn (2000), Bridges et al. (2008), and Pfaffermayr et al. (2013), who argue that assets may serve as proxy for the firm size with large firms tending to be more diversified and have more stable cash flows.

8. The inclusion of this independent variable allows to trace the relationship between the payroll and the USP debt ratio of the enterprise.

9. It is expected that higher USP burden increases the probability of the mergence or increase of the USP debt

10. We assume that the ratio of average pensions to wages in 2030 will not change and remain at 55% (Close to current OECD countries practice). In general, the International Labor Organization (ILO) recommends to keep this ratio at the level no less than 40%.

11. The State statistics committee of the RU

12. Authors' estimates on the basis of the data provided by the State statistics committee of the RU

13. Estimates of the IFMR on the basis of the data provided by the Pension fund of the RU

14. Estimates of the IFMR on the basis of the data provided by the Pension fund of the RU

15. Authors' estimates

16. Given that the tax base of the USP and personal income tax is the same.

Статистические данные показывают, что пенсионные системы многих развитых и развивающихся стран находятся под повышенным давлением из-за ряда демографических и экономических явлений. Это в результате побуждает фискальные власти повышать налоговые ставки. Целью исследования явилось изучение влияния Единого социального платежа на занятость и финансовые показатели предприятий в Узбекистане. Эмпирический анализ показывает, что дальнейший рост ставки ЕСП может привести к уменьшению реальной занятости и ухудшению финансовой отчетности предприятий. Высокие ставки ЕСП способны обеспечить рост доходной части Пенсионного фонда в краткосрочной перспективе, но в долгосрочной перспективе, в результате снижения занятости и ухудшения финансовых показателей предприятий, поступления не только в Пенсионный фонд, но и в государственный бюджет от налогов на прибыль могут упасть. Это будет происходить вследствие попыток работодателей сократить трудовые затраты. Они будут либо сокращать численность работников или нанимать их без оформления трудовых договоров. На основе результатов эмпирического исследования предлагается ряд рекомендаций по реформированию ЕСП.

Appendix

Table 1: Dependency ratios (Population over 65 as a proportion of population 15 - 64)									
	2010	2015	2020	2025	2030	2035	2040	2045	2050
East Asia									
China	10.5	12.0	15.1	17.6	21.4	26.7	31.0	32.0	33.4
South Korea	14.2	16.3	19.6	25.7	32.6	39.6	46.1	50.3	54.7
Thailand	9.9	11.2	13.7	17.0	20.5	23.6	25.8	27.1	28.4
CIS									
Azerbaijan	8.5	7.9	9.5	13.0	17.1	19.3	20.4	21.2	23.8
Belarus	17.5	17.3	19.0	22.9	26.1	27.3	29.0	31.5	36.1
Georgia	19.2	19.7	21.9	25.9	30.6	32.1	33.4	34.7	37.6
Kazakhstan	9.0	9.1	10.6	12.6	14.4	15.2	16.4	17.8	19.9
Russian Federation	16.7	17.5	20.1	24.0	26.6	26.9	27.9	29.9	34.2
Ukraine	20.8	20.8	22.5	25.6	28.1	28.9	30.3	32.6	36.9
Uzbekistan	5.8	5.7	6.6	8.7	10.9	12.4	14.0	15.6	18.2
OECD									
Australia	18.9	21.2	23.5	26.2	28.5	29.9	31.2	31.4	32.0
France	23.9	26.4	28.9	31.5	33.8	35.5	36.7	36.5	36.9
Japan	32.9	38.7	41.9	43.2	44.4	47.2	53.5	57.6	59.7
United Kingdom	23.2	24.9	25.8	27.2	29.7	32.1	33.2	33.0	33.5
United States	17.6	19.3	21.9	24.8	27.1	27.9	28.1	28.2	28.9
Latin America									
Argentina	14.7	15.1	16.0	17.0	18.0	19.1	20.8	23.7	26.1
Brasil	9.0	10.2	11.9	14.2	17.2	20.0	22.8	26.3	30.7
Sub-Saharan Africa									
Ghana	5.2	5.4	5.7	6.0	6.7	7.6	8.6	9.7	11.1
South Africa	6.1	7.0	8.2	9.2	9.9	10.1	10.3	10.9	12.2

Source: World Bank Social Protection database (2014)

Table 2. Descriptive statistics of the BEEPS dataset employed

	2013 Number of enterprises*	2013 Mean	2008 Number of enterprises*	2008 Mean
Service sector				
	232		212	
Number of full-time employees		70,88		70,53
Monthly wage (in UZB soums)		309 315.4		78 032.67
Manufacturing				
	158		154	
Number of full-time employees		215.67		122.79
Monthly wage (in UZB soums)		426 764		147 829.5
Private enterprises				
	326		335	
Number of full-time employees		102.89		79.74
Monthly wage (in UZB soums)		333 040.1		108 117
Public enterprises				

Number of full-time employees	265.23	230.5806
Monthly wage (in UZB soums)	478 419.3	99 660.37
* Given that some businesses were interviewed several times during the study, the number of enterprises may vary		

Table 3. Employment effects of the USP in a number of enterprises

Independent variables	All enterprises	Manufacturing	Service sector	Public enterprise
$\log (s_{it-1})$.93*** (.02)	.93*** (.03)	.92*** (.03)	.87*** (.06)
τ	-.29*** (.097)	-.17 (.17)	-.32*** (.11)	-.56* (.29)
γ	.065*** (.02)	.038 (.04)	.072*** (.03)	.15** (.07)
constant	-123.2*** (43.24)	-71.22 (76.65)	-137.5*** (50.91)	-292.1** (133.9)
Number of observations	384	143	238	36
Number of enterprises	139	54	84	14
1) Standard errors are reported in the parantheses				
2) ***, **, * - the level of significance at 1%, 5% and 10%, respectively.				

Table 4. The impact of the USP rate on the enterprise financial performance

Independent variables	All enterprises
libcts	-.02 (-.04)
lasset	-.25*** (-.02)
lgwage	-.13 (-.09)
uspr	.50*** (.08)
константа	-7.53*** (-1.66)
Number of observations	4913
R ²	.04
1) Standard errors are reported in the parantheses	
2) ***, **, * - the level of significance at 1%, 5% and 10%, respectively.	

Table 5: Uzbekistan demographic projections (2010-2050)

	2010	2015	2020	2025	2030	2035	2040	2045	2050
Total population (in millions)	28,2	30,2	32,4	34,3	35,8	36,9	37,9	38,7	39,4
Total fertility rate, total (birth per female)	2.5	2.2	2.1	2.0	1.9	1.9	1.8	1.8	1.8
Life expectancy at birth (total)	67.9	68.5	69.0	69.6	70.1	70.7	71.2	71.7	72.2
Life expectancy at birth (men)	64.6	65.2	65.7	66.1	66.6	67.1	67.6	68.0	68.5
Life expectancy at birth (women)	71.3	71.9	72.6	73.2	73.8	74.4	75.0	75.5	76.1
% of population aged over 65	4,4	4,4	5,1	6,6	8,2	9,4	10,5	11,7	13,4

Source: World Bank Population Estimates and Projections (2014)

Figure 1. Working age (15-64) population projections, 2010-2050
Source: World Bank Population Estimates and Projections (2014)




Figure 2. Recent trends in the economically active population, 2011-2013
Source: The State statistics committee of the RU



Table 6. Number of employees on payroll by the end of November*

	2010	2011	2012	2013
Number of employees on payroll, total	2 791 425	2 726 614	2 746 866	2 774 084
Including employees, who worked in November	2 464 257	2 412 502	2 394 464	2 401 221

*Excluding small businesses and agriculture

Source: The State statistics committee of the RU

Table 7. Number of employees in the small businesses of Uzbekistan*

	2007	2008	2009	2010	2011	2012
Number of employees used in average wage estimations (people)	844740	819439	785112	766740	754571	718649

*Excluding self-employed

Source: The State statistics committee of the RU

Pension Fund, 2012 versus 2030					
2012			2030		
Pension Fund's revenues* (bn. UZS soums)			27 785.2		
9 699.9			27 458.0		
Pension Fund's expenditures (bn. UZS soums)			27 458.0		
9 437					
Recipient type	Total number of individuals (in thsd.)	Employed individuals (in thsd.)	Recipient type	Total number of individuals (in thsd.)	Employed individuals (in thsd.)
Retirement pensions	2117.1	102.2	Retirement pensions	5050.2	1515
Child benefits	5 023		Child benefits	5,960	
Disability pensions	399.2	15.5	Disability pensions	502.8	109.8 (25% of 439.2 employed disabled)
Incapacity pensions	2 403		Incapacity pensions	2 980	
Lifelong disability benefits	119.7		Lifelong disability benefits	149.0	
Disabled children benefits	79.629		Disabled children benefits	60.531	
Survivor benefits	328.5		Survivor benefits	409.75	
*Assuming 30.8% social security contributions rate in 2030					
**25% of total disabled workers					

Source: Estimates of the IFMR on the basis of the data provided by the Pension fund of the RU

Table 9. Proposed short-term (starting from 2015) strategy for the USP rate optimization 1

Suggested Unified Social Payments' rate	23.5% from the gross payroll
Breakdown of the USP revenues	
Pension Fund	23.3%
Employment Support Fund	0.1%
Council of Labor Unions Federations	0.1%
Mandatory social security deductions	7%
Expected economic impact	
Pension Fund revenues from the USP	- 3.5%
Pension Fund revenues from the mandatory social security contributions	+ 1.6%
Pension Fund revenues due to higher turnovers	+ 0.4%
Pension Fund total revenues loss	- 1.5%
Suggested measures to offset total revenues loss	Reducing social contribution expenditures of Government budget by 1.5%
Direct effect	Without significant loss

Table 10. Proposed short-term (starting from 2015) strategy for the USP rate optimization 2

Unified Social Payments rate	23% from the gross payroll		
Breakdown of the USP revenues			
Pension Fund			22.8%
Employment Support Fund			0.1%
Council of Labor Unions Federations			0.1%
Mandatory social security deductions			7.5%
Expected economic impact			
Pension Fund revenues from the USP			- 4.5%
Pension Fund revenues from the mandatory social security contributions			+ 2.9%
Pension Fund revenues due to higher turnovers			+ 0.3%
Pension Fund total revenues loss			- 1.2%
Suggested measures to offset total revenues loss	Reducing social contribution expenditures of Government budget by 2%		
Direct effect			+ 0.8%

Table 11. Proposed long-term strategy for the USP, mandatory social security contributions and turnover deductions optimization

	2013	2015	2020	2025	2030
Suggested USP rate	25%	23%	20%	17%	15%
Mandatory social security deductions	6%	7%	8%	9%	10%
Turnover deductions to the Pension Fund	1,6%	0,5%			

Table 12. Revenues and expenditures projections of the Pension Fund (in 2013 prices)

	2013	2015	2020	2025	2030
Expenditures (in billion UZB soums)	11316,4	12621,3	15142,0	20775,2	27458,0
Revenues (in billion UZB soums)	12529,9	13076,0	15761,9	20983,2	28785,2
Balance	1213,5	454,7	619,9	208	1327,2

Инновации: технология, управление, глобализация

Ражаббаев Ш., Аминов Ф.

КРИПТОВАЛЮТАЛАРНИНГ МАРКАЗИЙ БАНКЛАР МОНЕТАР СИЁСАТИГА ТАЪСИРИ

Кирриш

Молиявий глобаллашув шароитида марказий банклар томонидан олиб бориладиган монетар сиёсатнинг трансмиссион механизмида ўзига хос ўзгаришлар кузатилмоқда. Ахборот-телекоммуникация тизимларининг жадал ривожланиши ва янги молиявий инструментларнинг пайдо бўлиши негизида жаҳон молия бозорларида иқтисодий субъектларнинг фаоллиги ошмоқда. Ушбу шарт-шароитлар марказий банклардан монетар сиёсатининг прогноз параметрларини ишлаб чиқишда турли хил омилларнинг таъсирини эътиборга олишни талаб этмоқда. Улар орасида тўлов тизимларининг инновацион шакли ҳамда тўлов воситаларининг замонавий шакли бўлган криптовалюталарнинг ўрни ортиб бормоқда.

Мақола криптовалюталарнинг пайдо бўлишини белгилаб берган шарт-шароитларни тавсифлаш, уларнинг марказий банклар монетар сиёсатида таъсирини изоҳлашга қаратилган. Мақолада пул тизимининг тадрижий ривожланиши ва электрон пулларнинг пайдо бўлиши асослари келтирилган, криптовалюталарнинг вужудга келиши ва ривожланиш динамикаси таҳлил қилинди, виртуал пулларнинг амал қилиш схемалари қиёсий тавсифланган. Тадқиқот натижалари асосида криптовалюталарнинг миллий пул тизимига кўрсатадиган таъсири, криптовалюталардан фойдаланиш бўйича тўпланган хориж тажрибаси келтирилган.

Криптовалюталарнинг пайдо бўлишини белгиллаган шарт-шароитлар

Товар-пул муносабатларининг пайдо бўлиши ва тадрижий ривожланиши турли даврларда иқтисодий субъектлар томонидан барча турдаги товарлар қийматининг умумий эквиваленти ўрнини босувчи юқори ликвидлик специфик товарга бўлган эҳтиёж билан боғлиқ. Узоқ вақт давомида бундай товар бўлиб олтин тангалар хизмат қилган. Жамиятда универсал тўлов воситаларининг жуда катта қисмини жамлашга мувофиқ бўлган алоҳида ёки бир гуруҳ шахслар ва молиявий муассасалар негизида кейинчалик эмиссион банклар пайдо бўлган. Баъзи шарт-шароитларда пул ўрнига ликвидлиги давлат томо-

РАЖАББАЕВ Шароф Рахимбердиевич, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети проректори - "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий тадқиқот маркази директори.

АМИНОВ Фаррух Фархадович, "Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий тадқиқот маркази директорининг ўринбосари.

нидан кафолатланадиган газначилик мажбуриятлари муомалага чиқарилади [12, -Б. 67]. Ушбу тараққиёт босқичларининг ҳар бирида муомаладаги пулларнинг шакли ўзгариб турган, аммо уларнинг табиати ва мазмун-моҳияти, вазифаси ўзгармасдан қолаверган.

Пул - ўзига хос ижтимоий институт бўлиб, уларнинг хусусияти ва шакли ижтимоий тараққиётнинг муайян босқичи билан белгиланади. Табиийки, илмий-техник тараққиёт, хусусан, информацион-коммуникацион технологияларнинг юксак даражада ривожланиши янги шаклдаги замонавий пулларнинг пайдо бўлиши учун замин яратди.

XX асрнинг бошларида муомаладаги пулларнинг шакли ўзгариб, нақд пул ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб тартиби амал қила бошлади. Иккинчи Жаҳон урушидан кейин нақд пулларнинг амал қилиши чакана савдо соҳаси билан чекланиб қолди.

1960-йилларга келиб нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизимининг инфратузилмаси шаклланди. 1970-йилларда турли ҳисоб-китоб операцияларининг автоматлаштирилиши, банкомат ва пластик карталарнинг пайдо бўлиши электрон пулларнинг муомалага киритилиши учун зарур шарт-шароит яратди [6].

Товар-пул муносабатларининг, кейинчалик эса информацион-коммуникацион тизимларнинг жадал ривожланиши давомида муомаладаги тўлов воситалари ўзининг реал хусусиятини ўзгартириб, тобора номинал хусусият касб эта бошлади. Информацион-коммуникацион тизимларнинг жадал ривожланиши оқибатида иш ҳужжатлари, иқтисодий-молиявий муносабатлар электрон шаклга ўтказилди. Мазкур жараён билан параллель равишда пул воситаларининг трансформацияси содир бўлди.

Интернет тизимининг ривож топиши билан халқаро миқёсда ўзаро алоқалар, иқтисодий-молиявий муносабатларни амалга ошириш анчагина енгиллашди. Вужудга келган шарт-шароитларда электрон пуллар воситасида виртуал тарзда ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш мумкин бўлди [8].

1980-йилларда глобал информацион майдон хусусиятини касб этган Интернет тизимининг пайдо бўлиши ва жадал ривожланиши ўзига хос ижтимоий муҳит яратди. Бу муҳитда ижтимоий, иқтисодий-молиявий муносабатларнинг интенсиф тарзда ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар вужудга келди. Дунё миқёсида одамларнинг ўзаро виртуал мулоқоти, шу жумладан, иқтисодий-молиявий соҳаларда, турли информацион муҳитдан фойдаланиш суръатлари кескин ошди (1-жадвалга қаранг).

1-жадвал

Минтақалар	2014 йилдаги аҳоли, млн.	2000 йилдаги фойдаланувчилар, млн.	2013 йилдаги фойдаланувчилар, млн.	Фойдаланувчиларнинг аҳолидаги улуши, %	2000-2014 йилларда фойдаланувчилар сонининг ўсиши, марта
Африка	1125,7	4,5	240,1	21,3%	52,196
Осиё	3996,4	114,3	1265,1	31,7%	10,068
Европа	825,8	105,1	566,3	68,6%	4,388
Марказий-Шарқий	231,1	3,3	103,8	44,9%	30,609
Шимолий Америка	353,9	108,1	300,3	84,9%	1,778
Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси	612,3	18,1	302,0	49,3%	15,714
Океания ва Австралия	36,7	7,6	24,8	67,5%	2,255
Жами	7181,9	361,0	2802,5	39,0%	6,763

Манба: <http://www.internetworldstats.com/>

Жадвал маълумотларидан кўриниб турганидек, 2014 йилда Интернетдан фойдаланувчиларнинг умумий сони 2,8 млрд. кишига етди ва дунё аҳолисининг деярли 40%ни ташкил этди. Бу эса 2000 йилга нисбатан 6,7 баробар кўпдир. Юз берган ўзгаришлар, шубҳасиз, одамларнинг ижтимоий хулқ-атвorigа ҳам жиддий таъсир кўрсатган.

Интернетдан фойдаланувчилар сонининг кескин ўсиши натижасида дунёнинг турли чеккаларидан манфаат ва маслакларини уйғунлаштириш (Facebook, MySpace, Twitter кабилар), алоҳида виртуал ҳаёт тарзини юритиш (Second Life), ўзаро билим алмашиш (Википедия), онлайн ўйинларда иштирок этиш (Интернет казино) мақсадида фаолият юритувчи ижтимоий тармоқлар вужудга кела бошлади. Айрим ҳолатларда виртуал портал иштирокчилари ўзаро муносабатларда шартли тўлов воситаларини қўллай бошлади. Шу тариқа марказлашмаган электрон пуллар оммавийлашуви содир бўлди.

Электрон тижоратнинг тобора ривожлана бориши давомида электрон тўлов воситаларининг янги турлари шаклланди. Ҳозирги вақтда электрон пуллардан фойдаланишга асосланган тўлов тизимлари жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- расмий ваколатга эга монетар органлар томонидан муомалага чиқарилган электрон пуллар воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш имкониятини берувчи тизимлар;

- Интернет тизими доирасида амал қилувчи, ликвидлиги алоҳида шартлар билан кафолатланган, нақд пулсиз ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш имкониятини берувчи шартли тўлов воситалари;

- муомалага алоҳида тизим иштирокчиларининг келишувига биноан киритилган, ликвидлиги кафолатланмаган, муомаласи тартибга солинмайдиган криптовалюталар.

Электрон пулларнинг маълум шаклларида фойдаланиш савдо муносабатларининг ривожланиш тенденциялари ҳамда қўламлари билан боғлиқ бўлади. Жумладан, электрон тижоратни ривожлантириш лойиҳаси маълум давлат чегарасида амал қилса, у ҳолда пластик карталар ёки интернет банкинг ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш мумкин. Бундай молиявий операциялар ҳозирги кунда Республикамизда амал қилаяпти. Халқаро миқёсда амалга ошириладиган электрон савдода ўзаро тўловларни амалга ошириш жараёни расмий пул бирликларини интернет пулларга алмаштиришни талаб этади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда дунёнинг турли мамлакатларида халқаро савдо соҳасида криптовалюталарнинг аҳамияти ортиб бормоқда.

Виртуал шаклдаги валюталарнинг ривожланиш тенденциялари динамик хусусиятга эга бўлиб, янги шаклдаги интернет пуллар ва криптовалюталар пайдо бўлишида акс этмоқда. Қуйидаги жадвалда интернет пуллар ва криптовалюталар ўртасидаги тафовутлар қисқача тавсифланган.

2-жадвал

Мезонлар	Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар	Интернет пуллар	Криптовалюталар
Тўлов воситасининг шакли	рақамли	рақамли	рақамли
Ҳисоб-китоблар учун асос қилиб олинадиган тўлов воситаси	давлат томонидан муомалага чиқарилган пуллар ёрдамида	анъанавий тўлов воситаларидан фойдаланилади	улардан фойдаланиш учун ҳуқуқий асослар яратилмаган
Тўлов воситаси сифатида қабул қилиниши	банкда ҳисоб рақамга эга шахслар	банкда махсус ҳисоб рақам ва алоҳида кафолатга эга шахслар	алоҳида виртуал бирлашмалар аъзолари

Тартибга солиниши	амалдаги қонунчилик нормалари ёрдамида	кафил шахс жойлашган давлат қонунчилиги ёрдамида	тартибга солинмайди
Эмитент	давлат томонидан ваколат берилган монетар орган	кафиллик мажбурияти ва махсус лицензияга эга, кўп томонлама шартномалар тузган субъект	хусусий номолиявий компаниялар
Пул таклифини шакллантириш	монетар органлари томонидан белгиланади	расмий пул бирлиги катъий белгиланган	майнинг (криптовалюталарни яратиш) дастури асосида белгиланади
Фондлар томонидан кафолатнинг таъминланиши	кафолатланган	кафолатланган	кафолатланмаган
Муомаланинг тартибга солиниши	мавжуд қонунчилик доирасида	мавжуд қонунчилик доирасида	тартибга солинмайди
Рисклар	операцион рисклар	операцион рисклар	ҳуқуқий, кредит, ликвидлик ва операцион рисклар

Манба: ЕСВ

Криптовалюталар (улар орасида кенг тарқалгани Bitcoin ва Litecoin) муомаласи айир-бошлаш воситасининг қадри давлатнинг иқтисодий асосларига боғлиқ бўлмаган ҳолда бозор омилар таъсири остида шаклланиши мумкинлигига мисол бўла олади. Уларнинг қиймати ва муомала воситаси сифатидаги аҳамияти эса ушбу хилдаги пуллар билан муомала қилиш истаги бўлган шахсларнинг кўплиги билан белгиланади.

Криптовалюталарнинг пайдо бўлиши қуйидаги объектив ва субъектив шарт-шароитлар таъсири билан изоҳланиши мумкин:

- криптовалюталар шахсини тасдиқлатиш мажбуриятдан озод ҳолда масофадан туриб, тўлов операцияларини амалга ошириш амалиётида амалдаги қонунчиликни бузмаган ҳолда мавжуд бўлган турли чекловлар (хусусан, конвертация ёки божхона процедуралари)ни четлаб ўтиш имкониятини беради;

- расмий молиявий бозорларнинг фаолиятига нисбатан ишончнинг кескин пасайиши (масалан, валюта курслари ёки молиявий активлар баҳосининг беқарорлиги);

- Интернет тизимидаги ижтимоий тармоқлар реал ҳаётнинг ўрнини босиши мумкинлигига ишончнинг ортиб бориши.

Криптовалюталар расмий молиявий тизим имкониятлари билан иқтисодий фаолият субъектларининг жорий пайтдаги реал эҳтиёжлари ўртасидаги зиддиятли ҳолат юзага келганида пайдо бўлди. Бундан хулоса чиқариш мумкинки, криптовалюталар молиявий инновация жараёнлари каби расмий молиявий тизимлар фаолияти иқтисодий-молиявий муносабатларнинг тадрижий ривожланишидаги янгича шарт-шароитларга ўз вақтида етарли даражада мослаша олмаслиги натижасида юзага келади.

Америкалик иқтисодчи М.Мертон молиявий инновацияларнинг моҳияти, табиати ва келиб чиқиш сабабларини атрофлича ўрганиб чиқиб, ушбу хусусда шундай фикр билдирган: "Иқтисодий муносабатлар соҳаси худди солиққа тортиш, иқтисодий-молиявий муносабатларни тартибга солиш тизимлари, транзакцион сарф-харажатлар негизидаги механизмлар, информацион асимметрия ва инсоний муносабатларда устунлик қилувчи инсофсизлик каби қусурлардан холи бўлганида ва муомалада юрган қимматли қоғозлар дунё бозорларининг жами эҳтиёжларини қондира олганида эди, молиявий инновациялар ҳеч бир кимсага манфаат келтира олмасди". [9]

Шундай қилиб, расмий пул тизимларининг янги шарт-шароитларига қисқа вақт мобайнида мослаша олмаслиги ва иқтисодий субъектлар эҳтиёжини тўлиқ қоплай олмаслиги туфайли янги тўлов воситаси - криптовалюта вужудга келди.

Энг биринчи криптовалюта бўлиб ҳисобланадиган Bitcoin жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида жорий этилди. Ушбу даврда ўз жамғармаларини сақлаб қолишга ҳаракат қилган иқтисодий субъектларни турли молиявий инструментларга эҳтиёжи ортиши кузатилди. Шу вақтдан бошлаб дунё давлатларининг аксариятида одамлар Bitcoin пулларига молиявий активлар сифатида қарай бошлашди. Айни вақтнинг ўзида аксарият одамларда Bitcoin пуллари билан боғлиқ фаолият молиявий соҳадаги "пирамида"ларнинг янги шакли сифатида идрок этилди. Бу нотўғри фикр. Аслида криптовалюта интернет пулларнинг тадрижий ривожланиши натижасидир.

Криптовалюталарнинг амал қилиш хусусиятлари

Ҳозирда виртуал шаклда амал қиладиган кўплаб тўлов тизимлари мавжуд. Бу эса, уларни таснифлашда ягона ёндашувни шакллантиришни анчагина мураккаблаштиради. Бунинг учун виртуал тўлов тизимлари фаолиятини реал пуллар ва иқтисодиёт билан ўзаро таъсири ва алоқасини ҳисобга олиб таснифлаш ўринли, деб ҳисоблаймиз.

Бу масалага доир илмий тадқиқотларни амалга оширган Европа марказий банкининг

Криптовалюталар расмий молиявий тизим имкониятлари билан иқтисодий фаолият субъектларининг жорий пайтдаги реал эҳтиёжлари ўртасидаги зиддиятли ҳолат юзага келганида пайдо бўлди.

мутахассислари қуйидаги учта виртуал пул ҳаракати схемаларини ажратиб кўрсатишади:

1. Виртуал пулларнинг ёпиқ схемалари. Бу шаклдаги пуллар реал иқтисодиёт билан ҳеч қандай алоқага эга эмас. Ушбу тизимда амал қиладиган пуллар тизим иштирокчилари доираси билан чекланган ва шу тизим фойдаланувчилари орасидагина амал қилади. Бу пулларни

абонентлик тўловлари ёки ёпиқ тизим иштирокчилари томонидан таклиф этиладиган бирор товар ва хизматни харид қилиш учун ишлатилиши мумкин. Одатда, ёпиқ тизим доирасида амал қилувчи виртуал пуллар тизимдан ташқарида муомалага киритилса, амалда юрган бошқа пуллар билан очиқ рақобатга киришади ва шубҳасиз, муваффақиятсизликка учрайди.

Ёпиқ тизим доирасида амал қиладиган виртуал пулларга мисол сифатида онлайн режимидаги ўйинлар, транспортда пассажирларни ташиш тизими, талабалар кампуслари, ҳарбий базаларни келтириш мумкин. Жумладан, онлайн режимидаги машҳур World of Warcraft ўйинида ҳам айнан шу турдаги виртуал пуллардан фойдаланилади [10, -Б. 13].

Ёпиқ тизимлар доирасидаги виртуал пуллардан очиқ тизимларда фойдаланишга уринишлар муваффақиятсиз яқун топган. Бундай ҳодисаларга 1996 йилда Атлантада бўлиб ўтган Олимпия ўйинлари вақтидаги ёки 1997-1998 йй. Манхэттен районларидан бирида виртуал пуллардан фойдаланишни мисол қилиб келтириш мумкин [2, -Б. 7]. Операцион тизимлардаги носозлик сабабли мазкур пул эвазига маҳсулотларини айирбошловчи сотувчилар тизимга бўлган ишончни йўқотишди, тўлов тизими инқирозга учради.

2. Виртуал валюталарнинг бир оқимли схемалари. Бу схемага кўра виртуал пуллар расмий пулларни маълум даражада белгиланган курсда алмаштириш натижасида пайдо бўлади. Улардан Интернет савдо операцияларида фойдаланилади ва шу сабабли ҳам Интернет пуллар деб ҳам юритилади.

Интернет пулларга мисол қилиб 1998 йилдан бошлаб фаолият юритаётган Webmoney тизимини келтириш мумкин. Ушбу тизим интернет дўконларда харид қилиш ёки пул ўтказмаларини амалга ошириш учун хизмат қилади. Электрон пуллардан фойдаланишга асосланган тизимларнинг функционал фаолияти вэб-ҳамёнларни очишга асосланади. Вэб-ҳамёнларга мос пул бирликлари АҚШ долларлари WMZ, еврода WME, россия рубли учун WMR, гривнада эса WMU каби шартли номларда пул маблағлари қўйилади.

Ўзбекистонда WebMoney Uzbekistan тизимининг фаолиятини кафолатловчи юридик

шахс сифатида "TILLO-GARANT" МЧЖ чиққан эди. Ушбу ташкилот миллий валютамитизни шартли электрон пуллар - WMYга алмаштириб берган. Алмашув курси 1UZS = 1WMYга тенг деб белгиланди. Бугунги кунда Webmoney тизимидан 6 млн.дан зиёд киши фойдаланмоқда. Тизим фойдаланувчиларининг сони ҳар куни тахминан 5000 кишига ошмоқда. Тизим доирасидаги кундалик оборот 20 млн.АҚШ долларини ташкил қилади [16].

3. *Ўзаро муомалада бўлган виртуал валюталар схемаси.* Бу схема виртуал пулларни реал пуллар билан параллель равишда муомалада юришига хизмат қилади. Ушбу пулларни бозор курси бўйича ўзаро алмаштириш, улар ёрдамида виртуал ва реал товар, хизматларни харид қилиш мумкин.

Ўзаро муомалада бўлган виртуал валюталар жумласига электрон тарзда шифрланган криптовалюталар (ингл. Cryptocurrency) ҳам киради. Таъкидлашимиз жоизки, криптовалюталарни муомалага чиқариш учун ваколатли давлат органларининг махсус рухсатномаси талаб этилмайди. Бу жараён марказлаштирилмаган тартибда амалга оширилади.

2009 йилда илк бор муомалага киритилган Bitcoin аҳоли томонидан ижобий қабул қилиниши натижасида электрон пулларнинг янги тизимлари яратила бошланди. Ҳозирги вақтда 200 га яқин турдаги криптовалюталар мавжуд [17]. 2014 йилнинг февраль ойидаги ҳолатга кўра криптовалюталар бозорининг капиталлашуви 9,210 АҚШ долларини ташкил этган. Уларнинг таркибий тузилишига эътибор берилса, жами криптовалюталарнинг 96% Bitcoin (77%), Ripple (15%), Litecoin (4%)га тегишли (3-жадвал).

3-жадвал

**Дунё бўйича кенг тарқалган криптовалюталар кўрсаткичлари
(2014 йил 26 февраль ҳолатига)**

Криптовалюта (Код)	Жорий этилиши	Эмитент (сайт)	АҚШ долларига нисбати	Капиталлашуви млн. АҚШ долларида (жорий курс бўйича)	Эмиссия чегараси млн. бирлик
Bitcoin (BTC)	2009	Satoshi Nakamoto (bitcoin.org)	358,07	4,844	21
Ripple (XRP)	2012	Ryan Fugger (ripple.com)	0,0073	213	100 000
Litecoin (LTC)	2011	Coblee (litecoin.org)	3,55	120	84
Namecoin (NMC)	2011	Vinced (dot-bit.org)	0,8666	8,9	2000
PPCoin (PPC)	2012	Sunny King (ppcoin.org)	0,7310	16	150
Quark (QRK)	2013	Max Guevara qrk.cc	0,0048	1,2	-

Манба: <https://coinmarketcap.com>

Криптовалюталар эмиссияси марказлаштирилмаган тартибда амалга ошади. Қўшимча эмиссия "майнер" деб номланувчи дастур асосида бажарилади. Одатда, майнерларга компьютерларнинг тизимдаги мавжуд муаммоларни ҳал этганлик учун мукофот тарзида муайян миқдордаги "коин"ларга эга бўладилар. Ушбу механизм "форк" деб аталади.

Моҳиятан форк асосий протоколдаги бирламчи кодлар ва дастурни такомиллаштириш имкониятини берувчи элементлардан ташкил топади. Дастурни такомиллаштириш жараёнининг ҳар бир босқичида тизим доираси ичида жуда мураккаб математик масала ҳал этилиши лозим бўлади. Бунинг оқибатида тизим ичида қўшимча пуллар шаклланиши мумкин. Бу пуллар майнерларга иш ҳақи сифатида тўланади. Математик ечими ҳар сафар мураккаблашиб бораверади, ўз навбатида янги коинларни яратиш ҳам қийинлашади.

Тизим иштирокчиларининг таъкидлашича, ҳозирги вақтда янги коинларни ишлаб чиқиш билан боғлиқ майнинг жараёнлари ўзини оқламайди. Чунки пировард натижада олиниши мумкин бўлган мукофот ҳаттоки, генерация жараёни давомида сарфланадиган электрэнергия сарф-харажатларини ҳам қопламайди. Генерация жараёни дастлабки код билан чегараланган миқдоргача давом этади ва янги коинларни ишлаб чиқиш жараёни тугайди. Тизимдаги мавжуд ушбу чекланиш тизимнинг мукамаллиги ва электрон пуллар миқдорининг чексиз кўпайиши натижасида қадрсизланишини олдини олиш учун жорий этилган. Шу тарзда Bitcoin пулларини чиқаришнинг максимал чегараси 21 млн., Litecoin 84 млн., Namecoin 2 млрд., Feathercoin эса 336 млн. миқдорида чегараланган.

Таъкидлаганимиздек, криптовалюталар расман муомалада юрган пуллар билан па-

Криптовалюталарни ишлаб чиқиш учун мутасадди давлат органларининг махсус рухсатномаси талаб этилмайди. Бу жараён марказлаштирилмаган тартибда амалга оширилади.


раллель равишда тўлов воситаси сифатида қўлланилади. Айтайлик, 2014 йилнинг февраль ойида компьютер ўйинларини ишлаб чиқувчи айрим лойиҳачилар, шунингдек, умумий овқатланиш муассасалари тўлов воситаси сифатида Bitcoin пулларини қабул қилган. Bitcoin пулларида ҳатто VirginGalactic авиакомпани-

яси билетларини харид қилиш ҳамда Никосия (Кипр) университетиде таълим олиш учун ҳақ тўлаш мумкин. Бундан ташқари, Bitcoin пулларида WikiLeaks лойиҳасида хайрия ишларини молиялаштира бўлади.

Шундай қилиб, криптовалюталар тўлақонли пул сифатида тўлов воситаси сифатида қабул қилинади ва шу боис жамғариш функциясини бажариш орқали инвестицион актив бўлиб хизмат қилиши мумкин. Инвестицион активлар сифатида криптовалюталарга бўлган талаб, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида янада кучлироқ ифодалана бошлади. Ушбу ҳолатни Bitcoin курсининг ўсиш динамикасида кўриш мумкин. 2011 йилнинг сентябрь ойидан 2014 йилнинг февраль ойигача Bitcoin пулларнинг номинал қиймати ноль даражадан 644 АҚШ долларигача етди. Bitcoin пулларининг ўртача курси максимал даражагача юксалиши 2013 йилнинг ноябрь-декабрь ойларига тўғри келди. Шу даврда уларнинг номинал қиймати 1151 АҚШ долларини ташкил қилган [9].

Криптовалюталарнинг реал пулларга конвертацияланиши уларнинг дунё пулларига хос бўлган вазифаларни бажара олишидан далолат беради. Ҳозирги вақтда Bitstamp, Mt.Gox, BTC-E ва бошқа электрон биржаларда котировкалар криптовалюталарда таклиф этилади. Бундан ташқари, бу биржаларда пулларнинг трансчегаравий ҳаракатини таъминлайдиган пул ўтказмаси тизимлари ҳам бор. Улар жумласидан QIWI, Visa ёки MasterCard, PayPal, MoneyGram, Money, WebMoney Yandex ва бошқа шу каби электрон пуллар тизимларини кўрсатиш мумкин [20].

Муомалага чиқариладиган криптовалюталар миқдори чегараланганлиги ҳамда уларнинг ҳаракатини тартибга солувчи ваколатли давлат органи йўқлиги сабабли криптовалюталар курси эркин равишда тез-тез ва кескин ўзгариб туради ва мутлоқ равишда криптовалюталарда савдо қилинадиган товар ва хизматларнинг реал талаб ва эҳтиёжи билан белгиланади. Буни қуйидаги графикада ҳам кўришимиз мумкин.



Манба: <https://blockchain.info>

1-расм. Bitcoin курсининг АҚШ долларига нисбатан ўзгариш динамикаси

Расмий пуллар каби криптовалюталар орасида ҳам кескин рақобат кузатилади ва ҳозирча криптовалюталар бозорида етакчилик Bitcoin пулларига тегишли бўлиб қолмоқда.

Канада банки мутахассисларининг олиб борган илмий тадқиқотлари натижаси алоҳида криптовалюталарнинг алмашув курси динамикаси ўзаро алоқадорлигини кўрсатди. Тадқиқотлар давомида икки гуруҳга ажратилган 7 хил криптовалюталар динамикаси ўрганилди. Биринчи гуруҳга Litecoin (LTC), Peercoin (PPC) ва Namecoin (NMC)лар киритилган бўлиб, мутахассислар уларни анча яхши ривожланаётган виртуал валюталар деб баҳолашади. Бу виртуал валюталарнинг алмашув курси қиймат жиҳатидан криптовалюталар орасида устунлик қилаётган Bitcoinнинг курсига жуда яқин баҳоланади. Иккинчи гуруҳга Feathercoin (FTC) и Terracoin (TRC) каби виртуал валюталар киритилган бўлиб, уларнинг алмашув курси тадқиқот даври давомида анчагина паст баҳоланган [5, -Б. 10].

Криптовалюталар курсининг кескин кўтарилиши бир томондан, реал эквивалент қийматининг шаклланиш жараёнлари, иккинчи томондан эса, сунъий равишда яратилган молиявий "пуфак" сифатида баҳоланмоқда. Экспертлар орасида яқдиллик бўлмаса-да, расмий пулларга нисбатан муқобил восита ролини ўйновчи криптовалюталар бутун дунё бўйича спекулятив операцияларни амалга ошириш жараёнларида фаол ишлатилмоқда.

Криптовалюталарнинг мамлакатлар иқтисодиётига таъсири

Криптовалюталар бозори жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Бунинг натижасида марказий банкларнинг тўлов тизими, пул айланмаси ва миллий иқтисодиётга таъсири кучаймоқда. Шу сабабли электрон тижоратни ривожлантириш масаласи криптовалюталарни марказий банклар тўлов тизимига, молиявий бозорлар фаолиятини тартибга солиш механизмига ва марказий банкларнинг монетар сиёсатига таъсир этиши йўналишлари атрофлича ўрганиб чиқишни талаб этади.

Криптовалюталарнинг кенг тарқалиши марказий банк ҳамда депозит институтларининг балансига бевосита таъсир кўрсатади. Криптовалюталарнинг монетар сиёсатга кўрсатадиган таъсири асосан пул базасининг ҳолатида намоён бўлади. Гарчи, жамиятда таклиф этиладиган товар ва хизматлар истеъмолчи мижозлар томонидан реал пулларга эмас, балки криптовалюталарга харид қилинса, бу биринчидан, марказий банклар томонидан таклиф этиладиган пулларга нисбатан талаб даражасининг пасайиб кетишига, иккинчидан, жуда катта миқдорда истеъмол бозоридаги жараёнларини таъминлашда иштирок этмайдиган пул массасининг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Ўз навбатида, нақд

пулларга нисбатан эҳтиёжнинг пасайиши охир-оқибатда пул базасига, демакки, марказий банкларнинг балансига салбий таъсир қилади.

Шу ўринда, марказий банкларни "банкларнинг банки" функциясига тўхталиб ўтиш жоиз. Маълумки, тижорат банклари ихтиёридаги маблағларининг бир қисмини марказий банклардаги мажбурий захиралаш жамғармасига ажратадилар. Ушбу жамғармадаги маблағлардан марказий банк томонидан жорий даврда банк тизимидаги ликвидликни барқарор сақлаш учун қайта молиялаштириш операцияларини бажаришда фойдаланиши мумкин ва бунинг учун қайта молиялаштириш ставкаси баробарида фоиз даромадларига эга бўлади. Олтин стандарти амал қилмай қўйган вақтда қайта молиялаштириш операцияларини бажариш ҳисобига олинадиган даромад илмий тилда "сеньораж" ёки "эмиссион даромад" деб аталади.

Муомалага чиқарилган пуллар марказий банкларнинг мажбурияти (банкноталар) ҳисобланадиган мамлакатларда пул базасининг қисқариши марказий банк даромадларининг пасайишига сабаб бўлади. Пул эмиссияси давлат мажбуриятларининг ортиши ҳисобига амалга оширилса (масалан, АҚШнинг ғазначилик билетлари), пул базасининг қисқариши давлат даромадларининг қисқаришини англади.

Криптовалюталар воситасида амалга ошириладиган транзакцияларнинг ҳажми пул массасиникидан фарқли ўлароқ ҳеч қандай аҳамият касб этмайди, чунки муомалага чиқариладиган криптовалюталарнинг умумий ҳажми охир-оқибатда пул базасининг айнан шу қийматга камайишини англади.

Криптовалюталар, жорий даврда молия соҳасида мавжуд бўлган турли хил чеклов-

Амалиётда виртуал пулларнинг кенг кўламларда қўлланилиши марказий банк балансининг қисқариши ҳамда пул-кредит (хусусан, фоиз ставкаларини белгилаш) сиёсати самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлади.

ларни қонунга хилоф бўлмаган тарзда четлаб ўтиш имкониятини берувчи молиявий инновацияларнинг бошқа кўринишлари каби, асосан амалдаги тўлов тизими ҳамда нархларнинг барқарорлигига босим ўтказилади. Умумлаштириб олинадиган бўлса, криптовалюталарнинг нарх-наволарнинг барқарорлигига кўрсатидиган

ган таъсир самарасини қуйидаги йўналиш (аспект)ларда олиб қараш мумкин:

- иқтисодиётда муомалада юрган пул миқдорининг ошиши;
- пулларнинг муомалада юриш тезлигининг ошиши;
- пул агрегатларида юз берадиган ўзгаришлар;
- давлат томонидан белгиланган валюталар алмашуви курсига босим кўрсатиши.

Энди юқорида санаб ўтилган ҳар бир тезис бўйича қисқача фикр билдириб кетамиз. Иқтисодиётда муомалада юрган пул миқдорининг ошишига келсак, айтишимиз мумкинки, ҳозирги вақтда аксарият мамлакатларда криптовалюталар ички пул массасининг ҳажмига жиддий таъсир кўрсатиши мумкинлигига шубҳа билан қаралмоқда. Масалан, Буюк Британияда олинган маълумотларга қараганда, муомалада юрган Bitcoinларнинг умумий қиймати 60 млн. фунт стерлингдан ошмайди. Бу нақд пулларнинг 0,1 фоизини ва пул массасининг 0,003 фоизини ташкил этади. Мамлакатда ҳар куни криптовалюталар ёрдамида 300 тагача транзакциялар амалга оширилар экан [1, Б. 8].

Шу ўринда бир нарсани эътироф этиш мумкин, айтиш вақтда муомаладаги криптовалюталарнинг умумий миқдори расмий пулларга нисбатан таққослаб бўлмайдиган даражада кам бўлса-да, келажакда уларнинг миқдори кескин ўсиши мумкинлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Қолаверса, муомалага киритиладиган криптовалюталарнинг умумий миқдори, 2013 йилда Bitcoinлар билан бўлгани каби, валюталар алмашув курсларининг эркин равишда ва тез-тез ўзгариб туриши сабабли кескин ошиб кетиши ҳам мумкин.

Криптовалюталар пулларни муомалада юриш тезлигининг ошиши ва пул агрегатларида юз берадиган ўзгаришларга таъсир кўрсатиши мумкин. Бунда виртуал валюталар ёрдамида интернет тармоқлари орқали амалга ошириладиган савдо операциялари кўламининг ошиши туфайли барқарор валюталарга нисбатан реал талаб анчагина пасаяди.

Бу ҳол пул агрегатларида муайян ўзгаришларни келтириб чиқариши муқаррар. У эса, ўз навбатида, пулларни муомалада юриш тезлигига таъсир этади. Мухтасар қилиб айтганда, амалиётда виртуал пулларнинг кенг кўламларда қўлланилиши марказий банк балансининг қисқариши ҳамда пул-кредит (хусусан, фоиз ставкаларини белгилаш) сиёсати самарадорлигининг пасайишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, реал пулларни криптовалюталар билан алмаштириш пировард натижада пул агрегатларини баҳолашни анча мураккаблаштириб юборади ва инфляциянинг прогнозлаштириладиган даражасини эътиборга олиб, пул массасини барқарорлаштиришга жиддий равишда тўсқинлик қилиши мумкин.

Ниҳоят, криптовалюталар давлат томонидан белгиланган валюталар алмашуви курсига босим кўрсатиши мумкин. Аввало, шунинг эътирофи этишимиз жоизки, виртуал валюталар бозорининг ҳажми жаҳон валюта бозорининг масштабига нисбатан олганда жуда оз. Бироқ, виртуал валюталар ёрдамида амалга ошириладиган молиявий операциялар алоҳида олинган бир мамлакатда концентрацияланса, у ҳолда криптовалюталар миллий валютанинг реал қийматига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

Фикримизни тасдиқлаш учун Хитойнинг етакчи телекоммуникацион алоқалар операторларидан бири саналган Tencent компанияси томонидан муомалага чиқарилган Q-пуллари мисолида кўрсатишимиз мумкин. Дастлабки вақтда QQ тизими компания томонидан таклиф этиладиган тезкор хизматлар тизими негизда ривожланган. Ушбу тизим доирасида ҳисоб-китоблар Q-пуллари ёрдамида амалга оширилган. Ўз навбатида, бу криптовалютани кредит карточкаси орқали


ёки мобиль телефон хизматлари учун амалга оширилган тўлов баланси ҳисобидан харид қилиш мумкин эди. Q-пуллариининг алмашув курси миллий валюта курсига боғлаб қўйилган эди. Аввал айтганимиздек, Q-пуллар фақатгина Tencent компаниясининг хизмат тизими доирасида муомалада юриши мумкин

Ҳеч бир мамлакат бошқа хорижий давлат миллий валютасининг ҳаракатини тартибга солмайди, бироқ мамлакат доирасида валюта айирбошлашга ихтисослашган биржаларнинг фаолиятини тартибга солиши мумкин.

бўлган, бироқ мазкур тизимдан фойдаланувчи мижозлар криптовалютадан ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш жараёнларида ишлата бошлашди. Секин-аста Q-пуллариини айрим савдо пунктларида ҳам қабул қила бошлашди ва хуфиёна бозордаги муомала воситасига айланди. 2009 йилга келиб виртуал валютанинг хуфиёна бозордаги обороти йилига 20 фоизгача кўтарилди. Оборотдаги виртуал валюталарнинг умумий қиймати бир қанча миллиард юаньга тенг эди. Шундан кейин, Хитой ҳукумати Q-пуллардан расман фойдаланишни тақиқлаб қўйди.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, миллий пул тизимининг барқарорлигини таъминлаш учун масъул бўлган алоҳида органнинг йўқлиги криптовалюталар курсининг волатиллигига жуда кучли таъсир кўрсатиши мумкин. Криптовалюталарнинг барқарор валюталар курсига нисбатан белгиланадиган алмашув курси пировард натижада реал талаб ва таклиф пропорцияларидан келиб чиқиб белгиланади. Виртуал валюталар курсининг ҳар кунлик ўзгаришлари ўртача ҳисобда 25 фоиздан ошиши мумкин (2-расм). Демак, савдо операцияларини амалга оширишда криптовалюталардан фойдаланиш ўзига яраша муаммолар туғдиради. Криптовалюталар курсининг жуда ўзгарувчан характерга эгаллиги одамларни спекулятив операцияларни амалга оширишга ундаши мумкин. Шу билан бирга, амалда виртуал валюталар курсининг ўзгаришларини прогнозлаштиришнинг умуман иложи йўқ. Ушбу мақсад йўлида фундаментал таҳлил услубидан фойдаланиш мумкин эмас, чунки виртуал валюталар курсининг волатиллиги алоҳида олинган мамлакатнинг миллий иқтисодий ҳолатига боғланган эмас.

Техник таҳлил қилишнинг ҳам самарадорлиги юқори бўлмайди, чунки бозорлардаги аҳволни оддиндан билиш, аниқроқ қилиб айтганда, реал талаб ва таклифни мақсадли равишда шакллантиришнинг умуман иложи йўқ.



2-расм. BTC/USD курсларининг кундалик ўзгариши

Молиявий ресурсларнинг келиб чиқиш манбаини аниқлаш, кузатиб ва назорат қилиб боришнинг имкони бўлмагани боис виртуал валюталардан ҳам қонуний, ҳам ноқонуний мақсадларда фойдаланса бўлади. Шу сабабли криптовалюталар ноқонуний йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш учун қулай канал вазифасини бажариши мумкин. Европа банкларининг раҳбарлари олиб борилган тадқиқотлар натижасига асосланиб криптовалюталардан фойдаланиш туфайли ноқонуний даромадни легаллаштириш бўйича 70 хил рисклар рўйхатини эълон қилишди [4]. Виртуал валюталар билан ишлашга асосланган тўлов тизимларининг фойдаланувчилари идентификация қилинмайди ва барча жараёнлар мутлақ анонимлик шароитида амалга оширилади. Шунинг учун виртуал валюталар воситасида тўлов тизимидан ўтказилган пул ўтказмаларини криптовалюталарни реал пулларга конвертациялаш имкониятига эга бўлган бирон бир юридик шахс номига жўнатиб, сўнгра уларни нақд пул шаклида ўзлаштириш мумкин.

Ҳозирда турли мамлакатларда ушбу фаолиятни чеклашга қаратилган қатор тадбирлар кўрилмақда. Жумладан, Канада ҳукумати виртуал пуллар тизими операторларини шубҳали транзакциялар ҳақида мутасадди органларга хабар бериш тартибини жорий этишган. АҚШда виртуал тўлов тизимларидан фойдаланувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, нолегал пулларни легаллаштиришга йўл қўймаслик ва тизим хавфсизлигини таъминлаш мақсадида "BitLicense" тартиботини жорий этишмоқда [11, -Б. 5].

Криптовалюталар билан амалга ошириладиган молиявий операцияларни тартибга солиш чора-тадбирлари

Муомаладаги пуллар етарли даражада таъминланмаган ҳозирги вақтда виртуал пулларнинг оборотга киритилиши пул таклифининг нисбатан беқарорлиги билан қўшилиб, вазиятни янада оғирлаштирмоқда. М.Фридменнинг концепциясига кўра, иқтисодий соҳада маълум ҳажмдаги пуллар мунтазам равишда жамғарилиши туфайли муомаладан чиқарилади. Бу ҳол оборотдаги пул массасининг камайишига олиб келади. Шунинг учун муомалада юрган реал пуллар массаси доимий равишда ошиб бориши зарур. Реал пулларнинг оборотида пул массаси билан боғлиқ муаммо эмиссия ҳисобига ҳал этилади.

Криптовалюталар оборотига шу нуқтаи назардан ёндошилса, муомалага чиқарилган виртуал валюталар миқдори ҳам узлуксиз ошиб бориши кераклиги маълум бўлади. Бироқ, криптовалюталарнинг эмиссияси, майнинг жараёнларининг устувор қонуниятлари туфайли, ишлаб чиқиши чеклангани боис, миқдорий жиҳатдан маълум даражадан ошолмайди. Масалан, Bitcoinларнинг ҳажми 21 млн., Litecoinники 84 млн., Ripplеники 100 млрд., Namecoin виртуал валютасиники 2 млрд.дан ошмаслиги белгилаб қўйилган.

Виртуал валюталар эмиссиясини назорат қилувчи ва бошқарувчи алоҳида марказнинг йўқлиги криптовалюталар тизимини талаб ва таклиф пропорцияларининг мавсумий, циклик даврлардаги ўзгаришларига мослаштириш имкониятини бермайди. Шу сабабдан виртуал валюталар тизими тузилмавий ўзгаришларга ҳам учраб туради.

Эркин бозор муносабатлари шароитида криптовалюталар эмиссиясининг чегараланиши пировард натижада улар қийматининг ошиб кетиши, яъни дефляцияга олиб келади. Криптовалюталар қийматининг кескин ошиши сабабли уларни жамғариш воситаси сифатида ишлатиш истагида бўлган шахслар сони ҳам ошади. Бу ҳол виртуал валюталарга нисбатан шусиз ҳам юқори даражадаги талабни янада оширади. Криптовалюталар эмиссияси объектив сабаблар туфайли амалга оширилиши мумкин бўлмагани сабабли охирида виртуал валюталар тизими ўзининг функционал фаолиятини давом эттира олмайди. Майнерлар томонидан виртуал пулларни ишлаб чиқиш жараёнлари тобора қийинлашиб бораётгани виртуал пул эмиссиясининг объектив равишда қисқариб бораётганлигидан дарак берса-да, экспертлар томонидан виртуал валюталар бозорининг функционал фаолиятини тартибга солиш борасида тегишлича таклифлар киритилмоқда.

Шундай таклифлар орасида электрон пулларда очилган ҳисоб-китоб рақамлари учун мажбурий равишда захиралаш тартиботини жорий этиш таклифи жуда кенг тарқалган [7]. Шубҳасиз, бу ҳилдаги фикр-мулоҳазалар криптовалюталарнинг пул базасига кўрсатётган таъсир самарасини эътиборга олиб билдирилмоқда. Шу ўринда масаланинг қизиқ бир жиҳати намоён бўлади. Аввал айтганимиздек, виртуал валюталар аксарият мамлакатларда расман тан олинмаган. Гарчи, реал воқелиқдан келиб чиқиб, расмий даражада криптовалюталарнинг муомалада юришини тартибга солишга йўналтирилган муайян чора-тадбирлар ишлаб чиқилса, у ҳолда виртуал пулларни расман тан олиниши ҳамда уларни давлатнинг монетар тизимида интеграциялаштириш талаб этилади. Бу жараён амалда жуда қийин кечади.

Виртуал валюталар бозорининг функционал фаолиятини тартибга солиш борасида тез-тез киритиладиган таклифлар орасида виртуал пуллар тизимини лицензиялаштириш ҳамда уларнинг эмиссиясини амалга ошириш тартибларини ишлаб чиқиш таклифи ҳам бор [10; -Б. 44].

Янги пуллар эмиссиясини амалга ошириш тартиблари қатъий равишда белгилаб қўйилган бўлиб, уларни ўзбошимчалик билан ўзгартириш мумкин эмас. Негаки, барча жараёнлар ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган сайтларда кўрсатилган алгоритмларга асосланади. Ушбу алгоритмлар пиринг тармоқлари орқали дунё миқёсида бир-бири билан уйғун равишда боғланиб, ўзаро алоқада бўлади. Шундай қилиб, ҳамма иштирокчиларнинг доимий ва умумий назорати остида бўлган алгоритмларга бирон бир тарзда киритиладиган ўзгартиришлар моҳиятан виртуал пулларнинг умумэътироф этиладиган эмиссияси қоидаларига муайян ўзгартиришлар киритиш билан баробар. Бундай ҳолатларда алоҳида фойдаланувчи (мижоз ёки майнер) томонидан ўрнатилган қоидаларга киритиладиган ўзгартиришлар барча иштирокчиларнинг умумий розилигига асосланиши зарур, акс ҳолда улар бирлашманинг бошқа иштирокчилари томонидан қабул қилинмайди. Шунинг учун давлатнинг ваколатли органлари виртуал пулларни расман тан олиши ёки уларни инкор этиши лозим.

Ечимини кутаётган яна бир актуал масала бу - электрон пуллар тизимларини қўллаб-қувватловчи компанияларнинг фаолиятини лицензиялаштиришга нисбатан қандай муносабатда бўлиши масаласидир. Бу борада ҳам дунё мамлакатларида яқдиллик йўқ. Масалан, Тайланд ҳукумати ва марказий банки [15] Bitcoin пулларини мустақил валюта сифатида тан олди, аммо ушбу пул воситасида валюта операцияларини амалга ошириш учун махсус лицензия тартиботи амал қилишини эълон қилди. Хитой [13] ва Россия [14] ҳукумати Bitcoin пулларини расмий муомалага киритишни тақиқлаб қўйишган. Аммо, эътироф этишимиз жоизки, Интернет тизими мавжуд бўлган шарт-шароитда бундай чора-тадбирларни амалда таъминлашнинг имконияти йўқ.

Иқтисодий интеграциялашувнинг ҳар қандай кўриниши каби икки хил тўлов тизимларининг қўшилиши жараёни ўзига хос бир қанча босқичларни босиб ўтиши лозим. Нега деганда, маълум мамлакат миқёсида валюта операцияларини чегаралашга қаратилган тегишли чора-тадбирлар белгиланган бўлса, конвертацияланиши мумкин бўладиган ҳар қандай виртуал валюта хорижий валюталарни мамлакатдан олиб чиқиб кетиш учун канал вазифасини ўташи мумкин.

2013 йилдан бошлаб АҚШ ҳукумати криптовалюталар алмашинуви амалга ошириладиган биржаларнинг фаолиятини тартибга солишга доир тегишли қонунлар қабул қилди. Виртуал валюталар биржаси функционал жиҳатдан худди фонд биржалари ёхуд валюта бозорлари каби ишлайди. Ҳеч бир мамлакат бошқа хорижий давлат миллий валютасининг ҳаракатини тартибга солмайди, бироқ валюта айирбошлашга ихтисослашган айнан шу мамлакат доирасида фаолият юритувчи биржаларнинг фаолиятини тартибга солиши мумкин.

Хулоса

Криптовалюталар худди молиявий инновацияларнинг турли кўринишлари каби объектив шарт-шароитлар таъсири остида шаклланади.

Криптовалюталар расмий молиявий тизим имкониятлари билан иқтисодий фаолият субъектларининг жорий пайтдаги реал эҳтиёжлари ўртасидаги зиддиятли ҳолат юзага келганида пайдо бўлди.

Электрон пуллар эмитент кимлигига қараб, ушбу учта гуруҳга: давлат томонидан алоҳида ваколатлар берилган монетар муассасалар, ихтисослашган гарантлар, марказлаштирилмаган тизимларга бўлиниши мумкин. Номи юқорида айтиб ўтилган электрон пуллар барча турдаги товар ва хизматлар қийматининг универсал эквиваленти - пул вазифасини бажара олади.

Электрон пулларни реал иқтисодиёт билан ўзаро алоқадорлиги даражасига қараб яна уч гуруҳга ажратилади: ёпиқ схема асосида ишлайдиган виртуал валюталар, виртуал валюталарнинг бир оқимли схемалари, ўзаро муомалада бўлган виртуал валюталар схемаси. Ушбу виртуал пуллардан учинчиси расмий пул тизимига таъсир қилади, чунки иқтисодий фаолият субъектлари томонидан пул сифатида ишлатилади.

Криптовалюталар нақд пулсиз ҳисоб-китоб операцияларида ишлатилади. Ўзаро ва реал пуллар билан конвертацияланади, молиявий активларга айлантирилиши мумкин.

Виртуал валюталарнинг молиявий пирамидаларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Чунки виртуал валюталарни ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи майнерлар даромадлари моҳият-негизига кўра мавжуд тизимларни такомиллаштириш учун қўшилган хизмат ҳақидир. Бундан ташқари, шуни назарда тутмоқ лозимки, виртуал валюталарни ишлаб чиқиш хусусияти шундайки, ҳар сафар янги виртуал валюталарни ишлаб чиқиш тобора мураккаблашиб боради. Демакки, майнерларнинг оладиган даромадлари ҳам бир томондан, қийинлашиб, иккинчи томондан эса, қиймат жиҳатидан тобора камайиб бораверади. Молиявий пирамидалар схемаси бунинг тамоман акси бўлиб, унда пирамида асосчиларининг даромади ташкилий тузилмага кирадиган янги аъзоларнинг сони қанчалик ошса, шунчалик кўпайиб бораверади.

Криптовалюталар қуйидаги алоҳида хусусиятларга эга:

- тўлов воситаси сифатида амал қилиши мумкин бўлган виртуал пуллар электрон тартибда шифрлаш йўли билан яратилади. Улар расмий пул тизимлари билан параллель равишда муомалада юриши мумкин;

- виртуал пуллар давлатнинг мутасадди органлари томонидан бериладиган махсус рухсатномасига эга бўлмаган юридик ва жисмоний шахслар томонидан марказлаштирилмаган тартибда ишлаб чиқилади;

- виртуал пуллар бозори ҳам вертикал, ҳам горизонтал йўналишларда ривожланаверади. Ҳозирги вақтда виртуал пулларнинг умумий капитализацияси 9,2 млрд. АҚШ доллари га тенг бўлиб, жами 200 хилдаги тизимлар амал қилади;

- янги виртуал пулларни ишлаб чиқиш жараёнлари борган сари мураккаблашиб боради.

Ҳозирги вақтда янги виртуал пулларни ишлаб чиқишга сарфланадиган меҳнат харажатлари ҳаттоки генерация жараёнларини амалга ошириш вақтида сарфланадиган электр қуввати ҳақини тўлашга ҳам етмайди;

- криптовалюталар курси, уларнинг барқарорлигини таъминловчи алоҳида орган йўқлиги, турли бозор омилларининг таъсири, муомалага чиқариладиган виртуал валюталарнинг умумий миқдори чегаралангани сабабли, жуда тез ўзгариб туради.

Бугунги кунда турли криптовалюталар воситасида амалга ошириладиган транзакцияларни таъминлаш имкониятини берувчи яхши ривожланган инфратузилмалар (турли электрон биржалар, инструментлар, тўловларни амалга ошириш тизимлари ва ҳоказо) яратилган. Бундан ташқари, дунёнинг айрим мамлакатлари ҳукуматлари ва мутасадди органлари томонидан виртуал валюталарнинг расман тан олинishi, кенг аҳоли орасида виртуал пулларнинг тобора оммавийлашиб бориши келажакда улардан фойдаланиш имкониятларини янада оширмоқда.

Умуман олганда, дунё миқёсида криптовалюталар воситасида амалга ошириладиган транзакцияларнинг ҳажми ҳали жуда кам бўлишига қарамай, ривожланаётган интеграциялашув жараёнлари шу зайдда давом этса, бунинг оқибатлари жуда ёмон бўлиши мумкин. Муомалага виртуал пулларнинг киритилиши биринчи галда, мавжуд пул базасининг қисқариши ва мамлакатнинг эмиссион даромадлари камайиб кетишига олиб келади. Мухтасар қилиб айтмоқчимизки, молиявий глобаллашув жараёнлари жадал ривожланаётган ҳозирги шарт-шароитларда давлат монетар сиёсатини ишлаб чиқиш вақтида албатта виртуал пуллар бозоридаги ривожланиш тамойилларини ҳам эътиборга олиш зарур.

Маъбалар ва адабиётлар

1. Ali R., Barrdear J., Clews R., Southgate J. The economics of digital currencies // Quarterly Bulletin 2014 Q3. -London: Bank of England, 2014. -P. 11
2. Barbara A.G. Electronic money / Working paper. Federal Reserve Bank of Cleveland. Economic Research Department August 1997. - P. 16
3. Electronic money: Consumer protection, law enforcement, supervisory and cross border issues / Report of Group of Ten. -Basel, 1997. -40 p.
4. European Banking Authority. 2014. "EBA Opinion on 'Virtual Currencies'." European Banking Authority Opinion 2014/08.
5. Gandal N., Halaburda H. Competition in the Cryptocurrency Market / Bank of Canada Working Paper 2014-33. - Bank of Canada, 2014. -P. 32
6. Greenspan A. The payments system in transition / Federal Reserve Payments System Development Committee 2003 Conference. BIS Review 46/2003. - Washington, DC, 2003. -P. 4
7. Implications for central banks of the development of electronic money. -Basel: Bank for International Settlements, 1996. -P. 10
8. Laurence H. Meyer. The Future of Money and of Monetary Policy / Remarks At the Distinguished Lecture Program, Swarthmore College, Swarthmore, Pennsylvania December 5, 2001 -<http://www.federalreserve.gov/boarddocs/speeches/2001/20011205>
9. Miller Merton H. Debt and taxes // Journal of Finance. 1977. № 32. -P. 261-275
10. Virtual currency schemes. European Central Bank, 2012. -P. 13
11. Wilkins C. Money in a digital world // BIS central bankers' speeches. Wilfrid Laurier University. -Waterloo, 2014. -P. 5 (7)
12. Мишкин Ф. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков: Учебное пособие для вузов/Пер. с англ. Д.В.Виноградова под ред. М.Е.Дорошенко. - М.: Аспект Пресс, 1999. - 820 с.
13. "Нереальная кража" из газеты "Ведомости" от 05.12.2013, №226 (3488). URL: <http://www.vedomosti.ru/tech/news/19674451/nerealnaya-krazha#sel=9:6,9:16> (дата обращения: 24.11.2014)
14. Об использовании при совершении сделок "виртуальных валют", в частности, Биткойн. URL: http://www.cbri.ru/press/PR.aspx?file=27012014_1825052.htm (дата обращения: 24.11.2014)
15. CNBC: [сайт]. URL: <http://www.cnbc.com>
16. WebMoney: [сайт]. URL: <http://www.webmoney.ru/>
17. CoinMarketCap: [сайт]. URL:<http://coinmarketcap.com>
18. Blockchain: [сайт]. URL:<https://blockchain.info>
19. Национальная деловая сеть: [сайт]. URL:<http://ibusiness.ru/>

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ИЖТИМОИЙ РЕСУРСЛАР

Гражданское общество и социальные ресурсы

Йўлдошев А.

МАҲАЛЛИЙ САЙЛОВЛАРДА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТОМОНИДАН НОМЗОД КЎРСАТИШНИНГ ЎЗБЕК МОДЕЛИНИ ЯРАТИШ МАСАЛАЛАРИ

Ўзбекистонда кўпчилик демократик давлатлардаги каби сайловларда номзодлар кўрсатиш тартибини сиёсий партияларнинг ўзи белгилайди¹. Бундай ҳуқуқ, бир томондан, сиёсий партияларга ўзини ўзи бошқариш мақомидан келиб чиқиб фаолиятини самарали ташкил қилиш, жумладан, номзод танлаш жараёнини мунтазам ва тезкорлик билан такомиллаштиришга имкон беради. Бошқа томондан, сайловчиларнинг сайлаш ҳуқуқини чегаралаб қўяди. Чунки, сайловчилар сайлов жараёнининг амалдаги механизми туфайли партиялар томонидан белгиланган номзодларни пассив равишда тасдиқлаш билан чекланишга мажбур этилади². Демократик давлатларнинг сайлов механизмини ушбу тизим негизида ривожланаётган қарама-қаршиликларни эътиборга олган ҳолда атрофлича ўрганиш ва мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти хусусиятларидан келиб чиқиб сайлов процедураларининг ўзимизга хос моделини яратиш ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг долзарб масалаларидан бирига айланган.

Бугунги кунда деярли барча давлатларда сиёсий партиялар фаолиятида, хусусан номзод танлаш ва кўрсатишида ҳам сайловчиларнинг манфаатларини таъминлашнинг умумий механизми ишлаб чиқилган. Масалан, Ўзбекистон қонунчилигида сиёсий партиялар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида, хоҳиш-иродани эркин билдириш, партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чиқиш, аъзоларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилиши ва фаолият кўрсатиши каби принциплар мустақамланган³. Агар сиёсий партиянинг фаолиятини тартибга солувчи устави, мақсадлари, вазифалари ва фаолият услуги Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлса бу партия рўйхатга олинмайди. Сиёсий партия рўйхатга олингандан кейин ҳам унинг фаолияти қонун ҳужжатларига ва ўз уставларига мувофиқлиги Адлия вазирлиги томонидан назорат қилинади. Сиёсий партия томонидан қонун ҳужжатлари ёки ўз уставини бузиши унинг фаолиятини суд томонидан тугатилишига асос бўлади⁴. Ушбу механизмнинг ишлашида ҳам сиёсий партия фаолиятида, жумладан номзод танлаш ва кўрсатишда фуқаролар манфаатларини таъминлаш меъёрларини аниқлаш асосий масалага айланади.

Хорижий давлатларда номзод кўрсатишнинг сайлаш, муқобиллик, холислик ва бошқа демократик ғоялари ва меъёрлари XX асрнинг бошида шаклланди ва такомиллашиб келди⁵. Бироқ, ушбу меъёрларнинг барча давлатларда, жумладан, Буюк Британияда ҳам кенг жорий этилмаганлиги айрим тадқиқотчилар томонидан XX асрнинг охирида ҳам

ЙЎЛДОШЕВ Азиз, юридик фанлар номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси "Фуқаролик жамияти асослари"кафедраси мудири.

мазкур жараёнга нисбатан сиёсий партияларнинг тартибга солилмаган, энг сирли ва ёпиқ фаолияти сифатида қаралган⁶. Охирги 20 йилликда номзод кўрсатишнинг институционал, жалб қилиш, сайлаш каби усулларининг шаклланиши, ушбу жараёнда зарур демократик меъёрларни ўрнатиш имконини бермоқда. Ушбу усуллар доирасида: номзодлик, яъни ким номзод бўлиши (1), танлаб олиш - кимлар томонидан (2), номарказлаштириш - қайси даражада (3) ҳамда - тайинлаш ёки сайлаш йўли билан (4) номзод кўрсатишни аниқлаш соҳалари ажратилди⁷. Ушбу соҳаларда муайян демократий меъёрлар ишлаб чиқилган бўлса ҳам, уларни мамлакатимзда жорий қилиш миллий хусусиятларни инобатга олишни талаб қилади.

Кимларнинг номзод бўлиши, яъни сиёсий партияларнинг кимларни номзод қилиб кўрсатиш мумкинлиги, хусусан номзодларга қўйиладиган талаблар хорижий давлатларда баҳсли масалалардан биридир. Масалан, АҚШда сиёсий партиялари томонидан сайловда партиясизларнинг ҳам номзоди кўрсатилса, айрим давлатларда бунинг учун партиянинг аъзоларига ҳам муайян талаблар қўйилади. Бу борада Белгия Социалистик партияси томонидан камида 5 йил партия ёки касаба уюшмасининг аъзоси бўлиш, партия газетасига йиллик обуна бўлиши, фарзандларини католик мактабларига бериш ва ҳ.к.⁸ Шу аснода номзодларни инклюзив, яъни чекловларсиз ҳамда эксклюзив - чекловлар билан кўрсатиш турлари ажратилади.

Шу билан бирга, сиёсий партияларнинг сайловда фақат ўз аъзолари номзодини кўрсатиш чеклови, ҳаттоки, фуқароларнинг ўз номзодини мустақил кўрсатиши мумкин бўлган давлатларда ҳам танқидга учрамоқда. Чунки фуқароларнинг ўз номзодларини мустақил кўрсатишлари ташкилий жиҳатдан мураккаб бўлиб, ривожланган давлатларда кам учрамоқда. Шунинг учун партиясизларнинг сайланиш ҳуқуқларини ҳам сиёсий партиялар томонидан кенгроқ таъминлашини таъкидланмоқда. Бу ҳам Ўзбекистонда олиб борилаётган сиёсат, яъни мустақил номзодлар институтини олиб ташланганлигининг асосли эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда сиёсий партиялар халқ депутатлари Кенгашларига сайловларда вилоятлар ва Тошкент шаҳар даражасида номзодлар кўрсатувчи ягона субъектга айланганлиги миллий хусусиятларимиздан биридир. Бунинг устига туман ва шаҳар даражасида сиёсий партиялар қаторида бундай ҳуқуққа фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эга бўлса ҳам улар мазкур ҳуқуқдан деярли фойдаланади.⁹ Агарда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар бир сайлов округидан номзод кўрсатганида ҳам фуқароларнинг халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайланиш, яъни ўз номзодини кўрсатиш конституциявий ҳуқуқини партияларсиз таъминлаб бўлмайди¹⁰. Бу ҳолат Ўзбекистонда инклюзив номзод кўрсатиш тартибини жорий қилиш заруратини кўрсатади.

Юқоридагилардан, Ўзбекистонда сиёсий партиялар сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда, камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган ва қонун ҳужжатлари билан бошқа талабларга жавоб берадиган ўз аъзолари ёки партиясиз фуқаролар номзодини маҳаллий Кенгашлар депутатлигига кўрсатишлари талаб этилади. Шу сабабли мазкур талабни бажариш, яъни фуқароларнинг сайланиш ҳуқуқини таъминлашда сиёсий партиялар томонидан партиясизларни кўрсатиш, яъни рухсат берувчи меъёрнинг белгиланганлиги эътирозли ҳолатдир¹¹. Бу ҳолат сиёсий партиялар томонидан ушбу меъёрнинг бажарилишига эътибор ҳам берилмасликка, ҳаттоки, Адолат СДПнинг уставида депутатликка номзодлар сифатида партиянинг фақат ўз аъзоларини кўрсатишини белгилашга сабаб бўлган.

Фуқароларнинг сайланиш ҳуқуқини таъминлаш, аввало, уни амалга ошириш тартибини белгилаш, бу ҳақда фуқароларнинг хабардорлигини таъминлашни талаб қилади. Ўзбекистон қонунчилигига кўра номзод кўрсатиш тартиби фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига тааллуқли бўлганлиги туфайли сиёсий партиялар улар билан барчани оммавий тарзда таъминлашга мажбурдирлар¹². Сиёсий партиялар томонидан кенг оммага тақдим этилган ҳужжатлардан номзодларни танлаш ва кўрсатишнинг айрим масалаларини фақат уларнинг уставларидан топиш мумкин. Масалан, ЎзЛиДеП¹³ ва Миллий тикланиш ДП¹⁴ уставларида партиянинг вилоят, туман ва шаҳар конференциялари то-

монидан тегишли маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига номзодлар кўрсатиши белгиланган. Ушбу масала ҳудудий партия ташкилотининг Кенгаши томонидан тайёрланиб, конференция муҳокамасига олиб чиқилади. ХДП уставига¹⁵ эса номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги қарор бевосита тегишли ҳудудий партия Кенгаши йиғилишида қабул қилиниши белгиланган. Адолат социал демократик партияси низомида эса вилоят, туман ва шаҳар конференцияларининг тегишли халқ депутатлари вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиши билан чекланган.

Мамкатимиздаги сиёсий партияларнинг уставларини ўрганиш уларда номзодларни кимлар томонидан, қайси даражада, тайинлаш ёки сайлаш йўли билан номзод кўрсатиш масалалари умумий тарзда тартибга солинганлигини кўрсатади. Бунда нафақат ХДПнинг ҳудудий ташкилотлари Кенгашлари томонидан, балки бошқа партиялар ҳудудий ташкилотларининг олий органлари, партия аъзолари делегатлари томонидан сайланиши ҳам баҳслидир. Хорижий давлатларда ушбу жараёнларни номарказлашуви ҳар бир номзодларни ҳар бир сайлов округларидаги партия аъзолари ва тарафдорлари томонидан сайлаш амалиётининг нафақат сайланиш, балки сайлаш ҳуқуқини ҳам самарали амалга оширишга хизмат қилишини кўрсатади. Ҳар бир сайлов округида номзодларнинг тегишли округдаги партия аъзолари ва тарафдорлари томонидан муқобиллик асосида сайланиши уларнинг овозларини олиш учун рақобатнинг кучайиши, долзарб масалалар ҳамда иложи борича кўпроқ фуқаролар манфаатларини амалга ошириш юзасидан сайловда дастурларини ишлаб чиқишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда кўпчилик демократик давлатлар каби сайловларда номзодлар кўрсатиш тартибини сиёсий партияларнинг ўзи белгилайди.

Юқоридагилардан, сиёсий партиялар уставларида нафақат партиясизлар, балки партия аъзоларининг ҳам номзод сифатида кўрсатиш учун мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш тартиби, депутатликка номзодларни танлаш мезонлари, ҳудудий партия ташкилот-

лари йиғилишларида муҳокама қилиш масалалари белгиланмаганлигини кўриш мумкин. Бундай ҳолат депутатликка номзодларнинг амалда ҳудудий партия ташкилотлари раислари томонидан кўрсатишга шароит яратиб, уларни тегишли партия конференцияларида сайлаш эса оддий расмиятчиликка айланмоқда. Бунинг оқибатида депутатликка номзодларни кўрсатишда нафақат партиясизлар, балки партия аъзоларининг ҳам сайланиш ҳуқуқи, партия фаолиятининг қонунийлик ва ошкоралиги принципларининг¹⁶ бузилишига олиб келмоқда.

Депутатликка кўпроқ номзод ўтказиш мақсадида ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари томонидан гоҳида депутатлик ваколатларини амалга оширишга номувофиқ бўлган мансабдор шаслар¹⁷ кўрсатиш ҳоллари ҳам учрайди. Масалан, Бухоро вилояти қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи А.И.Назаров Халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашига 24-Ромитан сайлов округидан сайланган ва депутат сифатида фаолият юритган¹⁸. Ваҳоланки, ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахслари (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари бундан мустасно) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўшаш тўғрисида ариза берганлари тақдирдагина халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинадилар. Агарда депутат қонунга кўра депутатлик ваколатларини амалга оширишига номувофиқ бўлган лавозимга сайланган ёки тайинланган тақдирда унинг ваколати муддатидан илгари тугатилади¹⁹. Бу ҳолат сайлов комиссиялари, халқ депутатлари Кенгашларининг Регламент ва депутатлик одоби масалалари бўйича доимий комиссиялар эътиборлигини ҳам кўрсатади.

Умуман олганда, депутатликка номзодларни танлаш ва кўрсатишдаги ноаниқликлар, муқобиллик, ошкоралик, тенглик ва ички демократия бошқа қоидаларининг белгиланмаганлиги ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари томонидан ўз ваколатларини суистеъмол қилиш, номзодларни танлашга ҳокимнинг таъсир кўрсатиши ва бошқа салбий оқибатларга шароит яратиши табиий ҳолдир. Бу ва бошқа иллатлар баъзи жойларда партия аъзоларининг ўз номзодини кўрсатишдаги ташаббускорлиги, умуман, фаоллигининг пасайишига, сиёсий рақобатнинг сусайиши, депутатларнинг сайловчилар билан

алоқаларининг заифлашуви, маҳаллий Кенгашлар фаолиятининг самарадорлигини тушишига ва бошқа салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Юқорида келтирилган салбий оқибатларни олдини олиш мақсадида 2014 йил 20 январда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуни 22-моддаси янги меъёр билан тўлдирилди. Ушбу меъёрга кўра депутатликка номзод этиб фуқаролар орасидан мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида, тегишли вилоят, туман, шаҳар иқтисодий ривожлантиришда фаол иштирок этаётган, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг, фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини оширишга кўмаклашаётган шахслар кўрсатилиши белгиланди. Мазкур меъёрни амалга ошириш яна бир карра сиёсий партиялар олдига номзод кўрсатишни тартибга солиш вазифасини қўйса ҳам, ҳозиргача, айниқса 2014-йил декабрда ўтган сайловларда ҳам тегишли чоралар кўрилгани йўқ.

Сиёсий партияларнинг фаолиятида ички демократия қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатлари вакиллик ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир қилмоқда. Ўн йил аввал айтилган бўлса ҳам қуйидаги танқид ҳали ҳам долзарблигини йўқотмаган: "... сиёсий партияларда ички демократия деярли йўқ даражада. Баҳс-мунозара улар ҳаётининг мезонига айланмаган. Худди шунингдек партиялараро баҳслар ҳам кузатилмайди. Парламентга сайланган партия етакчилари, фаоллари келгуси сайловгача партия ички фаолиятини жонлаштиришга эмас, балки эришган мандатини, лавозимини сақлаб қолишга интиладилар, холос. Натижада партия ҳаёти "аморф" бўлиб қолишга мажбур. Демак, партияларда ички демократия ва ҳурфикрликни, партиялараро баҳсни, мунозарани, ўзини ўзи танқидни шакллантириш механизмларини яратиш зарур"²⁰. Сиёсий партиялар томонидан номзодларни кўрсатишда тенглик, қонунийлик ва ошкораликни таъминлаш бундай механизмлардан биридир.

Маълумки, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиялари "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонун ижросини назорат қилишга ва сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан изоҳлар бериш ваколатига эга. Бироқ, сайлов комиссиялари томонидан ҳозиргача номзод кўрсатишда мавжуд камчиликларни баратараф этиш юзасидан тегишли чоралар кўрилмаган. Ваҳоланки, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун сиёсий партия тегишли органи мажлисининг депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларига тақдим этилади. Бундан мақсад номзод кўрсатиш жараёнида фуқароларнинг сайланиш ҳуқуқларини таъминланишини баҳолаш, қонун бузилиши ҳолатларини олдини олиш, зарур ҳолларда, изоҳлар беришдан иборат.

Ўзбекистон учун мажоритар сайлов тизимига эга бўлган ривожланган хорижий давлатларда сиёсий партиялар томонидан номзодлар кўрсатиш тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бунда бир давлатнинг ўзида сиёсий партиялар номзодларни турли йўллار билан масалан, партия делегатлари, аъзолари ялпи йиғилишлари (конференциялар, конвентлар, кокуслар ва ҳ.к.), тарафдорлари ёки барча хоҳловчилар иштирокидаги очиқ сайловларда кўрсатиш амалиёти эътиборга лойиқдир. Номзодларни очиқ сайловларда кўрсатиш дастлабки (бирламчи) сайлов - праймериз деб аталади.

Праймеризлар тўғрисидаги Қонун 1866 йилда АҚШнинг Калифорния штатида қабул қилинди. Қонунда праймеризлар ўтказиш, бу ҳақда олдиндан огоҳлантириш, товламачиликка йўл қўйма кузатувчиларни тайинлаш ва ва бошқа турли масалалар юзасидан зарур тавсиялар белгиланди. Калифорниядан 1871, 1885 ва 1888-йилларда Огайо, Иллинойс, Массачусетс штатларида, 1900-йилга келиб эса 35 штатда бирламчи сайловлар ва партиявий конвентлар тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди²¹. Праймеризларни мажбурий ўтказилишини расмийлаштирувчи қонун биринчи марта 1903-йилда Висконсин штатида қабул қилинди.

Айрим сиёсий партиялар номзодларни бир неча босқичда кўрсатиб, праймеризлар билан бирга депутатликка номзод кўрсатишнинг турли шакл (механизм)ларидан фойдаланади. Масалан, Буюк Британия Консерватив партияси маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига сайланишни талабгорлардан иборат номзодлар рўйхатини тузиб, номзодларни кўриб чиқиш ва аъзолар йиғилишида сайлаш босқичларида номзод кўрсатади²².

Бугунги кунга келиб деярли барча давлатларда сайловларда номзодларни эркин, муқобиллик асосида ва жамотчиликнинг кенг иштирокида кўрсатиш демократик анъанага айланмоқда. Бундай анъаналар сиёсий партияларга муносиб номзод кўрсатиш, уларнинг масъулиятини кучайтириш, фаолият дастурларини янада пухтароқ ишлаб чиқиш ва амалга оширишга хизмат қилмоқда²³. Ушбу демократик анъаналарни ўрганиш мамлакатимиздаги сиёсий партиялар томонидан депутатликка номзодларни кўрастишни тартибга солиш юзасидан қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни илгари суриш имконини берди.

1. Депутатликка номзодларни кўрсатиш тартибини партия уставида белгилаш. Бунинг учун ушбу тартибни "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонуннинг 7-моддасида сиёсий партия уставида кўрсатиш лозимлигини мустаҳкамлаш. Сиёсий партияларни рўйхатга олишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан номзодлар кўрсатиш тартибини демократик нормаларга мувофиқ белгиланишига аҳамият бериш ҳамда ушбу нормаларга риоя қилиниши устидан сайлов комиссиялари назоратини кучайтириш.

2. Депутатликка номзодларни кўрсатишда ҳар бир фуқаро, хусусан партиясизларнинг сайланиш ҳуқуқини ҳамда партия аъзоларининг тенглигини таъминлаш. Бунинг учун ҳар бир партия аъзоси ёки партиясизни депутатликка ўз номзодини кўрсатиш тўғрисида партия ташкилотига мурожаат қилиш, ушбу мурожаатларини кўриб чиқиш тартибини белгилаш.

3. "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 22²-моддаси биринчи қисмининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён қилиш:

- сиёсий партиянинг тегишли органи мажлисининг фуқаролар йиғини (вакиллари

Мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг уставларини ўрганиш уларда номзодларни кимлар томонидан, қайси даражада, тайинлаш ёки сайлаш йўли билан номзод кўрсатиш масалалари умумий тарзда тартибга солинганлигини кўрсатади.

йиғилиши) депутатликка номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда депутатликка номзодлар дастури эшитили, муҳокама, сайлаш тўғрисидаги қарор, ҳар бир сайланган депутатликка номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги, шунингдек сайлов округининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади;

гининг номи ва тартиб рақами кўрсатилади;

4. Хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда мамлакатимизда номзодлар кўрсатиш борасида ички демократия қоидаларини таъминлаш мақсадида ушбу жараёни қуйидаги босқичларда амалга ошириш тавсия этилади:

I. Депутатликка номзодларни кўрсатиш учун ҳар бир сайлов округида ҳудудий партия Кенгаши томонидан Танлов комиссиясини тузиш. Танлов комиссияси тегишли сайлов округида фаолият юритадиган бошланғич партия ташкилоти раиси, камида унинг иккита аъзоси таркибида тузилади. Агарда сайлов округида бир неча бошланғич партия ташкилотлари фаолият кўрсатса ёки бирорта партия ташкилоти бўлмаса Танлов комиссияси тегишли округда яшайдиган ёки ишлайдиган партия фаоллари таркибида тузилади.

II. Танлов комиссиялари томонидан тегишли сайлов округидан номзод сифатида кўрсатиш учун хоҳловчилар рўйхатини тузиш. Депутатликка номзод кўрсатиш учун ҳужжатларни қаерда ва ким томонидан қабул қилиниш тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Танлов комиссиялари томонидан тегишли сайлов округидаги бошланғич партия ташкилотлари, ҳудудий партия Кенгаши томонидан берилган тақдимномалар, партия аъзолари ва партиясизлар мурожаатлари қабул қилинади. Хоҳловчилар рўйхатига киритишга қонун билан депутатликка номзодга қўйилган талаблардан бошқа чекловлар қўйилмайди. Хоҳловчилар рўйхати 5 кишидан кам бўлмаслиги керак. Агарда хоҳловчилар сони 5 кишидан ортиқ бўлса, Танлов комиссияси барча хоҳловчилар билан биргаликда саралаш йиғилишини ўтказишади. Саралаш йиғилишида ҳар бир хоҳловчининг сайловолди дастури муҳокама қилинади. Муҳокамалар якунида саралаш йиғилиши иштирокчилари томонидан 5 киши сайланади.

III. Сайлов округида фаолият кўрсатаётган партия аъзолари ва тарафдорлари йиғилишида депутатликка номзодлар кўрсатиш. Йиғилишни ўтказиш жойи ва вақти оммавий

ахборот воситаларида эълон қилинади. Йиғилишда ҳар бир хоҳловчининг сайловолди дастури муҳокама қилинади. Муҳокама якунига кўра округдан номзод кўрсатилади.

IV. Ҳудудий партия ташкилоти конференциясида депутатликка номзодларни тасдиқлаш. Ҳудудий партия ташкилоти конференциясида Танлов комиссияларининг қарорлари кўриб чиқилиб, номзодлар тасдиқланади. Тасдиқланган номзодлар ҳужжатлари тегишли сайлов комиссиясига рўйхатга олиш учун тақдим қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, сиёсий партиялар томонидан номзодлар кўрсатиш жараёнида ички демократия қоидаларига риоя қилиниши фуқароларнинг манфаатларини кенгроқ инобатга олиш, яъни уларни давлат бошқарувида иштирок этиш ҳуқуқини таъминлаш, давлат бошқарувининг самарадорлигини ошишига хизмат қилади. Давлат бошқаруви жараёнларида иштирок этиш фуқароларга узлуксиз сиёсий-ҳуқуқий таълим олишининг зарур шарт ҳисобланади, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий, хусусан, электорал маданиятини юксалтиради.

Манбалар ва адабиётлар

1. "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуни 22-моддасининг бешинчи қисми //.
2. Дюверже М. Политические партии / пер. с франц. -М.: Академический проект, 2000. С. 428-429.
3. "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 36-модда.
4. Давлат сиёсий партияларнинг қарорлар қабул қилишида ошкоралик ҳамда ўз аъзоларининг фикрини ҳисобга олиш (98-банд), номзодлар кўрсатишига ушбу жараённи партия уставига мувофиқлигини таъминлаш (127-банд) юзасидан аралашини мумкинлиги эътироф этилган. Қаранг: Руководящие принципы правового регулирования деятельности политических партий. Варшава/Страсбург: опубликовано бюро ОБСЕ по демократическим институтам и правам человека (БДИПЧ), 2011.
5. Қаранг: Michels, Robert. Political Parties: A Sociological Study of the Oligarchical Tendencies of Modern Democracy. Glencoe, IL: Free Press. 1915. P. 183.
6. Қаранг: Duverger, Maurice. Political Parties: Their Organization and Activity in the Modern State. London: Methuen. 1954. P. 354. Ranney, Austin. Pathways to Parliament: Candidate Selection in Britain. London: Macmillan. 1965. Birch, Anthony H. Representation. New York: Praeger. 1971. P. 3.
7. Reuven Y. Hazan and Gideon Rahat. Democracy within Parties: Candidate Selection Methods and Their Political Consequences. Oxford University Press. 2010. P. 18.
8. Obler, Jeffrey L. Candidate Selection in Belgium. Ph.D. dissertation. Madison: University of Wisconsin. 1970.
9. 2014 йил июль ҳолатига мамлакатимиз халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 77 та номзод кўрсатилган бўлса, улардан 75 таси сайланган. Мамлакатимизнинг етти минтақасидаги халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида уларнинг номзодлари йўқ // ФЖШМҚМИ жорий архиви.
10. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига кўра фуқаролар давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар // http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=20596.
11. "Қонуни 22-моддасининг еттинчи қисми.
12. "Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 8-моддасининг иккинчи қисми // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 й., 1-сон, 2-модда.
13. <http://www.uzlidep.uz/uz/about/partiya-ustavi>.
14. <http://mt.uz/uz/partiya/doc/ustav.html>.
15. <http://www.xdp.uz/party/osnovnie/carta/>.
16. "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 2-сон, 36-модда; 1999 й., 9-сон, 229-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда; 2007 й., 15-сон, 153-модда; 2008 й., 52-сон, 510, 513-модда; 2014 й., 4-сон, 45-модда.
17. 2014 йил 1 июнь ҳолатига маҳаллий Кенгашларнинг 5 967 та депутатларидан 1 850 таси, яъни 31% фоизи ижро этувчи ҳокимият органларида ишлайдилар. Улардан 248 таси, яъни 4% вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, уларнинг ўринбосарларидир.
18. <http://www.buxoro.uz/uz/node/84> (2014 йил 8 октябрда кўрилган).
19. "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси // Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 3-4-сон, 20-модда.
20. Мамадалиев Ш.О. Халқ ҳокимияти: назария ва амалиёт. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003.176-б.
21. Epperson J. W. The Changing Legal Status of Political Parties in the US. New York, 1986. P. 50-51.
22. Rhys Williams, Akash Paun. Party people. How do - and how should - British political parties select their parliamentary candidates? London. Institute for Government 2011.
23. См.: Шишкина Н.Е. Праймериз как предстудия избирательного процесса // Сибирский юридический вестник, 1/2008. С. 31.

Реймова З.

МЕСТО ОРГАНОВ САМОУПРАВЛЕНИЯ ГРАЖДАН В СИСТЕМЕ ПУБЛИЧНОГО УПРАВЛЕНИЯ

Нерешенность столь важного с концептуально-теоретической точки зрения вопроса о месте органов самоуправления в системе публичного управления небезосновательно провоцирует споры среди специалистов, так как потенциально содержит много неясностей. Среди обсуждаемых вопросов актуальными остаются: какой орган должен регистрировать органы самоуправления граждан (далее - ОСГ), какой орган должен выплачивать заработную плату работникам аппарата схода граждан, правильна ли процедура согласования кандидатур на должность председателя схода граждан с хокимом, возможна ли общественно-самостоятельная деятельность ОСГ при финансовой зависимости от хокимиятов и т.п? Мы считаем эти вопросы небезосновательными. Следует особо отметить, что авторы всех вышеописанных рассуждений, которые так или иначе пытаются найти решение обнаруженного казуса, апеллируют к содержанию статьи 7 Закона Республики Узбекистан "Об органах самоуправления граждан", где говорится: "Органы самоуправления граждан не входят в систему органов государственной власти и осуществляют предоставленные им законом полномочия на соответствующей территории".

Ссылаясь на данную статью Закона Республики Узбекистан, большинство ученых и председателей сходов граждан со стажем считают, что: ОСГ должны регистрироваться не в хокимиятах, а в органах юстиции, так как являются негосударственной некоммерческой организацией (далее - ННО); заработная плата должна выплачиваться не через хокимияты, а через негосударственные структуры (Общественный благотворительный фонд "Махалля", Координационный совет по делам органов самоуправления граждан); при выборах кандидатуры в председатели схода не должны согласовываться с хокимом и т.п.

Как видно, данные предложения нацелены на то, чтобы полноценно реализовать статью 7 Закона "Об органах самоуправления граждан". Вместе с тем, вероятно ввиду сложности и ответственности данного концептуально-теоретического вопроса, ни в одной диссертационной работе, в которой рассматриваются теоретические аспекты органов самоуправления граждан, не проводится его исследование¹.

Мы тоже задались вопросом: насколько статья 7 Закона "Об органах самоуправления граждан" юридически корректна и обоснованна? На наш взгляд, с юридической

РЕЙМОВА Зухра Абатбаевна, кандидат юридических наук, доцент, зав. кафедрой "Государственное право и управление" Каракалпакского государственного университета им.Бердеха.

точки зрения в статье Закона кроется серьёзный казус. И до тех пор, пока не будет достигнута ясность в столь важном концептуально-теоретическом вопросе о месте органов самоуправления граждан в системе управления, то при решении частных вопросов по организации и деятельности органов самоуправления граждан стороны будут постоянно апеллировать к той части Закона, согласно которой каждая из сторон может считать свои действия законными.

Для того чтобы найти правильный ответ на столь важный концептуальный вопрос: к какой системе управления относятся органы самоуправления граждан — к государственной (публичной) или негосударственной (общественной) — необходимо провести анализ теоретических и практических аспектов общих и отличительных признаков юридической природы ОСГ и органов государственной власти (далее - ОГВ).

Так, в теоретическом аспекте следует отметить, что существуют две теории относительно природы органы самоуправления граждан — государственная и общественная².

Основные положения государственной теории местного самоуправления были сформулированы в XIX в. выдающимися немецкими учеными Р.Гнейстом и Л.Штейном. Данная теория исходит из того, что местное самоуправление, в конечном счете, - часть целостного управления обществом. Основы местного самоуправления (принципы организации, полномочия и др.) определяются законом. Поэтому сторонники этой теории считают, что местное самоуправление — продолжение государственной власти, а органы и должностные лица местного самоуправления - "агенты" государственной власти на местах.

Согласно общественной теории, основоположниками которой являются О.Ресслер, Р.Моль, суть вопроса сводится к противопоставлению местного общества государству³. Как следствие такого подхода ставится вопрос о полной обособленности общинных органов власти от государственных. Сторонники "общественной" теории неоднократно предпринимали попытки составить список дел, подведомственных органам местного самоуправления, которые по существу отличались бы от дел государственного управления. Однако, как справедливо отмечают некоторые авторы, на практике "оказалось довольно сложно разграничить дела собственно общинные (местные) и дела государственные, порученные для исполнения общинам. Например, дорожное строительство, местные налоги, охрана общественного порядка, заведование образованием, культурой, здравоохранением и т.п. не могут считаться чисто общественными делами и противостоять делам государственным"⁴. Такие дела представляют интерес не только для местного сообщества, но и для государства, в целом. Получается, что такого рода предположение ставит ученых перед необходимостью критически подходить к оценке данной теории.

В свою очередь, следует согласиться с мнением В.Б.Евдокимова и Я.Ю.Старцева о том, что "по мере становления современного государства, развития центростремительных тенденций в области государственного управления, усиления правового регулирования деятельности местных органов и все большего переплетения полномочий муниципалитетов и центральных ведомств, в результате расширения социальных функций государства, происходит пересмотр принципов связей муниципалитетов с органами государственного аппарата, а также постепенное превращение местного самоуправления в разновидность специфической исполнительной деятельности, осуществляемой в рамках общей государственной политики"⁵.

Наряду с этим становление и развитие концептуальной идеи о "государстве всеобщего благоденствия" (welfare state), расширение набора услуг, предоставляемых государством своим гражданам, оказало в целом двойственное влияние на деятельность местного управления. С одной стороны, повысилась роль местных органов в реализации правительственной политики на местах, в предоставлении услуг населению, это, в свою очередь, стимулировало заинтересованность государства в эффективности функционирования местного управления. С другой стороны, усилилась интеграция местных

органов в государственный механизм, что в значительной степени привело к потере многими из них своей былой самостоятельности. Как справедливо оценил эту тенденцию Г.В.Барабашев, "эволюция местного управления многократно усилила государственную природу муниципальных институтов, срастив местные дела с общегосударственными интересами и поставив выборные муниципальные учреждения в сильнейшую административную и финансовую зависимость от правительства и министерств", что "окончательно оттеснило элементы местного самоуправления в муниципальной организации к деятельности на второй план"⁶.

Такая изменившаяся ситуация заставляет высшие органы власти искать новые пути влияния на местные органы с целью подчинения их деятельности решению прежде всего общегосударственных задач (или же тех местных задач, которые имеют общенациональное значение). Как отмечает германский исследователь Р. Граверт, характеризуя современные реалии, "чем полнее втягиваются местные территориальные единицы в осуществление конституционно-правовых принципов социальной государственности, тем больше они вынуждены абстрагироваться от местных особенностей и следовать целям всей страны, принципам государственной политики"⁷. Он подчеркивает, что в современной Германии (как и в других развитых странах) судьба местных органов во многом зависит от поддержки государства. Неразрывно связанные с налоговой и финансовой системой государства "они скорее являются частью единого целого, чем неза-

Местное самоуправление – это прежде всего управление, иными словами, осуществление публичной власти на местном уровне.

висимыми территориальными единицами, и возможность что-либо предпринять на муниципальном уровне больше зависит от общей ситуации в государстве, чем от специфических местных обстоятельств"⁸.

Другой немецкий автор, Хоффманн, отмечает, что "общины являются ... не только основой государства, но и его членами, т. е. они интегрированы в общую систему государственной власти. Они осуществляют свою власть как часть государства и по его полномочиям"⁹.

При этом очевидно, что в системе публичного управления центральные органы власти занимают привилегированное положение - не только за счет масштаба подотчетной им территории, но и за счет представления государства как носителя суверенитета. Эта особая роль государства является основанием для постоянных сомнений в самостоятельности местного (само)управления. Как правило, местное самоуправление создается – или признается с существенными ограничениями – государством. Закрепление за органами самоуправления определенных полномочий на практике является лишь результатом разграничения компетенций между центром и административно-территориальными единицами в рамках единого механизма публичного управления. Местные органы не могут самостоятельно определять круг своих полномочий, поскольку последние устанавливаются актами высших органов власти.

Как правильно подчеркивает английский исследователь К. Дейвис, местное самоуправление – это прежде всего управление, иными словами, осуществление публичной власти на местном уровне. Ученый признает, что, следуя такой логике, местные органы действуют лишь постольку, поскольку центральное правительство с чисто технической точки зрения неспособно самостоятельно осуществлять управление во всех административно-территориальных единицах¹⁰.

Вместе с тем, чтобы правильно оценить роль местного самоуправления в механизме публичного управления, необходимо разобраться также в соотношении понятий "местное управление" и "местное самоуправление". Существует точка зрения, при которой эти понятия обозначают как бы две различные системы, параллельно функционирующие на местном уровне. При этом под местным управлением понимаются органы, назначаемые из центра и представляющие на местах государственную администрацию, а

под местным самоуправлением — местные выборные органы и должностные лица. Если придерживаться такой позиции, то получается, что в Великобритании вообще не существует местного управления как такового, поскольку на местах отсутствуют чиновники, назначаемые из центра. А ведь именно термин "местное управление"¹¹ используется как в законодательстве, так и в работах исследователей этой страны.

Более правильным представляется не противопоставление местного самоуправления и местного управления, а рассмотрение их соотношения как части и целого. Следует признать, что местное управление является достаточно сложным и гибким механизмом, который может включать в себя как государственную администрацию на местах, так и избираемые местным населением органы власти (т.е. органы местного самоуправления). Таким образом, понятие "местное управление" охватывает как прямое государственное управление на местах (назначаемые центром и подчиняющиеся ему чиновники), так и местное самоуправление (деятельность местных выборных органов и должностных лиц, ответственных лишь перед избирателями и перед законом).

Анализ практических аспектов общих и отличительных признаков юридической природы органов самоуправления граждан, органов государственной власти и негосударственных некоммерческих организаций показывает следующее:

- органы самоуправления граждан и органы государственной власти образуются в установленном государством порядке. Так, они формируются через всеобщие выборы (председатели сходов граждан и его советники, депутаты). Выборы осуществляются соответственно на основе Законов "О выборах председателя (аксакала) схода граждан и его советников"¹² и "О выборах в областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов"¹³. В отличие от них, ННО формируются ограниченной группой граждан, объединившихся по интересам;

В силу юридической природы органы самоуправления граждан относятся к системе представительных органов государственной власти.

- ОСГ и ОГВ наделены общей компетенцией, т.е. уполномочены решать общие вопросы социально-экономического развития на своей территории;

- обе обладают признаками национальной государственности. В частности, в их названиях отражены элементы национального суверенитета (Олий Мажлис, местный Кенгаш, махалля, аксакал);

- акты органов самоуправления граждан и органов государственной власти носят государственно-властный характер, т.е. обязательны к исполнению. В частности, касательно ОСГ, в статье 16 Закона "Об органах самоуправления граждан" говорится:

"Решения органов самоуправления граждан и их должностных лиц, принятые в пределах их полномочий, обязательны для исполнения гражданами, проживающими на соответствующей территории, а также юридическими лицами (их должностными лицами), расположенными на территории поселка, кишлака, аула и махалли.

Неисполнение или ненадлежащее исполнение решений органов самоуправления граждан и их должностных лиц влечет ответственность в соответствии с законом";

- ОСГ подлежат учету в местных ОГВ, а ННО - в органах юстиции;

- органы самоуправления граждан и органы государственной власти создаются в обязательном порядке на всей территории Республики Узбекистан. Согласно статье 105 Конституции Республики Узбекистан ОСГ создаются во всех кишлаках, посёлках и аулах. В отличие от них, ННО создаются и ликвидируются по инициативе граждан;

- функциональное предназначение ОСГ и ОГВ определяется государством, а ННО — самостоятельно его учредителями;

- органы самоуправления граждан и органы государственной власти образуются по административно-территориальному признаку на основе фактора совместного проживания граждан на соответствующей территории, а ННО — учреждаются и ликвидируются по инициативе их учредителей;

- примерные положения о сходе граждан и его структурных подразделениях утверждаются Кабинетом Министров, а устав ННО — его учредителями;
- органы самоуправления граждан и органы государственной власти формируются через выборы на основе законодательства, а ННО — согласно уставу;
- ОСГ финансируется государством, а ННО — собственными источниками финансирования.

Как видно из анализа общих и отличительных признаков между ОСГ, ОГВ и ННО, ОСГ обладают всеми атрибутами органов государственной власти. Исходя из этого, представляется необоснованным утверждение о том, что органы самоуправления граждан есть ННО.

Вместе с тем, необходимо выяснить государственную природу ОСГ и отсюда его соотношение с институтами гражданского общества (далее ИГО). Так, следует выявить два основных признака, которые могли бы наиболее объективно определить соотношение ОСГ с ИГО, а именно: первое, к какой ветви власти относятся органы самоуправления граждан, второе, какова дистанцированность ОСГ к объекту управления (населению), т.е. их место в системе вертикали внутри своей ветви власти — представительных органов государственной власти.

Общество, в целом, самоуправляется как через непосредственную (ННО), так и через представительную (представительные органы государственной власти) демократию.

— представительных органов государственной власти.

В частности, по первому признаку, так как ОСГ являются выборными органами, то их по их юридической природе следует относить к системе представительных органов государственной власти, реализующих народное представительство.

Именно этот признак, главным образом, позволяет причислять органы самоуправления граждан к органам государственного управления (в широком смысле), наиболее близко расположенных к ИГО (в системе государственной власти из трех ветвей власти наиболее близко к институтам гражданского общества находятся представительные органы власти — Олий Мажлис, еще точнее — его Законодательная палата, а также местные Кенгаши народных депутатов).

По второму признаку, касательно их дистанцированности — органы самоуправления граждан являются представительными органами государственной власти, наиболее близко расположенными к населению.

Таким образом, говоря о месте ОСГ в системе управления (в широком смысле), можно считать, что они относятся к системе органов государственной власти, а внутри её — к системе представительных органов государственной власти и являются его самым низшим звеном. Так, если народ самоуправляется через избираемых ими представителей в представительный орган власти, в лице депутатов Олий Мажлиса, областных, районных и городских Кенгашей народных депутатов, то точно также, в ОСГ, народ, т.е. общность граждан, проживающая на территории органов самоуправления граждан (поселка, кишлака, аула, махалли), самоуправляется через своих представителей, избираемых от улиц, кварталов (ст.13 Закона о выборах в ОСГ).

При этом неправомерно утверждать, что признаки самоуправления не воплощены на республиканском, областном, районном и городском уровнях государственной власти. На всех этих уровнях реализуются признаки самоуправления: на республиканском — через Олий Мажлис, областном, районном и городском — через соответствующий областной, районный и городской Кенгаши народных депутатов. Точно также самоуправление реализуется на уровнях поселков, кишлаков, аулов и махаллей.

Тем самым можно сделать вывод, что общество, в целом, самоуправляется как через непосредственную (ННО), так и через представительную (представительные органы государственной власти) демократию. При этом главной функцией последнего является возведение народной воли в государственную.

Таким образом, все органы, которые на соответствующей территории формируются путем всеобщих выборов (Олий Мажлис, областные, районные и городские Кенгаши народных депутатов, собрания представителей граждан избираемых жителями улиц, кварталов в поселках, кишлаках, аулах и махаллях), обретают статус публичной власти. Они воплощают в себе всеобщую волю граждан соответствующего территориального уровня и призваны решать в комплексе все наиболее значимые вопросы общественно-политического и социально-экономического развития на своей территории. Отсюда их компетенция преломляется в юридическую плоскость со статусом общей (публичной) компетенции.

В итоге следует, что в любой демократической стране имеется вертикаль органов самоуправления от высшего (республиканского), регионального (областных) до местного (районных, городских, кишлачных, поселковых, аульных, махаллинских) звеньев. Здесь можно говорить лишь о том, какие задачи представительные органы власти призваны решать, каждый на своём уровне.

При этом в деле выполнения задачи по внедрению в систему управления механизмов самоуправления главное — необходимо учитывать содержание двух важных принципов:

- первое, чем ближе представительный орган к населению, тем больше возможности у населения влиять на данный орган;

- второе, насколько население способно управлять, настолько по вертикали представительных органов власти следует передавать властные полномочия сверху вниз.

Поэтому между органами управления, осуществляющими публичную власть, нельзя поставить четкую грань разделения, можно лишь говорить, насколько в них, в силу вышеуказанных двух принципов, объективно воплощены признаки самоуправления, т.е. степень самоуправляемости.

В свою очередь многие авторы считают в качестве главного признака органа самоуправления — назначаемость или выборность его главы.

В связи с этим, не случайно, что ни в одном Законе не определяется статус органов самоуправления граждан как ННО, а также в самом Законе об ОСГ не решается вопрос о полном приравнивании статуса органов самоуправления граждан к статусу ННО (в вопросах регистрации, финансирования, правового регулирования организационно-правовых основ их деятельности). Это правильно и не случайно, ибо на практике также есть убедительное проявление того, что органы самоуправления граждан сегодня воплощают многие функции районных, городских органов власти. Здесь происходит передача полномочий в системе публичной власти: от органа общей компетенции районного, городского уровня органам нижестоящего уровня - кишлачным, поселковым, аульным и далее махаллинским сходам граждан.

При этом, в отличие от ОСГ, ННО не обеспечивает реализацию общих вопросов, а нацелен на удовлетворение интересов какой-либо отдельной социальной группы граждан в конкретной плоскости их интересов (исключение - политические партии).

Глава государства также правильно ставит вопрос о необходимости передачи полномочий от государства к органам самоуправления граждан. Однако здесь он имеет в виду полномочия в широком (полноценном) смысле, а именно создать все условия, чтобы они выполняли функции власти, что подразумевает необходимость передачи не только своих полномочий (в узком смысле свои задачи), но вместе с ними, в "комплекте", передать органам самоуправления граждан права и финансы, необходимые для реализации этих полномочий.

Основная ценность идеи главы государства в передаче полномочий в том, что чем ближе полномочия к народу, тем сильнее общественный контроль, а значит больше учет мнения населения на принимаемые управленческие решения, меньше злоупотреблений, тем полноценней реализуется главная функция представительных органов власти, в т.ч. ОСГ, — возведение народной воли до уровня государственной.

Поэтому и здесь, применяя принципы поэтапности и последовательности реформ, по мере повышения у граждан способности (как качественно, так и количественно) к участию в управлении, т.е. в работе органов самоуправления граждан, необходимо адекватно передавать им функции государства (в вопросах самостоятельной организации своей работы, финансирования, реализации данных им прав, ответственности и т.п.).

Резюмируя вышеизложенные высказывания, можно сделать вывод, что местные органы государственной власти и органы самоуправления граждан являются звеньями единой системы публичной власти и можно лишь говорить о степени наличия (соотношения) в них признаков управления и самоуправления. Государство признает местное самоуправление в качестве самостоятельного уровня, самостоятельной формы осуществления народом принадлежащей ему власти. При этом система местного самоуправления — это не государство в государстве: она интегрирована в общую систему управления делами общества и государства, занимает в ней особое место, обладая самостоятельностью. Поэтому можно говорить лишь об известных пределах независимости органов местного самоуправления в решении местных дел — тех пределах, которые устанавливает государственное законодательство. Касательно того, что можно ли институт ОСГ относить к институтам гражданского общества, то можно сделать вывод о том, что органы самоуправления граждан есть институт публичной власти, однако наиболее близко расположенной к институтам гражданского общества.

Источники и литература:

1. См.: Диссертации М.Тўракулова, Б.Мухаммадшо, М.Қирғизбоева, Б.Жўраева, М.Юнусовой, М.Муллажоновой, Г.Маликовой, Г.Исмоиловой, Ш.Жалилова и др..
2. См.: Барабашев Г.В. Местное самоуправление. - М.: МГУ, 1996. - С. 152..
3. См.: Кутафин О.Е., Фадеев В.И. Муниципальное право Российской Федерации - М., 1997. С. 44.
4. См.: Игнатов В.Г., Рудой В.В. Местное самоуправление. - Ростов н/Д.: "Феникс". 2003. - С. 27.
5. См.: Евдокимов В.Б., Старцев Я.Ю. Местные органы власти зарубежных стран: правовые аспекты. - М.: Спарк, 2001. - С.8-9.
6. См.: Барабашев Г.В. Местное самоуправление. - М.: МГУ, 1996. - С.13.
7. См.: Граверт Р. Финансовая автономия органов местного самоуправления в ФРГ // Государство и право. 1992. № 10. С. 96.
8. См.: Здесь же. С. 99.
9. См.: Хоффманн К. Местное самоуправление в Германии (на примере Положения об общинах земли Баден-Вюртемберг). - М.: Де-Юре. 1996. С. 34.
10. См.: Davies K. Local government law. L.: Butterworths, 1983. - С. 23.
11. Или "местное правление" - local government.
12. См.: Ведомости палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2013, № 4, ст. 97.
13. См.: Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 2003, № 9-10, ст. 134.

Нематов Ж.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА МАЪМУРИЙ ПРОЦЕДУРАНИНГ ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларининг илк кунларидан бошлаб давлат ва жамият ҳаётини босқичма-босқич ислоҳ этиш, ҳуқуқий давлат қуриш, фуқароларнинг давлат бошқарувида иштирокини кенгайтириш, давлат бошқарувини янада демократлаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Давлат миқёсидаги ислоҳотлар кўзланган стратегик мақсадларимизга мувофиқ бўлиши учун ушбу жараёнларга имкон қадар кўпроқ малакали кадрларни жалб этиш катта аҳамиятга эга. Давлат бошқаруви тизимидаги кадрлар фаолиятини тўғри ва самарали ташкил этиш кўп жиҳатдан уларнинг маъмурий органларнинг функционал фаолиятини ташкиллаштириш ва тартибга солишга оид процессуал талабларнинг қай даражада ўзлаштириб олгани, амалиётда улардан нечоғли ўринли ва унумли фойдалана билишига боғлиқ. Шундан келиб чиқиб, ушбу мақола доирасида маъмурий процедура, яъни давлат бошқаруви (маъмурий соҳа)да қарорларни қабул қилиш тартиб-таомиллари ҳақидаги жаҳон тажрибасида тўпланган эмпирик материалларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таҳлили амалга оширилади.

"Маъмурий процедура" тушунчаси англо-саксон ҳуқуқ тизими негизида, яъни АҚШ-да вужудга келган бўлса-да, мазкур институционал ғоялар Фарбий Европа давлатларида континентал ҳуқуқ тизими негизида ўз ривожини топган. Масалага оид асосий тушунчалар маъмурий ҳуқуқ институтининг мазмун-моҳияти, табиатини ўрганиш жараёнлари давомида шакллантирилган. Республикамизда маъмурий процедура жараёнлари билан боғлиқ масалалар кам тадқиқ қилинган мавзулардан бири ҳисобланади. Шунинг учун, мамлакатимизда маъмурий процедура ёки кенгроқ қилиб айтганда, маъмурий процесснинг моҳияти турли олимлар томонидан турлича талқин қилинади.

Маъмурий процедура ўз моҳиятига кўра маъмурий органлар томонидан қабул қилинадиган маъмурий акт (қарор)ларни қабул қилиш жараёни (процедураси)ни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишни англатади. Шу жиҳати билан маъмурий процедура маъмурий органлар фаолиятини регламентлашга доир қўшимча процессуал қоидаларни жорий этиш заруратини келтириб чиқаради. Шу билан бирга, маъмурий органларда ишлайдиган айрим мутасадди ходимлар, ҳуқуқшунос олимлар томонидан маъмурий процедуралар маъмурий органларнинг иш жараёнини секинлаштиради, маъмурий орган-

НЕМАТОВ Жўрабек Нематиллоевич, (Doctor of Law, Nagoya University), Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси "Бошқарувнинг ҳуқуқий асослари" кафедраси доцент вазифасини бажарувчи.

ларнинг самарадорлиги ва мослашувчанлигини пасайтиради, деган фикрлар ҳам билдирилади¹. Бундай фикрнинг тарафдорлари маъмурий органларнинг функционал фаолиятига нисбатан илгари суриладиган маъмурий процедуравий қоидаларнинг жорий этилишига хайрихоҳлик билан қарамайди.

Бу борада улар томонидан келтириладиган бир қанча важлар мавжуд. Жумладан, маъмурий процедуралар маъмурий органлар фаолиятини секинлаштириши ёки маъмурий акт (қарор) лойиҳасининг эълон қилиниши нотўғри қарор лойиҳаси учун ходимнинг жавобгарлигини келтириб чиқариши мумкин, деган важлар кўрсатилади. Ҳолбуки, давлат бошқарувини янада демократлаштириш, давлат бошқарувида, хусусан, маъмурий акт (қарор)ларни қабул қилишда фуқароларнинг иштирокини таъминлаш масалалари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуида қилинган маърузасида алоҳида таъкидлаб ўтилган. Давлат бошқарувида фуқаро ҳамда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига дахл қиладиган масалалар юзасидан маъмурий акт (қарор)ларни қабул қилишда маълум бир процедурага асосланиб иш юритиш замонавий бошқарувнинг муҳим асосларидан биридир, деган концептуал фикр илгари сурилган. Биз ҳам мамлакатимизда маъмурий процедура тизимини шакллантириш тарафдоримиз ва шу сабабдан маъмурий процедура тизими

Ривожланган давлатларда маъмурий процедуранинг ҳуқуқий нуқтаи назардан тартибга солиниши дю процесс (due process) принципи асосида амалга оширилади.

ҳақидаги хорижий тажрибадан хабардор бўлиш ҳамда унинг асосида миллий ҳуқуқий тизимизни янада такомиллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мақоламиз доирасида биз мамлакатимизда "Маъмурий процедура тўғрисида"ги қонунни

қабул қилишга зарурият борми ёки йўқми, деган актуал масаланинг ечимини таклиф этишга уриниб кўрамиз. Муҳокама этилаётган мавзуимизнинг асосида ётган масаланинг ечимини топиш учун, энг аввало, ривожланган давлатларда маъмурий ҳуқуқнинг муҳим институтларидан бири бўлган маъмурий процедуранинг мазмун-моҳияти, вазифалари қандай тушунилиши ҳақида тўхталиб ўтамиз. Шундан сўнг мамлакатимизда маъмурий процедура тўғрисидаги баъзи бир илмий қарашлар ва ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси ҳақида фикр юритамиз.

Ўзбекистон Республикасида ҳали маъмурий процедура тўғрисидаги қонун қабул қилинмагани боис, қуйида АҚШ ва Япония мисолида маъмурий процедуранинг босқичлари ёки процессуал жараён талаблари ҳақида тушунча беришга ҳаракат қиламиз.

Ривожланган давлатларда маъмурий процедуранинг ҳуқуқий нуқтаи назардан тартибга солиниши

Маъмурий процедура ҳақидаги қонун илк бора 1946 йилда АҚШда қабул қилинган бўлиб, қуйида АҚШдаги маъмурий процедуранинг умумий жиҳатларига алоҳида тўхталиб ўтилади.

АҚШда маъмурий процедуранинг асосини ташкил қилувчи ғоялар АҚШ Конституциясининг V ва XIV тузатишларида баён қилинган². Шунга кўра, АҚШда маъмурий процедура зарурий процедура - дю процесс (*due process*) принципи асосида ўрганилади³. АҚШ Конституциясида назарда тутилган дю процесс принципи инсоннинг ҳаёти, эркинлиги ва мулкига дахл қиладиган ҳар қандай маъмурий ҳаракатларга нисбатан татбиқ этилади. Аммо маъмурий ҳаракатларнинг оқибат натижаси инсон ҳаётига дахл қилиши амалда жуда кам учраганлиги сабабли назарий изланишлар жараёнидаги асосий эътибор инсоннинг эркинликлари ва мулкига ҳар қандай шаклда дахл қиладиган маъмурий ҳаракатларнинг дю процесс принципи асосида амалга оширилишига қаратилган бўлади. Дю процесс принципи асосида вужудга келган маъмурий процедураларнинг асосий ғояси - қабул қилинаётган маъмурий акт (қарор)нинг адресатига кўрилатган

маъмурий иш юзасидан далил ва важларини изҳор этиш имконини тақдим этишда акс этади. Таъкидлаш жоизки, адресатнинг маълум бир ҳуқуқий манфаатларига нисбатан ҳам дю процесс принципи татбиқ этилиши мумкин, шу маънода дю процесс принципи адресатнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга унинг ҳуқуқий манфаатларини ҳам ҳимоя қилишга қаратилади⁴. Мулкӣ ҳуқуқларга даҳл қилиш турли шаклларда бўлиши мумкин. Бу деган сўз, дю процесс принципи фақат мулк ҳуқуқига даҳлдорликнигина назарда тутмайди, балки асосли бўлган турли қонунӣ манфаатларнинг ҳам ҳимоя қилинишини назарда тутаети. Инсоннинг эркинлигига даҳл қилиниши деганда фақатгина инсоннинг озодликдан маҳрум қилиниши эмас, балки кенг маънода амалга ошириладиган маъмурий ҳаракат натижасида инсоннинг алоҳида эркинликларига даҳл қилиниши каби ҳолатларни тушуниш лозим бўлади⁵. Таъкидлаш жоизки, инсон эркинликлари, хусусан, мулк ҳуқуқига даҳл қилинадиган ҳар қандай ҳолатда ҳам дю процесс принципи татбиқ этилавермайди. Бу принципни амалда қўллашнинг айрим истисно этувчи ҳолатлари мавжуд. Баъзи вазиятларда маъмурий акт (қарор) қабул қилиниши пировард натижада шахснинг қандай ҳуқуқ ва манфаатларига даҳл қилиниши ва дю процесс принципининг татбиқ этилиши натижасида маъмурий органларнинг ишига қанчалик тўсқинлик қилиниши мумкинлигига қаралади. Масаланинг ана шу нозик жиҳатлари ўртасидаги оптимал мувозанатни аниқлаш асосида дю процесс принципини татбиқ этиш ёки татбиқ этмаслик масаласи кўриб чиқилади. Маъмурий жараёнларни амалга ошириш давомида бундай ёндашувдан ўринли ва унумли фойдаланиш жуда муҳим. Зеро, маъмурий акт (қарор) адресатининг ҳуқуқ ва манфаатларига даҳл қилиш характериға кўра унчалик аҳамиятли бўлмаган ишларга нисбатан ҳам дю процесс принципини татбиқ қилиш маъмурий органларнинг зиммасига ортиқча юк юклайди. Бу уларнинг қонунӣ фаолиятиға тўсқинлик қилиниши мумкин. Маълум бир маъмурий ҳаракат юқорида таъкидланган ҳуқуқ ва манфаатларга даҳл қиладиган ҳаракат деб топиладиган бўлса, уларга нисбатан дю процесс принципи татбиқ этилади. Қуйида мана шу ҳақида фикр юритилади⁶.

Дю процесс принципининг бирламчи процессуал босқичи унга нисбатан маъмурий акт (қарор) қабул қилиниши кутилаётган тараф (адресат)нинг хабардор қилиниши ва кўриладиган маъмурий иш юзасидан унинг фикрини тинглашда намоён бўлади. Дю процесс принципининг кейинги процессуал босқичи адресатға суд жараёнининг тартиб-қоидаларига ўхшаш равишда фикрини тинглаш имкониятини тақдим этишда намоён бўлади⁷. Дю процесс принципининг яна бир процессуал босқичи унга нисбатан маъмурий акт (қарор) қабул қилиниши кутилаётган тарафға ҳуқуқшунос билан маслаҳатлашиб олиш ҳуқуқи тақдим этилишида намоён бўлади. Дю процесс принципининг муҳим асосларидан бири қарор чиқарувчи (маъмурий орган ёки мансабдор шахс)дан масалаға холислик билан ёндошиш талаб этилишида намоён бўлади (маъмурий акт (қарор) чиқарувчининг холислиги). Дю процесс принципининг сўнгги процессуал босқичи маъмурий акт (қарор)нинг чиқарилиши жараёнида тегишли фактик ҳолат ва ҳуқуқий асослар, қарорни асослаб берувчи далил ва сабаблар тўлиқ ифодаланишида намоён бўлади⁸.

Дю процесс принципи турли кўринишларда амалга оширилиши мумкин. Шулардан энг муҳими, ҳамма процессуал талабларға қатъий равишда амал қилиниши лозим бўладигани маъмурий иш юзасидан қарор чиқаришнинг расмий процедураси (formal adjudication)дир⁹. Гап шундаки, маъмурий ҳаракатлар турли характер касб этиши мумкин. Амалиётда бундай ҳаракатлар юзасидан чиқариладиган маъмурий акт (қарор)ларнинг ҳаммасига нисбатан дю процесс принципининг барча талаблари бирдек қўлланмайди. Чунки дю процесс принципининг барча талабларини амалга ошириш кўп вақт ва ресурсларни талаб қиладети. Бу эса маъмурий тизимнинг самарали фаолият юритишиға, қонунӣ вазифа ва функцияларини амалга ошира олишиға тўсқинлик қилиниши мумкин. Шунинг учун қарор чиқаришнинг расмий процедурасини ҳар қандай ишларға нисбатан эмас, балки айнан адресатнинг асосий ҳуқуқ ва қонунӣ манфаатларига даҳл қиладиган маъмурий ишларға нисбатангина амалга оширилишиға эътибор бериш лозим бўлади¹⁰.

Японияда маъмурий процедуранинг ҳуқуқий асослари

Япон ҳуқуқшунос олимлари маъмурий процедурани мақсадига қараб қуйидаги икки хил кўринишда бўлиши мумкин, деб таъкидлайдилар: а) ҳуқуқ субъекти бўлган айрим шахслар ҳуқуқининг ҳимоя қилиниши процедураси ва б) маъмурий акт (қарор) чиқариш жараёнида иштирок этиш процедураси.

Маъмурий акт (қарор) чиқариш жараёнида иштирок этиш процедураси оммавий (жамоат) манфаатларни кўзлаб, энг оптимал маъмурий акт (қарор)ни қабул қилиш мақсадида амалга оширилади. Мазкур жараён қабул қилинаётган маъмурий акт (қарор)да умумий манфаатлар ҳамда кенг жамоатчилик иродасини акс эттиришга йўналтирилган. Масалага бу тарзда ёндашиш демократия принципининг амалда қўлланилиши ҳисобланади. Айтиш мумкинки, маъмурий органлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида аҳоли (фуқаролар) фикрини ўрганиш демократия қарор топишининг ифодасидир¹¹.

Японияда маъмурий процедуралар юридик жиҳатдан "Маъмурий процедура тўғрисида"ги қонун нормалари билан тартибга солинади¹². "Маъмурий процедура тўғрисида"ги қонун "расмий процедура"га алоқадор муҳим ҳуқуқий талаблари Қонуннинг 15-28-моддаларида белгилаб қўйилган¹³. Мазкур Қонуннинг иккинчи бобида белгиланган нормалар ҳуқуқий жиҳатдан маъмурий органларга келиб тушадиган аризаларни кўриб чиқиш процедурасини тартибга солади. Бундай аризалар турлича (масалан, лицензия

Маъмурий процедура маъмурий акт (қарор)ларнинг легитимлигини таъминлаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари амалда таъминланишини кафолатлашга хизмат қилади.

ёки тегишли рухсатномалар олиш учун ариза билан мурожаат қилиш кўринишида) бўлиши мумкин¹⁴.

"Маъмурий процедура тўғрисида"ги қонуннинг учинчи бобида маъмурий органлар томонидан адресат учун нохуш (салбий) оқибатли

қарорлар (жумладан, маъмурий органлар томонидан берилган турли лицензия ва рухсатномаларни бекор қилиш, уларни тўхтатиб қўйиш ва бошқа шу каби қарорлар)ни қабул қилиш таомиллари белгилаб қўйилган. "Нохуш оқибатли қарор"лар деб номланишидан маълумки, адресат учун бундай қарорларнинг чиқарилиши мақбул (мақсадга мувофиқ) бўлмайди¹⁵.

"Маъмурий процедура тўғрисида"ги қонуннинг 29-31-моддаларида адресат, яъни бирон бир маъмурий акт (қарор) чиқарилиши кутилаётган шахсга ўз фикрини баён этиш ва қарши талабларни билдириш, иш учун муҳим важларни кўрсатишнинг процессуал талаблари белгиланган¹⁶.

Маъмурий органлар ўз фаолиятини миллий қонунчиликда кўрсатилган, амалда қатъий риоя этилиши, муайян тартибда бажарилиши лозим бўлган ва адолатли (тўғри) (due process of law) процедуралар ёрдамида амалга ошириши талаб қилинади. Маъмурий фаолиятга нисбатан шу тарзда ёндашиш "зарурий процедура принципининг амал қилиши" деб аталади. Бунинг асосида АҚШдаги "дю процесс" принципининг замиридаги устувор ғоялар ётади. Шунга кўра, маъмурий тизим фаолияти ўзининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган процессуал қоидаларига эга бўлиши, ўз навбатида, бу қоидалар юридик нуқтаи назардан тўғри белгиланган, адолатли бўлиши талаб қилинади. Амалда қатъий риоя этилиши, бажарилиши лозим бўлган процедураларнинг мазмуни қуйидаги принципларда намоён бўлади: 1) адресатга нисбатан бирор маъмурий акт (қарор) чиқаришдан аввал бундай қарор лойиҳаси, бунинг учун асос бўладиган ҳолатлар ҳақида адресатга хабар қилиш; 2) ушбу иш юзасидан маъмурий органларда мавжуд бўлган маълумотлар ҳақида адресатни хабардор қилиш; 3) кўрилаётган маъмурий иш юзасидан адресатнинг асосли фикрларини тинглаш; 4) адресатга нисбатан қабул қилинган маъмурий акт (қарор) ҳақида уни хабардор қилиш; қарор қабул қилинишига хизмат қилган факт ва ҳуқуқий асослар, мотивация асослари, сабабларини кўрсатиш; 5) маъмурий акт (қарор)ларни қабул қилиш учун асос бўладиган идоровий ички йўриқномаларни тайёрлаш, маъмурий иш юри-

тиш стандартларини ўрнатиш ва улардан фуқароларни хабардор қилиш муайян тартибда бажарилиши лозим бўлган процедуранинг асосий талаблари ҳисобланади¹⁷.

Японияда маъмурий процедура деганда, асосан маъмурий акт (қарор) чиқаришдан олдинги (дастлабки) процедура(лар) назарда тutilади. Лекин маъмурий процедурани маъмурий акт ва бошқа турдаги фаолиятлар, бошқача қилиб айтганда, маъмурий акт (қарор) чиқаришдан олдинги ва кейинги процедураларга бўлиб ўрганадиган олимлар ҳам бор.

Японияда маъмурий процедураларни ҳуқуқий тартибга солишнинг бир қанча ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Қуйида мана шундай процессуал талабларнинг энг асосийлари билан танишиб чиқамиз. "Маъмурий процедура тўғрисида"ги қонун маъмурий соҳада жисмоний ва юридик шахслар томонидан лицензия ва рухсатномалар олиш учун маъмурий органларга қилинадиган расмий мурожаат ва аризалар юзасидан иш юритув (бундан кейин *"аризалар юзасидан иш юритув"* деб аталади), маъмурий органлар томонидан адресатга нисбатан амалга ошириладиган турли *"нохуш (салбий) оқибатли қарорлар чиқариш юзасидан иш юритув"* каби маъмурий процедураларни тартибга солади. Қуйида аризалар юзасидан иш юритувнинг процессуал талаблари, иш жараёнининг хусусиятлари ҳақида умумий маълумот берилади.

Аризалар юзасидан идоравий йўриқномаларнинг қабул қилинган бўлиши ва бу ҳақида адресатга маълум қилиниши. "Маъмурий процедура тўғрисида"ги қонун аризалар юзасидан иш юритувнинг бирламчи талаби лицензия ва рухсатномаларни бериш билан боғлиқ маъмурий ишларда қонунда кўрсатилган умумий нормаларни конкретлаштириб тартибга соладиган, жараёни стандарт талаблар асосида бажарилишини таъминлайдиган йўриқномалар қабул қилиниши лозим. Бунда албатта йўриқномалар фуқароларнинг қонунларда белгиланган ҳуқуқларини чегараламаслиги керак бўлади. Йўриқномалар содда ва тушунарли, процедураларга оид маълумотлар батафсил ифодаланган, керакли маълумотлар билан ҳамма эркин таниша олиши учун имконият яратилган бўлиши лозим. Қонунда кўрсатилган умумий талабларнинг аниқ ва қатъий ўрнатилиши лицензия ёки рухсатномани олиш учун ариза билан мурожаат қилганда қандай хатти-ҳаракатларни амалга ошириш зарурлигини аввалдан билиш учун зарур шарт-шароит тайёрлайди, шу билан бирга, маъмурий органларнинг ўзбошимчалик билан қарорлар қабул қилиш имкониятини чеклайди¹⁸.

Аризалар юзасидан иш юритув бўйича қабул қилинадиган аризасига рад жавоб бериш тўғрисидаги қарорда рад этиш сабабларининг кўрсатилиши. "Маъмурий процедура тўғрисида"ги қонуннинг 8-14-моддалари мутасадди шахслар томонидан ўзбошимчалик билан (асоссиз) қарорлар қабул қилинишининг олдини олишга қаратилган. Қонун нормасига кўра жисмоний ва юридик шахслар томонидан тақдим этилган аризага рад жавоб бериш тўғрисида қарор қабул қилинса, бунинг сабаблари албатта кўрсатилиши шарт. Бундай талаб ўрнатилишининг сабаблари қуйидагича: биринчидан, мазкур норма маъмурий органларнинг мутасадди шахслари томонидан асоссиз, ўзбошимчалик билан қарорлар чиқарилишига йўл қўйилмайди. Ҳар қандай қарор чуқур ўйлаб, масъулиятни ҳис этган ҳолда чиқарилишини таъминлайди. Иккинчидан, қонун нормаси фуқароларга юқори турувчи орган ёки судга маъмурий акт (қарор)ни қабул қилган ходимнинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят билан мурожаат қилиш имкониятини кафолатлайди¹⁹.

Юқорида айтилганидек, жисмоний ёки юридик шахслар томонидан маъмурий органларга лицензия, сертификат ёки бошқа кўринишдаги ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган маъмурий ҳаракатларни амалга ошириш учун ариза билан мурожаат қилинганда аризага рад жавоб берилишининг асослаб берилиши ҳуқуқий жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Нега деганда, маъмурий орган жисмоний ва юридик шахснинг маълум бир масала юзасидан киритилган аризасига оддийгина қилиб рад жавобини бериши дую процесс принципига тўғри келмайди. Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахс ўз аризасининг нима сабабдан, қандай ҳуқуқий ва фактик асослар (далиллар)дан келиб чиқиб рад этил-

ганлигини билишни истайди ва табиийки, ушбу масала юзасидан қарорни чиқарган маъмурий орган ҳаракатлари устидан юқори турувчи орган ёки судга шикоят билан мурожаат қилади. Оқибатда давлат органларининг бир масала юзасидан бажарадиган иши кўпаяди, ортиқча куч ва ресурс сарфланишига сабаб бўлади. Энг асосийси, жисмоний ёки юридик шахс овора бўлади, қарорнинг асосли ёки асоссиз эканлиги, қарор тўғри қабул қилинганми ёки йўқми, била олмайди. Маъмурий органларнинг фаолиятида ошкоралик, информацион очиқлик принципларининг амал қилишини таъминлаш объектив равишда маъмурий органлар томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг асослаб берилишини тақозо этади. Шу тариқа жисмоний ва юридик шахсларга уларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланишига жиддий аҳамият берилади. Бу миллий маъмурий процедураларнинг устувор асосларидан келиб чиқадиган объектив талаб ҳисобланади.

*Қонун нормаларида иш юзасидан қарор қабул қилиш муддатларининг ўрнатилиши*²⁰. "Маъмурий процедура тўғрисида"ги қонуннинг 6-моддасида аризалар юзасидан иш юритувнинг умумий (стандартлаштирилган) талаби, яъни маъмурий ҳаракатларни амалга ошириш муддатларини белгилаш зарурлиги қайд этилган. Ушбу қонуннинг 7-моддасида расмий мурожаат маъмурий органга келиб тушган кундан бошлаб зудлик билан аризани кўриб чиқиш жараёни бошланиши лозимлиги белгиланган. Бу норма маъмурий процедура жараёни давомида умумий, расмий талабларга жавоб берадиган аризаларнинг барчасини кўриб чиқиш муддати қай вақтдан бошланишига аниқлик киритади.

"Маъмурий процедура тўғрисида"ги қонун аризалар юзасидан иш юритув бўйича

Маъмурий процедураларнинг жорий этилиши маъмурий органларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади, оммавий ҳуқуқ нормаларининг амалдаги ижросини кафолатлайди.

бошқа талабларни ҳам ўрнатган. Масалан, учинчи шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига таъсир қиладиган масалалар юзасидан маъмурий ишни очиқ тартибда тинглаш қонунда белгилаб қўйилган (10-модда). Бунга атмосфери ифлослантирадиган завод, фабрикаларни қуриладиган ҳудуд яқинида яшайдиган

аҳолининг ушбу масала юзасидан фикрини тинглаш мисол бўлади.

Нохуш оқибатли қарорлар юзасидан маъмурий иш юритиш. Нохуш (салбий) оқибатли қарорлар деганда, жисмоний ва юридик шахснинг зиммасига маълум мажбурият юклайдиган ёки унинг қандайдир ҳуқуқини чеклайдиган қарор тушунилади.

Нохуш (салбий) оқибатли қарор чиқариш процедураси ҳам юқорида айтиб ўтилган аризалар юзасидан маъмурий иш юритишнинг процессуал талабларига кўп жиҳатдан ўхшаб кетади. Жумладан, бундай қарорни чиқариш тартибини белгилаб берадиган идоравий йўриқномалар қабул қилинган ва бу ҳақидаги информация ҳамма учун очиқ бўлиши зарур. Бу маъмурий процедура талабларидан бири. Мазкур норма "Маъмурий процедура тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддасида белгилаб қўйилган. Албатта бундай йўриқномаларда маъмурий органлар қандай ҳолларда, қандай асослардан келиб чиқиб жисмоний ва юридик шахс(адресат)га нисбатан нохуш оқибатли қарор чиқариши мумкинлиги аниқ, батафсил изоҳлаб берилиши лозим.

Ушбу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, адресатга нисбатан нохуш оқибатли қарор чиқариш бўйича йўриқномаларни эълон қилишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Идоравий йўриқномаларда жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун нохуш оқибатли қарор чиқарилиши мумкинлиги аниқ қилиб белгилаб қўйилса ва улар эълон қилинадиган бўлса, жисмоний ва юридик шахслар томонидан томонидан бундай қоидаларни четлаб ўтиш, мавжуд ҳолатни сохталаштириш, ишга алоқадор бўлган муҳим далилларни яшириш каби ноқонуний ҳаракатлар содир этилиши мумкин. Бундан ташқари, баъзи бир соҳаларнинг хусусиятидан келиб чиқиб идоравий йўриқномада жисмоний ёки юридик шахсга нисбатан нохуш оқибатли қарор чиқаришнинг барча асосларини белгилаб қўйиш имконияти мавжуд бўлмайди. Шулардан келиб чиқиб, ҳуқуқ субъекти бўлган айрим шахсга нисбатан нохуш оқибатли

қарор чиқариш процедураси бўйича идоравий йўриқномани чиқариш мақсадга мувофиқ эмас деб топилса, Қонунда белгиланган маъмурий процедуравий талаблар амалга оширилмаса ҳам бўлади. Лекин бундай асослар мавжуд бўлмаса, идоравий йўриқномалар қабул қилиниши ва эълон қилиниши шарт²¹.

Маъмурий актни қабул қилиш жараёнида жисмоний ва юридик шахс(лар)га нисбатан нохуш оқибатли қарор чиқариш процедурасининг иккинчи процессуал талаби ҳақидаги норма "Маъмурий процедура тўғрисида"ги қонунининг 14-моддасида белгилаб қўйилган.

Маъмурий акт доирасида тегишлича қарор чиқарилиши кутилаётган шахс(адресат)га маъмурий иш юзасидан ўз фикрини баён этиш ва қарши талаб(важ)ларни билдириш процедураси. Жисмоний ва юридик шахсга нисбатан нохуш оқибатли қарор чиқариш процедурасининг учинчи процессуал талаби жараёнда қатнашувчи иккинчи тарафнинг фикр (важ)ларини тинглаш (эшитиш) қонун бўйича шарт деб белгиланганида ифодаланади. Ушбу процедура икки кўринишда бўлиши мумкин: Оғзаки фикр билдириш асосида амалга ошириладиган тинглаш процедураси ва важ (эътироз, фикр)ларини ёзма тартибда тақдим этиш (маълум қилиш) процедураси.

Оғзаки фикр билдириш асосида амалга ошириладиган тинглаш (эшитиш) процедураси қонунда кўрсатилган ҳолларда адресатни олдиндан хабардор қилиш ва иш юзасидан унинг фикрини эшитиш асосида амалга ошириладиган процедурадир. Бу процедурани расмий тинглаш (эшитиш) процедураси деб ҳам аташади²². Оғзаки фикр билдириш асосида амалга ошириладиган тинглаш процедураси қуйидаги процедураларни ўз ичига олади²³.

А) биринчи галда расмий тинглаш процедураси ўтказилишидан аниқ бир муддат аввал жараёнда қатнашувчи иккинчи тараф хабардор қилиниши талаб қилинади. Ушбу хабарномада кимга нисбатан ва қандай мазмундаги расмий қарор чиқарилиши режалаштирилаётганлиги, бундай қарорни қабул қилиш учун хизмат қилган ҳуқуқий асослар, қарорнинг чиқарилишига сабаб бўлган фактик маълумотлар маълум қилинади, тинглаш процедураси қачон ва қаерда ўтказилиши кўрсатиб ўтилади (15-модда).

В) расмий тинглаш процедураси одатда ёпиқ тарзда ўтказилади (20-модда). Расмий тинглаш процедурасида 3 томон қатнашади: расмий тинглаш процедурасида раислик қилувчи шахс, қарор кимга нисбатан чиқарилаётган бўлса, ўша шахс (адресат (иккинчи тараф)) ва қарор лойиҳасини тайёрлаган мутасадди ходим. Расмий тинглаш процедурасининг бошида қандай мазмундаги расмий қарор чиқарилиши режалаштирилаётганлиги, бунга асос бўлган ҳуқуқий нормалар, қарорнинг чиқарилишига сабаб бўлган фактларга изоҳ берилади. Шундан сўнг иш бўйича иккинчи тараф ҳисобланган - адресат ёки процессга таклиф қилинган бошқа манфаатдор шахслар (процесс иштирокчилари) томонидан иш юзасидан тегишли далил, ҳужжатларни тақдим этиш ва фикр билдиришга рухсат берилади (16,17-моддалар). Иккинчи тараф раислик қилувчининг рухсати билан иш бўйича қарор лойиҳасини тайёрлаган мутасадди ходимга савол бериш ҳуқуқига эга (20-модда). Иккинчи тарафда расмий тинглаш жараёни тугагунига қадар ишга тааллуқли бўлган барча ҳужжатлар билан танишиб чиқиш ҳуқуқи ҳам белгиланган (18-модда).

С) Расмий тинглаш процедураси якунида унинг натижалари юзасидан раислик қилувчи тегишли иш баённомасини ҳамда ҳисоботини иш юзасидан маъмурий акт (қарор)ни чиқарадиган маъмурий органга тақдим этиши шарт. Маъмурий орган ўз қарорини чиқаришда расмий тинглаш процедураси юзасидан тайёрланган баённома ва ҳисоботда кўрсатиб ўтилган раислик қилувчининг иш юзасидан хулосасини етарли даражада инобатга олган ҳолда қарор чиқариши шарт (24-26-моддалар).

Ёзма тартибда тақдим этиладиган важ (эътироз, фикр)ларни билдириш процедураси. Расмий тинглаш процедураси назарда тутиладиган ҳолларга нисбатан енгилроқ қарор чиқарилиши режалаштирилганида ёзма тартибда тақдим этиладиган важ(фикр)лар билдириш процедураси амалга оширилади (13-модда). Ёзма тартибда тақдим этиладиган важ (фикр)лар билдириш процедураси қоидага кўра иккинчи тарафнинг иш юзасидан ўз важ ва фикр-эътирозларини ёзма тартибда билдириш асосида амалга оширилади.

Таъкидлаш жоизки, "Маъмурий процедура тўғрисида"ги қонун нормалари маъмурий соҳага алоқадор бўлган барча қарорлар (масалан, Парламент ёки суд томонидан қабул қилинадиган қарорлар) ва процедураларни қамраб олмайди. Қонуннинг 3-моддасида бу ҳақда тегишли қоидалар ўрнатилган.

Японияда процессуал қоидалар бузилган тақдирда маъмурий акт (қарор)ларнинг юридик тақдири қандай бўлади, процессуал хато, процессуал қоидаларга амал қилмаслик қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради, деган саволларга тўхталадиган бўлсак, айтишимиз керакки, бу саволлар жуда мураккаб ва кўп қирралидир. Лекин умумий қоидага кўра процессуал хатонинг характери процессуал қоидаларга амал қилмаслик қандай ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқарганига қараб, бу ҳаракатлар қарорнинг мазмунига қанчалик таъсир этиш-этмаслигидан келиб чиқиб, ҳар бир ҳолатда алоҳида ҳал қилинади. Муҳим процессуал талабларнинг бузилиши (масалан, қарор чиқарилишининг ҳуқуқий, фактик асосларини кўрсатмаслик) қўпол процессуал хато бўлиб, қабул қилинадиган маъмурий акт (қарор)нинг бекор бўлишига олиб келади²⁴.

Ўзбекистонда маъмурий процедурани шакллантиришнинг назарий-амалий жиҳатлари

Ўзбекистонда маъмурий процедуранинг назарий-ҳуқуқий асосларини шакллантириш борасида амалга оширилган илмий изланишлар кўп эмас. Қуйида ушбу мавзу юзасидан билдирилган бир қанча илмий қарашларга тўхталамиз.

Республикамиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан ёзилган илмий адабиётларда маъмурий процесс мазмун-моҳиятини тушуниш ва талқин қилиш асносида уч хил концепция ишлаб чиқилганлиги таъкидланади.

Маъмурий процедуралар жорий этилса, жараёнда иштирок этувчи тарафларнинг фикр-мулоҳазалари, далиллари, манфаатдорлигини эътиборга олиб иш юритиш имконияти вужудга келади.

Жумладан, Игорь Цай маъмурий процессни тушунишнинг юрисдикциявий, бошқарув жараёнлари билан боғлиқ ёки маъмурий-процедураларнинг, юстициявий концепциясини келтирган. Юрисдикциявий концепцияда маъмурий процесс маъмурий жавобгарлик (жазо, мажбурловчи чора) маъносида тушунилади. Бошқарув жараёнлари билан боғлиқ (маъмурий-процедуралар) концепцияга кўра, маъмурий процесс деганда, маъмурий ҳуқуқнинг моддий нормаларини қўллашга оид, маъмурий-процессуал нормалар билан тартибга солинган, давлат бошқарувининг бир қисминигина ташкил этадиган фаолият тушунилади. Юстициявий концепцияда эса маъмурий процессга маъмурий низолар бўйича судлов (суд ишини юритиш) жараёни сифатида қаралади. Ҳар бир концепциянинг ўз тарафдорлари мавжуд. Игорь Цайнинг фикрича, маъмурий процесс деганда, маъмурий органларнинг жисмоний ва юридик шахслар билан бўладиган муносабатлари доирасида ҳуқуқ нормаларини қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай фаолиятни тушуниш мумкин. Жумладан, олим маъмурий жазони қўллаш, маъмурий низоларни суд тартибида ҳал этиш процедураларини ҳам маъмурий процесс таркибига киритади²⁵.

Илмий адабиётларда иккита асосий тушунча - "маъмурий процесс" ва "маъмурий процедура" тушунчалари фарқланади. Жумладан, Игорь Цай маълум бир юридик фаолиятда процесс - мазмун, процедура эса шакл маъносида келишини таъкидлайди²⁶. Олимнинг фикрларидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, "процесс" деганда умумий характерга эга бўлган фаолият мазмуни, "процедура" деганда эса, қандайдир аниқ (конкрет) фаолият шакли тушунилади. Бундан чиқди, маъмурий процесс деганда, маъмурий органлар ва жисмоний ёки юридик шахслар ўртасидаги муносабатларда кузатиладиган ҳуқуқ нормаси билан тартибга солинган давлат бошқарувининг умумпроцессуал жиҳатларини, маъмурий процедура деганда, асосан маъмурий актни қабул қилиш, яъни маъмурий қарорни тайёрлаш, қабул қилиш, қарорга ўзгартиришлар киритиш, қабул қилинган қарорни вақтинча тўхтатиб туриш, бекор қилиш жараёнларини тушуниш мумкин.

Игорь Цайнинг эътирофи этишича, маъмурий процесс ҳақида умумий маълумот би-

лан бир қаторда, унинг моҳияти ва аҳамиятини билиш ҳам зарур. Кўпгина давлатларда суд процесси ҳуқуқий жиҳатдан белгиланган процессуал нормалар билан тартибга солинади. Лекин, маъмурий органларнинг фаолиятини процессуал жиҳатдан тартибга солиш кўпчилик ҳолларда зарурий чора сифатида кўрилмади. Бундай ёндашувнинг сабаби сифатида маъмурий соҳада маъмурий органларга оперативлик (тезкорлик) ва бошқарув эркинлиги (бошқарувдаги эркин фаолият юрита олиш)нинг зарурлиги билан боғланади. Олим ўз фикрининг давомида бундай қарашнинг хатолигини қуйидагича изоҳлайди:

Биринчидан, ҳуқуқий давлатда маъмурий органлар қонун асосида фаолият юритиши талаб қилинади. Шунинг учун маъмурий органлар фаолияти ҳам процессуал жиҳатдан ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниши лозим;

Иккинчидан, маъмурий процедуралар ёрдамида амалга ошириладиган ҳуқуқий регламентация маъмурий органлар фаолиятини мушкуллаштириш, бирон бир тарзда чегаралашга қаратилмайди;

Учинчидан, маъмурий процедуранинг жорий этилиши давлат (маъмурий) бошқаруви соҳасида турли салбий оқибатларга олиб келувчи кўпгина хато ва камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади²⁷.

Маъмурий процедуранинг функциялари қуйидагиларда намоён бўлади:

Биринчидан, маъмурий процедура маъмурий акт (қарор)ларнинг легитимлигини таъминлаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқлари амалда таъминланишини кафолатлашга хизмат қилади. Жуда кўпгина ҳолларда қонунлар жуда мавҳум, умумий характерга эга бўлади. Шунинг учун маъмурий органлар кенг доирадаги маъмурий дискреция (хоҳиш, ирода)га эга бўлади ва шу асосда қарор чиқаришади. Бундай шарт-шароитда маъмурий бошқарув соҳасида легитимлик ҳақида фикр юритиб бўлмайди. Ҳал этилиши лозим бўлган масаланинг моҳияти қабул қилинаётган маъмурий акт (қарор)ларда умумий манфаатлар (оммавий фикр ва ирода)нинг акс эттирилишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга оширишда ҳамда маъмурий процедуранинг ҳуқуқий жиҳатдан ўрнатиб қўйилишида ифодаланади.

Иккинчидан, маъмурий процедураларнинг жорий этилиши маъмурий органларнинг масъулиятини оширишга хизмат қилади, маъмурий ҳуқуқ нормаларининг амалдаги ижросини кафолатлайди.

Учинчидан, маъмурий процедуралар жорий этилса, жараёнда иштирок этувчи тарафларнинг фикр-мулоҳазалари, далиллари, манфаатдорлигини эътиборга олиб иш юритиш имконияти вужудга келади. Чиқариладиган маъмурий акт (қарор)лар тақдим этилган далил ва фикр-мулоҳазаларни батафсил ўрганилиши, ишдаги ҳолатларга ҳуқуқий баҳо берилиши туфайли янада асослироқ бўлади. Фуқароларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқлари кафолатланади. Маъмурий органлар томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган (эркин) дискреция кескин чекланади, қарор қабул қилишда рационалик, холислик кафолатланади.

Тўртинчидан, маъмурий процедуралар маъмурий акт (қарор) чиқарилгунга қадар бўлган босқичда амалга оширилгани сабабли асоссиз, ноқонуний маъмурий акт (қарор)лар чиқарилиши, адресат (фуқаро)ларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг олди олинади²⁸.

Эркин Ҳожиев юқорида келтирилган терминлардан ташқари яна "маъмурий иш юритиш" ҳақида ҳам фикр билдирган. Олимнинг кўрсатишича, "Давлат ҳокимияти органларининг мутасадди кадрлари маълум бир маъмурий жараён доирасида турли хилдаги ишларни ҳал этишига тўғри келади. Уларни умумий процессуал қоидалар билан тартибга солиш мушкул. Шу сабабли, маъмурий фаолиятнинг ўзига хос турлари, яъни маълум бир ишларни ҳал этишнинг махсус процессуал қоидалари мавжуд бўлиб, уларнинг йиғиндиси - иш юритиш фаолиятини ташкил этади. Масалан, шикоятларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораларини тайинлаш билан боғлиқ фаолият кўпгина умумий хусусиятларга эга, лекин бу фаолият турлари уларни тартибга солишга мўлжалланган махсус

қоидалар ишлаб чиқилишига муҳтож бўлади. Демак, маъмурий иш юритиш - маъмурий жараённинг бир қисми бўлиб, умумий ва махсус процессуал нормалар ёрдамида маълум бир ишларни ҳал этишга қаратилган маъмурий фаолиятнинг алоҳида тури ҳисобланади²⁹.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, Эркин Ҳожиёвнинг юқорида келтириб ўтилган "Давлат ҳокимияти органлари, маълум бир маъмурий жараён доирасида, турли хилдаги ишларни ҳал этишига тўғри келади. Уларни умумий процессуал қоидалар билан тартибга солиш мушкул", деган фикрини тўғри англашимиз лозим. Чунки, маъмурий процедуралар, туб маъносига кўра, маъмурий органларнинг жисмоний ва юридик шахслар билан бўладиган муносабатларини амалга ошириш (тартибга солиш) учун муҳим бўлган маъмурий фаолиятдан бири. Бу жиҳатдан улар маъмурий индивидуал актни қабул қилиш жараёнининг умумий процессуал қоидаларини белгилаб беради. Ҳар қандай маъмурий индивидуал актлар ана шу умумий процессуал қоидалар асосида қабул қилиниши шарт бўлади (қонунда кўрсатиладиган истиснолар бундан мустасно). Лекин амалий жиҳатдан маъмурий индивидуал актни қабул қилиш жараёни ҳисобланмайдиган бошқа кўринишдаги маъмурий фаолият турларини (масалан, маъмурий фаолиятни режалаштириш, текшириш ва ҳ.к.) ягона процессуал қоидаларни битта норматив-ҳуқуқий ҳужжат доирасида қамраб олиш қийин.

Муҳокама этилаётган масалага хорижий мамлакатларнинг маъмурий ҳуқуқи соҳасида тўпланган эмпирик ва назарий тажрибадан келиб чиқиб ёндошилганда қуйидаги фикрларни билдиришимиз мумкин:

Маъмурий процедуралар маъмурий акт (қарор) чиқарилгунга қадар бўлган босқичда амалга оширилгани сабабли асоссиз, ноқонуний маъмурий акт (қарор)лар чиқарилиши, адресат (фуқаро)ларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишининг олди олинади.

Биринчидан, АҚШ, Япония каби ривожланган давлатларнинг маъмурий ҳуқуқ соҳасидаги тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, Игорь Цайнинг маъмурий-юрисдикциявий (маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки маъмурий жазо) концепциясини ҳам маъмурий процессга қўшиш тўғрисидаги фикрига қўшилиб бўлмайди. Чунки давлат бошқарувидаги маъмурий индивидуал акт маъмурий соҳада ҳуқуқ

субъекти бўлган айрим шахсларнинг қандайдир ҳуқуқ ва мажбуриятлари, қонуний манфаатлари юзасидан қабул қилинади. Унинг таркибида жазолаш элементи мавжуд бўлмайди. Жазо чорасини қўллаш масалалари асосан жиноят ҳуқуқи доирасида кўрилади.

Иккинчидан, маъмурий процедуранинг "олдинги (гастрлабки) ва кейинги процедура"лар маъносида ҳам тушуниш мумкин. Шунинг учун Игорь Цайнинг юқорида келтирилган фикрларидан биров фарқ қилган ҳолда, маъмурий процессни маъмурий индивидуал актни қабул қилиш, яъни маъмурий қарорни тайёрлаш, қабул қилиш, қарорга ўзгартиришлар киритиш, қабул қилинган қарорни вақтинча тўхтатиб туриш, бекор қилиш жараёнларини ("олдинги (гастрлабки) процедура" маъносидаги маъмурий процесс элементи) ва маъмурий низоларни ҳал қилиш жараёни ("кейинги процедура" маъносида) тушунса бўлади. Ушбу ўринда келтирилган маъмурий низони ҳал қилиш жараёни деганда, маъмурий органлар томонидан ҳуқуқ субъекти бўлган айрим шахслар номидан тушган маъмурий шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини тушуниш лозим. Умуман олганда, суд томонидан ҳам Фуқаролик ёки Хўжалик процессуал кодекси асосида маъмурий низолар бўйича шикоят (ариза)лар кўрилиб ҳал қилинади. Лекин бу процесс маъмурий органларнинг фаолияти эмас, маъмурий соҳага тегишли суд фаолияти ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, давлат бошқарувида оид барча жараёнлар ҳам маъмурий процесс ёки маъмурий процедура предметига киравермайди. Жумладан, Игорь Цайнинг таъкидлашича, давлат-бошқарув фаолиятининг ҳуқуқ билан тартибга солинмаган аспектлари (масалан, ташкилий, материал-техник характердаги ҳаракатлар, шунингдек, ҳуқуқий жиҳатдан ҳали тартибга солинмаган масалалар) маъмурий процессга кирмай-

ди. Бундан ташқари, маъмурий процесс фақат ташқи (оммавий) характерга эга бўлган ҳуқуқни қўллашни назарда тутлади. Шунинг учун ҳам, маъмурий органлардаги ички-ташкилий муносабатлар гарчи ҳуқуқ нормаси ёки маъмурий регламент билан тартибга солинган бўлса-да (ҳуқуқни қўллашнинг ички жараёнлари), бундай муносабатлар маъмурий процессга кирмайди³⁰.

Ўзбекистонда маъмурий процедура тўғрисида қонун ҳали қабул қилингани йўқ. Бироқ, маъмурий процедуранинг асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларида билвосита ифодаланган, дейиш мумкин. Назаримизда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги давлат органлари ҳамда фуқаролар ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган айрим моддаларининг умумий мазмуни давлат органлари ўз фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини етарли даражада ифода этиши зарурлиги, маъмурий органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг асосланганлиги бўлиши, мазкур жараёнлар фуқароларга тушунарли бўладиган процедуралар асосида амалга оширилиши зарурлигини белгилайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида "Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирларига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар. Фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳаққи эмас"лиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Конституциянинг 35-моддасида: "Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт", деб ўрнатилган.

Конституцияда тўғридан-тўғри "маъмурий процедура" ёки "маъмурий тартиб-таомиллар" деган сўзлар мавжуд бўлмаса-да, Конституция ва қонунларимизнинг умумий мазмунидан "фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари белгиланган тартиб асосидагина чекланиши мумкин"лигини англаш мумкин. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари "белгиланган тартиб асосида", бошқача қилиб айтганда эса дў процесс, яъни процессуал жиҳатдан тўғри ташкил этилган тартиб (процедура) асосида амалга оширилиши ҳақидаги ғояни келтириб чиқариш мумкин.

Бош қомусимиздан ташқари, маъмурий процедуранинг айрим талаблари қонуности ҳужжатларида ҳам ифодаланган. Масалан, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этишда рад этиш асосларини кўрсатиш каби процессуал талабларнинг ўрнатилганлиги бунинг ёрқин ифодасидир³¹.

Маъмурий процедура тўғрисида қонунчилик ҳали Ўзбекистон Республикасида қабул қилинмаганлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Япония, АҚШ, Германия ҳукуматларининг халқаро миқёсдаги ҳамкорликни йўлга қўювчи ташкилотлари билан биргаликда ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш дастурини ишлаб чиқишди. Ушбу дастур доирасида 2007 йил 21 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун лойиҳаси тайёрланди. Ушбу қонун лойиҳасининг баъзи бир жиҳатлари ҳақида фикр билдирмоқчимиз. Аввал "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонун (бундан кейинги ўринларда "Қонун лойиҳаси" деб аталади) лойиҳаси жами 143 моддадан иборат бўлган. 2007 йил 21 июнида қабул қилинган қонун лойиҳаси эса жами 34 моддадан иборат бўлди.

Қонун лойиҳасига мувофиқ республикамизда йўлга қўйиладиган маъмурий процедуралар қонунийлик, маъмурий органлар фаолиятида информацион очиқлик ва тенглик каби принципларга асосланади. Шу билан бирга, маъмурий органларнинг фаолияти ҳақидаги ахборотдан фойдаланишнинг эркинлиги, маъмурий органлар томонидан қабул

қилинадиган маъмурий ҳужжатларнинг асослиги ва тўғрилиги каби принцип ҳам қонун лойиҳасида акс эттирилган.³²

Қонун лойиҳасида маъмурий процедуранинг умумий, махсус ва алоҳида турлари кўрсатиб ўтилган³³.

Қонун лойиҳасида маъмурий процедуранинг маъмурий орган, агресат, учинчи шахслар каби иштирокчилардан иборат бўлиши ўрнатилган³⁴. Маъмурий процедураларни амалга ошириш давомида тегишли актни қабул қилиш жараёнларининг давомийлиги 30 кундан ошмаслиги лозимлиги ҳақидаги норматив талаб ўрнатилган (Қонун лойиҳасининг 8-моддаси).

Маъмурий процедура (ёки маъмурий иш юритиш) қуйидаги босқичлардан иборат бўлади: маъмурий иш юритишни қўзғатиш (бошлаш)³⁵, маъмурий ишни кўриб чиқиш, маъмурий иш бўйича қарор қабул қилиш (маъмурий ҳужжат қабул қилиш).

Қонун лойиҳасининг 15-моддасида маъмурий процедуранинг турлари (содалаштирилган, оддий, расмий тартиб-таомил) ўрнатиб қўйилган³⁶.

Қонун лойиҳасининг 21-моддасида қабул қилинадиган маъмурий актга нисбатан қўйиладиган талаблар белгиланган³⁷. 2007 йил 21 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган қонун лойиҳасида бир қанча муҳим ҳуқуқий нормалар ўз ифодасини топмаган. Масалан, маъмурий органларнинг холислиги ҳақидаги ҳуқуқий нормалар шулар жумласидан³⁸.

Алоҳида таъкидламоқчимизки, маъмурий процедуранинг асосий ғояси маъмурий-процессуал ҳаракатларни тўғри амалга ошириш ва маъмурий органлар томонидан ўзбошимчалик қилинишига йўл қўймаслик, ҳар бир кўриладиган иш юзасидан асосли ҳамда қонуний қарор чиқарилишига эришишдан иборат.

Маъмурий процедураларни амалга ошириш тартиб-қоидаларининг ўрнатилиши шуниси билан аҳамиятлики, фуқаролар маълум бир процедура асосида ўз ишининг кўрилиши ва натижада маъмурият билан муносабатларнинг мувозанатлашуви, шунингдек маъмурий ҳуқуқнинг қўшгина принципларига амал қилинишида намоён бўлади³⁹.

Бугунги кунда Республикамизда "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги қонун қабул қилинди⁴⁰. Ушбу қонун ҳам мазмун-моҳиятига кўра маъмурий процедураларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган. Таъкидлашимиз жоизки, ушбу қонун ҳуқуқий жиҳатдан фақат тадбиркорлик соҳасидаги рухсат бериш билан боғлиқ процедураларни тартибга солади. Фуқаролар адресат бўлиб қатнашадиган маъмурий ишларга нисбатан бу қонун нормаларини татбиқ этиб бўлмайди. Шунинг учун Ўзбекистонда "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида" умумий характердаги қонунни қабул қилиш зарурияти мавжуд.

Ўзбекистонда "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги умумий характердаги қонун қабул қилишда хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини атрофлича ўрганиб чиқиб, Ўзбекистондаги миллий ҳуқуқнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олган ҳолда халқаро стандартларга жавоб берадиган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш керак.

Ўйлаймизки, Маъмурий процедура тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши ва унинг амалиётга тадбиқ этилиши давлат бошқаруви (маъмурий соҳа)да жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши, тадбиркорлик субъектлари учун янада қулай бизнес имкониятларини юзага келишига хизмат қилади.

Манбалар ва адабиётлар

1. Shibaike Yoshikazu. "Gyouseihousouron-kougi" Yuuhikaku, 2007, 280-281 p.

2. Bernard Schwartz, Roberto L. Corrada, J.Robert Brown, Jr. "Administrative Law: a casebook" seventh

edition. Aspen Publishers, 2010. 385 p. William F.Funk, Richard H.Seamon "Administrative Law: examples & explanations" 2nd edition. Aspen Publishers, 2006. 116 p.

3. William F.Funk, Richard H.Seamon. "Admin-

istrative Law: examples & explanations" 2nd edition. Aspen Publishers, 2006. 117 p.

4. Ernest Gellhorn, Ronald M. Levin "Administrative Law and Process in a Nutshell" fifth edition. Thomson/West, 2006. 200-205 p..

5. Ernest Gellhorn, Ronald M. Levin., 2006. 205, 210-211 p.

6. Ernest Gellhorn, Ronald M. Levin, 2006. 217-219 p, 222-224 p.

7. Ernest Gellhorn, Ronald M. Levin., 2006. 224-225 p, 227-229 p, 230-234 p.

8. Ernest Gellhorn, Ronald M. Levin., 2006. 234-236 p, 237-240 p, 240-241 p.

9. Ernest Gellhorn, Ronald M. Levin., 2006. 246-249 p.

10. АҚШ нинг Маъмурий процедура тўғрисидаги қонунининг тўлиқ матни кўриш учун, <http://www.archives.gov/federal-register/laws/administrative-procedure/> (accessed on December 17, 2014). (Federal Administrative Procedure Act of US) га қаранг.

11. Shibaike Yoshikazu. "Gyouseihousouron-kougi" Yuuhikaku, 2007, 277-279 p. Шунингдек қаранг: Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 05.05.2014 йилдаги ЎРҚ-369-сон, кучга кириш санаси 06.05.2014 ЎР ҚХТ, 2014 й., 19-сон, 209-модда.

12. Қаранг: Сборник законодательных актов по административным процедурам/ (GIZ Германское Общество по Международному Сотрудничеству), - Ташкент: "Abu Matbuot-Konsalt", 2013 г. Стр 453. Закон "Об административной процедуре Японии" Закон №. 88 от 1993 г. (вступил в силу 12 ноября 1993 г.).

13. Раздел 2: Формальные слушания.

14. Глава 2 Решения по заявлениям.

15. Глава 3 Неблагоприятные решения.

16. Раздел 3: Предоставление возможности для пояснения и опровержения.

17. K. Ichihashi, H. Sakakibara, T. Honda, K. Hirata. Akchuaru Gyouseihou. Houritsubunkasha, 2010. 32 p.

18. T. Sowa, H. Yamada, T. Watari. Gendai Gyouseihou Nyuumon (dai 2 han). Yuuhikaku, 2011. 126-127 p.

19. T. Sowa, H. Yamada, T. Watari. Gendai Gyouseihou Nyuumon (dai 2 han). Yuuhikaku, 2011. 126-128 p.

20. T. Sowa, H. Yamada, T. Watari. Gendai Gyouseihou Nyuumon (dai 2 han). Yuuhikaku, 2011. 130-131 p.

21. T. Sowa, H. Yamada, T. Watari. Gendai Gyouseihou Nyuumon (dai 2 han). Yuuhikaku, 2011. 133-134 p.

22. Процессуал табиатиға кўра суд процессига ўхшаб кетгани учун ҳам бундай оғзаки фикр билдириш асосида амалга ошириладиган тинглаш (эшитиш) процедурасини расмий тинглаш процедураси деб аталади.

23. T. Sowa, H. Yamada, T. Watari. Gendai Gyouseihou Nyuumon (dai 2 han). Yuuhikaku, 2011. 134-135 p.

24. T. Sowa, H. Yamada, T. Watari. Gendai Gyouseihou Nyuumon (dai 2 han). Yuuhikaku, 2011. 139-141 p.

25. Қаранг.: Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М.

Административное право Республики Узбекистан. Общая часть. Ташкент. Консаудитинформ-Нашр 2012. Стр. 400-404.

26. Қаранг.: Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть. Ташкент. Консаудитинформ-Нашр. 2012. Стр. 410-411.

27. Қаранг.: Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть. Ташкент. Консаудитинформ-Нашр. 2012. Стр. 407-408.

28. Shibaike Yoshikazu. "Gyouseihousouron-kougi" Yuuhikaku, 2007, 280-281 p.

29. Қаранг: Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқуқ; Бакалавриятнинг 5380100 - Юриспруденция йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбаев. - Т.: 2006. 633 б.

30. Қаранг.: Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. Общая часть. Ташкент. Консаудитинформ-Нашр. 2012. Стр-404.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида" ги қарорига 1-илова тарзида тасдиқланган низомнинг 19-банди:

Рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан рўйхатдан ўтказиш ёки **асосланган ҳолда рад этиш тўғрисидаги қарор** зарур ҳужжатлар илова қилинган рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза олинган кундан бошлаб:

- якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахс бўлмасдан ташкил этилган деҳқон хўжаликлари бўйича - 2 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда;
- юридик шахс сифатидаги барча тадбиркорлик субъектлари бўйича 3 иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

32. Қонун лойиҳасининг 5-моддасига қаранг.

33. Қонун лойиҳасининг 6-моддасига қаранг.

34. Қонун лойиҳасининг 7-моддасига қаранг.

35. Қонун лойиҳасининг 11-13-моддаларига қаранг.

36. Қонун лойиҳасининг 15-18-моддаларига қаранг.

37. Қонун лойиҳасининг 21-моддасига қаранг.

38. Қонун лойиҳасининг 14-16-моддаларига қаранг.

39. Қаранг.: Галлиган Д., Полянский В.В., Старилов Ю.Н. "Административное право: история развития и основные современные концепции". - М.: Юрист, 2002. Стр. 276-277.

40. "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 20.12.2012 йилдаги ЎРҚ-341-сон, кучга кириш санаси 21.06.2013.

Буриева Х.

ТОШКЕНТ ЖОЙ НОМЛАРИДА ТАРИХИЙЛИКНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда тарихий қадриятларни тиклашга эътибор кучайди ва бу ҳолат жой номларида ҳам акс этди. Топонимлар ўзида маълум ҳудуднинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаётини акс эттириш билан бирга, айни вақтда, инсонларнинг тарихий билимларини ошириш ва маънавий дунёқарашини шакллантиришда алоҳида кучга эга. Шунини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ жой номларини қайта тиклаш ҳамда муҳофаза қилиш масаласи долзарб муаммолар сирасига киритилиб, топонимларда тарихийлик ва миллийлик жиҳатларини инъикос эттириш талаби илгари сурилди. Республика ҳукумати ва мутахассислар томонидан бунга доир қатор тадбирлар амалга оширилди. Совет тузуми ҳукмронлиги даврида асоссиз ўзгартирилган тарихий топонимлар қайта тикланди. Мазкур жараёнлар Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари ва айниқса, пойтахтида амалга оширила бошланди. Ушбу топонимик ўзгаришлар Тошкент шаҳридаги туман, даҳа, маҳалла, кўча ва бошқа объектлар номларида кузатилади.

Ўзбекистон Республикасининг мустақил тараққиёти даврида Тошкент шаҳрида юз бераётган топонимик жараёнлар динамикаси ҳозирга қадар алоҳида илмий тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Бироқ пойтахтда тикланиши зарур бўлган жой номлари ва бу билан боғлиқ тадбирлар хусусида Президент Ислоҳ Каримов нутқларида алоҳида қайд этилган*. Шунингдек, шаҳар ҳокимияти ҳужжатлари асосида Тошкент шаҳар ҳокимияти ҳузуридаги Топонимия комиссияси томонидан тайёрланган ҳамда Тошкент энциклопедияси ходимлари томонидан тузилган ахборотномаларда шаҳар микротопонимлари, хусусан, кўча ва маҳаллаларнинг номланиши билан боғлиқ муҳим маълумотлар тўпланган¹. Тошкент шаҳрида пайдо бўлган янги туман, даҳа, кўчаларнинг номлари мустақиллик йилларида нашр этилган картографик манбаларда батафсил ёритилган². Шаҳарда жойлашган турли объектлар тарихи тўғрисида аниқ ахборот берувчи Тошкент энциклопедиясида жой номларига доир қизиқарли маълумотлар келтирилган, аммо топонимларнинг ўзгаришини таҳлил қилиш масаласи бевосита кўриб чиқилмаган³. Тошкентнинг мустақиллик даврида вужудга келган жой номлари ҳақида билвосита маълумотларни тарихчи олимларнинг асарларида учратиш мумкин⁴. Шунингдек, қатор илмий мақолаларда ўрганилаётган даврдаги топонимлар таркибидаги айрим ўзгаришлар ёритиб берилган⁵.

Тошкент топонимларининг мустақилликнинг дастлабки ўн беш йиллик даврида таркибан ва мазмунан янгиланиб бориши масаласини тадқиқ қилиш мазкур мақоланинг асосий мақсади қилиб белгиланган. Қуйида ушбу мавзуга доир маълумотлар келтирилади.

Шаҳар топонимиясидаги янги номлар турли нашрлар – расмий ҳужжатлар, даврий

БУРИЕВА Хайрия Амануллаевна, тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти "Ўзбекистон тарихи ва ДЖҚНА" кафедраси ўқитувчиси.

матбуот, илмий ва адабий асарлар саҳифаларида ўз аксини топган. Масалан, 1994 йили нашр қилинган шаҳар картасида 11 та туман (Юнусобод, Мирзо Улуғбек, Ҳамза, Миробод, Сергели, Яккасарой, Чилонзор, Шайхонтоҳур, Акмал Икромов, Собир Раҳимов, Бектемир туманлари) номи қайд қилинган бўлиб, улардан катта қисми мустақиллик даврида қўйилган ва бу номланишларнинг ўз тарихий асоси бор⁶.

Чунончи, Киров райони деган топоним Юнусобод тумани деб номланди. "Юнусобод" топоними ушбу район ҳудудида қадимдан мавжуд аҳоли маскани, кейинчалик Тошкент мавзеларидан бири бўлган ва тумanning шу ном билан аталиши тарихийликка мос келади.

Ленин райони топоними Миробод тумани қилиб ўзгартирилди. Мазкур район ҳудудида қадимдан сақланиб келган аҳоли маскани Миробод деб аталган.

Фрунзе райони Яккасарой деб номланди. Туман ҳудудида илгаридан мавжуд тарихий топоним - Яккасарой аҳоли пунктнинг номидан. Октябрь райони Шайхонтоҳур деб ёзилди. Бу топоним XIV асрда ушбу туман ҳудудида яшаган машҳур тарихий шахс - Шайх Хованди Тоҳур исмидан олинган. У кишининг қабрлари устига бунёд этилган мақбара туман ҳудудида ҳозиргача сақланган. Ундан ташқари, XVIII-XX аср бошларига қадар шаҳарнинг бу қисми Шайхонтоҳур даҳаси деб аталган ва унда мазкур номдаги маҳалла ҳам бўлган⁷.

Ундан кейинги йилларда жой номларига янгича ёндашув ва тарихийликка эътибор анъанаси давом этиб, яна иккита туман номи янгиланди. Улардан бири Акмал Икромов райони деган ном Учтепа тумани қилиб ўзгартирилди⁸. Ушбу туман ҳудудида Учтепа деган аҳоли маскани бўлгани XIX аср ёзма манбаларида қайд этилган. Иккинчиси Собир Раҳимов тумани деган ном Тошкентнинг ушбу қисмида анча қадимдан мавжуд Себзор даҳаси номини ўзбекчага калька қилиш асосида Олмазор тумани деб номланди.

Куйбишев районига Мирзо Улуғбек исми берилди. Шаҳарнинг бу қисмида кўплаб илмий муассасалар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтлари жойлашган. Мирзо Улуғбек илм-фан равнақига юксак ҳисса қўшган ва жаҳон миқёсида танилган олим. Бектемир райони - шаҳар аҳолисининг ўсиб бориши ва ҳудудининг кенгайиши муносабати билан Тошкентнинг жануби-шарқий томонида янги ташкил қилинган туман номи. Ушбу ном туман ҳудудида жойлашган Бектемир аҳоли маскани номидан олинган.

Ҳамза райони номи туман ҳудудида мустақиллик йилларида улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилаётгани, айтилиши вақтда ушбу тадбирлар туман номида акс этиши истагини билдирган маҳаллаларнинг аҳолиси хоҳишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг "Географик объектларнинг номлари тўғрисида"ги Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда Яшнобод деб қайта номланди⁹.

Мустақиллик йилларида Тошкент шаҳридаги туманлар номлари билан бир қаторда, мавзелар ва даҳалар (микрорайон ва массивлар)га ҳам талайгина янгича номлар берилган. Маълумки, мавзелар шаҳар ҳудудида қадимги ва ўрта асрлардан бери шаклланиб келган шаҳарнинг тарихий қисмлари ўрнида вужудга келган ва уларнинг илгаридан ўз тарихий номлари бўлган. Мавзеларнинг номларида шаҳарнинг табиий ҳолати, ундаги аҳолининг таркиби ва машғулот, ўтган вақт ичида кечган тарихий воқеалар ўз ифодасини топган. Шу сабабдан, мустақиллик йилларида Тошкент шаҳридаги мавзеларга янги номлар берилганда ана шу тарихий омиллар ҳисобга олинган. Масалан, Спутник даҳасининг номи Биродарлик, Солнечний - Аҳмад Югнакий, Квартал Ц-4 - Қашғар мавзеси, Алгоритм - Ал-Хоразмий, Северо-Восток - Фируза, Високовольтний - Яланғоч, Ясный - Ҳумоюн, Калинин - Ибн Сино, Ивановлик тўқимачилар массиви - Қушбеги мавзеси деган номлар билан алмаштирилди¹⁰.

Юқоридаги услубда Учтепа туманидаги Октябрь массивига Бекобод мавзеси номи берилган, Шайхонтоҳур туманининг шарқий қисмида вужудга келган янги мавзе шу жойнинг тарихий номи билан Лабзак мавзеси деб аталди. Ҳамза туманидаги собиқ Шумилов шаҳарчаси жойлашган ҳудудга Пулемас массиви деган ном берилди (бу топоним XIX аср ёзма манбаларида учрайди). Миробод туманининг жанубида Янгизамон мавзеси ташкил этилди.

Айни вақтда Тошкент шаҳри атрофидаги айрим ерларнинг унинг таркибига киритилиши, аҳоли сонининг ўсиши ҳамда маҳаллаларнинг қонуний жиҳатдан ўрни ва нуфузининг ортиши билан боғлиқ равишда ХХІ аср бошларига келиб шаҳардаги даҳа ва мавзеларининг сони ортиб боргани кузатилади. Ушбу ҳолат картографик манбаларда ҳам қайд этилади. Жумладан, 1994 йилги шаҳар картасида 41 та даҳа номи келтирилган бўлса, 2007 йилги картада даҳа номлари сони 59 тага етган¹¹.

Даҳа ва мавзелар номларининг маъносига тўхталадиган бўлсак, уларнинг таркибида табиат билан боғлиқ топонимлар нисбатан кўпроқ. 2007 йил картасида улар 18 тага етади (масалан, Себзор, Боғкўча), ҳудуднинг тарихий ўтмиши ёки бошқа бир тарихий воқеалар билан боғлиқ номлар 16 та (Хадра, Қўйлик), аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини акс эттирувчи топонимлар сони 10 та (Учувчилар шаҳарчаси, Сувсоз), шахс исмларига атаб қўйилган жой номлари 6 та (Абу Али ибн Сино 1, Ҳумоюн), этнотопонимлар - 4 та (Қашғар, Қиёт), маданий-маънавий жиҳатлар билан боғлиқ номлар сони 4 та (Янгизамон, Дўстлик). Юқоридаги таҳлил натижаларидан мустақиллик даврида шаҳар даҳалари ва мавзелари номланишида ўлканинг тарихийлиги билан боғлиқ топонимлар салмоғининг ортиб бораётганини давлатимиз томонидан жой номларини муҳофаза этиш йўлида амалга оширилган чора-тадбирларининг инъикоси, деб эътироф этиш мумкин.

Жой номларида тарихийлик ва миллийликни акс эттириш билан боғлиқ тадбирлар Тошкент кўчалари номлари билан боғлиқ ўзгаришларда ҳам ўз ифодасини топди. Кўчаларнинг янги номлари кўчаларда илинган тахтачалар, тегишли расмий ҳужжатлар, оммавий ахборот воситалари ва ҳ.к.ларда эълон қилинди. Бу борада манбавий жиҳатдан, айниқса шаҳар маъмурияти қарорлари ва булар билан боғлиқ нашрлар, шунингдек, Тошкент шаҳар карталари ҳамда турли хўжалик тармоқларига оид чизмалар алоҳида аҳамиятга эга. Масалан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Топонимия комиссияси материаллари асосида тайёрланган Маълумотнома материалларида 1989-2005 йиллар давомида Тошкент шаҳрида жами 1225 та кўча, берккўча ва торкўчанинг ўзгартирилган номлари келтирилади¹². Манбада кўчаларнинг эски ҳамда янги номи туманлар кесимида берилади ва бундай ўзгаришларга асос келтирилади. Қуйидаги жадвалда мазкур манбадан мисоллар келтириб ўтамыз.

1-жадвал

1989 - 2005 йилларда номи ўзгартирилган кўчалар тўғрисида сара маълумот

Кўчанинг эски номи	Кўчанинг янги номи	Изоҳ
Бектемир тумани:		
Набережная	Жамил Топкандий	XVII асрда яшаб ўтган тарихий шахс
Строительная	Биллур	Жой номини миллийлаштириш мақсадида.
Мирзо Улуғбек тумани:		
Луначарский шоссеси	Буюк ипак йўли	Жойнинг тарихий номи.
Красновосточная	Темур Малик	Тарихий шахс. Мўғул босқинчиларига қарши курашган саркарда.
Миробод тумани:		
Космонавтлар	Ойбек	Ўзбек адабиётининг йирик вакили. Ўзбекистон халқ ёзувчиси.
Клара Цеткин	Сайид Барака	Амир Темур пири. Соҳибқирошнинг 660 йиллигига қўйилган.

Сергели тумани:		
Номсиз кўча	Моний	XVI асрда яшаб ўтган рассом.
Венгерская	Олтин водий	Жойнинг тарихий номи.
Собир Раҳимов тумани:		
Канатопск	Маткарим Матчонов	Милиция катта лейтенанти. Жиноятчиларни ушлаш пайтида “Уч қахрамон” масканида ҳалок бўлган. Шу кўчада яшаган.
Янги кўча	Қайирма	Маҳалладан ўтадиган ариқ номи.
Учтепа тумани:		
Байрам	Илхом Иброҳимов	Туркистон озодлиги курашчиси. 1937 йил қатағон қилинган.
Пограничная	Катта Қаъни	Жойнинг тарихий аталиши (уруғ номидан).
Шайхонтоҳур тумани:		
Ўзбекистон ССР 50 йиллиги	Абдулла Қодирий	Ўзбек романчилиги асосчиси, таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан қўйилган.
Пугачев	Баланд масжид	Жойнинг тарихий номи.
Яшнаобод тумани:		
Ўқитувчи	Чўлпон	Таниқли ўзбек шоири. Қатағон қилинган.
Фонвизин	Чиғил	Ўзбек уруғи номи.
Чилонзор тумани		
Гэсовская	Боғистон	Жойнинг номини миллийлаштириш мақсадида ўзгартирилган.
Рокоссовский	Юқори Дархон	Жойнинг тарихий номи.
Юнусобод тумани:		
Чита	Дарвозакент	Жойнинг тарихий номи.
Шорс	Шивли	Жойнинг тарихий номи (диний арбоб Шайх Шиблий исмидан).
Яккасарой тумани:		
2-Гончаров	Мансур Толибжонов	1979 йил авиаҳалокатга учраган “Пахтакор” футбол жамоасининг бошлиғи.
Шпильков	Ракатбоши	Жойнинг тарихий номи.

Кўчаларга янги номларнинг қўйилиши турли тарихий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий-маънавий омиллар билан боғлиқ. Хусусан, ўлкамизда яшаб ўтган машҳур тари-

хий шахслар, таниқли фан ва маданият арбоблари, хорижий давлатларнинг таниқли арбоб ва мутахассислари, Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган қаҳрамонлар, мустақил Ўзбекистон халқининг тинчлиги учун жонини қурбон қилган шахсларнинг исмлари, Республиканинг турли ҳудудларидаги географик жойларнинг номлари, мазкур кўча жойлашган ҳудуднинг тарихий аталиши, табиий шароити билан боғлиқ номла-нишлар, шаҳарнинг маданий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти билан боғлиқ номлар, одам-ларнинг ҳис-туйғулари, маънавий дунёсини акс эттирувчи номлар, шунингдек, кўча номига тартиб киритиш мақсадида аталган номлар Тошкент шаҳри кўчалари билан боғ-лиқ микротопонимларнинг янги таркибидан ўрин олган. Мустақилликнинг дастлабки йиллари ва кейинги ўн беш йиллик даврида кўча номлари билан боғлиқ топонимик гуруҳлар таркибида қуйидаги ўзгаришлар кузатилади:

2-жадвал

Кўча номлари билан боғлиқ топонимик гуруҳлар салмоғи

	1994 йил	2007 йил
1.	Антропотопонимлар – 61 %	Антропотопонимлар – 45,4 %
2.	Географик жойлар номи билан аталган топонимлар – 12 %	Табиат билан боғлиқ номлар – 17 %
3.	Табиат билан боғлиқ номлар – 7,5 %	Иқтисодий-ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ номлар – 11 %
4.	Маданий-маънавий тараққиётни акс эттирувчи топонимлар – 7 %	Маданий-маънавий тараққиётни акс эттирувчи топонимлар – 10 %
5.	Иқтисодий-ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ номлар – 6 %	Географик жойлар номи билан боғлиқ топонимлар – 8 %
6.	Шарқ исмлари билан аталган номлар – 4 %	Шарқ исмлари билан аталган номлар – 6 %
7.	Тарихий воқеаларни акс эттирувчи топонимлар – 2 %	Тарихий воқеаларни акс эттирувчи топонимлар – 1,3 %
8.	Этнотопонимлар – 0,5 %	Этнотопонимлар – 1,3 %

Картографик манбаларда келтирилган шаҳар кўчалари билан боғлиқ микротопоним-ларнинг қиёсий таҳлили ҳамда топонимларни гуруҳларга таснифлаш натижасида аниқ бўлишича, ўрганилаётган даврда шахс исмига атаб қўйилган ва табиий шароитлар билан боғлиқ топонимлар гуруҳларида сезиларли ўзгаришлар рўй берган. Хусусан, кейинги йилларда жойларга шахс исмларини қўйиш ишлари маълум тартибга солиниб, бунга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 11 августдаги 383-сон қарорининг 4-банди меъёрий асос бўлган. Ушбу қарорга кўра топонимик объект-ларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси махсус тавсиялар ишлаб чиққан. Натижада кўча номларида шахс исмларининг салмоғи кейин-ги йилларда бирмунча пасайгани кузатилади. Жумладан, 2007 йилги картада шахс исм-ларига атаб қўйилган кўча номлари умумий таркибда ярмидан камроқ қисмини ташкил этса-да, улар таркибида айнан Ўзбекистон тарихи билан боғлиқ таниқли тарихий шахс, аллома, қаҳрамон, олим ва маданият арбобларининг исмлари, шунингдек, этнотоп-онимлар кўпайган; жойнинг табиати, шунингдек, маданий-маънавий тараққиёт билан боғлиқ номлар сони ўсган, кейинги ўринни шаҳар хўжалиги, географик жойларнинг номлари ва Шарқ исмларини акс эттирувчи топонимлар эгаллайди. Тарихий воқеалар билан боғлиқ номлар салмоғи эса камайган.

Умуман олганда, Ўзбекистон давлатининг мустақил тараққиёти йилларида Тошкент шаҳрининг маъмурий бирлик ҳамда кўчалари билан боғлиқ жой номларидаги ўзгариш-

лар давлатимиз раҳбарияти томонидан жой номларини миллийлаштириш, муҳофаза этиш ҳамда уларга тарихийлик тусини беришга қаратилган тадбирлар натижаси бўлиб, янги номлардаги тарихийлик инъикоси юртнинг ҳаққоний тарихини тиклашга ёрдам беради ҳамда халқимизнинг ўз юрти тарихига бўлган ҳурматини оширади.

Манбалар ва адабиётлар

- *Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. —Тошкент, 2007. - 48 б.
- **Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. / "Тошкентни юксак тараққиёт ва маданият шаҳрига айлантиришимиз керак". - Тошкент: "Ўзбекистон", 2011. - 96-123 б.
1. Тошкент шаҳар номи ўзгарган кўчалар тўғрисида маълумот (1989-2005). Тайёрловчи: Исмагулаев Э. - Тошкент, 2005 й. - 92 б.
 - Тошкент маҳаллалари: маълумотнома. - Тошкент: "Ўзбекистон", 2006.-107 б.
 - Тошкент маҳаллалари. Маълумотнома. - Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2011. - 159 б.
 2. Ташкент. Карта-схема. - Ташкент: Арт Интернейшнл, 1994.
 - Тошкент. Схема маршрутов пассажирского транспорта. - Госкомгеодезкадастр. Государственно-производственное предприятие "Картография". - Ташкент, 2007.
 3. Тошкент. Энциклопедия. - Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2009. - 782 б.
 4. Тошкент: янги номлар (қисқача маълумотнома). Тўловчилар: Ганиев М., Чувичкин А. - Тошкент: "Меҳнат", 1992. - 45 б.
 - Алимова Д.А. ва б. Тошкент тарихи (қадимги даврлардан бугунги кунгача). - Тошкент: "Art-flex", 2009. - 208 б.
 5. Буриева Х.А. "Мустақиллик даври картография манбаларида Тошкентнинг маданий-маънавий топонимлари". // Маънавият - жамият тараққиётининг бош мезони. Респ.илм.-амал.конф.материал. - Тошкент, 2011. - 58-62 б.
 - Буриева Х.А. "Тошкент шаҳар карталаридаги топонимик маълумотлар шарҳи (1990-2010 йиллар)". "Тарихий манбашунослик муаммолари". // Респ.илм.-амал. конф.материал. - Тошкент: 2013. - 371-374 б.
 - Буриева Х.А. "Методы топонимических исследований при работе с архивными документами (на примере г.Ташкента)" // "История столицы в архивных материалах". - Материалы междунар.научно-практич.конф. - Астана, 2013. - С.30-37.
 6. Ташкент. Карта-схема. - Ташкент.: Арт Интернейшнл, 1994.
 7. Ўринбоев А., Бўриев О. Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида. - Тошкент: "Фан", 1983. - 26 б.
 8. Тошкент маҳаллалари. Маълумотнома. - Тошкент: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2011. - 68 б.
 9. Ҳамза тумани номи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2014 йил 29 августдаги № СҚ-441-II қарори билан Яшнабод тумани деб ўзгартирилди. Тошкент шаҳридаги ушбу тумanning янгича номланиши мазкур мақоланинг даврий чегарасига кирмаса-да, бу ҳақидаги маълумот мақола мавзусига мослиги нуқтаи назаридан унга киритилди.
 10. Ташкент. Схема маршрутов пассажирского транспорта. - Госкомгеодезкадастр. Государственно-производственное предприятие "Картография". - Ташкент, 2007.
 11. Ўша жойда.
 12. Тошкент шаҳар номи ўзгарган кўчалар тўғрисида маълумот (1989-2005). Тайёрловчи: Исмагулаев Э. - Тошкент, 2005 й. - 92 б.

Зарубежный опыт

Султонов А.

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРНИНГ ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК БОРАСИДАГИ ИШ ТАЖРИБАСИ

Атроф муҳитнинг табиий софлигини сақлаш борасида турли хил чиқиндилар билан ишлаш масаласи давлат сиёсати доирасида муҳокама этилиши лозим бўлган стратегик аҳамиятга молик вазифа ҳисобланади. Бу масала ҳозирги глобаллашув жараёнлари ва саноат миқёсидаги ишлаб чиқариш жуда катта кўламларда авж олаётган бир вақтда янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу фикримизни тасдиқлаш учун баъзи бир фактларга диққатингизни тортмоқчимиз. Полигонларга олиб чиқиб кўмиладиган чиқитлар ўзининг таркибий тузилишига кўра табиий йўл билан бутунлай парчаланиб кетиши учун турли муддатлар талаб этилади, масалан, қоғоз учун 2-10 йил, консерва банкиси учун 90 йил, сигарета фильтри учун 100 йил, полиэтилен пленкаси учун 200 йил, пластмасса учун 500 йил, шиша учун 1000 йил. Бу рақамларга эътибор беринг ва мулоҳаза қилиб кўринг.

Урбанизация жараёнларининг жадал суръатлар билан ривожланиши кузатилаётган вақтда бутун жаҳон давлатларида саноатлашган ишлаб чиқариш кўламларининг кенгайиб бориши ҳамда катта-катта шаҳарлардаги маиший ҳаёт оқибатида пайдо бўлаётган чиқиндилар утилизацияси билан шуғулланишга жиддий эътибор берилмоқда.

Урбанизация жараёнлари авж олаётган катта-катта шаҳарлар аҳолиси сўнгги вақтларда тобора жиддий тус олаётган экологик муаммоларга дуч келаяпти. Шундай муаммолар орасида утилизация қилинмай қолаётган турли хил чиқиндиларнинг кўп миқдорларда тўпланиб қолиши билан боғлиқ муаммо ҳал этилиши лозим бўлган вазифалар орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Саноатлашган ишлаб чиқариш ҳамда капиталнинг локал зоналарда концентрациялашуви, истеъмол миқёсининг кескин ошиб бориши чиқиндилар билан ишлашнинг мавжуд тизимига бевосита ва билвосита оғир юклама бўлмоқда. Илмий изланиш давомида кўриб чиқилган манбалардан маълум бўлишича, жаҳоннинг йирик шаҳарларида чиқиндилар билан ишлаш тизими ҳамда ушбу соҳада ихтисослашган корхоналар чиқиндиларни утилизация қилиш борасида вужудга келаётган жиддий муаммоларнинг оптимал ечимини топишга ожизлик қилишмоқда. Саноатлашган ишлаб чиқариш ҳамда маиший ҳаёт оқибатида йиғилиб қолаётган турли хил чиқиндиларнинг салмоғи ҳам, номенклатураси ҳам кескин ошмоқда. Катта шаҳарлар, шунингдек, уларнинг атрофидаги ҳудудларда маъмурий органлар томонидан расман рухсат берилмаган чиқиндилар тўпланаётган полигонлар сони кескин ортиб бораёпти. Бу эса, табиийки, чиқиндиларни утилизация қилиш учун сарфланадиган маблағлар ҳажми ва саъй-ҳаракатлар кўламининг ортишига олиб келади.

Ҳозирги кунда чиқиндиларни зарарсизлантиришнинг кенг тарқалган усули сараланмаган чиқитларни расмий ва норасмий ахлатхоналарга олиб бориб ерга кўмиб ташлаш ҳисобланади. Чиқиндилар билан ишлашнинг бу услубидан фойдаланилганда иккиламчи


СУЛТОНОВ Анвар, Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш масалалари бўйича ўринбосари.

маҳсулотлар бозорида талаб жуда катта бўлган маҳсулотларнинг салкам 90 фоизи йўқ қилинмоқда. Эътироф этишимиз жоизки, аксарият ҳолларда хўжасизларча йўқ қилинаётган чиқиндиларнинг таркибида сақланиб қолаётган қимматли компонентларнинг умумий ҳажми қазиб олинадиган ресурсларнинг умумий ҳажмига яқинлашади. Фикри-мизни тасдиқлаш учун қуйидаги фактларга диққатингизни тортмоқчимиз: чиқитхоналарда нест-нобуд қилинаётган чиқиндилар жумласида ҳар йили 9 млн. т. макулатура, 1,5 млн.т. қора ва рангли металллар, 2 млн.т. полимерлар, 0,5 млн.т. шиша ва беҳад миқёсда озуқа чиқитларидан қайта ишлов бериш жараёнларида фойдаланилмай йўқ қилинади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига қараганда, ўртача аҳоли сони 10.000 кишилик шаҳарда замонавий технологиялардан фойдаланилса, умумий қиймати тахминан 7-8 АҚШ долларига тенг миқдорда фойда олиш мумкин.

Ҳозирги вақтда маиший чиқиндилар билан ишлаш борасида йиғилиб қолаётган муаммоларнинг оптимал ечимларини топишга сарфланаётган умумий харажатлар, бу соҳага қилинаётган инвестицияларнинг кўлами аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ҳамда канализация хизматини ташкиллаштириш соҳаларига сарфланаётган сармоялардан кейин иккинчи ўринда туради. Токи шундай экан, табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни такомиллаштириш учун зудлик билан саноатлашган ишлаб чиқариш ҳамда маиший турмуш кечириш туфайли ҳосил бўладиган чиқиндиларни қайта ишлаб, уларни такрор ишлаб чиқариш жараёнларига жалб этиш муаммосини ҳал этиш даркор. Бунинг учун давлат миқёсида аниқ мақсадли сиёсат олиб борилиши ва ушбу сиёсат доирасида қўлланиладиган чора-тадбирлар жумласида ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчиларнинг табиий ресурслардан фойдаланиш бобидаги стандарт хатти-ҳаракати, табиатга нисбатан муносабатини тубдан ўзгартириш, уларни тежамкорликка ундаш, ҳаттоки ўргатиб бориш талаб этилади.

Шубҳасиз, республикамизда чиқиндилар билан ишлаш борасидаги жиддий муаммоларнинг ижобий ечимини топмоқ учун иқтисодий жиҳатдан юксак даражада ривожланган, атроф муҳитни муҳофазалаш борасида нисбатан узоқ йиллар давомида изланишлар олиб бориб, бой тажриба тўплаган хорижий мамлакатларнинг иш тажрибаси билан танишиб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги фаолият тарихини кузатиш шундан далолат бермоқдаки, табиий ресурслардан фойдаланиш борасида рационал тежамкорлик принципи асосида ишлаш лозимлигини Европа мамлакатларида ўтган асрнинг 70-йилларида англашди. Саноатлашган ишлаб чиқариш ҳамда маиший турмуш кечириш туфайли ҳосил бўладиган чиқиндиларни табиатга зарар етказмасдан утилизация қилиш муаммоси Европада 1960-1970 йилларда сиёсий характер касб эта бошлади. Бу жараёнлар динамикасини кузатар эканмиз, уларни қуйидаги тўрт босқичга бўлишимиз мумкин (1-расм).



1-расм. Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг ривожланиш босқичлари

Шундай қилиб, Европа мамлакатларида чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги давлат сиёсатини ривожлантиришнинг дастлабки босқичида чиқиндиларни утилизация қилиш жараёнларини давлат миқёсида тартибга солишга ҳаракат қилинди. Бунинг учун чиқиндиларни давлат органларининг махсус рухсатисиз бирон ерга ташланишига йўл қўйилмади. Шу тариқа стихияли равишда пайдо бўлаётган чиқитхоналарнинг кўпайиши ва кенгайишига чек қўйилди. Давлат рухсати билан ишлайдиган полигонларнинг фаолияти тартибга солинди, турли чиқитларни махсус печларда ёқиб юбориш оқибатида атмосферага зарарли моддаларнинг ажралиб чиқишини чегаралаш мақсадида чанглари тутиб қолувчи электрофилтрлар ишлаб чиқилди. 1970-йиллардан бошлаб мамлакат аҳолисининг сиҳат-саломатлиги ҳақида давлат органлари жиддий қайғура бошлади.

Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги давлат сиёсатини ривожлантиришнинг иккинчи босқичида чиқиндилар билан ишлаш борасидаги техник стандартларни қатъий тарзда такомиллаштиришди. Шу вақтдан бошлаб чиқитхоналарда чиқиндиларни утилизация қилиш жараёни давомида филтратнинг ҳосил бўлиши ҳамда атмосферага зарарли газлар (айниқса, метан ва углерод диоксид)нинг ажралиб чиқиши устидан қатъий назорат ўрнатилди. Чиқиндиларни ёқишга ихтисослашган заводларда ҳам атмосферани булғати мумкин бўлган заҳарли газларнинг ажралиб чиқишини қатъий равишда назоратта олдилар. Бу хилдаги ривожланиш тенденцияси 1980-йиллардан бошланиб 2000 йилгача давом этди. Аммо европаликлар фақатгина шундай йўлдан боришмади, улар бир вақтнинг ўзида турли йўналишлардан ривожланишни давом эттиришди.

Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги давлат сиёсатини ривожлантиришнинг учинчи босқичида муаммога нисбатан ёндашув янада кенгроқ кўламларда давом эттирилиб, комплекс характер касб этди. Шу вақтдан бошлаб давлатнинг мутасадди шахслари масаланинг техник ва экологик жиҳатлари билан бир вақтда сиёсий, ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва молиявий жиҳатларига ҳам эътибор қарата бошлашди.

Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги давлат сиёсатини ривожлантиришнинг тўртинчи босқичида европаликлар ўз олдига истиқболли вазифаларни қўйишди. Янги вазифалар жумласида чиқиндиларни полигонга олиб чиқиб кўмиб юборишдан воз кечиб, уларни максимал даражада қайта ишлаш, чиқиндиларнинг умумий ҳажмини кескин камайтириш, ҳаттоки, чиқиндиларнинг ҳосил бўлишини бутунлай чеклашга имкон берувчи замонавий технологияларни ишлаб чиқиш масаласи бор.

Ҳозирги вақтда Европанинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланиши табиий муҳитни ҳимоялаш шиори остида давом эттирилмоқда. Таъкидлаб ўтмоқчимизки, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг айнан шу принципи чиқиндилар билан ишлаш соҳасида бошлаб юборилган кенг кўламли ислоҳотлар дастурининг негизида ётган эди. Дастлабки қадамлар муваффақиятли яқун топиб, кўзланган мақсадларга босқичма-босқич эришиб борилиши натижасида бугунги кунда европалик мутахассис олимлар чиқиндилар билан ишлашнинг энг замонавий технологиялари (Best Available Techniques – BAT)дан фойдаланиш имкониятларини очиб беришди. Европа Иттифоқи таркибига кирувчи барча давлатларда табиий ресурслардан фойдаланиш учун рухсатнома олиш тегишли ҳужжатларсиз мумкин эмас.

Европа давлатларида чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги ривожланиш тамойилларидан яна бири чиқиндилар билан ишлаш иерархиясининг жорий этилганлигидир. "Чиқиндилар билан ишлаш иерархияси" деган тушунча 1977 йилда Европа Иттифоқида табиий муҳитни муҳофазалашга доир чора-тадбирларнинг иккинчи дастурида қўлланилганди. Ушбу ҳаракат дастурида чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги фаолиятни анъанавий ёндашувлар (полигонга олиб чиқиб кўмиш ёки ёндириш)дан воз кечиб, уларни қайта ишлаш ва шу тариқа жараёнларни рециклинг принцинга ўтказиш ҳақидаги фикрлар баён қилинганди. Шу вақтдан бошлаб Европа Иттифоқидаги кўпгина давлатларда чиқиндиларни қайта ишлаш ва уларни биокимёвий жиҳатдан парчалаб юбориш услубларини кенг кўламда жорий этиш ҳақида тегишли қарорлар қабул қилиниб, режалар

ишлаб чиқилган. Шундай чора-тадбирларга мисол сифатида айтмоқчимизки, Европа Иттифоқида 1999 йилнинг 26 апрель кунидан бошлаб амал қилаётган №99/31-сонли "Чиқиндиларни полигонларда кўмиш тартиблари" деб номланган Директива талабларига мувофиқ иттифоқдош давлатларда 2020 йилга қадар биологик жиҳатдан емириладиган чиқиндиларнинг умумий салмоғини 1995 йилдаги кўрсаткичнинг 35% га қадар камайтиришга эришиш вазифаси қўйилган. Айрим давлатлар (масалан, Бельгия, Германия, Нидерландия)нинг ҳукумати айрим турдаги чиқиндиларни полигонга олиб чиқиб кўмишни қатъиян тақиқлаб қўйдилар. Жумладан, Германия ҳукумати полигонларда ернинг чуқур бўлмаган қатламларига аввалига қайта ишланмаган чиқиндиларни кўмишга рухсат бермайди.

Европа Иттифоқига кирувчи мамлакатларнинг аксарият қисмида кузатилаётган ривожланиш тамойилига кўра чиқиндиларни полигонларга олиб чиқиб кўмиш усулидан бутунлай воз кечилмоқда. Бунинг ўрнига чиқиндиларни термик ишлов бериш йўли ёки биокомпост усули ёрдамида қайта ишлашга ўтишган (бу ҳақдаги маълумотлар билан 1-жадвалда танишишингиз мумкин). Жадвалдан кўриниб турганидек, Европа давлатларида чиқиндилар билан ишлаш борасидаги фаолиятнинг полигонга олиб бориб кўмиш усули 50% камроқни, чиқиндиларни махсус печларда ёндириб юбориш ҳамда уларни қайта ишлаш жараёнларига нисбатан кўпроқ улушни ташкил қилади. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлаб кетмоқчимизки, Европа давлатларида чиқиндиларни полигонга олиб чиқиб кўмиб бориш қатъий равишда ўрнатилган экологик талабларга мувофиқ амалга оширилади.

Республикамизда аҳоли жон бошига нисбатан аниқланадиган маиший чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш динамикасини ифода этувчи ишончли маълумотлар мавжуд эмас. Фақатгина аҳоли жон бошига нисбатан аниқланадиган маиший чиқиндилар ҳосил бўлишининг ўртача йиллик нормаси белгиланган: киши бошига - 437,7 кг. Бироқ, комил ишонч билан айтишимиз мумкинки, республикамизда ҳам маиший чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш динамикаси ўлчамлари европаликларникига яқин. Ҳолбуки, республикамизда чиқиндиларни полигонларга олиб чиқиб кўмиш усулининг чиқиндиларни утилизация қилишнинг умумий ҳажмидаги улуши 97% ни ташкил қилади. Бу хилдаги вазият бир қанча омиларнинг таъсири билан вужудга келган. Улар орасида чиқиндиларни утилизация қилишнинг замонавий усуллари амалиётда қўллашни моддий жиҳатдан рағбатлантириш дастурининг умуман йўқлиги ҳам жиддий салбий роль ўйнайди.

1-жадвал

Европа мамлакатларида маиший чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш динамикаси ўртача қийматлари ҳамда чиқиндиларни утилизация қилиш усуллари ҳақидаги маълумотлар

Йиллар	Тўпланган чиқиндиларнинг умумий ҳажми, кг. ҚМЧ/киши	Термик ишлов бериш йўли билан зарарсизлантирилган чиқиндиларнинг умумий ҳажми, кг. ҚМЧ/киши	Полигонларда кўмиладиган чиқиндиларнинг умумий ҳажми, кг. ҚМЧ/киши	Утилизация қилишнинг бошқа хил усуллари, шу жумладан, қайта ишлаш, кг. ҚМЧ/киши.
1995	470	90	290	90
1996	487	91	280	116
1997	495	93	280	122
1998	501	100	270	131
1999	509	102	274	133
2000	515	102	280	133
2001	523	105	275	143
2002	550	107	260	183
2003	540	111	240	189
2004	538	115	230	193
2005	541	119	225	197

Европа Иттифоқида маҳаллий қонунларнинг умумиттифоқ ҳуқуқий нормалари талабларига мослаштирилиши (уларнинг ўзаро мувофиқлаштирилиши) ҳам чиқиндилар билан ишлаш соҳаси фаолиятининг замон талаблари даражасида ривожлантирилишига ёрдам қилувчи муҳим омиллардан бири.

Буюк Британияда маҳаллий ҳокимият вакиллари чиқиндиларни полигонларга олиб чиқиб, ернинг юзаки қатламларига кўмиш усулидан фойдаланишни қисқартириш мақсадида махсус квоталар жорий этишган. Бу борада махсус дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унинг доирасида квоталар сотилади (Landfill Allowances Trading Scheme — LATS). Бундан ташқари, иш самарадорлигини ҳисоблашга хизмат қилувчи махсус кўрсаткичлар тизими (Best Value Targets) жорий этилган бўлиб, ушбу чора-тадбирлар ҳокимият органлари тизимида жуда кучли рақобатчиликни юзага келтирди.


Европа мамлакатларида чиқиндилар билан ишлаш соҳасида туб бурилиш ясашга хизмат қилаётган яна бир омил, ишлаб чиқарувчи субъектларнинг зиммасига катта (кенг кўламли) масъулият юклатиш концепцияси (Extended Producer Responsibility — EPR)нинг жорий этилишидир. Ушбу концепция талабларига мувофиқ бирон бир турдаги маҳсулотни ишлаб чиқарувчи субъект, биринчи галда, тайёр маҳсулотнинг яроқлилик муддати (истеъмол қилиниш хусусияти) тугагунига қадар ушбу маҳсулотнинг атроф муҳитга ортиқ даражада зарар етказмаслигини назорат қилиб бориш, қолаверса, маҳсулотнинг яроқлилик муддати (ҳаётий цикли) тугаганидан кейин уларни йиғиб олиш, қайта ишлаш ва ниҳоят, уларни табиий муҳит учун безарар тарзда утилизация қилиш бўйича тўлиқ масъулиятни, шу жумладан, молиявий жавобгарликни ўз зиммасига олади. Extended Producer Responsibility концепцияси Европа мамлакатларининг ташаббуси билан амалиётга татбиқ этилган. Ҳозирда эса дунёнинг аксарият мамлакатларида, шу жумладан, Австралия ва Канадада амал қилмоқда.

Маҳсулот (товар) ишлаб чиқарувчиларнинг кенгайтирилган масъулияти номли концепция чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги фаолиятни модернизация қилиш ҳамда соҳадаги иқтисодий фаолият агентларини инновацияларни соҳага олиб киришга рағбатлантиришнинг ўзига хос инструменти саналади. Соҳадаги фаолиятни такомиллаштиришга хизмат қилиши мумкин бўлган яна бир замонавий инструмент бу "қанча чиқинди ҳосил қилаётган бўлсанг, шунга яраша тўловларни тўла" (payasyouthrow) принципи асосида ишлаш. Бу принципга мувофиқ чиқиндиларни олиб кетиш учун тўловлар ҳажми ҳар бир уй хўжалиги томонидан ҳосил қилинган чиқиндилар умумий ҳажмига мос равишда белгиланади. Чиқиндилар билан ишлаш тизимининг фаолиятини нисбатан баланслаштирилган услубларга ўтказишнинг муҳим омилларидан яна бири бу чиқитларни полигонга олиб бориб кўмиш учун махсус солиқ жорий этилишидир.

Маиший чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги жуда кўп мутахассислар саноатлашган ишлаб чиқариш ва маиший турмуш оқибатида ҳосил бўлаётган чиқиндилар билан ишлаш тизими фаолиятининг самарадорлигини кескин ошириш учун махсус концепция яратилиши лозим, деган фикрга қўшилишмоқда. Регионал миқёсдаги муаммоларни инобатга олувчи янги концепцияда чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги долзарб муаммолар илмий жиҳатдан белгилаб берилиши, шундан келиб чиқиб белгиланадиган мақсад ва вазифалар, масъул шахслар ва уларнинг мажбуриятлари, соҳани ривожлантириш учун жалб этилиши керак бўлган томонлар аниқланиши даркор. Бу концептуал масаланинг схематик кўриниши 2-расмда келтирилган.

Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги жараёнларни бошқариш бўйича мувофиқлаштирувчи марказ





2-расм

Чиқиндилар билан ишлашнинг концепцияси

Ўзбекистон Республикасида чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги муаммоларни ижобий ҳал этиш учун, бизнинг назаримизда, қуйидаги юридик шахслар жалб этилиши мумкин:

- Халқ депутатлари ва ижроия ҳокимияти;
- Аҳоли ва жамоат ташкилотлари;
- Давлат назорат органлари;
- Чиқиндиларни жуда катта миқёсларда ҳосил қиладиган юридик шахслар;
- Чиқиндиларни утилизация қилишга ихтисослашган корхоналар;
- Иккиламчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар;
- Автотранспорт корхоналари;
- Оммавий ахборот воситалари.

Ҳар бир конкрет аҳоли турар жойи (шаҳар, қишлоқ, посёлок, овул ва ҳоказо) нинг шарт-шароитларини ўрганиб чиқиб, маҳаллий шарт-шароитлар учун мос келадиган, маҳаллий иш тажрибаси ва ресурсларни эътиборга олиб, чиқиндилар билан ишлашнинг муайян комбинацияланган усулини аниқлаш керак. Чиқиндилар билан ишлашнинг комплекслаштирилган фаолият дастурининг асосини ташкил қилувчи иш режаси маҳаллий шароитларда пайдо бўладиган чиқиндилар оқимини ҳар томонлама ўрганиб чиқиб вазиятга баҳо бериш, шундан кейин кичик миқёсларда экспериментлар уюштириш ва шу тариқа олинган натижаларни умумлаштириб, зарур маълумотларни тўплашга хизмат қилади.

Маиший чиқиндилар билан ишлашга доир фаолият дастурининг яна бир ажралмас қисми ушбу турдаги чиқиндиларнинг умумий ҳажмини камайтириш вазифасини қамраб олади. Шу ўринда муҳим бир нарсани таъкидлаб кетмоқчимизки, маиший чиқиндилар билан ишлаш соҳасида тўпланиб қолган долзарб муаммоларнинг оптимал ечимини алоҳида олинган бирон бир технология ёрдамида эмас, балки бир-бирининг ўрнини тўлдирувчи ҳаракат дастурлари ва конкрет чора-тадбирлар ёрдамидагина излаб топиш мумкин.

Шу ўринда муҳокама этилаётган масаланинг яна бир муҳим жиҳатига эътиборингизни тортмоқчимиз. Бир нарсани ҳисобга олиш жоизки, ҳар қандай маҳсулот чиқитлар

категориясига ўтказилишидан аввал бошқа хил маҳсулот ёки уларнинг алоҳида компонентлари билан қоришиши лозим.

Шу нуқтаи назардан олиб қаралса, чиқиндиларни ажратиш муаммосига нисбатан ёндашув техник ва ижтимоий йўналишлардаги ечимлар спектрини ташкил қилади.

Техник жиҳатдан оладиган бўлсак, чиқиндилар билан ишлашга ихтисослашган фабрика аввалига тўпланган барча чиқитларни қабул қилиб олади ва уларни қайта ишлаб чиқариб, иккиламчи маҳсулотлар бозори учун материалларни ҳамда полигонга олиб бориб ташланиши мумкин бўлган чиқиндиларни ажратиб беради.

Ижтимоий жиҳатдан ёндошилса, аҳолининг ўзи маиший чиқитларни сортировка қилиб қайта ишлаб, иккиламчи бозор учун маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлган чиқиндиларни уларни қабул қилувчи пунктларга олиб бориб топширади.

Республикада чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги муаммони юқорида айтиб ўтилганидек, техник жиҳатдан ҳал этишнинг имкониятлари мавжуд эмас. Негаки, 100%га қайта ишлаш мумкин бўладиган маҳсулотларнинг ўзи йўқ. Бундан ташқари, республикада маиший чиқиндиларни уй хўжалиқларининг ўзидаёқ сортировка қилиш амалиёти ҳамон жорий этилмаган, аҳолини бундай иш қилишга ундаши мумкин бўлган маданият шакланмаган. Бундан чиқадиган хулоса шуки, мавжуд шарт-шароитларда маиший чиқиндиларни қайта ишлаш жараёнида сифати нисбатан паст маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Технологик нуқтаи назардан қаралса, энг мураккаб масала қайта ишлаш жараёни давомида ишлаб чиқариладиган иккиламчи маҳсулот компонентларини рециклинг жараёнига тортиш мумкин бўлмайдиган бошқа чиқитлардан ажрата билиш муаммосидир.

Технологик жиҳатдан уй хўжалиқларининг ўзидаёқ аҳоли чиқиндиларни сортировка қиладиган бўлса, бу муаммо нисбатан енгил ечим топади. Бундай деб ҳисоблашимиз учун қуйидаги шартларни асос қилиб келтирамиз:

- жамият аъзоларининг зиммасига тушадиган молиявий ва бошқа хил ресурсларни излаб топиш билан боғлиқ юкламанинг нисбатан камайиши кутилади;
- шаҳар бюджети ва ҳокимиятларининг зиммасига тушадиган молиявий ва бошқа хил ресурсларни излаб топиш билан боғлиқ юкламанинг нисбатан камайиши кутилади;
- маиший чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги долзарб муаммонинг оптимал ечимини топиш билан боғлиқ жараёнларда ушбу чиқитларнинг ҳосил бўлишида бевосита иштирок этувчи субъектлар қатнашади. Шу сабабдан бу масъулиятни уларнинг зиммасига юклаш маънавий-ахлоқий жиҳатдан ўринли ва асосли деб топилиши мумкин.

Эътироф этишимиз лозимки, айна вақт ва вазиятда республикада миқёсида маиший чиқиндиларни уй хўжалиқларининг ўзида ёки улар йиғиладиган жойларда сортировка қилишнинг имкониятлари йўқ. Бунга бир қатор омиллар, шу жумладан, иқтисодий, маданий-маърифий ва ижтимоий омиллар тўсқинлик қилиши мумкин.

Ижтимоий онг ҳам вазиятга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган жуда муҳим омиллардан биридир. Айрим дунё мамлакатларида атроф муҳитни ҳимоялаш, ресурслардан фойдаланиш ҳамда чиқиндилар билан ишлаш жараёнларини бошқариш каби масалалар давлат ҳокимиятининг энг олий бўғинларида муҳокама этилмоқда. Мамлакатда мавжуд ресурслардан фойдаланиш борасида қилинадиган ҳар қандай ўзгаришлар, ташаббускорлик ғоялари реал ҳаётга кўчирилиши учун, энг аввало, одамларнинг онгида шакланмоғи даркор (137). Чиқиндилар билан ишлаш соҳасида илгари қўлланилган технологиялар (ахлатхоналарда ёқиб юбориш, атмосферага салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган махсус корхоналарнинг қурилиши ва ҳоказо)га нисбатан одамларда жуда салбий муносабат шакланган. Шу муносабат билан Ғарб мамлакатларида ижтимоий онгни шакллантириш масаласига жуда жиддий қарашади. Ижтимоий онг вазиятга таъсир қилиши мумкин бўлган мустақил омил сифатида идрок этилади.

Шунга қарамасдан, ҳаттоки иқтисодий жиҳатдан юксак даражада ривожланган мамлакатларда ҳам маиший чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги муаммоларнинг оптимал

ечимини излаб топиш жараёнларига таъсир кўрсатувчи омиллар турли хил бўлиши мумкин. Бунга вазиятнинг ўзгаришидан у ёки бу даражада манфаатдор бўлган (ҳам жисмоний, ҳам юридик) шахсларнинг хатти-ҳаракатлари сабаб бўлади. Айтилик, мавжуд табиий ресурслардан рационал фойдаланиш, табиий иқлим шароитига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган фаолият Швейцария каби айрим мамлакатларда чиқиндиларни қайта ишлаб, энергия ҳосил қилишга мажбур этиши мумкин. Бошқа мамлакатларда айрим ноҳукумат ташкилотларининг фикрича, "чиқиндиларни ёқиш" технологиясидан воз кечиш ёхуд чиқиндиларни қайта ишлаб, тўлиғича иккиламчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш принципи чиқиндилар билан ишлаш жараёнларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ва ривожлантиришга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган асосий омил ҳисобланади (139). Мисол учун, Фландрия ҳукумати чиқиндилар билан ишлаш жараёнларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ва ривожлантиришга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар жумласида чиқитларни ернинг юза қатламларига кўмишдан воз кечиш (ҳозирги вақтда бундай технология фақатгина 4%га қўлланилмоқда), маиший чиқиндиларнинг ҳосил бўлишини максимал даражада чеклаш ва чиқитларни ёқиш вақтида максимал даражада энергия қувватини ҳосил қилишни эътироф этади. Чиқиндиларни қайта ишлаш туфайли олинадиган иккиламчи истеъмол қиймати қайта тикланадиган маҳсулотларнинг барқарор ишлайдиган бозорини шакллантириш умумий куч-қувватни йўналтириб ҳал этиладиган масала, аммо бу борада масаланинг ечимини топиш имкониятларининг бир қанча вариантлари мавжуд. Масалан, Буюк Британияда оқсим касаллиги эпидемияси рўй берганидан сўнг амалдаги қонунчиликка тегишли тўзатишлар киритилди.

Япониянинг Ташқи савдо ва саноат вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Концепцияда эълон қилинишича, мамлакатда чиқиндиларсиз жамият қуриш лойиҳаси амалга оширилмоқда (54,55). Бу лойиҳага мувофиқ 1992 йилда "Иккиламчи хом ашёлардан фойдаланишни рағбатлантириш", 1997 йилда эса "Тара ва упаковкаларни йиғиш ва улардан қайтадан фойдаланиш жараёнлари давомида сортировка қилишни рағбатлантириш" қонунлари ишлаб чиқилди. Қабул қилинган қонун нормалари турли иқтисодий агентларнинг масъулияти доирасини белгилаб бериши туфайли ҳосил бўлаётган чиқиндилар ҳаракатини бошқариш самарадорлигини оширишга имконият туғдиради. Янги тартибга кўра ҳосил бўлаётган чиқиндиларни тўплаш, олиб кетиш ва қайта ишлаш жараёнлари билан маҳаллий ҳокимиятлар шуғулланади. Упаковка ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектлари маҳаллий ҳокимиятга чиқиндилар билан ишлаш учун сарфланаётган харажатларни қопламайди. Ўз навбатида, маҳаллий ҳокимият истеъмолдан кейин йиғиб олинган упаковкаларни қайтадан ишлов бериб муомалага чиқарадими ёки йўқми, мустақил равишда ҳал этади. Умуман олганда, амалдаги қонунчилик маҳаллий ҳокимиятни упаковка ва тараларни қайтадан муомалага чиқариш муаммоси билан шуғулланишга мажбур этмайди, аммо ушбу иш билан ихтиёрий равишда шуғулланишга қарор қилаётган муниципал тузилмаларнинг сони мунтазам ошиб бормоқда. Шу билан бирга, маиший чиқиндиларни бевосита уй хўжаликларининг ўзида сортировка қилинаётган чиқитлар категорияси ҳам узлуксиз ошиб бормоқда. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб кетмоқчимизки, табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланишнинг "3R ташаббускорлиги" принципига асосланган умумжаҳон режаси айнан Японияда ишлаб чиқилган. Чиқиндилар билан ишлаш соҳасидаги "3R ташаббускорлиги" "Reduce" - қисқартириш, "Reuse" - қайта фойдаланиш ва "Recycle" - иккиламчи хом ашё (ресурс) сифатида ишлаш деган сўзлар маъносидан таркиб топади.

Буюк Британия ва Швецияда иккиламчи хом ашё (ресурс)лардан 60-70% миқдоридagi алюминий банкалар ишлаб чиқарилади. 1990 йилдан буён Буюк Британия ҳукумати Европа Иттифоқида умумқабул қилинган директивага мувофиқ, 70% пластик идишларни қайта ишлашга юбормоқда. Пластик идишларни йиғиб олиш жараёнларида мамлакатнинг 100 дан ортиқ компанияси фаол қатнашмоқда.

Алоҳида тураржойларда истиқомат қилувчи Швеция фуқаролари уйининг ўзида тўпладиган маиший чиқиндиларни сортировка қилиш, органик хусусиятли чиқитларни компостлаш мажбуриятини зиммасига оладиган бўлса, чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш учун жорий этилган тарифнинг ярим баробарида тўловлар тўлайди.

Швейцарияда мамлакатнинг иккиламчи маҳсулотлар билан ишлашга ихтисослашган муниципал хизмат ташкилотлари шаҳар кўчаларида махсус контейнерлар жойлаштириб қўйишган. Ушбу контейнерларга синган ва ностандарт шиша идишлар солинади. Шуниси қизиқки, шиша идишларни рангига қараб сортировка қилишади. Бунинг учун контейнерларнинг устига тегишлича ёзувлар битиб қўйилади. Автоном равишда электр қувватини ишлаб чиқарувчи мосламаларни тўплаш учун йирик дўкон ва мактаблар те-варагида алоҳида контейнерлар ўрнатилган. Бундай чора-тадбир натижасида мамлакат миқёсида фойдаланиш учун чиқарилган батареяларнинг 80% қайтадан ишланиши мумкин бўлади.

Германияда маиший чиқиндиларни утилизация қилиш жараёнларини нисбатан енгиллаштириш мақсадида умуммамлакат миқёсида алоҳида турдаги чиқиндилар учун махсус контейнерлар жойлаштирилган.

Тураржойлар ёхуд кўп қаватли хонадонларнинг ҳар бир йўлакчаси олдида маиший чиқиндиларни жойлаш учун ўрнатилган контейнерлар икки ҳафта давомида бир мартаба бўшатилади. Бу вазифани шаҳар миқёсидаги алоҳида ташкилотлар амалга оширади. Контейнерлардан олиб чиқиб кетиладиган чиқитларнинг умумий ҳажми қандайдиган қатъи назар, ушбу ҳудуд аҳолиси коммунал хизмат учун тўловлар тўлашга мажбур. Маҳаллий аҳоли зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажармаганлик учун махсус жарималар тизими жорий этилган. Шу боисдан маиший чиқиндилар билан ишлаш тизимининг самарадорлиги анча юқори.

Яроқлилик муддатлари ўтган дори-дармонларни аптекаларда қабул қилишади. Бу чора-тадбир ҳам табиий муҳитни муҳофазалаш дастурининг ажралмас қисмидир.

Маиший чиқиндиларнинг турига қараб иккиламчи ишлаб чиқариш учун яроқли бўлган тўпланган чиқитларни олиб кетиш кафолати алоҳида ташкилотлар зиммасига юклатилган. Жумладан, шишадан тайёрланган тара ва бошқа хил маҳсулотларни шиша маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган, қоғозлардан тайёрланадиган маҳсулотни шу соҳага ихтисослашган корхоналар йиғиб олади. Сунъий материаллар (полимер пленка, бан-качалар, тубиклар, пенопласт ва ҳоказо)дан тайёрланадиган чиқиндиларни масъулияти чекланган жамият йиғиб олади. Металлургия саноатига қарашли корхоналар оқ тунукадан тайёрланган чиқиндиларни, алюминийдан тайёрланган тараларни утилизация қилишга ихтисослашган масъулияти чекланган жамият эса алюминийни йиғиб олади. "Картон" компанияси картондан ва бошқа хил материаллардан комбинацияланган тарзда ишлаб чиқарилган маиший чиқиндиларни утилизация қилиш билан шуғулланади.

Европа Иттифоқида чиқиндиларни утилизация қилиш жараёнлари учун масъулиятни батамом чиқиндиларни ҳосил қилувчи субъектлар зиммасига юклаш принципига асосланган ҳолда амалга оширилади. Европа мамлакатларида қабул қилинган фаолият дастурининг устувор шартларига кўра чиқиндиларни полигонга олиб бориб кўмиб ташлаш энг сўнгги чора сифатида белгиланган.

Европада ишлатилган упаковкалардан ҳосил бўладиган чиқитларни утилизация қилиш тизими жуда самарали ишлайди. Гарчи ишлатилган упаковкалардан ҳосил бўладиган чиқитлар маиший турмуш кечириш жараёнида ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг асосий қисмини ташкил этишини ҳисобга оладиган бўлсак, чиқиндилар билан ишлаш тизимининг самарадорлиги қанчалик юксаклигини тасаввур этишимиз мумкин. Упаковкаларни ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз маҳсулотлари истеъмолга яроқлилик лаёқатини йўқотганидан сўнг чиқиндиларни ҳосил қилишини эътиборга олган ҳолда ҳар йили "Dual System Deutschland AG" немис корхонаси томонидан махсус жорий этилган "Яшил нуқта" белгисидан фойдаланишга рухсат берувчи лицензияга тўлов тўлаб туради.

"Duales System Deutschland AG" немис корхонаси ўзининг махсус белгиси билан жаҳон бозорларига 1990 йилда чиққан эди. "Яшил нуқта" белгисидан фойдаланишга рухсат берувчи лицензия тўлови (аъзолик бадали)нинг миқдори махсус белгиланган тариф сет-каси бўйича амалга оширилади. Айтишимиз лозимки, қоғоз/картондан тайёрланадиган упаковкалар учун полимерлардан тайёрланадиган упаковкаларга нисбатан камроқ бадал тўланади. Чунки қоғоз/картондан иборат чиқиндиларни рециркуляция жараёнига жалб этиш нисбатан енгилроқ кечади.

Ҳозирги вақтга келиб "Яшил нуқта" белгисидан фойдаланаётган мамлакатларнинг умумий сони 15 тага етган.

Чиқиндилар билан ишлаш борасида амал қилаётган ва катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган концепциялардан бири "энергетик баланс" концепциясидир. Бу концепция Умумжаҳон Энергетик Кенгаши (World Energy Council) қошида тузилган халқаро ишчи гуруҳи томонидан тайёрланган доклад материалларида ўз аксини топганди. Концепцияни тайёрлаган мутахассис олимларнинг фикрича, электр энергиясини ишлаб чиқариш ва ундан истеъмол мақсадларида фойдаланиш пировард натижада амалиётда қўлланиладиган технология(лар)нинг энергетик кўрсаткичларига бевосита боғлиқ бўлгани боис чиқиндиларни утилизация қилиш борасидаги энг мақбул технология (усул)нинг эффективлиги ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол жараёнлари давомида сарфланадиган ўртача энергетик куч-қувват кўрсаткичлари ўртасидаги баланс кўрсаткичи билан ўлчаниши мумкин. Шу нуқтаи назардан олганда, чиқиндиларни утилизация қилишнинг қайси бир усули кўпроқ наф берадиган бўлса, айнан шуниси самарали деб топилади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқилса, сортировка қилинган чиқиндиларни йиғиш, олиб кетиш ва қайта ишлаб такрор ишлаб чиқариш учун иккиламчи хом ашё тайёрлаш жараёнлари давомида сарфланадиган электр энергия қувватининг миқдори худди шу турдаги янги маҳсулотни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган электр энергия қувватининг миқдорига тенг ёки ундан ҳам юқори бўлса, у ҳолда чиқиндиларни қайта ишлашдан ҳеч қандай иқтисодий наф бўлмайди. Шу ўринда эътироф этишимиз жоиз, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш усулининг иқтисодий нуқтаи назардан афзал жиҳати шундаки, жуда кўп миқдорда электр энергия қувватини сарфлаб целлюлоза, пластик, шиша, алюминий каби бирламчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш эҳтиёжини сезиларли даражада камайтиришга имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аверченков А.А. Экономика природопользования. Аналитические и нормативно-методические материалы. / А.А.Аверченков, А.В.Шевчук, В.Л.Грошев. -М.,1994.-472 с.
2. Адамов А.К.Ноосферные принципы устойчивого развития / А.К. Адамов //Природа и общество на рубеже нового тысячелетия: глобализация и региональные эколого-экономические проблемы. Материалы четвертой международной конференции Российского отделения Международного общества экологической экономики (ISEE) 5-9 июля 1999г.: -Саратов, 1999г.-С. 11-12.
3. Акофф Р., Эмери Ф. О целеустремленных системах. Пер. с англ./Под ред. И.А. Ушакова. / Р. Акофф, Ф. Эмери. М.: Советское радио, 1970. 216 с.
4. Артюхов В.Г. Механизмы перехода страны к устойчивому развитию: Федеральная целевая программа "Экология и природные ресурсы России" // ЭКОС. 2003. №13. С. 15-23.
5. Барсола И.С. Из истории экологической маркировки / И.С.Барсола, М.П.Ландеховская // ТБО. 2007. №5. С.77-79.
6. Блази Л. Цель - охрана климата на планете / Блази Л., Ланге М.// ТБО. 2007. №1. С.56-61.
7. Брагина С.В. Взаимоотношения общества и природы: краткий исторический справочник / С.В. Брагина, И.В. Игнатович, А.В. Сарьян. М.: НИИ- Природа, 1999.
8. Бухтеев Б.М. Защита воздуха от загрязнения диоксидами при сжигании отходов в процессе санитарной очистки городов / Б.М. Бухтеев, В.П. Груднин, А.Н.Пименов, С.С. Юфит // «Воздух-98» Научно-практические проблемы рационального потребления воздуха. Междунар. конф.. - СПб, 1998. - С.32 - 36.
9. Ван Гервен Т. Обращение с отходами мусоросжигания в Европе / Т. Ван Гервен, Д. Гейзен, Л. Стоффилс, Г. Ваутерс, С. Вандекастел // ТБО. 2007. №2. С. 40-49.

10. Воронин В.П. Проблемы охраны окружающей среды в деятельности Европейского экономического сообщества / В.П. Воронини - М., 1991. - 115 с.
11. Доминиг Х. Издержки на управление муниципальными отходами в странах ЕС / Х. Доминиг // Экономика природопользования. - 2005. №5. - С.63-117.
12. Дрейер А.А. Проблемы экологического обустройства городов. Специальный информационный сборник. / А.А. Дрейер, М.А. Зайцев, В.Д. Фурман -М.: ТОО "ВЭЛ", 1995. С.27-32.
13. Дутта С. Информационные технологии для сбора бытовых отходов / С. Дутта // ТБО. 2007. №5. С.64-67
14. Комплексный экологический и экономический учет: Руководство по национальным счетам / Организация Объединенных Наций. Нью-Йорк, 1994.
15. Контрерас Ф. Сбалансированное управление ТБО (на примере городов Йокогама и Бостон) / Ф. Контрерас, С. Ишии, К. Ханакэ // ТБО. 2007. №1. С. 50-55.
16. Кто есть кто в экономике природопользования. Энциклопедия / (Ред., колл.: Лукьянчиков Н.Н. (пред.) и др.) - М.: ЗАО Издательство "Экономика", 2009. - 559 с.
17. Лаппо Г.М. Урбанизация в системе глобальных проблем человечества / Г.М. Лаппо, Я.Г. Машбиц // Глобальные проблемы современности: Региональные аспекты. Сб. трудов. Вып.5. М.: ВНИИСИ, 1988, С.9-12.
18. Лебедев А.В. Природоохранное законодательство развитых стран. Аналитический обзор. 4.2. Защита окружающей среды от загрязнения: методы контроля и регулирования / А.В. Лебедев, О.Л. Лаврик. - Новосибирск, 1992.
19. Матсуто Т. Япония: методы управления твердыми отходами / Т. Матсуто //ТБО. 2007. №5. С. 72-76.
20. Развитие переработки отходов в Германии - послужит ли это примером для Челябинска //Seventh Progress Report Energy Centre Ekaterinburg. - Ekaterinburg, 1998. - С.500-505.
21. Робинсон Н.А. Правовое регулирование природопользования и охраны окружающей среды в США. / Н.А. Робинсон - М.: Прогресс, 1990. - 84 с.
22. СОЗ: в опасности наше будущее. Программа ООН по окружающей среде. М. ЭКО-согласие, 2003.
23. Сокорнова Т.В. Европейская политика в области обращения с отходами / Т.В. Сокорнова // ТБО. 2008. №7. С.36-39.
24. Техника и обработка остатков мусора - холодные и термические способы. Специальное совещание Союза немецких авторов 20-21 апр. 1993 г. в Вюрцбургском дворце Витта // Aufbereitung Technic. - 1993. - Bd 34, H.1.-S.54.
25. Уилсон Д. Управление отходами: факторы влияния / Д. Уилсон // ТБО. 2007. №3. С.58-64.
26. Экологическая экономика. I. Темы российских и украинских авторов. / Под ред. В. Ярошенко. - М.: 1994. - 105 с.
27. Экологическая экономика. II. Темы немецких авторов. / Под ред. В. Ярошенко.-М.: 1994.-91 с.
28. Becvar J. Role of Economic Instruments in Integrating Environmental Policy with Sectoral Policies / J. Becvar., M.Kokine. - UN, New York and Geneva, 1998.-162.p.
29. Fumikazu Yoshida. The political economy of waste management in Japan / Yoshida Fumikazu // People and Nature: Operationalising Ecological Economics. - 2000. P. 114.
30. Kahn, J. The Economic Approach to Environmental and Natural Resources. - Third Edition. - Thomson South-Western, USA, 2005. - P/ 375423.
31. Kopp V. Defining MSW final waste France in the perspective of 2002: implications of future landfill design / V. Kopp, I. Paris, F. Weber // Surdina, 1995, Fifth International Landfill Symposium. - 1995. - Vol. 1. - P. 25 - 34.
32. Lawn, P. Toward Sustainable Development: An Ecological Economics Approach. - Lewis Publishers, Boca raton, 2000. - 462p/
33. Pereira F.J.M.A. Effect of the new Portuguese municipal waste recycling policy on landfill space requirements / F.J.M.A. Pereira, C.A. Coelho // Surdina, 1997, Sixth International Landfill Symposium. - 1997. - Vol. 5. - P. 9 - 16.
34. Modak P. Introduction to EIA, What is EIA in: Conducting Environmental Impact Assessment for Developing Countries / P. Modak, A.K Biswas. Tokyo-New York-Paris, 1999. P. 12-14.
35. Sedman R. M. Risk assessment for health of population, connected with flying metals and surges, installation on the incineration of departures / R. M. Sedman, J.R. Esparza // Ser. V. Etud. Med. - 1992. - Vol.3, No.2. P.271.

Сафаев Н.

МАДАНИЯТЛАРАРО КОММУНИКАЦИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Ф уқароларнинг устувор ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонун нормаларида белгилаб қўйиладиган демократик давлатда мафкура ижтимоий манфаатларни ҳаракатлантирувчи ўзига хос куч вазифасини бажариб, умумий ва шахсий мақсадларга эришиш воситаси сифатида хизмат қилади. Миллий суверенитетини қўлга киритган Ўзбекистонда миллий мафкуранинг асосий умуминсоний принципларидан бири - бошқа миллат вакиллари, уларнинг миллий маданияти ва қадриятларига ҳурмат билан қараш, ўзаро тенглик, иззат-ҳурматда яшашдан иборат.

Давлатимиз раҳбари И.Каримов кўп бора таъкидлаб ўтганларидек, "Бир ижтимоий тузумдан бошқасига ўтаётган даврда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан, мафкура соҳасида қатор муаммоларни ҳал этиш зарурати туғилиши тарихий қонуниятдир"¹. Янги дунёқараш, ижтимоий онг шаклланиши - мураккаб ва узоқ давом этадиган жараёндир. Шу сабабдан бу даврда ижтимоий ҳаётга давлатимиз мақсадларига ёт ғоялар босимининг кучайиши хавфи мавжуд. "Бундай ғоявий хавф-хатар одатда мафкуравий йўналишлар аниқ бўлмаган жойда кучаяди. Бунда, аҳолининг турли қатламлари, айниқса, ёшлар онгини эгаллашга уринишлар кўпаяди"². Шунга мувофиқ ўз маърузаларида Президентимиз мафкуравий соҳада давлат ва нодавлат ташкилотлар, сиёсий партиялар томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилиши кераклигини таъкидлайдилар. Айни вақтда И.Каримовнинг таъкидлашича, ижтимоий фанлар соҳасидаги тадқиқотларда "ҳаёт талабларидан ортда қолиш, жамият ҳаётидаги мураккаб жараёнларнинг илмий таҳлилида кечикиш кузатилаяпти, шунингдек, бу соҳада тўғри йўл кўрсатишга қодир юқори малакали мутахассисларнинг етишмаслигини қайд этиш зарур"³.

Мамлакатимиз раҳбарининг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқадиган бўлсак, эътироф этишимиз жоизки, бугунги кун психологик-педагогик фанлар соҳасида илмий изланишлар олиб бораётган мутахассис олимларнинг олдига қўяётган долзарб муаммолардан бири миллатлараро коммуникацияни рационал равишда йўлга қўйиш, ривожлантириш, соҳада йиғилиб қолган турли муаммоларнинг ечимини топишдан иборат. Бу масалани, айниқса, ёш авлод вакиллари мисолида ўрганиш ниҳоятда муҳим.

САФАЕВ Нуриддин Салихович, психология фанлари доктори, Низомий номидagi ТДПУ "Умумий психология" кафедраси мудири.

Ҳозирги дунёда тобора авж олаётган этник низолар, экстремистик ҳаракатлар, миллатчилик кайфиятлари борган сари кучайиб бораётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Албатта, бу муаммолар негизида ётган шарт-шароитлар, жараёнга таъсир кўрсатувчи омиллар илмий жиҳатдан чуқур аниқлаши зарур. Ушбу трендлар асосида ётган долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун алоҳида олинган шахсларнинг, бутун-бутун халқ, миллат вакиллари ўртасидаги миллатлараро ўзаро таъсирлашув жараёнларини мувофиқлаштирувчи қадрият ва меъёрлар тизимини ўрганиш талаб қилинади.

Сўнгги ярим аср давомида бутун дунё мутахассис олимлари томонидан маданиятлараро ўзаро таъсирлашув муаммоларига нисбатан бўлган қизиқишнинг ортишига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бундай қизиқиш ижтимоий илм-фан соҳасида янги илмий йўналиш - маданиятлараро коммуникация соҳасининг пайдо бўлишига олиб келди.

Бу маданиятлараро коммуникациянинг концептуал асосларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар дастлаб АҚШда сиёсатчи ва бизнесменларнинг амалий эҳтиёжларига хизмат қилувчи йўналиш сифатида юзага келган эди. Маълумки, Иккинчи жаҳон урушидан кейин америкача сиёсий, иқтисодий маданият таъсири дунё бўйлаб кенг ёйила бошлади. Бу даврда кўпчилик давлат арбоблари, тадбиркорлар ўзининг жорий иш фаолияти давомида бошқа маданий қатламлар вакиллари билан муносабат ўрнатишда муайян қийинчиликларга дуч кела бошлади⁴.

Ижтимоий-тарихий тараққиётнинг турли босқичларида турли маданий қатламлар вакиллари ўртасидаги ўзаро тушунмовчиликлар турли низоларга, муносабатларнинг кескинлашувига сабаб бўлганини кўрсатувчи мисоллар оз эмас. Турли маданиятларнинг бир-биридан алоҳида, биқик ҳолда ривожланиши ўзаро таъсирлашув жараёнлари йўлида жиддий тўсиқ бўлган. Турли маданият вакиллари бошқа хорижий тилларни мукамал билса ҳамки, ўзаро коммуникация жараёнлари жуда оғир кечган. Маданиятлараро тафовут сабабли ўзаро алоқа ўрнатиш жараёнлари давомида ҳар хил муаммолар вужудга келган. Пайдо бўлган муаммоларни ўз вақтида ҳал этмаслик натижасида вазият янада кескинлашиб борган. Ниҳоят, соҳа мутахассисларининг жалб этилиши ва масалани ҳар томонлама ўрганилиши туфайли маданиятлараро коммуникацияни йўлга қўйиш учун нафақат хорижий тилларни ўрганиш, балки бошқа халқларнинг маданияти, урф-одатлари, анъаналари, хулқ-атвор меъёрларини ҳам ўрганиш зарурлиги англаб етилди.

1954 йилда Э.Холл ва В.Трагернинг "Маданият коммуникация ўрнатишнинг ўзига хос механизми сифатида" номли китобининг нашр этилишини соҳа мутахассисларининг узоқ йиллар давомида олиб борган илмий изланишларининг маҳсули сифатида баҳолашимиз мумкин. Ушбу асарда муаллифлар илк бор "маданиятлараро коммуникация" тушунчасини муомалага киритишни таклиф этдилар. Маданият ва коммуникация жараёнлари ўртасидаги алоқадорликни чуқур таҳлил этиб, муаллифлар бошқа халқлар билан мулоқот қилиш маданиятини махсус ўрганиш зарурлиги ҳақида муҳим хулоса чиқардилар. Муаллифларнинг фикрича, маданиятлараро коммуникация муаммоларини ўрганишдан кўзланадиган асосий мақсад - турли маданият вакиллари ўртасидаги мулоқот самарали бўлиши ва муваффақиятли яқун топиши учун, энг аввало, жараёнда иштирок этаётган турли хил маданий қатлам вакиллариининг ҳаётий, амалий эҳтиёжларини муфассал ўрганиш зарур⁵. Ушбу нуқтаи назар асосида ёндашув коммуникацияларни ривожлантириш борасида амалга оширилган келгуси илмий изланишларнинг самарали бўлишига катта ёрдам берди.

Европада маданиятлараро коммуникация муаммоларини ўрганиш соҳасидаги тадқиқотларнинг ривожланиши АҚШга нисбатан кечроқ рўй берди. Аммо Европа давлатлари иттифоқининг пайдо бўлиши билан чегараларнинг олиб ташланиши турли миллат ва табиийки, маданий қатламларга мансуб бўлган одамларнинг ўзаро мулоқотини ниҳоятда жадаллаштириб юборди. Шу тариқа ижтимоий ҳаётнинг ўзи турли маданиятлар вакиллари ўртасидаги ўзаро мулоқот масаласини долзарб муаммога айлантдириб қўйди. Ушбу шарт-шароитларда маданиятлараро коммуникация муаммосига илмий тадқиқотчиларнинг қизиқиши аста-секин ортиб борди.

Бир томондан, дунё бўйлаб миллатлараро ва диний характердаги янги зиддиятларнинг вужудга келиши, шу билан бирга, илгари ҳам мавжуд бўлган танглик ўчоқларида вазиятнинг янада кескинлашуви, иккинчи томондан, ҳаётнинг барча соҳаларида глобаллашув жараёнларининг жадаллашиши натижасида илмий жамоатчиликнинг маданиятлараро коммуникация муаммоларига бўлган қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Бу соҳадаги илмий изланишлар хулосаларини эътиборга олиш шубҳасиз, замонавий этнопсихология соҳасида тўпланиб қолган қатор амалий муаммоларнинг ечимини топишга ёрдам беради.

Маданиятлараро коммуникация муаммоларини ўрганишга бағишланган хорижий тадқиқотларнинг асосий қисми масалани этник мазмундаги хурофий фикр ва қарашлар доирасида тадқиқ қилишга қаратилган. Замонавий америкалик тадқиқотчилар (Tenenbaum, Harriet R., Ruck, Martin D., 2007) томонидан бажарилган илмий изланишларда аниқланишича, педагоглар ўртасида келиб чиқиши европалик бўлган ўқувчиларга лотин америкалик ёки африкалик ўқувчиларга нисбатан ижобий муносабат кучлироқ ифодаланади, қолаверса, европаликлардан кўпроқ умидвор бўлишади⁶. Айни вақтда Франциянинг Нотр-Дам университети тадқиқотчилари (Daniel J. Myers, Alexander J. Buoye, Janet Mcdermott, Douglas E. Strickler, Roger G. Ruman, 2000) томонидан уюштирилган эксперимент натижалари шуни кўрсатдики, бошқа этник гуруҳлар маданияти ҳақидаги билимларнинг ортиши маданиятлараро коммуникация малакаларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади⁷.

Фанда маданиятлараро ўзаро мулоқотнинг психологик оқибатларини тадқиқ қилишга қаратилган тадқиқотлар ҳам оз эмас. Масалан, чет элда маълум вақт давомида яшаб қайтган 6-18 ёшдаги япон болалари орасида ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, уларда хорижда бўлмаган тенгдошларига нисбатан япон маданияти ҳақидаги тасавурлари анча фарқланади⁸.

Бир қатор тадқиқотларда турли маданиятга мансуб бўлган индивидларнинг шахслараро коммуникацияларни ўрнатиш, бу борада фаоллик кўрсатиш хусусиятларида сезиларли фарқ мавжудлиги аниқланган. Масалан, баҳс-мунозараларда америкаликлар аниқ-равшан фикр билдиришга, энг аввало, ўзининг фикрини тасдиқлаш учун асос бўла оладиган муҳим далилларни келтиришга ва шундан кейин ўз фикр-мулоҳазаларини давом эттиришга ҳаракат қиладилар⁹. Айни вақтда кўпчилик шарқона маданият вакиллари шахслараро коммуникацияларни ўрнатишда ўз фикр-мулоҳазаларини очиқ текст билан ифодаламайди, балки кўпроқ контекстни ўрганиш давомида англаб етиш мумкин бўлган тарзда фикрлашади.

Коммуникациянинг конкрет вазият билан алоқаси юқорилиги сабабли баҳс-мунозарага сабаб бўлувчи ҳолатларда шарқона маданият вакиллари аниқ ва лўнда эмас, балки мавҳум шаклда "балки", "эҳтимол" каби жумлаларни ишлатишга уриниши мумкин. Жумладан, япон маданиятининг вакиллари оладиган бўлсак, шахслараро муносабатларда хушмуомалалик ва ижобий кайфиятни сақлаб қолишда она тилининг хусусиятлари қўл келади. Чунки, жумланинг охирида келадиган феъл сўзловчига дастлабки сўзларига нисбатан тингловчининг реакциясини кўриб, гапнинг сўнггига қадар унинг мазмунини юмшатиш ёки, ҳатто, бутунлай ўзгартириб юбориш имкониятини беради¹⁰.

Тадқиқотчиларнинг алоҳида эътибори коммуникациянинг новербал томони, айниқса, проксемика масаласи, яъни суҳбатдошлар орасидаги масофа хусусиятларини тадқиқ қилишга қаратилган. Ушбу тадқиқотлардан маълум бўлишича, турли маданиятларда суҳбат вақтида одамларнинг бир-бирига яқинлашиш меъёрлари ўзаро фарқланади. Жумладан, Лотин Америкаси, араб мамлакатлари ҳамда Жанубий Европа вакилларида бир-бирига нисбатан кўпроқ яқин масофада туриб мулоқотга киришиш хос бўлса, Узоқ Шарқ, Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё, Шимолий Европа вакиллари, одатда, бир-бирига нисбатан маълум масофа сақлаб туришни маъқул кўришади. Турли мамлакатлардан келиб ўқиётган талабаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, энг узун масофа Шимолий

Европа мамлакатларидан келган талабаларда, энг қисқа масофа эса араб миллатига мансуб, шунингдек, лотин америкалик ва жанубий европалик талабалар орасида қайд этилган¹¹.

Бугунги кунда замонавий этник психология муаммолари орасида қуйидагилар энг муҳим масала сифатида ажратиб кўрсатилади: этнослараро ўзаро таъсирлашувнинг ижтимоий-психологик муаммолари, этник идентификациянинг индивидуал даражада шаклланиши ва намоён бўлиши хусусиятлари, маданиятлараро коммуникация кўник-маларини ривожлантиришга йўналтирилган ижтимоий-психологик тренинг дастури ва методларини ишлаб чиқиш ва апробациядан ўтказиш¹², шунингдек, ижобий этник идентификациянинг шаклланишида ҳамда мигрантларнинг янги маданий муҳитга мослашишида этностереотипларнинг ролини тадқиқ этиш алоҳида аҳамият касб этмоқда¹³.

Этнопсихолог олдида турган муаммолар кўлами ҳам, уларни ечиш усулларининг доираси ҳам ниҳоятда кенг. Аммо, назаримизда, бу соҳадаги ишнинг асосий йўналиши бошқа миллатлар вакиллари этнопсихологик хусусиятларини адекват идрок этиш, улар билан ўзаро ҳурмат ва толерантлик асосида муносабат қуриш йўллари аниқлаш мақсадида этник гуруҳларнинг хусусиятларини ҳамда этнослараро ўзаро таъсирлашувнинг ижтимоий-психологик механизмларини чуқур ва холисона ўрганишга йўналтирилиши керак.

Шубҳасиз, ҳар қайси этнос муайян ҳудудда, маълум ижтимоий-иқтисодий ва тарихий шарт-шароитларда ҳаёт кечириши оқибатида ўзигагина хос хулқ-атвор стереотипларини эгаллаб боради ҳамда ўзининг вакилларида тегишли стандарт вазиятларда унга мос хатти-ҳаракат моделини кутади. Бу маънода "стереотип" бошқа этнос ҳақидаги тасаввур эмас, балки кундалик турмуш тарзида мунтазам такрорланадиган, барқарор ва маълум ижтимоий қийматга эга бўлган, аммо одам томонидан қандайдир ўзига хос хулқ-атвор элементи сифатида англамайдиган хатти-ҳаракатлар тизимини англатади¹⁴. Бошқача айтганда, бундай стереотиплар хулқ-атворда индивидуаллашувга интилишни жиловлайдиган, унинг хилма-хиллиги назоратсиз кескин ортиб бориши ва натижада жамиятнинг пароканда бўлишини тўхтатадиган намунавий дастурлар тўплами сифатида гавдаланади. Демак, хулқ-атворнинг этник хусусиятлари бошқа этнослар билан ўзини солиштириш ва этник бирдамликни шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади.

С.А.Арутюнов ва Н.Н.Чебоксаровнинг таъкидлашича, этник тафовутлар одамларнинг қандай кийиниши, овқатланиши, ўзи(гавдаси)ни тутиш хусусиятларида намоён бўлади¹⁵. Турли этник маданиятларда айнан бир ҳаракат турли мазмунда талқин этилиши ёки аксинча, айнан бир маъно турли ҳаракатларда ифодаланиши мумкин. Стереотип тасаввурлар ҳам индивиднинг бошқа этнос вакилининг хулқ-атворини ўз миллий маданияти хусусиятларидан келиб чиқиб талқин этишга уриниши оқибатида шаклланади.

Этник стереотипнинг ижтимоий-психологик феномен сифатидаги хусусиятлари унинг бажарадиган вазифалари билан боғлиқ. Г.Таджфел стереотипнинг индивидуал ва гуруҳий даражадаги икки вазифасини ажратиб кўрсатади. Индивидуал даражадаги вазифаларга когнитив (схемалаштириш, содалаштириш) ва қадриятларни шакллантириш ва ҳимояланиш (ижобий "Мен" тимсолини шакллантириш ва сақлаш) вазифалари киради. Ижтимоий даражада стереотиплар мафкуралаштириш (гуруҳ аъзолари хулқ-атворини изоҳловчи, уларнинг қадриятларини ҳимояловчи) ва идентификациялаш (ижобий "Биз" тимсолини ҳосил қилиш ва сақлаш) вазифалари киради¹⁶. Умуман олганда, стереотиплар, этнослараро тафовутларни фарқлашни осонлаштириш, этник контактлар давомида индивиднинг қайси бир маданиятга мансублигини англаб олишга кетиши мумкин бўлган вақтини тежаш воситаси бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, уларнинг роли этник гуруҳлар ўртасидаги муносабатларда ўз гуруҳининг позициясини ёки бошқа этник гуруҳ вакилларида бўлган шахсий муносабатни оқлашда намоён бўлади. Айни вақтда этник стереотип ижобий этномаданий идентификацияни сақлаб қолишга, этнос ичидаги консолидацияни мустаҳкамлаб, маълум бир маданий қатламга мансублик белгиларини фик-

сациялашга ёрдам беради. Г.У.Солдатованинг таъкидлашича, "этник стереотиплар - этник маданият учун хос бўлган муҳим элементларни сақлаб қолиш учун зарур бўлган чегараларни белгилаб бериши баробарида бошқа этник маданиятлар билан ўзаро таъсирлашув жараёнларининг самарали кечиши учун оптимал даражада зарур бўлган очиқлик (ўзаро таъсирлашув)ни таъминлашга имкон берувчи когнитив қуролдир. Этник жиҳатдан ўзига хосликни сақлаш, яъни ҳимояланиш ва айни вақтнинг ўзида бошқа этник маданиятлар билан ўзаро таъсирлашув жараёнлари диалектик хусусиятга эга бўлган ҳодисалар. Бу жараёнлар бир томондан, гуруҳ мустақил бир бутун тузилма сифатида яшай олиши учун, иккинчи томондан, бошқа гуруҳлар билан узлуксиз алоқа муносабатларига кириша олиши учун зарур бўлади. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, этнослараро муносабатлар кескинлашуви шароитида этностереотипларнинг ижобий этник идентификацияни ҳимоялаш вазифаси ҳаддан зиёд кучайиб кетади. Бундай вазиятда улар трансформацияланиб, этник чегараларнинг зичлигини ошириб юборади.

Мазкур мақолада маданиятлараро коммуникация муаммосининг кўриб чиқилган жиҳатлари ижтимоий психология фанида ушбу соҳада шакланган барча ёндашув ва қарашларни қамраб ололмайди. Идрокнинг этник детерминацияси мавзусида нуқтаи назарлар хилма-хиллиги ва тадқиқот ишларининг кўплиги билвосита этнослараро идрок хусусиятларини ўрганиш нечоғли долзарб ва муҳимлигини кўрсатади. Миллатлараро муносабатлар тараққиётининг бугунги босқичида дезинтеграция жараёнлари кучайиши ва айни вақтда инсониятнинг уюшишга интилиши ижтимоий психологик муаммоларни ҳал қилишнинг усул ва йўллари танлашга янги талабларни илгари сурмоқда.

Манба ва адабиётлар:

1. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: Ўзбекистон, 2003.
2. Ўша ерда.
3. Ўша ерда.
4. Солдатова Г.У. Психология межэтнической напряжённости. - М.: Смысл, 1998.
5. Ўша ерда.
6. Tenenbaum, Harriet R., Ruck, Martin D. Are teachers' expectations different for racial minority than for European American students? A meta-analysis// Journal of Educational Psychology, 2007. - Vol. 99(2). - pp. 253-273.
7. Daniel J. Myers, Alexander J. Buoye, Janet Mcdermott, Douglas E. Strickler, Roger G. Ryman. Signals, symbols, and vibes: an exercise in cross-cultural interaction//Teaching Sociology, 2000. - Vol. 29. - pp. 95-101.
8. Berry J. W., Sam D. L. Acculturation and adaptation // Handbook of cross-cultural psychology. Social behavior and applications, 1997. - Vol. 3. -pp. 291-326.
9. Triandis H.C. Cross-cultural psychology // Asian Journal of Social Psychology, 1999. - Vol. 2. -pp. 127-143.
10. Шихирев П.Н. Современная социальная психология. - М.: Ин-т психологии РАН, Акад. проект, 1999.
11. Ўша ерда.
12. Байбурин А. Этнические аспекты изучения стереотипных форм поведения и традиционная культура // Советская этнография. 1985. №2. - С.36-46.
13. Ўша ерда.
14. Солдатова Г.У. Психология межэтнической напряжённости. - М.: Смысл, 1998.
15. Арутюнов С.А., Чебоксаров Н.Н. Передача информации как механизм существования этносоциальных и биологических групп человечеств // Расы и народы. Современные этнические расовые проблемы. - М., 1972 г. - Вып.2. - С. 8-30.
16. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: Ўзбекистон, 2003.

Ниязова Н.

ҲУКУМАТДА ГЕНДЕР ТЕНГЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Сиёсий соҳада гендер тенгликни баҳолаш мезонларининг мавжудлиги демократик давлатнинг муҳим тамойилларидан бири бўлиб, аёлларнинг юқори давлат лавозимларида эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиқ асосида фаолият юритиши билан изоҳланади. Аёлларнинг давлат органларидаги фаолияти таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, уларнинг парламентларда фаолият юритиши давлат ва ҳукумат органларидаги фаолиятдан кўра сезиларли даражада юқоридир. Бугун аёлларнинг давлатнинг юқори лавозимларидаги фоизи 2004 йилга нисбатан ошган. Хусусан, 2005 йилда аёлларнинг давлат юқори лавозимларидаги иштироки 4,2%ни ташкил қилган бўлса, 2014 йилда эса ушбу кўрсаткич 11,8% ни ташкил этган.

Бундан ташқари, ўтган ўн йил ичида вазир бўлган аёлларнинг сони сезиларли даражада ошган. БМТ Котибиятининг Аёллар ҳолатини яхшилаш бўйича бўлимининг 1996 йилдаги маълумотларига кўра, 187 та давлатда вазир лавозимида ишлаган аёлларнинг сони 6,8% ни ташкил этган. Аёллар аксарият ҳолатда ижтимоий соҳада (14%), юридик соҳада (9,4%), иқтисодиёт соҳасида (4,1%) ва сиёсий соҳада (3,4%) вазирлик лавозимларини эгаллашган¹. Парламентлараро иттифоқнинг 2014 йилдаги маълумотларига кўра, 189 та давлатда 1096 та вазирлик лавозимларини аёллар эгаллагани ҳақида маълум қилинган. Максимал даражада вазир лавозимини Никарагуадаги аёллар эгаллаб, мавжуд 14 ўриндан 8 тасини, яъни 57,1% ни ташкил қилган². Ушбу кўрсаткич Францияда 48,6% ни, яъни мавжуд 37 та вазир лавозимидан 18 тасини ташкил этган. Улар, асосан, оила, болалар, ёшлар, ногиронлар, қариялар масалалари билан шуғулланувчи вазирликларда фаолият юритишган. Бироқ, парламент, урбанизация, ахборот соҳасида аёллар иштироки бўйича вазирлик лавозими кўрсаткичлари паст даражада эканлиги қайд этилган. Жаҳонда фақат 12 нафар аёл мудофаа, 20 нафари молия ва бюджет, 25 нафари ташқи ишлар вазири лавозимларида ишлаган. Дарҳақиқат, бугунги кунда аёллар барча сиёсий ҳуқуқларга эга. Лекин сиёсат дунёсига тўлиқ интеграция қила олишмаган.

1990 йиллар охирида Скандинавия ва Шимолий Европа давлатлари - Швеция, Норвегия, Финляндия, Дания, Нидерландияда миллий ҳукумат ва парламентда аёллар сонининг ортиши кузатилади. Ушбу ҳолат аёллар сиёсий фаоллигининг юқорилиги билан изоҳланиши мумкин. Сиёсий фаол, етакчи аёлларнинг кўпайиши миллий ҳукумат таркибида улар улушининг ортишига таъсир қилади³. 2014 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, хорижий давлатлар вазирилар маҳкамаси тизимида вазир аёлларнинг улуши Швецияда - 56,5%, Финляндияда - 50,0%, Норвегияда - 47,1% ва Данияда - 45,5% ни ташкил этган⁴.

НИЯЗОВА Наргиза, Тошкент давлат шарқшунослик институти "Жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатлар" кафедраси катта илмий ходим-тадқиқотчиси.

Ушбу давлатлар учун мазкур ҳолат одатий ҳолга айланган. 1994 йилда сиёсий партиялар томонидан парламент сайловларида иштирок этиш учун номзод эркаклар ва аёллар рўйхати тузилган бўлса-да, бироқ сайлов натижаларига кўра, давлат ва ҳукумат органларида юқори лавозимларни эгаллаган аёллар улуши 40,4%га ортган.

Никарагуа 2014 йилга келиб, аёлларнинг ҳукуматдаги вакилиги кўрсаткичи бўйича Шимолий Европа давлатларидан ҳам ўзиб кетди. Ушбу давлатда Вазирлар маҳкамаси таркибида аёлларнинг сони 50%ни ташкил этиб, бу ҳозирда рекорд натижадир. Никарагуалик аёллар ташқи ишлар, адлия, таълим, алоқа, атроф-муҳит, маданият, қишлоқ хўжалиги ва ҳатто, ижтимоий масалалар бўйича вазир ўринбосари лавозимини эгаллашди.

1998 йилда бўлиб ўтган парламент сайловлари натижаларига кўра, аёлларнинг Рикстагдаги сони 42,7% га ортган ва ҳукуматда гендер паритет сақланиб қолган. 1995 йилда Европа Иттифоқига аъзо давлатларда Вазирлар маҳкамасига аъзо аёллар сони 16%га ошди. ЕИГА аъзо 537 та давлат ҳукуматлари аъзоларининг 84 нафарини аёллар ташкил этган. Бунда етакчи давлатлар қаторига 5 та давлатни киритиш мумкин: Швеция ва Норвегияда ҳукумат лавозимлари аёллар ва эркаклар ўртасида тенг миқдорда бўлинган. Финляндия, Дания ва Нидерландияда эса Вазирлар маҳкамасининг учдан бир қисмини аёллар ташкил этади⁵.

Довольно подробно описываются ученым "внутрикабинетные отношения", рассуждения о значимости фактора "вхождения в семью Буша" тем или иным участником команды Буша-мл. Все это вкупе, по его мнению, вело к "неравновесности системы принятия решений" (с.173). Вместе с тем, размышления автора о необходимости учета в ходе военного планирования и социокультурных факторов в "стране пребывания" небезосновательны. В целом, внутриэлитная конкуренция, со ссылкой на весомые источники, А.Сушенцовым продемонстрирована довольно отчетливо. На конкретных примерах им изложено то, как в кабинетах военно-политических ведомств США решаются судьбы некогда крупных игроков региона, так называемого Большого Ближнего Востока.

Интересно мнение ученого о том, что "в новейшее время мысль о возможности создания в иностранном государстве политического режима извне зародилась в США еще в конце 1940-х годов в ходе военной оккупации Германии и Японии" (с.190). Причем, эта параллель в работе проводится автором довольно часто.

Примечательно и то, что Андрей Сушенцов один из немногих российских экспертов, который, как видится, искренне полагает, что "революционные события на Арабском Востоке ... не просматривались никем из американских и международных специалистов". В частности, он подчеркивает, что администрация Обамы сама была застигнута врасплох происходящим (с.219) - "динамические процессы на Ближнем Востоке (имеются в виду события начала 2010-х гг. - Н.Б.) имели явно различимую самостоятельную динамику. Они не были инспирированы США, хотя последние не снижали интенсивности своего участия в делах региона, и именно в Вашингтон многие обращались за ответом" (с.224).

А между тем известно скандальное признание тогдашней главы госдепа США Хиллари Клинтон о том, что ее ведомство ежегодно выделяет десятки миллионов долларов на поддержку свободы слова путем финансовой поддержки блоггеров, так называемых интернет-активистов по всему миру. Всего же по официальным данным с 2008 по начало 2014 г. Государственный департамент направил на защиту "свободы интернета" около 100 млн. долл. (25 из которых в 2013 г.).

Наряду с этим, автор, рассуждая об иных "сдвигах" в практике ведения войн Соединенными Штатами на местах, пишет об "успешных практиках" ведения войны среди гражданского населения - "war amongst people" (с.250). По сути речь идет о ведении войны руками самих граждан⁴. Удивительно то, что автор противопоставляет данное явление с событиями "арабской весны".

Заключения ученого неутешительны. Согласно ему, войны в Афганистане и Ираке не были необходимы, поскольку не затрагивали жизненных интересов США (с.244), из чего следует отсутствие стратегического планирования в новой военной практике США, по крайней мере, в той ее части, которая касается региона Ближнего и Среднего Востока. В череде примеров, "подтверждающих" эту его мысль, числится поведение США после терактов сентября 2011года. Нападение на талибов, конечно, выглядит сегодня как своего рода предопределенность, обусловленная сознательным стремлением республиканского истеблишмента продемонстрировать миру "кто в нем главный". В этом смысле, заключает автор, "если талибов не было, их следовало бы выдумать" (с.65).

Решения о практических шагах в данном регионе, по его мнению, принимались ситуативно. Не наблюдалось конкретного целеполагания. Иначе говоря, пишет он, именно в этот период у американской военно-политической элиты существовал принципиальный настрой на проведение силовой демонстрации где-либо в мире (с.246). Для защиты этого аргумента исследователь приводит ситуацию, когда члены Совета национальной безопасности США в течение всего четырех дней определили первый объект силовой акции в Ираке. Для объяснения дальнейших шагов им приводятся примеры о финансовой поддержке отдельными корпорациями республиканской партии. В целом роль США в данных войнах автором низводится до пренебрежительно малой величины. Так, по его мнению, "по своим функциям США фактически стали внутренним субъектом афганской и иракской ситуаций, самым сильным в военном отношении, но лишь "еще одним племенем" (с.248).

Отличительной чертой рецензируемой монографии является богатая источниковедческая база. В ней приведены малоизвестные факты, касающиеся принимаемых реше-

4. В 2006 году в интервью под заголовком "Methods of Warfare" журналу International Review of the Red Cross, тогдашний заместитель верховного главнокомандующего НАТО, британский генерал Руперт Смит, говоря о феномене "war amongst people" (дословно "война среди людей"), в частности, отметил, что эта новая парадигма преследует цель изменить намерения или завладеть волей своего соперника и населения страны, где вы ведете свою деятельность, с тем чтобы победить над столкновением желаний, устремлений народа, и тем самым выиграть в процессе "пробы сил" (trial of strength). Существенное различие заключается в том, что военная сила далее используется не для разрешения политического диспута, а скорее для создания условий, в которых можно будет достичь стратегических результатов.

ний при введении войск, завершении военных действий, редко публиковавшиеся архивные данные - переписка первых лиц стран, а также подробный анализ докладов разведсообществ США. Следует отметить примененное, весьма удобное для чтения оформление научного аппарата - примечания представлены по главам, а не в едином обобщенном виде, как это часто бывает в монографиях подобного типа. Часть анализа компактно представлена в виде таблиц, что облегчает восприятие информации. Вместе с тем, в работе присутствуют элементы публицистики, что, следует признать, довольно несвойственно для серьезных работ по международным отношениям. Большинство вопросов, поставленных самим автором в начале работы так и оставлено без ответов. Чувствуется недосказанность. Не всегда ясны и выводы, представленные по главам.

В целом, невзирая на имеющиеся в работе весьма спорные умозаключения автора, книга может оказаться интересной, главным образом, для исследователей-американистов, специалистов по России с целью ознакомления с современными веяниями в российской научно-академической среде.

Наргиза Бектемирова,

*Зав. отделом координации научно-исследовательских работ
Академии Государственного управления при Президенте
Республики Узбекистан.*

АКАДЕМИЯНИНГ ИЛМИЙ ФАОЛИЯТИДАН

Из научной жизни Академии

"Бошқарув қарорларини қабул қилишнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш истиқболлари" мавзуида ўтказилган республика илмий-амалий конференцияси тўғрисида ахборот

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида "Бошқарув қарорларини қабул қилишнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштириш истиқболлари" мавзуида республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди (28 ноябрь, 2014 йил). Унда Давлат бошқаруви академияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиали, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги математика институти, Тошкент ислом университети, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Тошкент кимё технологиялари институти, Наманган Давлат университети, Қарши Давлат университети, Ўзбекистон Қуроли кучлари академиясининг профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва тингловчилари иштирок этишди.

Конференция умумий йиғилишида "Миллий ҳафсизлик соҳасида қарорлар қабул қилиш жараёни: АҚШ ва Россия тажрибасининг қиёсий таҳлили" (Ш.М.Абдуллаев, ДБА), "Ташқи рисклар таҳлили ва миллий иқтисодиётга таъсирини башорат қилиш" (О.Ҳакимов, ДБА), "Ўзбекистонда Бошқарув қарорлари қабул қилиш назарияси ва амалиётини ривожлантириш стратегиялари" (М.Бақоев, ДБА), "Қарор қабул қилиш муаммоларида рискларни солиштириш" (Ш.Фармонов, ЎзМУ ҳузуридаги математика институти) ва "Кўп босқичли тизимли таҳлил, моделлаштириш ва муҳандислик технологияларида оптимал қарор қабул қилиш" номли маърузалар эшитилди ва муҳокама қилинди. Соҳада олиб борилаётган тадқиқотлар "Қарорлар қабул қилиш назариясининг долзарб муаммолари", "Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг замонавий усуллари, технологиялари ва дастурий таъминоти", "Бошқарув қарорлари қабул қилишда математик моделлаштириш ва статистик усуллар" каби мавзуларга бағишланган шўъбалар доирасида муҳокама қилинди. Бунда мутахассисларнинг 35 дан зиёд таҳлилий маърузалари тингланди. Чиқишларда фонд бозорида инвестицион қарорларни қабул қилиш чоғида фундаментал таҳлил, қарор қабул қилиш дастурий таъминотининг турлари, баъзи бошқарув масалаларига эҳтимоллар назарияси усулларини қўллаш, бошқарув қарорларини қабул қилишда ахборот технологияларидан фойдаланиш, қарор қабул қилиш жараёнида тизимли таҳлилнинг ўрни ва роли, қарор қабул қилиш вазифасини бажаришда рискли ҳолатларни таққослаш каби мавзулар мазмун-моҳияти, олиб борилган тадқиқотлар натижаси очиб берилди.

Конференцияни Давлат бошқаруви академияси ректори А. Абдувахитов очиб таъкидлаганидек, мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад бошқарув қарорларини қабул қилишда мавжуд янги назарий қарашларни ўрганиш, амалиётда татбиқ қилиш бўйича таклифларни муҳокама қилиш ва шу соҳада илмий изланишлар қилиш ниятида бўлган тадқиқотчилар учун тегишли тавсияларни беришдан иборат. Шу ўринда мамлакатимиз

Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги "Давлат бошқаруви соҳасида кадрларни тайёрлашни такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармонида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси зиммасига бу борада алоҳида вазифалар қўйилиб, шу асосда академияда "Қарорлар қабул қилиш назарияси" кафедраси ташкил этилгани бежизга эмаслигини алоҳида эътироф этиш даркор. Мазкур кафедра профессор-ўқитувчилари ва олимлари зиммасига раҳбар ходимларни замонавий бошқарув қарорларини қабул қилиш бўйича билим ва кўникмаларини шакллантириш ҳамда шу соҳада илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш вазифаси юклатилган. Шулардан келиб чиқиб, кафедра томонидан бошқарув қарорларини қабул қилишда математик моделлар бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилиб, уларнинг бошқарув жараёнидаги татбиқи ва моделлар асосида компьютер дастурларини ишлаб чиқиш йўлга қўйилган. Айниқса аниқлик, ноаниқлик, таваккал ва зиддиятли шароитларда қарорлар қабул қилишда математик моделлар ва уларнинг қўлланиш соҳалари, кўп мезонли бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларнинг қўлланиш соҳалари, бошқарув қарорлари қабул қилишда статистик моделлаштириш ва унинг қўлланиши кабилар долзарб йўналишлар ҳисобланади

Қарорлар қабул қилиш назариясини таҳлил қилишнинг зарурати хусусида сўз юритилиб қайд этилганидек, ҳар қандай давлатнинг ижтимоий ҳаётидаги бугунги ўзгаришлар, яъни тараққиётнинг жадал суръатларда ўсиши, замонавий техника ва технологияларнинг кириб келиши, дунёдаги янгиликларнинг тез тарқалиши давлат ва жамият бошқарувидаги муаммоларнинг мураккаблашиб боришига олиб келмоқда. Бу ҳолатда инсоният, айниқса раҳбарлар катта ҳажмдаги ахборотлар билан ишлаши, қарор қабул қилишда қарама-қаршиликларга дуч келиши ва нотўғри қарор чиқариши мумкин. Бунинг оқибатида бошқарувнинг узилиш хавфи ортади. Зеро, тўғри бошқарувнинг асосини тўғри қарор ташкил этади. Шунинг учун замонавий раҳбар бошқарув қарорлари қабул қилиш илмини, техника ва методологияларини билиши зарур. Замонавий бошқарув илмини ўрганишда, иқтисодиётнинг барча тармоқларида самарали бошқарувни амалга ошира оладиган малакали раҳбарларни тайёрлашда бошқарув қарорлари қабул қилишнинг мавжуд усуллари ва йўллари, хусусан математик моделлаштириш муҳим ўринга эга.

Давлат бошқаруви академияси проректори Ш.Абдуллаев ўз маърузасида Миллий хавфсизлик соҳасида қарорлар қабул қилиш жараёни, унга таъсир этувчи омиллар, турли йўналишлар, уларнинг устуворлик ва заиф тарафлари, соҳадаги муаммолар устида тўхтади. Бу соҳада АҚШ ва Россия тажрибаси қиёсий таҳлилини қилиб берди ҳамда келгуси тадқиқот йўналишларини белгилаб ўтди.

Давлат бошқаруви академияси проректори О.Ҳакимов ўз маърузасида ташқи рисклар, уларнинг турлари, келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари, миллий иқтисодиётга таъсири, ташқи рисклар таҳлилида ишлатилган моделлар, тадқиқотлар, хорижий тажрибалар ва бугунги кундаги тадқиқот олиб борилиши зарур бўлган муаммоларга тўхтади.

Давлат бошқаруви академиясининг "Қарорлар қабул қилиш назарияси" кафедраси мудири М. Бақоев ўз маърузасида келтиришича, бу борадаги илмий тадқиқотлар ижтимоий-сиёсий, ташкилий-технологик, психологик ва дастурий таъминоти йўналишларида олиб борилмоқда. Бунда асосий эътибор бошқарув қарорларини қабул қилиш муаммоларига қаратилади. Шулардан келиб чиқиб, мамлакатимизда қарорлар қабул қилиш назарияси ва амалиётини ривожлантириш бўйича стратегик режа тайёрланган. Унга кўра, қарорлар қабул қилиш назарияси ва амалиёти бўйича илмий мактаб очиш, бу соҳага тегишли фанларни ўқитишни такомиллаштириш ва қарорлар қабул қилиш назариясининг амалиётга татбиғини кучайтириш таклифлари илгари сурилган.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети профессори А. Расуловнинг маърузасида қарор қабул қилишда тизимли таҳлилнинг аҳамияти катта. Зеро, бундай таҳлил анча мураккаб, катта ҳажмли ҳамда бир-бирига боғлиқ муаммолар мажмуасини

ўрганиб, аниқ ва тўғри қарор қабул қилишни таъминлайди. Шу боис ҳам қўйилган вазифани мувофақиятли бажаришнинг асосий омили раҳбарнинг ёки мутахассисларнинг ушбу масалага қай даражада таҳлилий ёндашувда бўлгани билан изоҳланади.

Умуман, ҳар бир тақдим этилган маърузада соҳа, тармоқ, ҳудуд ва бутун мамлакат тараққиёти ва унинг истиқболдаги ривожланишини, ислоҳотлар давомийлигини таъминловчи оқилона қарорлар қабул қилинишининг мазмун-моҳияти, аҳамияти, усуллари ва воситалари баён қилиб берилди.

Конференция якунида билдирилган барча фикр-мулоҳазалар инобатга олиниб, бошқарувда қарорлар қабул қилиш мавзусида ҳар йили республика анжуманини ташкил этиш, унда бу соҳага йўналтирилган фаннинг маҳаллий ва халқаро миқёсдаги долзарб муаммоларини кўтариш, академия профессор-ўқитувчилари, кафедра магистрантлари, экспертлар томонидан қарорлар қабул қилиш бўйича мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф-мулоҳазалар лойиҳасини тайёрлаш ҳақида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Конференцияда қилинган маърузалар рўйхати:

1. "Миллий хавфсизлик соҳасида қарорлар қабул қилиш жараёни: АҚШ ва Россия тажрибасининг қиёсий таҳлили". — Ш.М.Абдуллаев.
2. "Ташқи рисклар таҳлили ва миллий иқтисодийётга таъсирини башорат қилиш". — О.А.Ҳакимов.
3. "Ўзбекистонда Бошқарув қарорлари қабул қилиш назарияси ва амалиёти, ривожлантириш стратегиялари". — М.Т.Бақоев.
4. "Сравнение рискованных ситуаций в задачах принятия решений".—Ш.К.Форманов.
5. "Многоступенчатый системный анализ, компьютерное моделирование и принятие оптимальных решений в инженерной технологии". — А.Артиков.
6. "О роли функции полезности в теории принятия решений". — А.А.Абдушукуров, ЎЗМУ "Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика" кафедраси мудири.
7. "Амалий хавфсизликда ўйинлар назарияси". — Т.Т.Турсунмуратов, Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири.
8. "Қашқадарё вилояти туманларига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг усулдор йўналишлари: иерархик таҳлил". — А.Э.Қобилов, Қарши Давлат университети проректори.
9. "Выбор инструментов макроэкономической политики: подход Тинбергена". — А.К.Худайназаров, Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаш институти катта илмий ходими.
10. "Давлат ва маҳаллий бошқарув органлари ходимлари фаолиятининг самарадорлиги ва натижага йўналтирилганлиги-халқаро тажриба мисолида". — Д.Қ.Азизов, ДБА "Қарорлар қабул қилиш назарияси" кафедраси катта илмий ходими.
11. "Самарали қарор қабул қилишнинг ишлаб чиқаришга таъсири". — А.Х.Холов, ДБА "Миллий ва иқтисодий хавфсизлик муаммолари" кафедраси мустақил изланувчиси.
12. "Ўзбекистон Республикаси ҳудудларини иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришда тижорат банклари ролини ошириш масалалари". — Ф.Ш.Набиев, ДБА тингловчиси.
13. "Иерархик таҳлил усули асосида қарор қабул қилишга кўмаклашувчи компьютер дастурларининг таҳлили". — Н.Ф.Гуломова, Ўзбекистон Миллий университети магистри.
14. "Роль и место системного анализа в теории принятия решений". — А.С.Расулов, Жаҳон иқтисодийёти ва Дипломатияси университети профессори.
15. "Академик лицейларда таълим сифатига таъсир этувчи омиллар таркиби". — Ж.С.Расулов, ДБА тингловчиси.
16. "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш". — Ж.Ш.Маткаримов, ДБА тингловчиси.
17. "Ҳудудни комплекс ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишнинг асосий жиҳатлари". — А.Холиков, ДБА тингловчиси.
18. "Замонавий коммуникацион воситалар ёрдамида тезкор бошқарув қарорларини

қабул қилишга қўмақлашувчи ахборот тизимларининг инфор­мацион моделлари". — Н.Х.Турсунов, Р.Н.Тагжиев, Тошкент ислом университети.

19. "Бошқарув қарорларини қабул қилишга ахборот технологияларидан фойдаланиш". — З.М.Исақова, ДБА тингловчиси.

20. "Фундаментальный анализ при принятии инвестиционных решений на фондовом рынке". — Г.М.Бакоева, Жаҳон иқтисодиёти ва Дипломатия университети ўқитувчиси.

21. "Бошқарув қарорлари қабул қилишга қўмақлашувчи компьютер тизимлари". — Г.М. Раимова.

22. "Бошқариш жараёнида математик моделлаштириш усуллари ва улардан фойдаланиш". — М.Қ.Холмуродов, Наманган Давлат университети доценти.

23. "Ўзбекистон Республикаси Ялпи ички маҳсулоти ва унга таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили". — А.К.Мухамедов, Ж.Бердиқобилов, Жаҳон иқтисодиёти ва Дипломатияси университети доценти.

24. "Об асимптотике ветвящегося процесса". — Ё.М.Хусанбаев, Тошкент архитектура-қурилиш институти проректори.

25. "Точные границы для коэффициента Джини". — Ш.Ш.Шарахметов, Тошкент Давлат Иқтисодиёт университети профессори, Ш.А.Исматуллаев, Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт университети филиали доценти.

26. "Баъзи бошқарув масалаларига эҳтимоллар назарияси усуллари қўллаш". — А.А.Джамирзаев, Ўзбекистон Миллий университети доценти.

27. "Стохастические демографические прогнозы для Узбекистана". — Б.Р.Шамсуддинов, Плеханов номидаги Россия Иқтисодиёт университети филиали доценти.

28. "Принятие решений с помощью оценивания по непольным наблюдениям". — Р.С.Мурадов, ЎзМУ қошидаги Математика институти катта илмий ходим-изланувчи.

29. "Демографик жараёнлар давомийлигининг қарорлар дарахти ёрдамида таҳлили". — Ж.Б.Азимов, Давлат бошқаруви академияси.

30. "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамияти бошқарув фаолиятини оптималлаштириш". — Б.Т.Абдуллаев, ДБА тингловчиси.

31. "Дотациядан фойдаланишни камайтиришда маҳаллий бюджетлар молиявий имкониятларини оширишни такомиллаштириш". — Д.Абдурахмонов, ДБА тингловчиси.

32. "Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбар кадрлари фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили". — Б.М.Асқаров, ДБА тингловчиси.

33. "Транспорт коммуникацион тизимларга таъсир этувчи омилларни иерархик таҳлил этиш". — Ш.А.Бекмирзаев, ДБА тингловчиси.

34. "Манфаатдорликни оширишга математик моделлаштиришнинг таъсири". — А.М.Каримов, Тошкент темир йўл муҳандислари институти доценти.

35. "Маҳсулотларни қайта ишлаш тизимини ривожлантириш: Хоразм вилояти мисолида". — Н.Н.Отаев, ДБА тингловчиси.

36. "Олий таълим тизимида раҳбар ходимлар фаолиятини баҳолаш механизмининг такомиллаштириш". — Б.Б.Саттаров, ДБА тингловчиси.

37. "Регрессион усулларнинг иқтисодиётга таъбиқи". — К.С.Сагидуллаев, Ўзбекистон Миллий университети доценти.

38. "Қарор қабул қилишга статистик назорат усули". — С.Ш.Хасанова, Тошкент вилояти педагогика коллежи ўқитувчиси.

39. "Аниқлик шароитида қарорлар қабул қилишнинг оптималлаштириш масалалари: Фермер хўжалиги мисолида ер ресурслари тақсимоти". — Р.А.Эгамбердиев, ДБА тингловчиси.

Маърузалар тезислари Давлат бошқаруви академияси
сайти www.dba.uz да жойлаштирилган.

М. Бақоев,
"Қарорлар қабул қилиш назарияси" кафедраси мудири.

МЕТОДИК КАБИНЕТ

Методический кабинет

Таҳририятимиз мазмунан янгиланган журнални чоп этишга киришган даврдан бошлаб ўтган қисқа вақт мобайнида шу нарсанинг гувоҳи бўлмоқда-ки, аксарият ёш тадқиқотчиларни илмий изланиш жараёнларини ташкил қилиш, олиб бориш қонун-қоидаларини тартиблари билан таништириш лозим экан. Бундан ташқари, улар таҳририятимиз фаолиятининг концептуал асосини ташкил қиладиган устувор мақсад ва вазифалар, турли рукналаримизнинг мазмун-моҳиятини ҳам яхши англамаган кўринади. Шуларни эътиборга олган ҳолда, таҳририятимиз "Методик кабинет" деган янги рукни жорий этишга қарор қилди. Бу рукнда журналимиз таҳририятининг концептуал ёндашувлари, журнал тематикаси, асосий рукналар мазмунининг талқин этилиши, илмий тадқиқот ишларини уюштириш ва амалга ошириш тартиб-қоидалари, илмий ишни бажариш ва олинган натижалар асосига монография, илмий мақола, тезис, доклад, эссе ёзиш тартибларига оид турли маълумотлар беришни режалаштирганмиз.

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МАВЗУСИНИНГ АКТУАЛЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Ҳар қандай илмий изланиш (курс, диплом иши ёки диссертация)га нисбатан илгари суриладиган асосий талаблардан бири илмий тадқиқот мавзусининг актуаллиги (муҳимлиги)ни аниқлаш ва асослаб беришдан иборат.

Илмий изланишнинг актуаллиги айни мавзунинг ўрганиш ҳозирги замонда илм-фанни ривожлантириш, илмий тадқиқот муаллифининг олдида турган муаммонинг ечимини топиш (вазифани бажариш) учун нечоғли аҳамиятли ва муҳимлигини характерлаб берадиган элементлардан бири.

Курс, диплом иши ёки диссертация мавзусининг актуаллигини асослаб бериш учун нима сабабдан тадқиқот мавзусини илмий жиҳатдан ўрганиш айнан шу вақтда муҳим эканлигини, нима сабабдан ушбу масала (муаммо) илгарироқ олим ва изланувчилар томонидан ўрганиб чиқилмаганини изоҳлаб бериш керак бўлади. Бундан ташқари, илмий тадқиқот олиб бориш учун танлаб олинган мавзу замонавий илм-фан тараққиёти билан қанчалик боғлиқлигини аниқлаш зарур. Бунинг учун сўнгги йилларда илм-фан соҳасида қандай илмий изланиш услублари ишлаб чиқилганини, қандай янги маълумотлар тўпланганини, илгари олиб борилган илмий изланишлар негизига қандай камчиликлар бўлганлигини, бу соҳада қандай янги илмий изланиш услубларини қўллаш мумкинлигини, илмий тадқиқот қандай янги шарт-шароитларда олиб борилиши лозимлигини характерлаб бериш керак.

Курс, диплом иши ёки диссертацияни тайёрлаш вақтида мавзунинг актуаллиги ички зиддиятли бир ҳолат (муаммо, масала) кўринишида ифодаланиб, илмий изланиш жараёнида ушбу муаммонинг конкрет, асослаб бериладиган ечимини таклиф этиш зарур бўлади. Аниқланган зиддиятли ҳолат (муаммо)нинг ечими пировард натижада амалий аҳамият касб этмоғи даркор. Бошқача қилиб айтганда, илмий изланиш жараёни давомида тадқиқотчи томонидан таклиф этиладиган ечим ва тавсиялар амалий жиҳатдан қандай муаммоларни ҳал этишга имконият яратиб бериши мумкинлиги аниқ, равшан тасаввур этилиши керак.

Бажариладиган илмий тадқиқот замонавий илм-фан тараққиёти гаражасида амалга оширилиши, тадқиқот мавзуси эса давлат ва жамият тараққиёти учун аҳамиятли бўлиши зарур.

Илмий тадқиқот мавзусининг актуаллигини белгилаш ҳажман жуда қисқа ҳам, ҳақдан ортиқ гаражада кенг ҳам бўлмаслиги лозим. Оптимал жиҳатдан олинса, илмий тадқиқот (диссертация) мавзусининг актуаллиги 1-2 бетни эгаллаши керак. Диссертация мавзусининг актуаллиги "Кириш" қисмида берилади. Илмий изланиш мавзусининг актуаллигини формал равишда, яъни масалага юзаки ёндашиб, ёзиш мумкин эмас.

Илмий тадқиқот мавзусининг актуаллиги мавзу доирасида мавжуд илмий адабиётлар ва бажарилган илмий изланишларни ўрганиб чиқиш асосида илмий характердаги хулосалар чиқариш имкониятларини ўрганиш ҳамда илмий тадқиқотни олиб бориш жараёнида қандай янги билимлар ҳосил бўлиши, услубиёт(лар) кашф этилиши, амалий аҳамият касб этувчи ечимларни излаб топиш мумкинлиги нуқтаи назаридан белгиланиши зарур.

Илмий тадқиқот актуаллигининг функционал жиҳатдан тавсифи:

- илм-фаннинг муайян соҳасида мавжуд камчилик (етишмовчилик)нинг ўрнини тўлдиришга хизмат қилади;

- аниқланган илмий муаммонинг замонавий шарт-шароитларни эътиборга олиб ривожлантирилиши учун хизмат қилади;

- мутахассис олимлар орасида яқдиллик бўлмаган бирон бир илмий муаммо юзасидан янги шарт-шароитларда аниқланган фактлар ва билимлардан келиб чиқиб фикр-мулоҳаза юритилиши учун хизмат қилади;

- илм-фаннинг муайян соҳасида тўпланган тажрибаларни умумлаштиришга хизмат қилади;

- асосий муаммо юзасидан тўпланган жами билимларни умумлаштириб, янада ривожлантиришга хизмат қилади;

- тўпланган маълумотлар асосида янги-янги муаммоларни аниқлаш ҳамда шу йўл билан назариётчи ва амалиётчиларнинг диққат-эътиборини тортишга хизмат қилади.

Курс, диплом иши ёки диссертация мавзусининг актуаллигини белгилашда қуйидаги асосий хато ва камчиликлар учрайди:

- илмий тадқиқот мавзусининг актуаллигини аниқлаш вақтида масаланинг ушбу муҳим бир жиҳатида эътибор қаратиш лозим: магистрлик диссертацияларини ёзиш вақтида конкрет мавзусининг актуаллиги эмас, балки илм-фаннинг бутун бир йўналиши нуқтаи назаридан келиб чиқиб актуалликни аниқлашга уринишлар қилинади. Бу жиддий хато;

- мавзунинг актуаллигини очиб беришга бағишланган материалнинг ҳажми керагидан ортиқ гаражада (3-4 бетгача) бўлади;

- "актуаллик" деган тушунча ишлатилмайди;

- тадқиқот йўналишини белгиловчи илм-фан соҳасида аниқланадиган ёки амалиётда кузатилиши мумкин бўлган зиддият белгиланмайди;

- илмий тадқиқот негизигаги муаммонинг формулировкаси бўлмайди;

- илмий тадқиқот негизигаги муаммонинг формулировкаси илмий нуқтаи назардан эмас, яъни айни вақт (замон)да тўпланган илмий билимларнинг муаммони ҳал этиш учун қай гаражада етарли эмаслигини англанишидан келиб чиқиб эмас, балки умумий жиҳатдан, яъни тадқиқотнинг мақсади, муаммоларнинг белгиланиши асосида ифодаланади.

Илмий тадқиқот мавзусининг актуаллигини асослаб бериш. Илмий тадқиқот мавзусининг актуаллиги икки нуқтаи назардан ифодаланиши лозим: **биринчидан**, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб аниқланадиган актуаллик. Бунинг учун ижтимоий тараққиёт негизигаги айнан қандай шарт-шароитлар, объектив эҳтиёжлар илмий иш мавзусининг муҳимлигини белгилаб беришини таърифлаш керак.

Иккинчидан, конкрет илм-фан соҳасидаги ривожланиш шарт-шароитлари ва объектив эҳтиёжларидан келиб чиқиб аниқланадиган актуаллик. Бунинг учун тадқиқот мавзусини нима сабабдан айнан шу вақтда ўрганиш муҳим бўлаётганини, илгарироқ бу муаммони ўрганишга нима(лар) халақит қилганини, ушбу масалага мурожаат этилиши илм-фан тараққиётининг динамикаси билан қай даражада боғлиқлигини тавсифлаб бериш зарур.

Илмий тадқиқот мавзусининг актуаллигини аниқлаш вақтида ушбу масалани бир қатор илмий ва амалий характер касб этувчи вазифалар билан уйғун боғлаш зарур. Тадқиқот мавзусининг актуаллигини илмий жиҳатдан аниқлаш вақтида қуйидагиларни назарда тутиш керак:

- илмий тадқиқот мавзусини илм-фан соҳасини ривожлантириш ҳамда фундаментал ва амалий характер касб этувчи илмий изланиш негизига белгиланадиган вазифалар билан мувофиқ равишда ишлаш зарур;

- фундаментал илм-фан тараққиёти ҳар бир мавзунини тадқиқ қилиш вақтида соҳада аниқланган янги-янги фактларни илмий жиҳатдан шарҳлаш талаб этилади;

- илмий изланишга асос қилиб олинган муаммо (вазифа) замонавий шарт-шароитлардан келиб чиқиб аниқлаштирилиши, ривожлантирилиши ва ҳал этилиши керак;

- илмий изланишга асос қилиб олинган назарий фикр-мулоҳазалар, хулосалар конкрет воқелик(феномен, жараён)ни илмий жиҳатдан изоҳлашда мавжуд келишмовчиликларни бартараф этишга хизмат қилиши даркор;

- илмий изланиш давомида ишлаб чиқилган илмий гипотеза, очилган янги қонуниятлар илгарироқ тўпланган эмпирик маълумотларни умумлаштиришга ёрдам бериши шарт.

Тадқиқот мавзусининг актуаллигини амалий фаолият учун аҳамиятини аниқлаш вақтида қуйидагиларни назарда тутиш керак:

- илмий изланиш давомида ишлаб чиқиладиган назарий фикр-мулоҳазалар, хулосалар ижтимоий-иқтисодий тизимнинг конкрет эҳтиёж ва талабларини эътиборга олиши, кадрларни тайёрлаш тизимида аниқланадиган вазифаларни ҳал этиш имкониятини бериши зарур;

- илмий изланиш давомида мавзу доирасида аниқ, амалий фаолият учун аҳамиятли бўлган конкрет вазифаларни белгилаш ва уларнинг ечимини излаб топиш имкониятини бериши зарур;

- илмий изланиш давомида ишлаб чиқиладиган назарий фикр-мулоҳазалар, хулосалар, амалий тавсиялар ижтимоий ва ишлаб чиқариш тизимларининг конкрет эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилиши лозим;

- бажарилган илмий тадқиқот натижалари пировардига ушбу илмий соҳада амалга ошириладиган тадқиқотларнинг сифатини оширишга хизмат қилиши даркор;

- илмий тадқиқот давомида ишлаб чиқиладиган назарий фикр-мулоҳазалар, хулосалар, амалий тавсиялар кадрларнинг касбий малакасини янада оширишга хизмат қилиши баробарида, кейинчалик ўқув, ўқув-методик адабиётларга киритилиб, таълим соҳасини ривожлантиришга хизмат қилиши зарур.

Юқорида айтиб ўтилган хато ва камчиликларга йўл қўймаслик учун илмий тадқиқотларни амалга ошириш тартиб ва қоидаларига бағишланган илмий адабиётларнинг таҳлили асосида бериладиган амалий маслаҳатлар:

- илмий тадқиқот мавзусининг актуаллигини имкон қадар қисқа ва лўнда қилиб (1-2 бетгача) ифодалаш керак;

- илмий тадқиқот мавзусининг актуаллигини белгилашда замонавий ижтимоий тараққиёт, илм-фан ва амалиёт олдида қандай масалалар тургани қисқача қилиб ифодаланади. Бошқача қилиб айтганда, илм-фан соҳасида етарлича ўрганилмаган мавзу (муаммо)га бағишланган илмий иш (мавзу)ларгина актуал бўлиши мумкин;

- илмий тадқиқотни амалга ошириш учун зарур бўладиган дастлабки назарий асосларни ишлаб чиқиш даркор. Бунинг учун қуйидаги саволларга жавоб изланиши лозим:

сиздан олдин илмий тадқиқот олиб борган изланувчилар нималарга эришган, бу борада яна нималар бажарилиши лозимлиги аниқланиши керак? Ушбу мавзу доирасида илмий изланиш билан шуғулланган муаллифларнинг исми-шарифлари кўрсатилиши зарур;

- тадқиқот мавзусининг асосидаги ички зиддият очиб берилиши шарт. "Зиддият деганда, ягона (бир бутун саналадиган) объект ичига ёки унинг турли ҳолатларида кузатилиши мумкин бўлган бир-бирини инкор этувчи, шу билан бир вақтда, ўзаро боғлиқ бўлган ва бир-бирига ўтиб турадиган қарама-қаршиликлар тушунилади". Илмий нуқтаи назардан олиб қаралса, зиддият (зиддиятли ҳолат) - илмий билимлар шакллантирилиши билан боғлиқ жараёнларнинг мантиқий жиҳатдан муҳим шаклидир. Маълумки, илмий жиҳатдан асосланган назарий қарашлар аввалги назарий таълимотлар негизига ёхуд амалиёт давомида аниқланадиган ички зиддиятларни ўрганиш асосида ривожлантирилади;

- илмий тадқиқот жараёнининг кейинги босқичи илмий жиҳатдан асосий муаммо(лар)-ни аниқлашда намоён бўлади. Таъкидлашимиз жоизки, амалий фаолият давомида аниқланадиган ҳар қандай муаммонинг ечими илмий йўл билан топилиши мумкин эмас. Одатда, илм-фан аниқланган муаммо(лар)нинг конкрет ечимини топиб бермайди, балки уларни ҳал этиш учун зарур бўладиган шарт-шароитларни яратиш, мавжуд муаммони қандай йўллар билан ҳал этиш мумкинлигини белгилаб беради, холос.

Муҳокама этилаётган мавзу доирасида шуни эътироф этмоқчимизки, "муаммо" тушунчаси икки хил маънода ишлатилади. Кенг қўлланиладиган маънода ушбу тушунча мазмунини "вазифа", "тўсиқ" каби сўзларнинг синоними сифатида талқин этиш мумкин. Илмий нуқтаи назардан эса, "муаммо" тушунчаси қуйидагича шарҳланади: муаммо-илмий билиш жараёни давомида объектив равишда юзага келадиган зиддиятли масала ёки масалалар мажмуи бўлиб, уларнинг топиладиган ечими назарий ва амалий жиҳатдан муҳим саналади. Бу жиҳатдан олиб қаралса, илмий муаммо илмий билиш жараёнининг айна босқичида юзага келган (аниқланган) зиддиятли ҳолатнинг ечимини топиш зарурияти ифодасидир. Аниқланган муаммонинг ечимини излаш илм-фаннинг тегишли соҳасида муайян давр давомида янги-янги билимлар, фактлар тўпланиб қолиши, қонуниятларнинг кашф этилиши, мавжуд назарий таълимотлар негизига мантиқий хато ва камчиликларнинг аниқланиши, амалий фаолият давомида юзага келадиган янги объектив талабларнинг қондирилиши билан узвий боғлиқ объектив жараёндир.

Шундай қилиб, илмий изланиш негизига ётган муаммо мантиқий жиҳатдан аниқланган зиддиятли ҳолат моҳияти ва хусусиятидан келиб чиқади. Аниқланган зиддиятли ҳолат моҳиятидан бевосита илм-фан учун аҳамиятли бўлган алоҳида жиҳат(сифат ва белги)лари ажратиш олиниб-илмий билиш жараёнининг объектига айлантирилади.

Илмий тадқиқот негизига муаммо формулировкаси илмий изланишларни эндигина бошлаган тадқиқотчиларнинг фаолиятида жуда муҳим дастлабки босқич бўлгани сабабли (илмий муаммони тўғри формулировка қилишни билмайдиган ёш тадқиқотчилар охир-оқибатда мантиқий жиҳатдан номукамал, изчил бўлмаган фикр-мулоҳаза юритадилар - муҳаррир) қуйида илмий муаммолар юзага келиши мумкин бўлган типик ҳолатларга қисқача тавсиф бериб кетмоқчимиз;

- аксарият ҳолларда ички зиддиятли ҳолат илм-фаннинг муайян соҳасидаги назарий билимлар ва тўпланган янги фактлар ўртасидаги номувофиқлик негизига пайдо бўлади.

- илмий муаммолар тадқиқотни амалга ошириш услуб(лар)и ҳамда предмети ўртасидаги номувофиқлик натижасида вужудга келади;

- жуда кўп ҳолларда илмий муаммо бир турдаги воқеликнинг моҳиятини турлича талқин қилувчи назарий қарашлар ўртасида вужудга келади;

- ички зиддиятли ҳолатлар тадқиқотчилар динамик хусусиятли объектларни ўрганишига тўғри келгани туфайли пайдо бўлади.

Илмий муаммонинг мазмун-моҳиятини таҳлил қилишга ўтишдан илгари яна бир бора таъкидлаб ўтмоқчимизки, муайян предмет (объект) ҳақидаги билимларни ривожланти-

риш жараёнида уларнинг негизидан ички зиддиятларни аниқлаш бирдан-бир (асосий) мақсад эмас, ички зиддият(лар)ни аниқлаш илмий изланиш жараёнининг дастлабки босқичи ҳолос. Бундан кейинги муҳим масала илмий муаммони белгилаш (аниқлаш)дан иборат.

Илмий муаммо деганда, илмий изланишларни олиб бориш жараёнида аввалги билимларга қўшимча янги билимларни ҳосил қилмасдан туриб ҳал этиб бўлмайдиган мураккаб масала тушунилади. Бу нуқтаи назардан олганда, илмий муаммо илмий изланиш жараёнида ҳал этилиши лозим бўладиган вазифа(лар) билан уйғун бирикиб кетиши мумкин.

Илмий муаммо хусусида машҳур немис мутафаккири И.В.Гёте жуда ифодали фикр билдирган: "Илмий характер касб этувчи икки қарама-қарши фикр-мулоҳазалар орасида ҳақиқат ётади, деб айтишади. Бу мутлақо асоссиз гап! Аслида улар орасида илмий изланишни бошлаш учун асос бўладиган муаммо ётибди". Баъзида илмий муаммо билан вазифа ўртасида фарқ бўлиши ҳам мумкин. Шунинг эътиборга олиб алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, илмий изланиш негизидаги вазифа(лар) деганда, мавжуд назарий қарашларни таҳлил қилиш воситасида ҳал этилиши мумкин бўладиган масала назарда тутилади. Том маънодаги илмий муаммо эса, одатда, янги назария(лар)ни кашф этишни тақозо қилади.

Албатта, тўпланган назарий билимлар ҳамда илмий асосда ўрганилган янги фактлар ўртасида ички зиддиятли ҳолат аниқланганида илмий муаммони аниқлаш анча осон кечади. Шунингдек, икки қарама-қарши фикр-мулоҳазалар ўртасидаги ички зиддиятдан келиб чиқиб ҳам илмий муаммони белгилаш нисбатан енгил кечади. Аммо, илмий тадқиқот услуби ва предмети ўртасида ички зиддият аниқланган ҳолатларда илмий муаммони белгилаш анча қийин кечади. Бу типдаги қийинчиликни енгил учун ҳар қандай илмий тадқиқот жараёни давомида бажариладиган иш тартиблари ўз имкониятлари жиҳатидан анча чекланганини ва шу билан бирга, тадқиқот объекти сифатида олиб қараладиган инсоний фаолиятни ўрганиш жараёнлари ниҳоятда мураккаблигини ёд тутиш зарур. Энг муҳими, тадқиқотчи ўзининг илмий фаолиятига нисбатан танқидий назар билан қарашни уддалаши лозим.

Илмий муаммони белгилашда тадқиқот объектининг ривожланиш жараёни негизида кузатиладиган ички зиддият асосидаги муаммони аниқлаш энг қийин масала ҳисобланади.

Қуйида илмий муаммоларнинг таснифига қисқача тўхталиб кетмоқчимиз. Муаммолар қуйидаги белгилар бўйича таснифланади:

- илмий тадқиқот **объект(лар)**и билан боғлиқ муаммолар;

- илмий тадқиқот **предмети** билан боғлиқ муаммолар (ҳаммаси бўлиб А типидagi предметлар қанча, деган саволга жавоб излашга тўғри келганида). Бунда объект сифатида тадқиқот объектилари ҳақидаги билимлар майдонга чиқади. Бу жиҳатдан илмий изланиш учун асос бўладиган муаммолар эмпирик ва концептуал характер касб этиши мумкин. Эмпирик тадқиқотлар жараёнида объектга тааллуқли турли маълумотлар изланади. Бу жараён давомида экспериментлар ўтказилиши, ўлчамлар бажарилиши, кузатувлар олиб борилиши мумкин. Концептуал характердаги тадқиқотлар жараёнида тўпланган маълумотларни структуралаш ва шарҳлаш каби операциялар амалга оширилади;

- илмий тадқиқот **процедуралари** билан боғлиқ муаммолар (ҳаммаси бўлиб А типидagi предметлар қанчалигини қандай қилиб аниқлаш мумкин, деган саволга жавоб излашга тўғри келганида). Бунда объект сифатида илмий билимларни ҳосил қилиш ёки тўпланган маълумотларни баҳолаш жараёнлари олиб қаралади. Бу жиҳатдан илмий изланиш учун асос бўладиган муаммолар методологик ва баҳолашга асосланувчи характер касб этиши мумкин. Методологик тадқиқотни амалга ошириш жараёнида илмий изланишни бажариш жараёнлари режалаштирилади (масалан, ўлчам бирликларини аниқлаш, экспериментни амалга ошириш тартибини ишлаб чиқиш). Бунда тажриба асосида тўпланган маълумотларнинг илмий жиҳатдан тўғрилиги ҳамда яратилган назарий таълимотларнинг етарлича идрок этилганлигини баҳолаш лозим бўлади;

- илмий муаммоларнинг тўғрилиги (чинлиги, аниқлиги) ва илмий жиҳатдан ҳал этилиши мумкинлиги нуқтаи назаридан баҳоланиши. Бунда илмий жиҳатдан ҳал этилиши мумкин бўлган муаммолар - натижасига кўра чин (тўғри), ҳақиқатга яқин ёки нотўғри бўлиши мумкин. Баъзи бир воқелик (объект)ларни реконструкция қилишга тўғри келса, ёхуд бу воқелик (объект) қадим ўтмишда кузатилган бўлса, илмий жиҳатдан ҳал этилиши мумкин бўлмаган муаммолар жумласига кириртилади. Тўғри (чин, аниқ) бўлмаган муаммолар илмий жиҳатдан ҳал этилиши мумкин бўлмаган муаммолардан шуниси билан фарқланади: сохта (фараз қилинган) муаммоларнинг асосига ётган фикр(лар) чин (аниқ) бўлмайди, илмий жиҳатдан ҳал этилиши мумкин бўлмаган муаммоларнинг негиздаги фикр(лар) эса аксинча, чин (тўғри, аниқ) бўлади.

Илмий муаммонинг тўғри(чин, аниқ)лиги мутлақ даражада ифодаланган бўлса, муаммонинг ҳал этилиши нисбий характер касб этади. Мисол учун, табиатан асл бўлмаган металлларнинг асл металлларга айланиши билан боғлиқ масалани кимёвий усуллар воситасида ҳал этиб бўлмайди, бироқ атом физикасида бу масаланинг ижобий ечимини топиш мумкин. Газсимон модданинг таркибидаги барча молекулаларнинг ҳаракатланиш тезлигини қайта тиклаш мумкин эмаслиги илмий жиҳатдан ҳал этилиши мумкин бўлмаган муаммоларга мисол бўла олади. Тўғри (чин, аниқ) бўлмаган муаммолар пировард натижада илм-фаннинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Эмпирик фанларда илмий муаммоларнинг тўғри (чин)лигидан кўра илмий муаммо (фараз) асосига ётган фикр(лар)нинг чинлигини аниқлаш усуллари кўпроқ аҳамият касб этади.

Журналимизда чоп этишга рухсат этиладиган мақолаларнинг илмий аппаратига нисбатан илгари суриладиган талаблар

"Жамият ва бошқарув" журналі давлат ва жамият бошқаруви, қарорлар қабул қилиш назарияси, миллий ва иқтисодий хавфсизлик, стратегик менежмент, жамият ва сиёсат социологиясига оид актуал масалалар муҳокамасига бағишланган, тизимли таҳлил асосида, мантиқий жиҳатдан асосли, илмий услубда ёзилган, фундаментал, методологик, концептуал ёки проблематик характердаги мақолаларни қабул қилади. Мақолаларнинг илмий аппарати алоҳида эътибор қаратилиши керак. Ушбу ўринда мақоланинг "илмий аппарати" тушунчасининг мазмун-моҳиятига қисқача таъриф бермоқчимиз: илмий аппарат деганда, илмий тадқиқотни амалга оширишга имкон берадиган мантиқий фикрлаш изчиллиги, шу асосда бажариладиган операциялар кетма-кетлиги тушунилади. Тўғри ташкиллаштирилган илмий аппарат тадқиқотчига танлаб олинган мавзу бўйича илмий изланишларни амалга оширишга имконият яратиб беради. Илмий аппарат мавзу танлаб олиниб тасдиқланганидан кейин шакллантирилади. Одатда, илмий аппарат шундай кўринишга эга бўлади: тадқиқотнинг стратегик йўналишлари (мавзу доирасида мавжуд зиддият(лар)ни аниқлаш ва улар негизида пайдо бўладиган муаммони белгилаб олиш, шундан кейин тадқиқот мақсадларини ифодалаш); технологик операциялар - тадқиқот объектини, предметини, ишчи гипотезани, тадқиқот негизидаги вазифаларни, манбаларни ифодалаш; аналитик операциялар: тадқиқот мавзусининг илмий жиҳатдан янгилиги, тадқиқот учун асос қилиб олинаётган фикр-мулоҳаза (гипотеза)ларнинг назарий ва амалий жиҳатдан аҳамияти, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ғоялар, тадқиқот натижаларининг ҳаққонийлиги, апробацияси ҳақида мухтасар маълумотлар берилиши керак. Мақолада юқоридаги талаблар мухтасар ҳолатда ифодаланиши керак.

Таҳририятга тақдим этиладиган материаллар қуйидаги асосий шартларга жавоб бериши лозим:

1. Мақоланинг матни Word 2003 версиясига тайёрланиши.
2. Шрифт - Times New Roman, шрифт кегели (ҳажми) 14 бўлиши.
3. Сатрлар орасидаги масофа 1,5 бўлиши.
4. Диаграмма, расм ва жагваллар фақат оқ/қора ёхуд кулрангга берилиши.
5. Мақоланинг тузилиши қуйидагича бўлиши керак: аннотация (2-3 абзацдан ошмасин), кириш, асосий қисм, хулоса, фойдаланилган адабиётлар.
6. Иқтибослар мақоланинг охирида берилди (аввал манбалар, кейин адабиётлар); уни алфавит бўйича эмас, матн ичига келтирилган тартиб бўйича бериш керак.
7. Мақоланинг умумий ҳажми - 15 бетгача, тезислар учун - 7 бетгача.
8. Муаллиф(лар)нинг исми-шарифи, иш жойи, илмий унвони, илмий даражаси, алоқа учун маълумотлар аниқ кўрсатилиши керак.
9. Мақолалар фақатгина электрон почта орқали қабул қилинади. Таҳририят ходимлари мақоласини чоп этмоқчи бўлган муаллифлар билан бевосита мулоқотга киришмайди.
10. Журналимиз талабларига жавоб бермайдиган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. Материални чоп этиш ёки этмаслик ҳақида қабул қилинган қарор юзасидан ҳеч қандай изоҳ берилмайди.

Материалларни тайёрлашда журналимизнинг тахминий мавзулари билан танишиб чиқиш тавсия этилади. Таҳририятимизга келиб тушган мақолаларнинг чоп этилиши ёки чоп этилмаслиги ҳақидаги қарорни Таҳрир ҳайъати қабул қилади.

**Мақолаларни қуйидаги электрон почтага юборинг: www.journal@dba.uz
ёки rustamovB@dba.uz**

Босишга рухсат этилди 07.03.2015 й.
Бичими 60x84 1/8.
Шартли босма табағи 8.
Тиражи 500 нусха.
Тошкент, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 45.

